

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 8С (Ўз1) С52 Esh91

**ЭШОНҚУЛОВА СУРАЙЁ ИСОМИДДИНОВНА**

**НОДИРАНИНГ БАДИИЙ МАҲОРАТИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун**  
**тақдим этилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий маслаҳатчи:**  
**филология фанлари доктори, профессор**  
**Адизова Иқболой Истамовна**

**ЖИЗЗАХ - 2022**

## МУНДАРИЖА:

**КИРИШ.....3**

### **I БОБ. НОДИРА БАДИИЯТ ОЛАМИНИ ШАКЛЛАНТИРГАН ОМИЛЛАР**

- 1.1. Нодира тафаккурини шакллантиришда Қўқон адабий муҳитининг таъсири.....16
- 1.2. Шоира шеъриятининг диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ва ахлоқий асослари.....32
- 1.3. Нодира ижодида адабий анъана ва ўзига хослик.....49  
Боб бўйича хулосалар.....65

### **II БОБ. НОДИРА ШЕЪРИЯТИДА ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ**

- 2.1. Шоира шеъриятида лирик қаҳрамон руҳияти тасвири.....66
- 2.2. Образларда ҳаётий талқин ва бадиийлик.....93  
Боб бўйича хулосалар.....112

### **III БОБ. АНЪАНАВИЙ ЖАНРЛАР ВА ИЖОДИЙ ТАЛҚИН**

- 3.1. Нодира шеъриятининг жанрий таркиби.....113
- 3.2. Шоира лирикасида ғазал жанри такомилли.....142
- 3.3. Бандли шеърлар талқини.....162  
Боб бўйича хулосалар.....179

### **IV БОБ. НОДИРА ИЖОДИДА ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

- 4.1. Шоира лирикасида маъно ва бадиий санъатлар уйғунлиги.....181
- 4.2. Шеърий санъат воситаларида бадиийлик мезонлари.....211  
Боб бўйича хулосалар.....247

**ХУЛОСА.....248**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....252**

## КИРИШ

### КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида бадий тафаккурнинг тадрижий ривожини ўрганиш, адабий-тарихий, миллий ва диний қадриятларни ўзида акс эттирган назмий асарларни тадқиқ этиш ва уларни илмий истеъмолга олиб кириш устувор масалалардан саналади. Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган нодир асарларни юксак бадиият мезонлари асосида ўрганиш, ижодкор шахси ва бадий маҳоратини илмий-адабий жараён контекстида ёритиш, поэтик оламининг шаклланиши, такомиллашуви омиллари хусусиятларини изчил тадқиқ қилиш миллий адабиётимиз ва унинг тараққиёт тамойилларини ёритиш имконини беради.

Дунё шеършунослик тарихида шоирларнинг ижодий лабораторияларини ўрганиш ва шахсияти масаласига бўлган муносабатни давр кесимида баҳолаш, адабий меросининг бирламчи манбаларини излаб топиш ва ўрганиш изчиллик билан давом этмоқда. Мумтоз меросимиз намуналарининг шу нуқтаи назар асосида ўрганиб баҳоланиши адабиётшунослигимиздаги кўплаб илмий муаммолар ечимига олиб келганлиги билан муҳим ва долзарбдир.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек адабиётшунослигида миллий меросимизни изчил ўрганиш, таҳлил этиш, ундан жамият маънавиятини юксалтириш йўлида фойдаланиш муҳим йўналишга айланди. Зеро, "...ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўп қиррали бу мавзуни бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш катта аҳамиятга эга"<sup>1</sup>. Кенг қамровли, теран

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги // Халқ сўзи. 2018 йил 8 август.

моҳиятни ўзида мужассамлаштирган соҳиби девон, зуллисонайн шоира Моҳларойим – Нодира шеърятининг фалсафий-ирфоний маънолардан холи эмас. Нодира шеърятининг кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос ўрни бор. Шоира лирикасининг тарихий, диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ва маънавий-ахлоқий асосларини ўрганганимизда, шоиранинг салафлар ижодига муносабати ҳамда бадиий тафаккурнинг янгиланиш тамойиллари масалалари: анъанавийлик, ижодий индивидуаллик, лирик қаҳрамони руҳияти тасвири, образларининг ўзига хос яратилиш тамойиллари, яратиларидаги ҳаётийлик, бадиийлик шоира шеърятининг жанрий таркиби, такомилли, бадиий маҳорат, услубий изланишлар, шакл ва мазмун уйғунлиги каби ўнлаб масалалар алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилади. Диссертациянинг вазифаси сифатида мазкур муаммоларни махсус ва ҳар томонлама ўрганишнинг қўйилиши тадқиқотнинг янгиланиши ва долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон “Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонун ва ушбу соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>**

Жаҳон адабиётшунослигининг Шарқ мумтоз адабиёти, адабий муҳит ва анъаналар, поэтик образлар олами, шеърятда бадий санъатлар, аруз ва қофиянинг ўрни каби муҳим муаммоларни ўрганиш борасидаги тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида, хусусан, Ankara Universitesi, Istanbul Universitesi (Туркия); Oxford, Kемbridj universitetlari (Буюк Британия); Балх давлат университети (Афғонистон); Aligarh Muslim University, Delhi University (Ҳиндистон); Azerbaycan milli elmler akademiyasi Nizami adina adabiyat institute (Озарбайжон); Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия); Институт Востоковедение АН Украины им. А.Крымского (Украина); Институти забон, адабиёт, шарқшиносӣ ва мероси хаттии ба номи Рӯдакӣ (Тожикистон); ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат Шарқшунослик университети, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Чирчиқ давлат педагогика университетидан олиб борилмоқда. Дунё шеършунослигида анъанавийлик ва ўзига хослик, лирик қаҳрамон руҳияти тасвиридаги ранг-барангликлар, ўзига хосликлар, шеърӣ санъатларнинг поэтик вазибалари, адабий анъана, ижод жараёни ва такомилли

---

<sup>1</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://arts.unimelb.edu.au/nceis>; <https://www.westernsydney.edu.au>; <https://sllc.umd.edu/persian/about>; <http://nelc.uchicago.edu>; <https://nelc.osu.edu>; <http://ut.ac.ir>; <http://www.um.ac.ir>; <https://www.amu.ac.in>; <http://www.du.ac.in/du>; <http://www.istanbul.edu.tr/tr>; <https://www.ankara.edu.tr>; <http://gazi.edu.tr>; <https://www.orientalstudies.az/ru>; <http://literature.az/?lang=aze>; <http://www.kaznu.kz/ru>; [www.iaas.msu.ru](http://www.iaas.msu.ru); <https://www.ivran.ru>; <https://spbu.ru>; [www.orient.spbu.ru/ru](http://www.orient.spbu.ru/ru); <http://www.orientalstudies.ru>; <http://oriental-studies.org.ua/uk/home>; <http://zoa.dmt.tj>; <http://iza.tj/ru/institut-yazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-im-rudaki>; <http://tashgiv.uz/ru/>; <http://navoiy-uni.uz/uzk>; <http://> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

муаммолари ёритилган (Оксфорд университети, تهران دانشگاه, İstanbul Üniversitesi, Gazi Üniversitesi, Azərbaycan milli elmler akademiyası Nizami adına ədəbiyyat İnstitutu, Институти забон, адабиёт, шарқшиносӣ ва мероси хаттии ба номи Рӯдакӣ, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Чирчик давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика университети).

Жаҳон адабиётшунослигида ижод жараёни босқичлари ва ижодий лаборатория хусусиятларини янгича ёндашув ва концепциялар ёрдамида тадқиқ этиш учун қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: Шарқ мумтоз поэтикасининг ўзига хос хусусиятлари, лирик жанрларнинг анъанавий қонуниятлари ва тарихий такомил босқичлари, тасаввуф таълимоти, тимсолларнинг рамзий маънолари, мумтоз шеърятда поэтик анъана синтезининг намоён бўлиш мезонларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида бадий маҳорат поэтикаси бўйича бир қатор тадқиқотлар яратилган. Дунё мамлакатларининг бир қатор адабиётшунос файласуфлари: Аристотель, В.Г.Белинский, М.Горький, М.Бахтин; И.Брагинский, А.Потебня, Е.Э.Бертельс, С.Б.Серябрянов, В.Я.Брюсов, А.С.Бушмин, Ф.В.Гегель, Р.Ф.Гринберг, Р.Ф.Ржевская, И.В.Роднянская, Elhas – Mehmed Kemal Pilavoğlu, A.I.Gulpinarli кабиларнинг бадийлик муаммоларига бағишланган тадқиқотлари фикримизни асослайди<sup>1</sup>.

Истиклол йилларида бу типдаги тадқиқотларга бўлган қизиқишнинг ва эҳтиёжнинг ортиши, бадийликка бўлган муносабатларнинг ижобий самаралари алоҳида қайд этилмоқда. Ўзбек адабиётшунослигида А.Қаюмов,

---

<sup>1</sup> Аристотель. Поэтика. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980; Белинский В.Г. Поэзиянинг жинс ва турларга бўлиниши. Ойбек таржимаси. –Т.: Ўздавнашр, 1955; Горький М. О литературе. –М.: Гослитиздат, 1955; Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. –М.: Художественная литература, 1975; Брагинский.И. Из история таджикской народной поэзии. –М.: Наука, 1956; Потебня А. Психология поэтического мышления. (Из лекций А.Потебни.Ст.сост. по студенческим записям лекций... Б.Лезиным). –Харьков: 1914. <https://relstud-hist.spbu.ru/articles/potebna-aleksandr-afanasevic>; Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965; Серябрянов С. Ибн Сино (Авиценны) о любви. –Тбилиси, 1976; Брюсов В. Сочинение в двух томах. Том II, –М.: Художественная литература, 1987; Бушмин А. Наука о литературе. Проблемы. Суждения. Споры. –М., 1980; Гегель Ф. Эстетика. Том-3. –М.: Искусство, 1971; Гринберг Р. Об искусстве. – М., 1971; Ржевская Р. О семиотических исследованиях литературоведении // Семиотика и художественная творчество. –М.: Наука, 1977; Роднянская И.В. Художественность КЛЭ., т.8. – М.: Искусство, 1975; Elhas – Mehmed Kemal Pilavoğlu. Tasavvuf va ahlak. –Ankara, 1985; Gulpinarli A. I. Tasavvuf'tan dilimize decin degimler ve ataso'zleri. –Istanbul, 1977.

А.Рустамов, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов, Ҳ.Ҳомидов, С.Ҳасанов, И.Ҳаққулов, Б.Тўхлиев, М.Қодирова, С.Рафиддинов, Й.Солижонов, Д.Салоҳий, Н.Жумаҳўжа, И.Адизова, Ҳ.Эшонқулов, З.Қобилова, М.Ражабова, М.Ҳошимхонов сингари олимлар ўз илмий тадқиқотларида поэтикага доир қарашларни баён этишган<sup>1</sup>. Шу билан бирга насрий асарлар поэтикаси ҳақида назарий қарашларни илгари сурган И.Султон, Б.Валихўжаев, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Д.Қуронон, У.Қосимов, А.Сабридинов, И.Ёқубов, З.Пардаева, У.Қобилов каби адабиётшуносларнинг тадқиқотлари ҳам муҳим саналади<sup>2</sup>.

Бу илмий манбалар Нодира асарларининг поэтик хусусиятларини яхлит адабий жараён контекстида монографик йўсинда тадқиқ этишга ёрдам беради. XX аср бошларига келиб шоира ижодига жиддий эътибор қаратила бошланди. Таржимаи ҳоли, ижодий меросига оид бир қатор тадқиқотлар кенг жамоатчиликка маълум қилинди<sup>3</sup>. XX аср нодирашуносликда шоира

<sup>1</sup> Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. –Т.: Фан, 1961; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979; Ҳайитметов А. Мерос ва ихлос. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Т.: Фан, 1974; Ҳомидов Ҳ. Авесто файзлари. –Т.: Ўқитувчи, 1988; Ҳасанов С. Поэма “Сабаи сайёр” (Семь скитальцев) Алишер Навои в сравнительно-типологическом освещении: автореф. Дисс. ... доктора филологических наук. –Т., 1990; Ҳаққулов И. Шеърят – рухий муносабат. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989; Тўхлиев Б. Таҳлил ва талқин уйғунлиги /Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009. 23-сон; Қодирова М. Шеърят ва муҳаббат маликаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1997; Рафиддинов С. Атоийнинг поэтик маҳорати. Филология фанлари номзоди ... дисс. –Т., 1993; Солижонов Й. Лирика латофати, насрининг назокати. –Т.: Адабиёт учқунлари, 2018; Салоҳий Д. Тасаввуф ва бадиий ижод. Ўқув қўлланма. –Т.: Наврўз, 2018; Нусратулло Атоулло ўгли Жумаҳўжа. Миллий мустақиллик мафқураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърятини асосида): Филол. фанлари д-ри ... дисс. –Т., 1999; Адизова И. Увайсий шеърятини поэтик тафаккурнинг янгиланиши. Филол. фанлари доктори (DSc)... дисс. –Т., 2020; Эшонқулов Ҳ. Алишер Навоий ғазалиётида ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили (“Ҳазойин ул-маоний” мисолида). Филол. фанлари доктори (DSc)... дисс. –Т., 2020; Қобилова З. Бадиий ижодда таъсир ва издошлик масалалари (Амирий шеърятини мисолида). Филол. фанлари доктори (DSc)... дисс. –Фарғона, 2020; Ражабова М. Алишер Навоий ижодида фольклор жанр, мотив ва образлари стилизацияси. Филол. фанлари доктори (DSc)... дисс. ... автореф. – Бухоро, 2021; Ҳошимхонов М. Бобораҳим Машрабнинг ижодий меросининг илмий-бадиий адабиётдаги талқини (XVII-XVIII асрлар). Филол. фанлари доктори (DSc)... дисс. ... автореф. –Жиззах, 2022.

<sup>2</sup> Султон И. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1986; Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. I-II жилд. –Т.: Халқ мероси, 2002; Қўшжонов М. Абдулла Қахҳор маҳорати. –Т.: Адабиёт ва санъат. 1988; Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. –Т.: Шарқ. 2004; Сабридинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати. GlobeEdit, 2020; Қуронон Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Т.: Шарқ, 2004; Қосимов У. Ўзбек адабиёти ва танқидчилиги тарихидан лавҳалар.-Т.: Иқтисод-молия. 2006; Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз сеҳри. –Т., 2011; Пардаева З. Бадиий-эстетика тафаккур ривожини ва ўзбек романчилиги. –Т.: 2002; Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. –Т.: Нихол, 2008.

<sup>3</sup> Лутфулла Олим. Нодира // Билим ўчоғи, 1923. № 2 (3). –Б. 7–8; Айний С. Нодира. Намунаи адабиёти тоҷик, 1926; Ўткир Рашид. Нодира // Ёркин ҳаёт, 1940. № 4. –Б. 12–15; Яна ўша. Нодира, Увайсий, Махзуна. (Ватанимизнинг ажойиб кишилари ҳақида сўхбатлар). 1949; Зуннун Х. Шоира Нодирахоним / Ўқитувчи газетаси, 1946. 17 май; Алавия М. Нодира // Ўзбекистон хотин-қизлари, 1957. № 4. – Б. 26–27; Жалолов Т. Ўзбек шоиралари. –Т.: Ўзадабийнашр, 1959; Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. –Т.: Ўзадабийнашр, 1961; Яна ўша. Уч машҳур шоира //Шарқ юлдузи, 1957. № 4. –Б. 83–87; Уч шоира (Увайсий, Нодира, Махзуна) / Тузувчи Ўткир Рашид. –Т.: Ўз адабийнашр., 1958; Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити (XVIII–XIX

ижодини атрофлича ўрганилганлиги билан ажралиб туради. Нодира ҳасби холи, шеърятининг ўзига хос хусусиятлари, девони қўлёзмалари, асарларидаги тарихий образлар тизими адабиётшунос олимлар томонидан турли аспектларда тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида ҳам шоира шахсияти ва шеърятини ёритишга қаратилган кўплаб илмий ва оммабоп мақолалар эълон қилинган<sup>2</sup>. Қайд этилган тадқиқотларда Нодира шахсияти, дунёқараши, асарлари борасида турли йўналишларда, турли муносабатлар билан фикр-мулоҳазалар баён этилган. Биз ўрганишни мақсад қилган шоира бадиий маҳорати масаласи алоҳида махсус диссертация мавзуси сифатида тадқиқот доирасига тортилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Чирчиқ давлат педагогика университети истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2-сон “Мумтоз шеър поэтикаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари” (2017-2022 йй.) йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Нодира адабий меросининг адабий муҳитдаги ўрнини аниқлаш, шоира ижодининг асосий жанрлари, ғоя ва мавзуларини белгилаш, ижодкорнинг воқеликка муносабати, даврни бадиий идрок этиш

---

асрлар): Филол. фан. докт. ... дисс. –Т., 1961; Қодирова М. Нодира ҳаёти ва ижоди: Филол. фан. ном. ... дисс. –Т., 1961; Қодирова М. XIX аср шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдири: Филол. фанлари д-ри ... дис. –Т., 1975; Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. –Т.: Ўқитувчи, 1998.

<sup>1</sup> Каюмов А. Нодира. –Т.: Ўздавнашр. Миллий адабиёт нашриёти, 1958; Яна ўша. Нодира (XIX аср биринчи ярмидаги сўз усталаридан бири шоира Нодира ҳақида) //Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1958. № 1. – Б. 35–45; Яна ўша. Қўкон адабий муҳити (XVIII–XIX асрлар). –Т.: ЎЗР ФА, 1961; Нодира. Девон (ўзбекча ва форс–тожик тилидаги ғазаллари) / Нашрга тайёрловчи М. Қодирова. –Т.: Ўз РФА, 1963; Кадырова М. Надыра. –Т.: Фан, 1967; Нодира. Асарлар. Икки жилдлик. I китоб. –Т.: Бадиий адабиёт, 1968; Нодира. Асарлар. Икки жилдлик. II китоб. –Т.: Бадиий адабиёт, 1971; Нодира. Эй сарви равон: Ғазаллар / Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи М.Қодирова. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт–матбаа бирлашмаси, 1992; Нодира–Комила. Девон. Халқ мероси, –Т.: 2001; Нодира–Комила. II китоб. –Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2004; Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мафқураси ва адабий мерос (XVII–XIX асрлар ўзбек шеърятини асосида). Филол. фан. докт. ...дисс. –Т., 1999; Эшонкулова С. Нодира шеърятини тарихий образлар талқини. Филол. фан. ном. ...дисс. – Т., 2011.

<sup>2</sup> Абдушукурова С. Шоиранинг тақдири // Ўзбекистон–Contact, 1993. № 9 (12). –Б. 26; Эргаш Қ. Анда бир оқил кўкалдош / ЎзАС, 1993. 15 январь; Абдуғафуров А. Кошки уйқуда бир кўрсам эди ёримни / ЎзАС, 1994. 6 май; Мирза Карим. Моҳларойим. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994; Бобораҳимов М. Моҳларойим ҳақида дардли кўшиқ /Халқ сўзи, 1994. 3 ноябрь; Яна ўша. Нодира шеърятига таъзим //Ўзбекистон матбуоти, 1995. № 1. – Б. 49; Мадаминов А. Маърифатпарвар сиймо /ЎзАС, 1994. 6 май; Саломат Вафо. Баландлик / ЎзАС, 1994. 6 май; Баубекова Г. Мутафаккир аёллар ва тарбия // Гулистон, 2000. № 2. – Б. 43.; Кўнчи Шарофиддин (Туроб Ш.) Нодирабегим / Миллий тикланиш, 2004. 16 июль; Назруллаева Д. Нодираи даврон фиғони // Жаннат макон, 2006. № 5. – Б. 44–49.; Юнусова З. Нодираи Даврон / Ватанпарвар, 2007. 25 май.



даражасини аниқлаш, анъанавийлик ва ўзига хослигини бадиий маҳорат нуқтаи назаридан очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Моҳларойим – Нодира бадиият оламини шакллантиришда Қўқон адабий муҳити, диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий, маънавий-ахлоқий, туркий ва форс-тожик адабиёти намояндаларининг таъсирини асослаш, шоира асарларидаги ғоявий-бадиий тадриж тараққиётида шоира услуби ва ижодий ўзига хосликнинг шаклланиш жараёнини очиб бериш;

Нодира ижодида ишқ тасвирида лирик қаҳрамоннинг руҳияти, калбидаги дард ва муҳаббат туфайли инсонда кечаётган кўнгил изтироблари талқинини ўзгача уйғунликда тасвирлашда шоиранинг индивидуал ифода тамойилларини ёритиб бериш;

соҳиби девон – шоира Нодира девонлари жанрий таркибидан жой олган анъанавий лирик жанрлар, хусусан, татаббуъ, тахмис, таъби худ мухаммас ва тазмин ва бандли шеърлар – қасида, таржеъбанд, таркиббанд ва мусамматнинг табиати ва талаблари билан боғлиқ ҳолда шоира ижоди поэтикасининг етакчи жиҳатларини аниқлаш;

шоира лирикаси образлар тасвирида маъно, бадиий санъатлар уйғунлигини фикр ва туйғунинг юксак ифодаси сифатида, яъни бадиийликнинг мезонлари – истеъдод, анъана, янгилик, маҳорат ва таъсирдорлик асосида таҳлил этиш;

шоира лирикасида ёритилган инсон ички олами, комил инсонга хос интилишлар, шунингдек, адолат, эзгулик, ҳақиқат сингари умуминсоний ғоя ва қадриятларнинг бадиий ифодасини асослаш.

**Тадқиқот объекти сифатида** Моҳларойим – Нодира девонларининг ҳозиргача нашр этилган барча нусхалари, шунингдек, шоира девонининг ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 4182, 7766-рақамли ва ЎзР ФА Давлат адабиёт музейи фондидаги 139-рақамли қўлёзма нусхалари танланган.

**Тадқиқотнинг предметини** Нодира бадиий маҳоратини анъана ва новаторлик, маъно ва бадиий шакл уйғунлиги, бадиий санъатларни қўллаш маҳорати, образлар олами, лирик қаҳрамон табиати, янгича тафаккур тарзи, адабий таъсир ва ўзига хослик, ижодкор услубини аниқлаш заминиди ўрганиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тарихий-қиёсий, биографик, комплекс таҳлил, герменевтик усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Моҳларойим – Нодиранинг ўзбек ҳамда форс-тожик тилидаги шеърларида мумтоз анъана ва унга индивидуал ёндашув, ижодкор услуби, ижодий талқин, инсон тақдирининг бадиий мушоҳадасига кўра ижодкор янгича тафаккури ва ифода тарзининг намоён бўлиши асоси эканлиги далилланган;

ижодкор асарларида тарихий, диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ва ахлоқий қарашларнинг чуқур ҳаётий ва ирфоний маънолардан холи эмаслиги, етакчи мавзу ишқ масаласининг умуминсоний олий идеаллар – соф муҳаббат ва одамийлик идеалларининг янгича талқинлари сабабли олам, одам ва Аллоҳ муносабатларини ўзида уйғунлаштирган шеърларининг теранлик касб этиши очиқ берилган;

Нодира шеърининг образлар тизимининг янгиланишида тарихийлик ва илоҳийликнинг уйғунлашуви, лирик қаҳрамон табиатининг такомиллашуви, ўзига хос иймон-этиқодли, юксак маънавиятли, ботиний ва зоҳирий сийратли характер хусусиятлари, *ошиқ*, *ориф*, *дўст* тимсоллари билан инсон кадр-қиммати учун қайғурувчи муносабати, образларда руҳий изтироблар тасвири, ҳаётий талқин ҳамда фикр ва туйғу уйғунлиги бадиийлик тамойиллари орқали аниқланган;

Моҳларойим шеърининг ғазал ва мусаммат жанрининг турлари: мухаммас, мусаддас, мусамман, муашшар фироқнома, шунингдек, таржеъбанд, таркиббанд, қасида жанрий таркиби, анъанавий мавзуларнинг бадиий талқин даражаси, бандли шеърлар талқини, анъана, янгилик ва

махорат учлиги, татаббуъ-назираларда мавзу, ғоя, образ, тасвирий воситалар, кофия, радиф, вазн ва услубий муштараклик ҳамда ранг-баранглиги асослаб берилган;

шоира ижодидаги анъана, янгилашиш мезонлари, ижодкор тафаккур тарзи, маъно ва бадий санъатлар уйғунлиги, руҳият тасвирида шеърий санъатларнинг ўрни, уларнинг ижодкор бадий ниятини амалга оширишда теранлик касб этиши шоира ғазаллари ёрдамида исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Салафлар адабий мероси ва Қўқон адабий муҳитининг Нодира бадиият олами шаклланишидаги ўрни кўрсатилган;

Нодира асарларининг диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ва ахлоқий асослари аниқланган;

шоира шеъриятида лирик қаҳрамон руҳияти тасвиридаги ранг-баранглик, ўзига хосликлар ҳамда фарқли ва муштарак жиҳатлар ойдинлаштирилган;

Нодира шеъриятининг ғоявий-бадий такомилли, жанрий хусусиятлари, образлар тизими билан боғлиқ ҳаётий талқин ва бадийлик масалалари изчил ёритилган;

шоиранинг шеърий санъатларни қўллашдаги маҳорати ва маъновий уйғунлик масаласи очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асослангани, танлаб олинган ижодкор асарлари тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар психологик, герменевтик, қиёсий-типологик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қараш ва илмий хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилгани, илмий натижа ва хулосалар билан асосланганлигида кўринадди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар, аввало, адабиётшунослик назарияси, шеър санъати илми, аруз поэтикасини ёзишда,

образлар ранг-баранглиги ва руҳият талқини масалаларини ўрганишда, хусусан, шеърятда лирик қаҳрамон руҳияти тасвиридаги ўзига хосликлар, жумладан, фарқли ҳамда муштарак жиҳатларни ўрганиш бўйича ўқув адабиётлар яратишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида ўзбек филологияси йўналишидаги факультетлар учун “Ўзбек адабиёти”, “Мумтоз поэтика асослари”, “Бадий матн поэтикаси”, “Мумтоз адабиёт йўналишлари”, “Адабиёт назарияси” фанларидан дарслик, қўлланмалар яратиш, шунингдек, маъруза, семинар ва амалий машғулотлар мазмунини бойитишда, ихтисослик фанларини тизимли ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Нодиранинг бадий маҳорати бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги асосида:

Моҳларойим – Нодиранинг ўзбек ҳамда форс-тожик тилидаги шеърларида мумтоз анъана ва унга индивидуал ёндашув ижодкор услуби, ижодий талқин, инсон тақдирининг бадий мушоҳадасига кўра ижодкор янги тафаккури ва ифода тарзининг намоён бўлиши асоси эканлиги ҳақидаги хулосалардан Тошкент давлат педагогика университетидан бажарилган А-1-118 рақамли “Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 12 апрелдаги 02-07-343/04–сон маълумотномаси). Натижада амалий лойиҳанинг Навоий ижоди билан Нодира шеърятини кўламини ва маҳорат қирралари борасидаги қиёсий ўрганилиши юзасидан олинган муайян хулосалар билан бойитилишига эришилган;

ижодкор асарларида тарихий, диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ва ахлоқий қарашларнинг чуқур ҳаётий ва ирфоний маънолардан холи эмаслиги, етакчи мавзу саналган ишқ масаласининг умуминсоний олий идеаллар – соф муҳаббат ва одамийлик идеалларининг янги талқинлари

сабабли олам, одам ва Аллоҳ муносабатларини ўзида уйғунлаштирган шеърларининг теранлик касб этиши тўғрисидаги хулосалардан ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтидаги Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 17 январдаги 17-01/116–сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг фольклор ва мумтоз адабиёт қисмининг илмий-назарий фикрлар билан бойитилишига эришилган;

Нодира шеърияти образлар тизимининг янгилашишида тарихийлик ва илоҳийликнинг уйғунлашуви, лирик қаҳрамон табиатининг такомиллашуви, ўзига хос иймон-эътиқодли, юксак маънавиятли, ботиний ва зоҳирий сийратли характер хусусиятлари, *ошиқ*, *ориф*, *дўст* тимсоллари билан инсон кадр-қиммати учун қайғурувчи муносабати, образларда руҳий изтироблар тасвири ҳаётий талқин ҳамда фикр ва туйғу уйғунлиги тўғрисидаги фикрлардан ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида ФА-Ф1-ОО5 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 17 январдаги 17-01/116–сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг адабиётшунослик тарихи тўғрисидаги қисмининг Нодира лирикаси ҳамда мумтоз адабиёт тарихи, адабиётшуносликнинг кўплаб долзарб муаммоларига қаратилган маълумотлар билан бойитилишга эришилган;

Моҳларойим шеърятининг ғазал ва мусаммат жанрининг турлари: мухаммас, мусаддас, мусамман, муашшар фироқнома, шунингдек, таржеъбанд, таркиббанд, қасида жанрий таркиби, анъанавий мавзуларнинг бадий талқин даражаси, бандли шеърлар талқини, анъана, янгилик ва

маҳорат учлиги, татаббуъ-назираларда мавзу, ғоя, образ, тасвирий воситалар, кофия, радиф, вазн ва услубий муштараклик ҳамда ранг-баранглиги ҳақидаги хулосалардан ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 17 январдаги 17-01/116–сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг тарихий адабий жанрлар ҳақидаги илмий-назарий фикр-мулоҳазалар билан бойитилишига эришилган;

шоира ижодидаги анъана, янгилашиш мезонлари, ижодкор тафаккур тарзи, маъно ва бадиий санъатлар уйғунлиги, руҳият тасвирида шеърӣ санъатларнинг ўрни, уларнинг ижодкор бадиий ниятини амалга оширишда теранлик касб этиши ҳақидаги хулосалардан Жиззах вилояти телерадиокомпанияси 2021 йил 12 декабрь куни “Адабий муҳит” кўрсатувида “Ўзбек мумтоз шоираси Нодиранинг поэтик ижодида алоҳида хусусиятлар” мавзусида маърузаси билан иштирок қилган. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг Жиззах вилояти телерадиокомпанияси 2021 йил 22 декабрдаги 02-09/1133-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатув орқали ёшларнинг, томошабинларнинг Нодира ижодиётининг ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотларининг кенгайтилишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 41 та, жумладан, 14 та халқаро, 27 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича 59 та илмий иш нашр этилган, шулардан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия

этилган илмий нашрларда 16 та, жумладан, 12 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертация ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 251 саҳифани ташкил этади.

# **I БОБ. НОДИРА БАДИИЯТ ОЛАМИНИ ШАКЛЛАНТИРГАН ОМИЛЛАР**

## **1.1. Нодира тафаккурини шакллантиришда Қўқон адабий муҳитининг таъсири**

Ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётида Бухоро, Хива адабий муҳити қандай катта аҳамият касб этса, Қўқон адабий муҳити ҳам улар қаторида турадиган даражада юксакдир. Қўқон адабий муҳити кўзга кўринган кўплаб ижодкорлар: Гулханий, Увайсий, Нодира, Махмур, Фазлий, Адо, Фурқат кабиларни етказиб берганлигининг ўзиёқ унинг адабий муҳитлар аро ўзига хос ўрни борлигини белгилайди. Нодира шеърияти ўзининг кенг қамровли моҳиятга эгаллиги, бадий ифоданинг турли ва ноёб усулларидан фойдаланилганлиги билан адабий муҳитда муҳим мақомга эга. Хўш, шоиранинг шеърият оламида ўз ўрнини топишига, ноёб образ яратишдаги ўзига хос муваффақиятга эришишига қандай омиллар таъсир кўрсатган? Бизнингча, Нодира бадиият олами шакллантирган манба сифатида бир неча омилларни кўрсатиш мумкин:

- 1. Нодира ижодига Қўқон адабий муҳити таъсири: а) *Турмуш ўртоғи Умархоннинг саъй-ҳаракатлари; б) Жаҳон отин Увайсий сабоқлари; в) Нодира раҳнамолигида ижод қилган шоиру-шоираларнинг ўзаро адабий алоқадорлиги.***
- 2. Диний-маърифий, диний-илоҳий, фалсафий-тасаввуфий, ахлоқий-маънавий қадрият ва тушунчаларни яхши билганлиги;**
- 3. Шоира ижодига туркий ва форс адабиётининг таъсири;**

Қўқон адабий муҳитининг ўзига хос вакиласи Моҳларойим – Нодиранинг бадий маҳоратини ўрганиш жараёнида, назаримизда, ҳассос шоира ўсиб-улғайган ва уни тарбиялаб, етук ижодкор даражасига кўтарган



муҳит ҳақида сўз юритмоқ жоиз. Бинобарин, юқорида таъкидлаганимиздек, шоира ижодига Қўқон адабий муҳити таъсири, турмуш ўртоғи Амирийнинг саъй-ҳаракатлари ва Жаҳон отин Увайсий сабоқларининг тутган ўрни масаласига тўхталамиз.

Қўқон адабий муҳити XVIII асрнинг I ярмида Қўқон хонлиги тасарруфида ташкил топган бўлиб, ижодкорларга раҳнамолик қилиш, адабиёт ва санъат ривожига имкон яратиш орқали халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий даражасини кўтариш мақсад қилинган. Бу ҳақда “Ансоб ус-салотин...” асари муаллифи Мирзо Олим Қўқон хони Абдулкаримхон (1732–1733) даври ҳақида: “Абдулкаримхон... хизматига Эшон, Сўфи Оллоёр домулло Олим Конибодомий ва домулло Вали Хўжандий ва Машраби девонаи Намангоний келиб суҳбат тутар эрдилар. Аларнинг суҳбатидин ифода ва истифода топиб, неча умумий диний ва кашф яқиниға олим ва қошиф бўлиб камолот ҳосил қилди”<sup>1</sup>, – дея ёзиб қолдирган.

Адабиётшунос олим, академик Азиз Қаюмов ҳам бу давр ҳақида: “Хонлар адабий ҳаракатга ҳеч қачон бефарқ қарамаганлар. Улар халқ оммасини ўз қўл остларида тутиш учун барча воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Кенг омма ўртасида маълум нуфуз ва эътиборга эга бўлган кишиларни ўз атрофларига тортишга ҳаракат қилганлар... Бундан ташқари хонлар ўз атрофига турли шоирларни йиғиб, уларни турли йўллар билан рағбатлантириб ҳам турганлар. Шу йўсинда сарой атрофига маддох, хушомадгўй шоирлар йиғила борган”<sup>2</sup>, – деб ёзади. Олим ўз фикрларини далиллаш мақсадида “Тухфат ут-таворихи хоний”дан қуйидагиларни келтиради: “Қўқон хони Норбўтабийнинг (1770–178\9) Муҳаммаддин деган ўғли бўлган. Бу шаҳзода адабиётдан унча-мунча хабардор бўлиб, ўз атрофига бир неча шоирларни йиққан эди. Бир куни базм вақтида у шоир Нусратга қараб қуйидаги мисрани ўқийди:

*Ба гирди шам чун қўнгуз бувад парвона-парвона.*

<sup>1</sup> Қаранг: Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. –Т.: 1961. –Б.41; Ансоб ус-салотин, 18–6-варак.

<sup>2</sup> Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. –Т.: 1961. –Б.41.

**Мазмуни:** Шамнинг атрофида кўнғиз шунчалик парвона бўлди. Шоир Нусрат дарҳол хушомад қилиб, иккинчи мисрани тўқийди:

*Сарат гардам, тариқи дилнавозй ёд гир аз шам.*

**Мазмуни:** Бошингдан айланай, дилнавозлик йўлини шамдан ўргангин.

Бу ҳозиржавобликдан хурсанд бўлган шахзода шоир Нусратга эллик арава буғдой инъом этган эмиш<sup>1</sup>, – деган маълумотларни келтиради.

Шу ўринда, адабиётшунос олимнинг маълумотларини инкор этмаган ҳолда, хонларнинг мақсади фақат ижодкорларни бошқариш, атрофларига маддоҳ шоирларни йиғишдан иборат бўлмай, балки уларнинг ўзлари ҳам адабиёт, шеърият билан қалбан ошно бўлганлигини айтиш жоиз. Такдирлашларни эса “Зар қадрини заргар, жавҳар қадрини жавҳаршунос билади”<sup>2</sup>, – деб тушуниш тўғри бўлади.

Чунки Нодираи даврондек шоиранинг – шеърият мулкининг маликасига айланишига сабаб бўлган Қўқон адабий муҳити ва унинг гуллаб яшнашига улкан ҳисса қўшган Амир Умархон ҳам Қўқон хонларидан бўлиб, Амирий таҳаллуси билан шеърлар битган нозиктаъб шоир эканлиги маълум.

Бу жиҳатдан адабиётшунос олима И.Адизованинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: “Унинг ўзи шоир бўлгани сабабли ижод аҳлига имконият яратиб берган. Уларга ҳомийлик ва раҳнамолик қилган. Миён Бузрукнинг 1930 йилда Тошкентда чоп этилган “Ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш” китобида бу давр Қўқон адабий муҳитини “Олтин бешик даври адабиёти” деб атайди. Бу таъриф, биринчи навбатда, Сарой тарихчилари томонидан келтирилган “Олтин бешик” ва Бобур ҳақидаги воқеа билан боғлиқ. Иккинчидан, адабий муҳитда яратилган қулай ижодий шароит ва жараён ҳам назарда тутилган”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Тухфатут таворихи хоний. ЛБ, 440, 84 а –варақ.

<sup>2</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш- шуаро”дан). –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.12.

<sup>3</sup> Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. (ХҮІ–ХІХ аср I ярми). –Т.: Фан, 2009. –Б.125.

Юқорида адабиётшунос олима И.Адилова келтирган “Олтин бешик” воқеасига келсак, биз бу тўғрисида номзодлик диссертация иши<sup>1</sup>мизда тўхталганмиз. Нодира шеърлятида “Олтин бешик” воқеаси билан боғлиқ карашларга бир қанча ўринларда дуч келинади. Бу воқеа тафсилотига кўра, Олтин бешик эгаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодидан бўлиб, Қўқон хонларининг шажараси ундан бошланади. Нодирабегимнинг Умархон ва унинг хонадонини васф этувчи байтларида мазкур воқеа қизил ип бўлиб ўтади. Чунончи, шоира қуйидаги байтида:

*Сиёдат хонадони, шоҳи Бобур насли покиман,  
Худоё, раҳмат айла, барча аждоди изомимни (Н1;297),*

–деб ўзининг ҳам Бобур авлодидан эканлигини айтиб фахрланади<sup>2</sup>.

Бу байт машҳур бўлган. Шу боис бир қатор тадқиқотчилар унга эътибор қаратганлар. Жумладан, А.Қаюмов: “Қўқон хонларининг Бобур авлоди экани улар учун аён эди. Шу билан фахр этар эдилар. Қўқон хони Умархоннинг рафиқаси Моҳлар ойим Нодира бу тўғрида ёзган”<sup>3</sup>, – деб юқоридаги байтни ҳавола қилади.

Бугунда ҳеч кимга сир эмаски, XVIII аср I ярмида Қўқон хонлиги тасарруфида юзага келган Қўқон адабий муҳити Амир Умархон даврига келиб тараққиёт чўққисига кўтарилди, бир сўз билан айтганда гуллаб яшнади. Бу ҳақда адабиётшунос олима М.Қодирова ҳам ўз вақтида “Қўқон XVIII асрнинг охири XIX аср бошларида Нодира, Увайсий, Маҳзуна каби шоирларга ватан бўлди. Ана шу давр адабий ҳаётида Амирийнинг ўрни сезиларли эди”<sup>4</sup>, – дея эътироф этган эди. Биз бунинг бир неча жиҳатларда кўришимиз мумкин:

<sup>1</sup>Эшонқулова С. Нодира шеърлятида образлар талқини. Филол. фанлари номзоди ... дис. –Т., 2011. –Б.73-92.

<sup>2</sup> Қаранг: Амирий. Дебоҳа. ЎзР ФА адабиёт музейи, 403–рақамли қўлёзма. 25а–б–варақлар. *Шунингдек, ўзини Бобур орқали теурийлар шажарасига боғлаш ҳолати Умархон девони deboҳасида ҳам учрайди. Deboҳада Амирий мана бундай ёзади: “Бу ошуфта тасвидот роқими ва бу паришон абёт нозими андоқ баёни ҳол ва шарҳи мофи ал–бол қилурким, вужудум гулбуни Темур Кўрагон гулистонининг шажараси самарасидиндур, асолат бўлстонида иззат баҳорининг обу ҳавоси тарбияти бирла бош чекиб нашъу намо пайдо қилди. Ва хилқатим ниҳоликим, Бобур Султон чаманининг навбодасидур”.*

<sup>3</sup> Қаюмов А. Асарлар. 5-жилд. –Т.: Мумтоз сўз, 2009. –Б. 14.

<sup>4</sup> Қодирова М. Амирий. Адабий мерос. 2-китоб. – Т.: Фан, 1971. –Б 104.

**Биринчидан,** Амирийнинг Қўқон адабий муҳитидаги улкан хизмати хонлик ҳудудидаги барча иқтидорли ижодкорларни аниқлаб, саройга йиғиб қизғин ижодий жараёни ташкил этганида, уларга ҳомийлик қилганида.

**Иккинчидан,** бу адабий муҳит намояндалари тарихнависликда катта ютуқларга эришган. Бундай асарлар сирасига, Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ут-таворих”, Авазмуҳаммад Атторнинг “Тухфат ут-таворих”, Исҳоқхон Тўранинг “Тарихи Фарғона”, Мушрифнинг “Ансоб ус-салотин ва таворихи Хавоқин”, Мутрибнинг “Шаҳномаи девона Мутриб”, Мушрифнинг “Шаҳномаи Нусрат паём” каби тарихий асарларини шулар жумласига киритиш мумкин.

**Учинчидан,** Амир Умархон ташаббуси билан тазкиранависликда янги йўналиш шакллантирилган. У пайров шеърлардан тазкира тузиш анъанасини бошлаб берди. Шунингдек, Фазлий Намангоний томонидан яратилган “Мажмуаи шоирон” тазкираси адабий муҳитларда алоҳида аҳамият касб этди. “Фарғона шоирларининг Хоразм шоирлари устида катта таъсирлари бўлганини инкор этиб бўлмайди. Фарғона “Мажмуат уш-шуаро”сиға ўхшатиб, Хоразмда ҳам бир “Мажмуат уш-шуаро” тузуми буни кўрсатадир”<sup>1</sup>, – деган эди адабиётшунос олим Фитрат.

**Тўртинчидан,** Амирий анъанавийлик ва ворисликка алоҳида аҳамият берди. Хусусан, бунинг исботини халқ ижоди намуналарини чуқур ўзлаштиришга, улардан моҳирона фойдаланиб, янги дурдона асарлар яратишга ташвиқ қилганида кўришимиз мумкин. Бу ҳолатни Гулханийнинг “Зарбулмасал” асаридан тортиб, Қўқон адабий муҳити вакилларининг ижодида кузатишимиз мумкин. Олим Фитрат “XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш” мақоласида Қўқон адабий муҳити равнақининг ҳомийси ва раҳнамози Амир Умархон эканлигини таъкидлар экан, унинг таклифи ва ташаббуси билан яратилган Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарини назарда тутиб, “бу даврда Фарғона сарой

---

<sup>1</sup> Фитрат. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 2-жилд. –Т.: Маънавият, 2000. –Б. 59.

адабиётларининг халқ адабиётига айрича диққат қилганлари ҳам кўриладир”<sup>1</sup>, – дея таъкидлайди.

**Бешинчидан,** Қўқон адабий муҳитида китобаатчиликга катта эътибор берилган. Бу ҳақда “Мазкур даврда ҳам кўплаб қўлёмалар қайта-қайта кўчирилди. Айниқса, ушбу давр матбаа тарихини адабий алоқалар, адабий ҳамкорликлардан айри тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, Мирзо Бедил девонлари кўчирилиб, кўп нусхаларда тарқатилган. Унинг асарларига шоирлар назиралар, мухаммаслар боғлашган. Лутфий, Навоий, Амирий девонларидан иборат “Муҳаббатнома” мажмуаси Туркия султониغا совға тариқасида юборилган. 1836-1837 йилларда Амирий ва Нодиранинг ўғли Муҳаммадалихон буйруғига биноан хаттот Дабир томонидан Фузулий девони кўчирилган”<sup>2</sup> лиги эътироф этилган.

**Олтинчидан,** Қўқон адабий муҳити биринчилардан бўлиб, аёл шоиралар учун кенг имконият яратиб берганлиги билан ҳам характерланади.

“Эҳтимол, тарих майдонига Амир Умархондек зукко шоир келиб, ўз саройида адабий бир даста тузмаганда, “Қўқон адабий муҳити” деган ибора ҳам бўлмасди”<sup>3</sup>. Зеро, Амирийнинг ўзи ҳам ўзбек ва форс-тожик тилларида маҳорат билан қалам тебратган, оҳорли ташбеҳу тимсолларга бой шеърлари билан ҳақли равишда замондошларининг эътироф ва мактовига сазовор бўлган<sup>4</sup>. Т.Жалолов таъбири билан айтганда: “Агар унинг ўрнида бошқа подшоҳ бўлганда, Фазлийни эмас, Умархоннинг ўзини малик ул-шуаро қилиб тайинлаган бўларди”<sup>5</sup>. Демак, Моҳларойим – Нодира мана шундай таракқий топган Қўқон адабий муҳитида ижод қилди. Кейинчалик, бу муҳитга ўзи ҳам раҳнамолик, ҳомийлик қилди.

Моҳларойим – Нодира ҳақида Ҳакимхон тўра шундай ёзади: “...У вақтда Андижон ҳукумати Раҳмонқулбий амир Олимхонни тоғаси эрди, анга

<sup>1</sup> Фитрат. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 2- жилд. –Т.: Маънавият, 2000. –Б. 59.

<sup>2</sup> Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. (XVI– XIX аср I ярми). –Т.: Фан, 2009. –Б. 126.

<sup>3</sup> Ҳайитметов А., Ҳомидий Х. Адабиётимизнинг бир шоҳ кўчаси / Адабий меросимиз уфқлари. –Т.:Ўқитувчи, 1997. –Б. 22.

<sup>4</sup> Қаранг: Қобилова З. Амирий ва унинг адабий фаолияти. Фил.фан.номз. ...дис. автореф. –Т., 2007. –Б.21.

<sup>5</sup> Жалолов Т. Мактублар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992. 31 январь.

тааллуқ эрди, Раҳмонқулбийни қисматида бир қизи бор эрди, исми Моҳлар ойим эрди. Амир Олимхон хоҳладиким, ул маҳдурани амир Умархонни иқди никоҳига киргузса. Маъсудхон тўрани бениҳоят ҳадя бирла юбордиким, Умархонни Андижонга олиб бориб, иқди никоҳ қилиб, Марғилонга келтириб қўйиб келгил, деб рухсат берди. Маъсудхон тўра Марғилонга келиб, шахзода Умархонни ломодлиққа таклиф қилиб, Андижонга олиб яхши соатда ул инжи салтанатни тоҳиди руҳга иқд боғладилар”<sup>1</sup>.

Шеърятнинг нозик жиҳатларини мукаммал эгаллаган Амирий билан умр йўлини боғлаган Нодира “Шарқ назмийатининг нодир намуналаридан баҳра топиб...Амирийдан ҳам бадиият сирларини ўрганган”<sup>2</sup>. Шу ўринда қатъий айтиш мумкинки, Амирий унинг умр йўлдошигина эмас, балки шеърятдаги устози ҳам бўлган: “мен ҳам алар мутобаатида назм услубидин баҳра топиб, “Ассухбату муассиратун”<sup>3</sup> натижаси бирла кам-кам шеър қонунидин хабардор бўлуб, гоҳо бирор мисраъ ва гоҳо бирор байт таклид бирла айтур эрдим. Ҳазрат баъзи нуқсонлариға ислоҳ бериб, мавзун ва мураассаъ қилур эрдилар. То андақ фурсатда ашъор қоидалариға мувосанат пайдо қилдим, то назм фунуниға моҳир ва мазмун сеҳрида соҳир бўлдим”<sup>4</sup>. Самимият ва миннатдорлик билан йўғрилган ва муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган бу эътирофдан маълум бўладики, “Нодиранинг бутун ижоди Амирий раҳнамолиги ва таъсиридан холи эмас. У қатор шеърларида кўнгли амирининг шахси ва истеъдодини улуғлабгина қолмай, ижодига муносиб баҳо ҳам берган”<sup>5</sup>.

Шеърят оламида катта мавқега эга бўлган икки ижодкорнинг оилавий муҳити хусусида ўз вақтида синчи адабиётшунос олима Маҳбуба Қодирова сарой шоири, қози Абдунаби Хотифнинг хотираномасида шундай тасвирланганлигини айтиб ўтади:

<sup>1</sup> Мунтахаб ут-таворих. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 594 в.161а.

<sup>2</sup> Қодирова М. Шеърят ва муҳаббат маликаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1998. – Б.15.

<sup>3</sup> “Бир-бирига таъсир этувчи ёкимли суҳбат”.

<sup>4</sup> Нодира-Комила. Девон. – Т.: Халқ мероси, 2001 – Б. 21.

<sup>5</sup> Қобилова З. Бадиий ижодда таъсир ва издошлик масалалари (Амирий шеърятни мисолида). Филол. фан. докт. ... дисс. –Фарғона, 2020. – Б. 169.

*Бир нодираи замони иффат,  
Бир гунча бўстони исмат.  
Иқлими жамол комёби,  
Исмат фалакини офтоби.  
Дониш била фаҳмга ягона  
Ёинки ягонаи замона.  
Гулшан эди мунфаил кўзидин,  
Ой бирла қуёш хижил юзидин.  
Эди анга шахзода ошиқ,  
Узрога нечукки хор Вомиқ.  
Ёд айлаб ўшал нигори дилкаш,  
Ақлу хирад эди мушавваш...*

Ул “Нодира билан Умархоннинг оиласини муҳаббат мунаввар қилган хонадон дейиш мумкин... Умархон Амирий лирик шоир ва давлат арбоби сифатида кўпчиликка маълум. Нодиранинг ижодкорлиги, шахсий ҳаётдаги оилапарварлигини ҳамма китобхонлар яхши биладилар. Бироқ Умархон ва Нодиранинг меҳр-муҳаббат асосидаги оилавий ҳаётининг таркиб топиши, фарзандлар тарбияси билан масрурлик дамлари, Умархоннинг вафотидан кейинги изтиробли кечинмалари бир бутун ҳолда ўқувчиларга ҳавола этилмаган эди. Чунки яқин ўтмишда Умархоннинг шахсий фазилатлари ва оиладаги ўрнини гапириш у ёқда турсин, Нодиранинг марҳум умр йўлдошига бағишлаб ёзган марсиялари ҳақида кенгроқ сўзлаш ҳам анча душвор эди”<sup>1</sup>, – дея эътироф этиши ҳам диққатга сазовор.

Манбаларда шоиранинг Амир Умархонга муҳаббати ҳақида қимматли маълумотлар учрайди: “Соф қалблик, вафодор, соҳиб диёнат, карам дарёсининг дури, зийрак ва дониш, давлат баргоҳининг жонкуяри бўлган бу улуғ хоним фалакнинг жабру жафоси ҳаддан зиёда, вафо деган муборак ном анқога шафиъ, одамгарчилик ва мурувватнинг исми ўзи йўқ бўлган мазкур

---

<sup>1</sup> Қодирова М. Шеърят ва муҳаббат маликаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1998. –Б.19.

хонлик ва амирликлар даврида, ўз умр йўлдоши Амирийга умрининг охиригача вафодор ва чин садоқатли бўлиб қолди”<sup>1</sup>.

Увайсий ўз вақтида Нодира ва Умархон ўртасидаги муносабатни қуйидагича таърифлаган:

*Ул Юсуф эди, будур Зулайхо,  
Ул Вомиқ эди, бу эрди Узро.  
Бириси Лайли, бириси Мажнун,  
Бир-бирининг муҳаббатига мамнун*<sup>2</sup>.

М.Қодированинг ёзишича, икки ижодкор ўртасидаги меҳр-муҳаббат туйғулари Амирийнинг қуйидаги сатрларида ҳам ўз аксини топган:

*Агарчи хуш диёрда голиб ўлди кўнгул,  
Жунуни ишқу муҳаббатга рогиб ўлди кўнгул,  
Шухуд базмида паймонаи муҳаббат ичиб,  
Мудом соғари саҳбога толиб ўлди кўнгул.*

Яна М.Қодирова “Биҳамдиллаҳ, гули меҳру муҳаббат ошкор ўлди” мисралари Умархон рубоийсига жавоб тарзида ёзилган<sup>3</sup>, – дейди.

“Нодира ва Амирий ижодий муносабатлари ҳақида сўз борганда шуни ҳам айтиш ўринлики, бу машҳур шахсларнинг пок севги-садоқати, ўзаро ҳурмат-эҳтиромлари ва ширин-тотув ҳаётлари, шунингдек, шеърий айтишувлари ҳақида анча-мунча нақл-ривоятлар мавжуд. Уларнинг яратилиши ва кенг тарқалиши бежиз эмас. Масалан, шундай ривоятларнинг бирида Амирийнинг:

*Қошинга текизмагил қаламни  
Бир ҳарф била бузмагил рақамни,*

– каби ўйноқи ва равон мисралар билан бошланувчи машҳур ғазалининг яратилишига туртки бўлган ҳаётий воқеа романтик бўёқларда баён қилинади.

<sup>1</sup> Кадырова М. Надыра (очерк жизни и творчества). – Т.: Фан, 1967. – Б. 32.

<sup>2</sup> Қаранг: Қодирова М. Шеърийят ва муҳаббат маликаси.– Т.: Адабиёт ва санъат, 1998.–Б.21.

<sup>3</sup> Қодирова М. Шеърийят ва муҳаббат маликаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1998. – Б.21-22.



Нақл этиладики, келтирилган мисралар бевосита Нодирабегимга хитобан битилгандир...”<sup>1</sup>.

Адабиётшунос олима Махбуба Қодирова эса улар орасидаги муносабат ҳақида шундай ёзади: “– Сиз энди форсийни ҳам яхшироқ ўрганиб олсангиз мақбул бўлади. Бу тилда ҳам муҳаббат шеърлари бирмунча. Шеърят олами ичида ғаввос бўлиб, ширин ҳаёлларга берилиб турган Моҳларнинг кўнглига ғашлик тушди:

–Мен форсча ёзишни ҳам ўқишни ҳам биламан, – деди у уялгансимон, – айрим машқий ғазалларимга Комила ва Нодира, деб лақаб ҳам қўйганман.

–Ғазалларнинг Нодираси, Комиласига офарин...

Умарбек Моҳларга марғилонлик бир шоира ҳақида хабар эшитганлиги, Жаҳон исмли бу аёлнинг Увайсий унвони билан шеърлар ёзишини эслади. Ҳатто унинг:

*Забонингни кетургил, эй шакарлаб тўра, гуфтора,*

*Нечукким, марҳамат бўлсин неча мендек дилафгора, –*

шеърини ҳофизлар куйлаганда алланечук завқ билан эшитганлигини гапириб берди. Кейинчалик... “сўз гулшанида хушнаво булбул” деб ном таратган Увайсий ва Моҳлар опа-сингил тутиниб қолдилар. Увайсий ва Моҳлар ёлғиз қолган вақтларида мароқ билан суҳбатлашар, ёзганларининг ютуқ ва ноқис ўринларини кўрсатишиб, бир-бирларидан хушнуд бўлар эдилар. Шундай қилиб ғазал ва мухаммасларга қоғозлар тўлиб борарди. Уларнинг таъби назмларини кузатиб юрган Умарбек шеърини санъатлар ҳақидаги рисоаларни кўпроқ ўқишларини маслаҳат берарди. Устоз шоирларнинг ғазалларига назира ёзиш, мухаммас боғлашни ўргатар эди”<sup>2</sup>.

Бундай ривоятларни кўплаб келтириш мумкин, жумладан, уларнинг устозу шогирдлик муносабатларини кўрсатувчи халқ орасида шундай ривоят бор: “Умархон – Амирий ўзи шоҳ бўлса-да, лекин ғам-ташвишсиз куни

<sup>1</sup> Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги кадриятлар. –Т.: Ўқитувчи, 1998. – Б 178.

<sup>2</sup> Қодирова М. Давр Нодираси. –Т.: Фан, 1991. –Б. 45–46.

йўқлигидан ўқиниб, бунинг боиси не бўлса экан, деб ўйланиб бир мисра ёзибди:

*Ўзим шоҳман, шаҳзодаман, ғамим кўндур, недандир бу?*”

Амирий шу мисрани айтибди-да кейинги мисрани айта олмайди. Шунда у саройдаги ҳамма суҳандонларни чақиртириб, шу сатрнинг давомини ёзишни буюрибди. Гап нимада эканлигини яхши англаб етмаган шоирлар кўп уринишибди, лекин бирор хулосага кела олмабдилар. Орадан уч кун ўтибди, лекин шоҳ буюрган иш ҳамон амалга ошмас эмиш. Шунда Умархон: “Мен шу бир мисрани давом эттира олмаган шоирлар билан суҳбатдошманми?” – деб уларга писанда қилибди. Бу хабар зудлик билан Нодирага етиб борибди. Шоирлар тақдирига бефарқ бўлмаган Нодира дарҳол мушоирага келиб кўшилибди. Нодира Амирий томонидан битилган мисрани давом эттириб:

*Азалдан ғам туробида бино бўлган бадандур бу,*

–деб жавоб берибди. Яъни Умархоннинг: Мен шоҳу шаҳзода бўлатуриб нега бунча ғам-ташвишларим кўп, – деган саволига Нодира: Инсон танасининг ўзи ғам-ташвишлар билан йўғрилган туфрокдан яралган-ку! –деб жавоб берган. Нодиранинг шеърий сатри Амирий саволига жуда ўринли бўлиб, унинг бурро жавобига даврадагиларнинг ҳаммаси тасаннолар айтишибди”<sup>1</sup> .

Нодира ижодини кузатганимизда, шунга шоҳид бўламизки, шоира зарофатли шеъриятининг аксарият қисми турмуш ўртоғи Умархонга бўлган қайноқ муҳаббат, қалб кечинмалари, изтиробу соғинч туйғуларига йўғрилган.

“Шоиранинг Умархонга бағишланган шеърларини шартли равишда қуйидагича тасниф этиш мумкин:

- 1. Хонни васф этувчи.**
- 2. Ҳижрон, айрилик ва бевафоликда айблов.**
- 3. Давлатни бошқаришга оид панд-насихат.**
- 4. Фироқнома.**

---

<sup>1</sup> Кодирова М. Шеърият ва муҳаббат маликаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1998. – Б. 41.

Моҳларойим лирикасида Умархон образи етакчи мавқега эга. Бу образ энг кўп қаламга олинганидан ташқари, шоиранинг адабий-эстетик идеали, муҳаббатининг рамзи сифатида ҳам ўзгача пафос билан тасвирланади”<sup>1</sup>.

Нодира Умархонни ҳам муҳаббати ҳукмдори, ҳам ижодда ўз устози сифатида кўрган. Бу тўғрида адабиётшунос олима З.Қобилова тўғри эътироф қилганидек, унинг (Умархоннинг – С.Э.) услубида қатор ғазаллар яратибгина қолмай, кўплаб ғазалларига татаббуълар ҳам қилган. Жумладан, “*согиндим*”, “*коғаз*”, “*ҳофиз*”, “*мен янглиз*”, “*ҳар тараф*”, “*тасаддуқ*”, “*тамошо қил*”, “*таслим*”, “*айласун, шоҳим*”, “*қилмади шоҳим*”, “*ўлсун*”, “*ўлмасун*”, “*келмади*”, “*бири*” радифли ғазаллари, “*Ёр очти сунбулидин шона бирла тоблар*”, “*Ити айлар шикоят ҳар дам ул маҳваш гадосидин*”, “*Дод этарман, кўрсам онинг итлари завғосидин*” мисралари билан бошланадиган ғазалларига гўзал татаббуълар қилган. “*Айламас*” радифли мухаммасига эргашиб эса айни радифда ғазал битган. Нодира ўз татаббуъларида баъзида Амирий ғазали вазни, қофия тузилиши ва радифини сақлаб қолса, баъзида вазн ва радифни сақлаб, қофия тартибини, баъзида эса вазн ва қофия тартибини ўзгартиради. Чунончи, Амирий девонида “*согиндим*” радифли икки ғазал мавжуд: вазни ва радифи бир хил бўлса-да, қофияланиш тартиби икки хил: бири “*Нечук ўлмайки, жононим каби жонимни согиндим*”, иккинчиси “*Қади сарви равон, рухсори гулноримни согиндим*” мисраси билан бошланади. Нодира уларнинг биринчисига татаббуъ қилади. Ғазал ҳам, татаббуъ ҳам ҳазажи мусаммани солим вазнида. Қофия тизими ва радиф айнан сақланган. Ғазал 9 байт бўлса, татаббуъ 11 байт. Ғазалда *жоним*, *хиромоним*, *Канъоним*, *тобоним*, *Сулаймоним*, *ҳайроним*, *сомоним*, *хоқоним*, *паришоним*, *султоним* каби 10 та сўз, татаббуъда эса *жононим*, *жоним*, *гулистоним*, *султоним*, *райҳоним*, *тобоним*, *хандоним*, *Канъоним*, *давроним*, *Туроним*, *покдомоним*, *Умархоним* каби 12 та сўз қофия бўлиб келган. Шундан ғазалдаги тўрт қофия татаббуъда ҳам такрорланган: *жоним*, *Канъоним*, *тобоним*, *султоним*. Амирий ғазали анъанавий ишқ мавзусида,

<sup>1</sup> Эшонқулова С. Нодира шеърлятида образлар талқини. Филол. фанлари номзоди ... дис. –Т., 2011. –Б.36-37.

лекин Нодира татаббуъси ҳаётий асосга эга. У Умархондан айрилганидан кейин, ҳижрон кунларида уни соғиниб, мазкур ғазалини ёзган. Бу ҳолни матлаъдаёқ кўрамиз.

**Амирий:**

*Нечук ўлмайки, жононим каби жонимни соғиндим,  
Бу гулшан ичра ул сарви хиромонимни соғиндим<sup>1</sup>.*

**Нодира:**

*Қолиб фурқат диёри ичра жононимни соғиндим,  
Чароғи рўзгорим, муниси жонимни соғиндим.*

Куйидаги байтлар эса татаббуъга ҳаётийлик бахш этибгина қолмай, унинг ўзига хос оригиналлигини ҳам таъминлайди:

*Арабдин то Ажам машҳур эди ул шоҳлар шоҳи –  
Ки, Эрон офтоби, Моҳи Туронимни соғиндим...  
Тикарман Нодира гам йўлида кўза Зулайходек –  
Ким, ул Юсуфлиқо Султон Умархонимни соғиндим (Н1;241-242).*

Нодира Умархондан айрилганидан кейин бадий ижод билан жиддий шуғулланиб, айрилик изтиробларини шеърга солганидан бу татаббуълар, асосан, оригиналлик ва ҳаётийлик касб этган<sup>2</sup>.

Нодира ижодий маҳорати Қўқон адабий муҳити, турмуш ўртоғи Амирийнинг саъй-ҳаракатлари, Жаҳон отин Увайсий сабоқлари таъсири остида такомил топиб, тараққий қилди. Нодира ва Жаҳон отин Увайсийнинг ижодини қиёсий ўрганганимизда, шакл жиҳатдан турлича бўлган шеърларида мазмун ва реалистик тасвир мутаносиблигини кўришимиз мумкин. Маълумки, реалистик тасвир инсон севгисининг энг юксак чўққиси— вафо талқинида чуқур ифода этилади. Вафо одамийликни ўзига

<sup>1</sup> Амирий. Девон. I. Ўзбекча шеърлар (Нашрга тайёрловчилар А.Мадаминов, Э.Очилов, З.Қобилова, О.Давлатов). –Т.: Tamaddun, 2017. – Б.234.

<sup>2</sup> Қобилова З. Бадий ижодда таъсир ва издошлик масалалари (Амирий шеърляти мисолида) Филол. фан. докт... дисс. –Фарғона, 2020. – Б. 169–171.

сингдиришдир. Шунинг учун ҳам Нодира ошиқнинг энг юксак фазилатларини – вафодорлик, вафо шиорига содиқлик деб билади.

*Бўлса то умру ҳаётим боқий,  
Мени илкимдуру домони вафо (А1;46).*

Шоиранинг “*Мебоиш*” радифли форс-тожик тилида ёзилган ғазалида вафо мавзуи кенг қамровда қаламга олинади. Ишқ вафо билан қудратли. Вафосизлик ишқни барбод қилади. Халқ тилида вафо кенг маънода ишлатилади. Сўзга вафо қилиш, умрнинг вафо қилиши, ёрга вафо қилиш ва бошқалар. Шоира шеърларида ҳам вафо шу тарика кенг маънода қўлланилади. У:

*Дило, – ба илқи бутон толиби вафо мебоиш,  
Ҳамеша бар дари ақли вафо мебоиш.*

#### **Мазмуни:**

*Эй кўнгул, маҳбублар ишқида вафо талабида бўл,  
Вафо аҳлининг эшигида ҳамиша гадо бўл,*

–деб айтадики, бу ерда гап ёлғиз вафодор ёр мазмуни доирасидан чиқиб “вафо аҳли” даражасига кўтарилади. Шоиранинг ёзишича, дард аҳлигина вафо аҳлидир. Муҳаббатни чуқур маънода тушунадиган кишиларгина вафо соҳибларидирлар. Ана шундай вафо аҳлига мурожаат қилиб Увайсий:

*Бағримни қони лаби лаъли бадахшона фидо,  
Нури имоним ўшал шамъи шабистона фидо.  
Вайсий, ўлганда тирилмакдин агар этсанг умид,  
Айлагил жони азизингники жонона фидо (А1;46),*

–деб хитоб қилади. Аммо, ўша замонда “ёрда ҳам”, “диёрда ҳам” ана шу вафонинг йўқлигидан зорланган Увайсий:

*Истадим бу оламни, топмадим вафо аҳли,  
Барчадин юмуб кўзни муддао Увайсиймен,*

– дейди. Нодиранинг қўйидаги мисралари ҳам Увайсий фикрларининг давомидек жаранглайди:

*Жаҳон маккора золи бевафодур,  
Вафо бирла кўнгулни қилмади шод* (А1;152).

Бундай муштарак ҳолатларни шоираларнинг ғазалларида риёкор шайхлар, фирибгар зоҳидларнинг қуруқ ваъз ва насиҳатлари устидан кулиш, ўрни келганда фош қилиш ҳоллари тасвирида ҳам кўрамыз. Шоираларимиз ижодига назар ташлар эканмиз, уларда ошиқ ишқини қоралаган зоҳидлар, маҳбубага таъна тошлари отган, уларни дўзах ваҳми билан кўрқитган муҳтасибларга қарши норозилик майллари тез-тез кўзга ташланиб туради. Чунки зоҳид ишқ оташида куйишдан маҳрум, унга ошиқнинг ҳижрон туфайли фиғони, изтироблари бегонадир. Шундай экан, шоиралар биринчи навбатда “маломат занжирида” туриб зоҳидга таъналар қилади. Шунингдек, шоиралар ижодида ҳис-туйғуларни ифодалашда туш мотивига кўп мурожаат этилади. Нодира ғазаллари ичида, ҳатто, туш кўришни кўмсаб ёзилган ғазаллар ҳам мавжуд. Шоира “*Тушимда кўрсам эди*” радифли ғазалида шу орзуда бўлади. Туш кўриш орқали яқин кишиси билан висол кўришиш ва дардлашиш ниятида эканлигини арз қилади. Увайсий ғазаллари орасида ҳам “*тушда зоҳир бўлган*” ошиқ ҳақида гап боради. Нодира шеърлари ичида соғиниш мазмунига эга ғазаллар бўлса, Увайсийнинг “*Соғиндим*” ва “*Соғунурмен*” радифли ғазаллари мавжуд. Умуман, иккала шоира ижодидаги муштараклик ва ўзаро таъсир масаласи илмий тадқиқотларда батафсил ифодасини топган<sup>1</sup>. Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, шеърят оламига эндигина ташриф буюраётган Нодира ижодига турмуш ўртоғи Амирий ва Увайсийнинг таъсири катта бўлган.

Нодира ижоди ва унинг шоиру шоираларга раҳнамолиги, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, таҳсинга лойиқ. Шоира девони дебочасида бу ҳақда шундай ёзади: “...Масокин ва бенаволарга хайру эҳсонлар бирла баҳра

---

<sup>1</sup> Қодирова М. XIX аср ўзбек шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдири. –Т.: Фан, 1977.– Б. 34 –38.

еткурдим. Карам ва ато хонидин фукаро халқини мамнун ва мустағни айлаб, марҳамат ва шафқатлар кўргуздим... Ва жаворида мадрасаи файз-осор улуми дир талабалариға бино қилдим. Ва тижорат аҳли ва савдо хайли учун саройи олий барпо қилдим. Жидду жаҳд бирла сипоҳийларға анжом ва фукарога ором еткурдим. Мамлакатнинг обод ва мустамандлар кўнглини шод қилдим... Фазлу дониш қабиласиға шафқат ва марҳамдин онча иноятлар кўргуздумким, эътибор даражасиға тараққий қилдилар. Сойил ва шадоларни талабалариға еткуриб, карам ва эҳсон эшикидин ноумид юбормадим. Мусҳафи шариф ва кутуби диний ва расойили яқиний кўп ёздурдим”<sup>1</sup>. Шоиранинг бу иқрорини кўпгина тарихчи, адиб ва шоирларнинг асарларида ёзиб қолдирилган маълумотлар буткул тасдиқлайди. Тарихий манбаларда қайд этилишича, маданий ва ободончилик ишларига ҳар йили мамлакат хазинасига келадиган даромадларнинг кўп қисми сарфланган. Нодира хазинадаги олтин ва кумуш пулларни ҳаммом ва меҳмонхоналар, бозор ва расталар, хиёбон ва боғлар, масжид ва мадрасалар, кўчалар ва карвонсаройлар қурилишига сарф этган. “Тарихи мулки Фарғона” асарининг муаллифи Моҳларойимнинг Гўристони Калондаги Мадрасаи Чалпак, тақачилик растасидаги “Моҳларойим” мадрасасини қурдиргани, бир етимхона ва мусофирлар учун бир сарой бино эттиргани ҳақида маълумот беради: “Нодираи давронимиз камолу ақлу мамлакатни ўз тахти таснифига олди. Халқларни эҳсону карам билан шод этди. Фарғона мулкини обод қилди. У Зухра сифат Нодира ҳеч вақт давлат, салтанатга мағрур эмас эди. Камолу ақлу закоси, табъи расосидан кеча-ю кундуз рангин ғазаллар ёзиш ва ўқиш билан машғул бўлар эди”<sup>2</sup>. Нодира ўз замонасида назм гулшанини беазаган санъаткор, XIX асрнинг биринчи ярмида ўзбек адабиётида устозлик ва ҳомийлик даражасига кўтарила олган йирик сиймолардан бири эди<sup>3</sup>. Кўринадики, шоира лирикасида муҳаббат, садоқат мавзуси замирига

<sup>1</sup> Нодира. Асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Девон. –Т.: Бадиий адабиёт, 1968. – Б.30–31.

<sup>2</sup> Нодир. Ҳафт гулшан. ЎзР ФА ШИ, инн № 1861. 8–сах.

<sup>3</sup> Қодирова М. Шеърят ва муҳаббат маликаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1998 –Б.37.

инсонпарварлик, адолат, иймон-эътиқод ғояларини заргарона сингдиради ва Қўқон адабий муҳитига муносиб ворис эканлигини исботлайди.

Хулоса қилиб айтганда, XVIII аср I ярмида Қўқон хонлиги тасарруфида шаклланган Қўқон адабий муҳити Амир Умархон даврига келиб тараққиёт чўққисига кўтарилган. Давр шоираси – Нодиранинг зарофатли ижодкор сифатида камолга етишишида адабий муҳит муҳим ўрин тутган. Хусусан, Нодира ижодий маҳорати унинг турмуш ўртоғи Умархоннинг саъй-ҳаракатлари, Жаҳон отин Увайсий сабоқлари таъсири остида такомил топган.

Умр йўлдошининг вафотидан сўнг Нодираи даврон Фарғона мулкини обод қилди. Нодира XIX асрнинг биринчи ярмида ўзбек адабиётида устозлик ва ҳомийлик даражасига кўтарилган олган йирик сиймо сифатида из қолдирган.

## **1.2. Шоира шеърятининг диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ва ахлоқий асослари**

Ҳар бир халқнинг адабиёти унинг миллий руҳи, тафаккур тарзи, устозлар тажрибаси, диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий, ахлоқий-маънавий тушунча ва қадриятларига таянади. Бинобарин, ижодкор лирикасида келиб чиқадиган хулосалар асосида ижодкор дунёқарашининг етакчи жиҳатлари борасида фикр юритиш мумкин. Дунёқараш ўз-ўзидан ижодкор яшаган давр, унинг ҳукмрон мафқураси, ижтимоий, маънавий, сиёсий, фалсафий, психологик спецификаси билан боғлиқдир. Шунинг учун буларни назардан четга суриб, адабий жараён моҳиятини белгилаш ҳам, адабий анъаналарнинг бадиий ижоддаги роли ва аҳамиятини тўғри баҳолаш ҳам мумкин эмас. Таниқли рус адабиётшуноси А.Бушминнинг “Адабиёт ўзининг қонуний тараққиёт ҳаракатида ўтмишда эришилган фикр тажрибасини ўзлаштиради (ассимиляция қилади)”<sup>1</sup>, – деган фикри ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди. Зеро, бадиий ижодда маъно, туйғу ёки ҳақиқат йўқ

---

<sup>1</sup> Бушмин А. Наука о литературе. Проблемы. Суждения. Споры. –М., 1980. – С.152.



жойдан кашф этилмайди, балки бадий ижодда дин ва фалсафа, маърифат ва маънавият, тафаккур ва ахлоқий қадриятлар ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга бўлади.

Маълумки, эпик ва лирик поэзияда Аллоҳ ҳамди, Муҳаммад (с.а.в.) наъти, чаҳорёв ва Ҳазрат Али авлодлари васфига доир манқабатлар ёзиш анъанаси етакчилик қилган. Қайд қилинган анъанавий қисмдан кейин асарнинг асосий сюжетига ўтилган. Лирик асарлар – девон тартиб беришда ҳам шундай қонуният сақланиб қолган. Яъни ҳар бир асарга ёзилган шеърнинг биринчиси ҳамд, кейингиси наът, ундан кейин чаҳорёв ва бошқаларга бағишланган бўлиши зарур ҳисобланган. Агар улардан бири бўлмаса, бирининг ўрнига иккинчиси келаверган<sup>1</sup>.

Ислом ва Қуръон мавзуси ўзбек адабиётида тарихий шахслар образи талқинининг ўзак моҳиятини ташкил этган. Исломий адабиётда тарихий шахслар образи иймон, эътиқод, эзгу амаллар, инсоннинг Яратган олдида масъуллиги каби мезонлар асосида тасвирланган. Шу боис ҳам, ягона Ислом маданияти ҳудудларида туркий халқлар адабиёти бой анъаналар жиҳатидан муҳим ўрин тутган ва ўзга адабиётларга ҳам таъсир ўтказган<sup>2</sup>.

Мутахассислар фикрича, ислом дини билан боғлиқ тарихий шахслар образи Қуръони Карим ва фольклор асарлари орқали ёзма адабиётга кўчган. Шоирлар маълум бир ғоявий-бадий ниятда бу образларга хос сифатларга ишора қилишган. Натижада, “ижодкорнинг тафаккур меваси сифатида янги образлар ва ифода тасвир воситалари майдонга келади”<sup>3</sup>.

Шарқ мусулмон адабиётида маноқибий-агиографик<sup>4</sup> асарлар яратилгани ҳам ўзига хос ҳодиса ҳисобланади. Уларда Ислом дини пешволари ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тафсилотлар тарихийликдан кўра афсонавийликни

<sup>1</sup> Қаранг: Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. –Т.: Маънавият, 2001. –Б. 62.

<sup>2</sup> Қаранг: Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.: Фан, 1993. –Б. 62.

<sup>3</sup> Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. –Т.: Фан, 1995. –Б. 88.

<sup>4</sup> “Агиография” сўзи юнонча “агиос” – авлиё ва “графия” – ёзаман сўзларидан ясалган ва у анбиёю авлиёларнинг ибратли ҳаёти, фаолиятини тасвирлаш учун мўлжалланган асардир.

Ўзида мужассам этгани билан эътиборга лойиқ<sup>1</sup>. Бу турдаги асарлар дастлаб араб ҳамда форс тилларида<sup>2</sup> яратилган. Ўзбек адабиётида эса бундай асарлар сифатида Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”, Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, Собир Сайқалийнинг “Қиссаи Иброҳим бинни Муҳаммад”, “Вайс ул-Қаран”, “Жангномаи имоми Ҳанафия”, “Ахтамнома”, “Зайн ул-араб”, “Қиссаи имом Ҳасан ва имом Ҳусайн”, “Қиссаи Сайқалий”, Андалибнинг “Қиссаи Юсуф ва Зулайхо”, Холиснинг “Биби Фотима ва Шаҳрибону ва Имом Ҳусайн қиссаси”, “Муҳаммад Мустафони ўғуллари Иброҳим ҳикояти”<sup>3</sup>, шунингдек, “Муҳаммад Мустафонинг туғилиши”, “Муҳаммад ибн Али қиссаси”, “Имом Муҳаммад Ҳанафия жангномаси”<sup>4</sup> каби халқ қиссаларини кўрсатиш мумкин. Уларда Муҳаммад пайғамбар, саҳобалар, Ҳазрат Али, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн, Муҳаммад Ҳанафияга бағишланган ўринлар тарихийликдан кўра, афсонавийликка яқинроқ туради. Чунончи, уларда инсонлар билан биргаликда дев, пари каби образлар ҳам иштирок этади.

Нодира лирикасида асосан ислом дини тарихи ва шоиранинг ўзи яшаган давр билан боғлиқ тарихий шахслар образлари ўзига хос поэтик талқин

---

<sup>1</sup> Назаров Б. Ислом агиографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг бадиий услубий хусусиятлари (Баҳоуддин Нақшбанд мақомотлари асосида): Филол. фан. докт. ... дисс. –Т., 2000. –Б. 20-26.

<sup>2</sup> Муаллифи номаълум. Қисас ул-анбиё вал мурсалин. ЎзР ФА ШИ, 7281 рақамли қўлёзма асар. 288-варақ; Муъиниддин ибн Ҳожи ал-Фароҳий. Даҳ мажлис. ЎзР ФА ШИ, 506/І рақамли қўлёзма асар. 160-варақ (16-160а); Ҳусайн Воиз Кошифий. Равзат уш-шуҳадо. ЎзР ФА ШИ, 9165/ІІ рақамли қўлёзма асар. 62-варақ (74б-135а); Абдулвоҳиб бин Муҳаммад ал-Муфтий. Ажойиб ул-қисас. ЎзР ФА ШИ, 5379 рақамли қўлёзма асар. 288 варақ; Номурод ал-Мискин. Жомеъ ул-ахбор ул-қисас. ЎзР ФА ШИ, 4550 рақамли қўлёзма асар. 773 варақ; Ал-Малик бин Тождиддин Ҳасан Султон Муҳаммад. Тухфат ул-мажолис. ЎзР ФА ШИ, 11036 рақамли қўлёзма асар. 191-варақ; Муаллифи номаълум “Мақтулнома” (Имом Ҳусайннинг ўлдирилиши тўғрисида). ЎзР ФА ШИ, 9074/ІV рақамли қўлёзма асар. 19-варақ.

<sup>3</sup> Қаранг: Ҳазрат Али ҳақида қиссалар. –Т.: Ёзувчи, 1992. – 111 б.; Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. ЎзР ФА ШИ, 10252 рақамли қўлёзма асар. 265-варақ; Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. ЎзР ФА ШИ, 7412/І рақамли қўлёзма асар. 31-варақ; Собир Сайқалий. Қиссаи Ҳасан ва Ҳусайн. ЎзР ФА адабиёт музейи, 431 / XXII рақамли қўлёзма асар. 8-варақ (264б-253б); Собир Сайқалий. Ҳазрат Амир Ҳамза Соҳибқирон мусулмон бўлгонларин баёни. ЎзР ФА адабиёт музейи, 350/ІV рақамли қўлёзма асар. 6-варақ (84б-89а); Собир Сайқалий. Абу Шихма бин Умарнинг дарра урилгани ҳақида ҳикоя. ЎзР ФА адабиёт музейи, 350/ХІV рақамли қўлёзма; Андалиб. Юсуф ва Зулайхо. ЎзР ФА адабиёт музейи, 413/V рақамли қўлёзма асар. 80-варақ (77б-156б); Холис Тошкандий. Биби Фотима ва Шаҳрибону ва Имом Ҳусайн қиссаси. ЎзР ФА адабиёт музейи, 350/І рақамли қўлёзма асар. 71-варақ; Холис Тошкандий. Муҳаммад пайғамбарнинг ўғиллари Иброҳим тўғрисидаги шеърӣ ҳикоя. ЎзР ФА адабиёт музейи, 350/ІІ рақамли қўлёзма асар. 13 варақ (72а-83б); Холис Тошкандий. Ашуро ойининг фазл ва фазоилларини баёни дурур. ЎзР ФА адабиёт музейи, 350/Х рақамли қўлёзма асар. 13-варақ (134а-146а).

<sup>4</sup> Муаллифи номаълум. Муҳаммад Мустафонинг туғилиши. ЎзР ФА адабиёт музейи, 431/І рақамли қўлёзма асар. 2-варақ; Муҳаммад ибн Али қиссаси. ЎзР ФА адабиёт музейи, 352/ІІ қўлёзма асар. 77-варақ; Имом Муҳаммад Ҳанафия жангномаси. ЎзР ФА адабиёт музейи, 100/І. 39-варақ (16-39б).

этилгани кузатилади. Адабиётшунос М.Қодирова Нодира девонининг 1963 йилги нашрида шоира асарларида учрайдиган қирқдан ортиқ тарихий ва мифик образлар кўрсаткичини илова қилган<sup>1</sup>. Бундан ташқари, олима шоира лирикасидаги тарихий шахслар образларига янгича қарашлар асосида баҳо бергани маълум<sup>2</sup>.

Н.Жумахўжа эса “Нодира девонида ислом дини арконлари, пайғамбару саҳобалар ва ҳадиси шариф тўғрисида талай шеър у тимсоллар мавжудки, уларни ўрни билан, имкон даражасида тадқиқ этмоқ зарур”, – деган хулосани билдиради<sup>3</sup>.

Дарҳақиқат, шоира дунёқарашининг такомилида ўзи мансуб бўлган ислом дунёсининг маънавий таъсири катта. Нодира девонида Аллоҳ таоло, пайғамбар алайҳиссалом бетакрор бадиият билан васф этилади. Тарихий образлар теран мазмун мутаносиблигида талқин қилинади. Бу шоиранинг калом илмини, ислом дини ва миллатимиз тарихини чуқур билганидан далолат беради.

Шоиранинг ҳамд, наът мавзусидаги ғазаллари теран маъно ва гўзал бадиий шакл уйғунлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Девон тартиб берар экан, у мавжуд анъанага мувофиқ дебочани ҳамд ва наът билан бошлайди. Ўзбек ва форсий тилдаги ғазаллари ҳам ҳамд ва наътлар билан бошланади. Маълумки, наът ғазал деб Муҳаммад (с.а.в.) мақтовига бағишланган ғазалларга айтилади<sup>4</sup>. З.Ғаффорова мусулмон Шарқ халқлари адабиётида анъанавийлашган наът шеърларни васф, меърожнома ва шафоатга бўлиб ўрганади. Нодира ижодиётидаги наът шеърлар ҳам асосан, васф, меърожнома ва шафоат-фахрия мазмунида. Уларда Муҳаммад пайғамбарнинг сўнгги пайғамбар эканлиги, олам у туфайли яратилганлиги,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Нодира. Девон. –Т.: Фан, 1963. – Б. 621.

<sup>2</sup> Қодирова М. Шеърят ва муҳаббат маликаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1998. – Б. 112.

<sup>3</sup> Жумахўжа Н. Рамзи ҳақиқат эрур ишқи мажоз // Ғойиблар хайлидан ёнган чироклар. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 297.

<sup>4</sup> Бу тўғрида қаранг: Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро, 1994. – Б. 208; Ғаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 62.

қиёмат кунда пайғамбар шафоати боис умматларининг барча гуноҳлари кечирилиши оҳорли мазмун ва бетакрор ташбеҳлар воситасида ифодаланади.

Муножот ғазалдан олинган мана бу байтда Муҳаммад пайғамбарнинг қиёмат кунда ўз умматларининг гуноҳини Тангридан сўровчи шафеълиги билан боғлиқ қарашлар ўз ифодасини топган. Унга кўра, Нодира ўзининг гуноҳкор эканлигини айтиб, Яратгандан Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаққи ҳурмати бандалари, жумладан, ўз гуноҳларини кечиришни сўрайди:

*Ё раб, ба ҳаққи Аҳмади Мухтору оли ў,  
Бахшой чурми банда ба алтофи Кибриё.*

**Мазмуни:** *Эй Худо, Аҳмади Мухторнинг уруғ-аймоғлари ҳаққи, Кибриёлик лутфинг билан бандаларинг гуноҳини кечир. “Оли ў” – унинг оиласи маъносини беради. Бу ибора билан саодат хонадонигина назарда тутилмоқда (Н2;8-10).*

Қуйидаги иқтибосда эса, Муҳаммад (с.а.в.) икки дунёда қўлловчи подшоҳ, хидоят сари етакловчи каби сифатлар билан васф этилган:

*Туи дар ҳар ду олам дастгирам,  
Дилу жонам фидоят, ё Муҳаммад.  
Ба мулки офариниш подшоҳӣ,  
Бувад шоҳон гадоят, ё Муҳаммад  
Бувад халқи жаҳон мамнуну масрур,  
Зи эҳсони атоят, ё Муҳаммад.  
Мунаввар гашта хуршеди хидоят,  
Ба бутҳо аз сафоят, ё Муҳаммад.  
Туи бадри оӣ, ки жо дар чашму дил бои,  
Ки шуд ин ду жоят, ё Муҳаммад.*

**Мазмуни:**

*Сенсан икки оламда қўллагувчим,  
Дилу жоним фидойингдир, ё Муҳаммад.  
Бу борлиқ мулкига подшоҳсан,*

*Шоҳлар сенинг гадоингдир, ё Муҳаммад*  
*Сенинг эҳсонун мурувватингдан*  
*Бутун жаҳон халқи мамнун ва масрурдир, ё Муҳаммад.*  
*Ҳидоятинг қуёши туфайли мунаввар бўлган санамлар ҳам*  
*Нури назарингдан бебаҳра қолмади, ё Муҳаммад.*  
*Сен тўлин ойдирсан, ҳам дилимдан, ҳам кўзимдан жой олдинг*  
*Ҳар иккови сенинг жойингдир, ё Муҳаммад (Н1;96-97).*

Шоиранинг “Касе, ки нест сараш хок гашта бар дари ў” мисраси билан бошланган ғазалида эса Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўнгги пайғамбар эканлиги, меърож воқеаси, барча умматларининг гуноҳини тилагувчи шафеъ эканлиги улуғланади.

Қуръони Карим ва ҳадисда ислом дини ҳаққоният ва раббонийликни (муҳофаза қилишга ва ҳимоялашга кафил этилган) тарғиб қиладиган дин эканлиги таъкидланади. Шоира бир ғазалида:

*Фаҳм айлагай рамузи ҳақиқатни Комила,*  
*Ҳар кимки топти маънии Қуръонга ихтисос (Н1;189),*

– дер экан, Қуръон маъносини ўзлаштирган одам ҳақиқат рамзини фаҳмлай олади, деб тушунтиради.

Моҳларойим ижодида хулафои рошидин васфига бағишланган шеърлар кўп бўлмаса-да, уларнинг фазилати, ислом дини ривожига хизматлари васф этилган мисраларни учратиш мумкин. Нодиранинг наът ва манқабат шеърларида умуммусулмон адабиётига хос тарзда Муҳаммад пайғамбарнинг фазилатлари, яқинларининг ислом тамаддуни юксалишидаги хизматлари ўзига хос пафос ҳамда оҳорли ташбеҳлар воситасида ифодаланган.

Шоиранинг девонида “Ҳадис” радифли ғазали иккита бўлиб, унда эътиқод ва иймон туйғулари тараннум этилади. Зеро, ҳадис Аллоҳ каломи бўлмиш Қуръони Каримдан кейин энг муқаддас китобдир. Бу ҳақда Муҳаммад (с.а.в.) шундай башорат қилган эди: “Эй умматларим! Мен сизлар учун Қуръони Карим билан ўзимнинг суннатим, йўл-йўриқларимни

қолдирдим. Сизлар бу иккаласини қаттиқ ушлаб, уларга амал қилсангиз, тўғри йўлдан асло адашмайсиз”<sup>1</sup>.

Ҳадислар тўлиғича ҳалолни ҳаромдан, яхшини ёмондан, дўстни душмандан фарқлайдиган баркамол ахлоқли шахсларнинг эътиқодини мустаҳкамлайди, покликка, хушхулқликка чақиради, инсоний мукамалликка ундайди. Шоира шу боис ҳадисларни ҳар вақт такрорлаб туриш инсон учун яхши фазилат деб ҳисоблаганини биринчи ғазалида:

*Дамеки лабларидин зоҳир этса ёр ҳадис,  
Улусин хотирини айлағай шикор ҳадис.  
Лабинг ҳадисини жон лавҳина савод эттим,  
Кўзим қароси каби бўлди мушкбор ҳадис (А1;114),*

– шундай тасвирларда берса, иккинчи ғазалида:

*Гунгу лол ўлғусидур булбулу тўти ногаҳ,  
Ул шакарлаб нафаси айласа изҳор ҳадис.  
Билдилар чунки жаҳон аҳли ҳадисни саҳиҳ,  
Тонг эмас бўлса улус оғзида такрори ҳадис (А1;115),*

– тарзда тараннум этади. Шоира ушбу ғазалида инсон руҳиятида кечувчи барча мураккабликларни маҳорат билан ёритади ва бора-бора барчанинг ягона ишончи Аллоҳ эканлигига ўқувчиларни ишонтирмоқчи бўлади.

Шоира ижодида ҳадислар билан бирга рўза, рўза тутиш, рўзанинг фазилатларига бир неча бора мурожаат қилинган. Ҳеч кимга сир эмаски, рўза ҳам мусулмон аҳли учун фарз қилинган амал ҳисобланиб: “Эй мўминлар! Тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинади”<sup>2</sup>, – дейилган. Шоира бу мавзуга кўп бора мурожаат қилишига сабаб, рўза инсонларнинг қалбларини поклайди, уларни ҳаромдан ҳазар қилишга ундаш билан эзгу амаллар қилишга чорлаб, комилликка етаклашининг боиси диний-

<sup>1</sup> Убайдулла Унатов. Донолардан сабоқлар. –Т.: Халқ, 1994. –Б.6.

<sup>2</sup> Қуръони Карим. Алоуддин Мансур таржимаси. –Т.: Чўлпон, 1992. –Б.21-22.

маърифий манбаларни чуқур ўрганиб, унинг хосиятларини қалбан ҳис қилганидан бўлса керак:

*Рўзада Комила, боз айла саховат эшигин,  
Бўлди ҳақ раҳматидин рўзаи ризвон ҳожат.*

Зотан, рўза ойида инсонларнинг қалби, руҳи янада пок бўлиш билан бирга Аллоҳнинг раҳматидан умидворлик ҳислари бисёр кўп бўлади.

*Рўза заъфидин ажаб ҳайратдадурман, Нодира,  
Айламасман лек бу аҳвол ила тарки дуо (А1;52).*

Шоира бу каби шеърлари билан Ҳақнинг раҳматиға умидворлик йўлида қилинадиган муқаддас одат, фазилатларни сатрлар силсиласига маҳорат билан сингдириб юборади. Рўзанинг алоҳида шукуҳини завқ-шавқ билан тасвирлайди. Шунингдек, шоира ижодида дунёвий ва диний талқинлар билан бирга чуқур рамзий маънога эга бўлган тасаввуфий ғоялар ҳам ўз аксини топган.

Шариат – руҳий-маърифий камолот юксаклигининг биринчи поғонасидир. Усиз эришилган ҳар қандай даража мардуд бўлиши сўфийлар қарашларида ҳам, сўфиёна шеъриятда ҳам ўз аксини топган. Шундай экан, тасаввуфда ҳам, унинг таъсиридаги адабиётда ҳам “Шариат – машъал, тариқат – йўл, ҳақиқат – борадиган манзилдир”<sup>1</sup>, – деган қараш умумий ва ўзгармас қоида ҳисобланади. Тасаввуфнинг адабиёт, хусусан, шеърият билан яқинлашуви тасодифий ҳодиса бўлмаган. Чунки худди адабиёт сингари тасаввуф ҳам инсон ахлоқи, кўнгли, руҳи ва тафаккури билан машғул бўлишни қўллаб-қувватлаган. Қолаверса, “Тасаввуф адабиётини ўрганмай туриб мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида ёрқин тасаввур олиб бўлмайди”<sup>2</sup>, – дейди Е.Э.Бертельс. Бундан ташқари, филология фанлари доктори Нажмиддин Комилов таъкидлаганидек, “Тасаввуф билан бадиий ижод орасидаги яқинликни сўфийлар ва ижодкорларнинг руҳан яқинлигидан

<sup>1</sup> Рафиддинов С. Шариат, тариқат ва ҳақиқат // Нақшбандия, 2010. 1-сон. – Б. 14.

<sup>2</sup> Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С. 54.

хам изласа бўлади”<sup>1</sup>. Бинобарин, “..тасаввуф жаҳон тафаккури тарихининг узвий бўлаги” сифатида маълумдир<sup>2</sup>.

Қуръони Карим таълими ва тасаввуфнинг маънавий тамойил сифатидаги ўрнини ўзбек мумтоз адабиётининг ҳар бир босқичи ҳамда обидалари мисолида кузатишимиз мумкин. Адабиёт тарихига доир қайси бир нодир асарни қўлга олмайлик, унда инсоннинг маънавий камолоти ва шахс сифатидаги такомилида ислом таълими, Қуръон оятлари ҳамда тариқатга оид қарашларнинг улкан маърифий ўрни борлигини кўрамыз<sup>3</sup>. Нодира ижодининг юксаклиги, шубҳасиз ҳаёт жараёнларининг туб илдизига нигоҳ ташлай олишида, тафаккурининг кенг қамровлилигида, ижтимоий воқеликка ўзига хос назар солишида ёрқин намоён бўлганида, шоира ижодига таъсир кўрсатган иккинчи омил диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ва ахлоқий-маънавий тушунчаларни яхши билганидандир.

Шоира шеъриятининг диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ва ахлоқий асослари ҳақида сўз борар экан, шоира бадий маҳоратини ва ижодий муваффақиятини тўлиқ англаш учун унинг борлиқ, инсон ҳақидаги фикрларининг фалсафий асосларини билиш зарур. Айтиш жоизки, Нодира лирикасида асосий ўринни ишқ мавзуси эгаллайди. Шарқ шеъриятининг етакчи мотиви лирик қаҳрамоннинг ички руҳий ўй-кечинмасини ифодаласа, албатта, бу изтиробларнинг энг жўшқини, алоҳида эътиборга молики, инсон қалбини титратиб, ларзага солган ишқ-муҳаббат туйғуларидир. Ишқ-муҳаббат мавзуси қадимдан барча инсонларни қизиқтириб келган. Ибн Сино “Ишқ ҳақида рисола” (“Рисола фил-ишқ”)сида инсон қалбини жунбушга келтирган муҳаббатни руҳий эмоционал ҳолат деб билганлигини кўриш мумкин. Олим инсондаги бу эмоционал руҳий ҳолатни жамики табиий унсурларда кечадиган жараён деб ҳисоблайди ва одамзодга хос бўлган ишқдан ҳайвоний ҳирсий ишқнинг фарқли томонларини аниқлайди<sup>4</sup>. Улуг

<sup>1</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996. –Б.156.

<sup>2</sup> Қаюмов А. Бу оҳанг ила бўлгасен нақшбанд. –Т., 1993. – Б. 26.

<sup>3</sup> Кодирова М. Шеърият ва муҳаббат маликаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1998. –Б.3.

<sup>4</sup> Сержанов С. Ибн Сино (Авиценна) о любви. – Тбилиси, 1976. – С.47-68.



зот бўлган инсон муҳаббати барча томонлари билан ҳайвоний ҳирсдан юқори туришлигини, ўз жисмидаги ҳайвоний ҳирс бўлмиш ишқни енга олсагина инсон илоҳий ишқ соҳиби сифатида олий мақомга эга бўлишини Ибн Сино ўз асарида илмий далиллайди. Имом Ғаззолийнинг “Диний ишларнинг тикланиши” (“Иҳёи улум-ад-дин”) китобидаги “Нажотга элтувчилар” (“Мунжиёт”) деб аталмиш тўртинчи қисми таркибида ҳам бу мавзуда алоҳида боб ажратилган бўлиб, мутафаккир мазкур инсоний туйғунинг кимга йўналтирилганига кўра 5 турга ажратади:

1. Инсоннинг яратганга ишқи.
2. Инсоннинг яқинлари, кадрловчи, севувчиларга ишқи.
3. Назокатли қалби пок, меҳрибон инсонларга ишқи.
4. Атрофидаги ботинан, зоҳиран гўзаллик соҳибларига ишқи.
5. Умуман бағри кенг, кенг феълли, маслакдошларига ишқи<sup>1</sup>.

Ушбу муҳаббат турлари Ғаззолийнинг кейинги мантиқий таҳлили натижасида яратувчи ва хожаси деб билган – Аллоҳга бўлган муҳаббатида ягона олий туйғуга бирлашади. Тасаввуф таълимотида ушбу қарашлар умумлаштирилиб, алал оқибат, “ишқи ҳақиқий” ва “ишқи мажозий” тушунчалари тарзида намоён бўлди. “Ишқи ҳақиқий” Яратганга бўлган чуқур муҳаббат бўлиб, Парвардигорнинг васлини кўришга муҳтожликни англатса, “ишқи мажозий” бандаларнинг бандаларга ҳамда ўткинчи оламга кўйилган ишқ сифатида талқин этилади<sup>2</sup>.

Шоира Нодира ижодини кузатар эканмиз, унинг лирикасида “ишқи илоҳий”, “ишқи мажозий” тасвирининг гўзал намуналарини учратамиз. Масалан:

*Аввали номамни ҳамдинг бирла айлай ибтидо,  
Хоти покингга эрур на ибтидо, на интиҳо.  
Мен киму васфингни зикр этмак ва лекин кўнглума,*

<sup>1</sup> Абу Ҳамид ал Ғазали. Воскрешение наук о вере. –М.: Наука, 1980. –С.238.

<sup>2</sup> Имомназаров М. Минтақа адабиёти ривожиди тасаввуфнинг ўрни / Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. –Т.: Тошкент давлат Шарқшунослик институти. –Б.23–24.

*Юз туман шавқи муҳаббат шуъласи бермиш зиё...  
Икки оламда умидим сендин эрмиш, Комила,  
Қилмагил, ё раб, ўзунгдан ўзгаларга ошно (Н1;29).*

Шоира ушбу ғазалини Роббисига битар экан, ўзига беҳисоб шавқу муҳаббати зиё берганлигини чин юракдан эътироф этади. Ягона Яратувчига “ўзунгдан ўзгаларга ошно қилмагил”, – дея ишқ изҳорини намоён этади.

Нодира лирикасида Ҳақ таолога интилиш ва *ишқи илоҳий*га бағишланган куйма сатрларни кўплаб учратиш мумкин. Шоиранинг шеърларида Аллоҳга муҳаббат, ислом динига эътиқод, инсон ва табиатга бўлган меҳр туйғулари билан уйғунлашиб кетади. “Пайдо” радифли ғазалида Аллоҳга қарата: Сенинг муҳаббатинг билан тўлиқ қалбим ўзлигини билдирди, сенга бўлган муҳаббатим ифодаси – кўз ёшларимдан вафо ниҳоли униб чиқди, –деб шукр ва фахр туйғусини изҳор этади.

*Худовандеки бўлди сунъдин арзу само пайдо,  
Қилур бир қатра сувдин гавҳари қимматбаҳо пайдо...  
Камоли қудратидан олам ижод аро бўлмиш,  
Гулу хору ганжу муфлису шоҳу гадо пайдо.  
Ёрутдинг ошиқу маҳбуба ҳусну ишқ миръотин,  
Ки бўлди гул била булбул аро баргу наво пайдо.*

Юқоридаги мисралардан кўриниб турибдики, шоира Аллоҳ васфида унинг беназирлигини тасвирлаб беради. Унинг бениҳоят қудрат эгаси эканлигини “бир қатра сувдин гавҳари қимматбаҳо пайдо” қила олишида, умуман, олам яратикларини гўзал ва бенуксон бунёд этганини, шу боис ишқида “гул била булбул аро баргу наво пайдо” бўлганлигини завқ-шавқ билан куйлайди. Тонг нурларининг ҳар бир заррасида ҳам, ҳаттоки, Ҳақ таоло меҳри намоён бўлишини ҳис этган шоира, миннатдорчилиги эвазига кўз ёшлар тўкиб, Яратганга вафоли бўлишини тараннум этади:

*Биҳамдиллаҳ, гули меҳру муҳаббат ошкор ўлди*

*Ки, бўлди Комила кўз ёшидин нахли вафо пайдо* (Н1;30).

Шоира Аллоҳга вафосининг чексиз эканлигини, унинг бирлигига нафақат доно, балки жоҳил ҳам иқрорлигини ўтлиқ мисраларга жо айлар экан, Ҳақ жамолини кўришни бир умр орзу қилади:

*Муҳтож сенинг даргоҳингга мўъмину муфлис,  
Иқрор сенинг бирлигингга жоҳилу доно...  
Ҳажр ичра эрур Комила муштоқи висолинг,  
Шоядки кўзим қилса жамолингни тамошо* (Н1;28).

Нодира лирикасида анъанавий ишқ-муҳаббат, ирфоний, ахлоқий-маърифий, ҳамд, наът ва муножот мавзуларига алоҳида аҳамият берилган. Ғазалларида тасаввуфий тимсол ва ирфоний талқинлар ҳам муайян ўрин тутди. Шоира *маҳбуб, шамъ, парвона, ўт, ориф, кўнгил, руҳ, бут, бутхона* каби тимсоллар воситасида Инсон ва Аллоҳ ўртасидаги ботиний боғлиқликни ифодалайди. Айтиш мумкинки, “...агар сўзларда фақат луғатда қайд этилган муайян маъногина бўлганда ва иккинчи тил (бадий тил – изоҳ бизники С.Э.) тилнинг бундай тўғрилигини бузмаганида ва ундан озод қилмаганда эди, адабиёт ҳам бўлмас эди”<sup>1</sup>.

Тасаввуфий руҳ билан суғорилган ушбу мисраларда шоира ишқ йўлидан беҳабар зоҳидни қабихғуфтор шахс сифатида таърифлайди. Нодира ўзини “ишқ оинаси” деб атайдди. Шу оинада инсон ўзининг бутун орзу ва ўйлари билан намоён бўлади<sup>2</sup>.

“Комила девонида ўзини ринд, қаландар деб атаган байтлар, ғазаллар ҳам мавжуд. Илоҳий ишқ талқин этилган “*омадам*” радифли ғазалида шоира “ишқ либосини кийганман, мурод тожини бошимга қўйганман, айланиб турган чарх пиёламдир, мен бир ринд қаландарман”, – деб ёзади:

*Кисвати ишқ дар барам, тожи мурод бар сарам,*

<sup>1</sup> Ржевская Р.Ф. О семиотических исследованиях литературоведении // Семиотика и художественная творчество. –М.: Наука, 1977. –С.79.

<sup>2</sup> Қодирова М. XIX аср ўзбек шоиралари ижодида инсон ва халқ тақдири. –Т.: Фан, 1977. –Б.31–32.

*Гардиши чарх созарам, ринди қаландар омадам.*

Кейинги байтлар шоира мушоҳадаларини янада аниқроқ ифодалайди:

*Фаҳру фано тариқи ман, меҳру вафо рафиқи ман,  
Ишқи бутан шафиқи ман, валаи дилбар омадам.  
Бас, ки раҳи малак задам, нақши вужуди ҳақ задам,  
Пай ба нўҳ фалак задам, бар сари чамбар омадам...*

Бу байтларда шоира мутасаввуф аёл қиёфасида намоён бўлади. У фақр ва фано йўлида йўлчи эканлигини баён этмоқда. Шоира қайсидир тариқатга расман алоқадор бўлмаса-да, қалбан ихлосманд бўлган. Балки, кейинги байтда ишора этилаётганидек, “Ҳақ вужудини нақш этиб”, нақшбандларга ихлос қилгандир”<sup>1</sup>. Бироқ шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Нодира ижодида “ишқи илоҳий” билан ҳамоҳанг тарзда “ишқи мажозий” ҳам ўзига хос ўрин тутди. Шоира ашъорларида ишқи илоҳий билан ишқи мажозий уйғунликда юқори чўққи, гўзал туйғу сифатида талқин этилиши билан бирга, шоира лирик қаҳрамон – ошиқ аҳволидан дарак бериб, туйғулари билан мажозий ҳамда илоҳий ғояларни уйғунлаштиради. Бу ғоялар шоира кўзлаган меҳр-вафо, инсонийлик, яхши ахлоқни ва фазилатларни ифодаласа, бошқа жиҳатдан, Яратганга бўлган мислсиз интилиш билан боғлиқ тасаввурларни ҳам қамраб олади. Адабиётшунос олим А.Ҳайитметовнинг: “Гарчи Шарқ поэзияси тарихида биз сатирик, фалсафий, автобиографик ғазалларни, табиат, май ҳақидаги ғазалларни учратсак ҳам, лекин ғазалнинг асосий специфик мавзуси ишқдир. Буни фақат ғазал назариячиларининг фикригина эмас, балки шу нарсанинг неча юз йиллик тараққиёт тажрибаси ҳам кўрсатиб туради”<sup>2</sup>, – деган қарашлари нақадар асосли эканлигини Нодира лирикаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. “Нодира шеърлятида икки хил ишқ бири бири билан уйғунлашган ҳолда юзага чиқади ва айни пайтда бу ҳол

<sup>1</sup> Муҳитдинова Н. Нодира шеърлятида тасаввуфий қарашлар талқини / Тасаввуф адабиётининг ўрганилиши ва таржимашунослик муаммолари. Республика илмий назарий анжумани материаллари, 2018. –Б.111.

<sup>2</sup>Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Т.: ЎзР ФА, 1961. –Б.56.

шоиранинг кенг қамровли ижодкор сифатидаги салоҳиятини кўз-кўз қилади”<sup>1</sup>.

Нодира асарлари абадийлигининг сабаби ҳам унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган юксак фикрларни олий бадий шаклда берганлигида, деб ҳисоблаймиз. Нодира инсонлар ўртасидаги муносабатлардан тортиб, энг муқаддас ҳодисаларгача ишқ мавзуси билан боғлиқ ҳолда тасвирлайди.

Фикримизни ойдинлаштириш учун қуйидаги биргина ғазални келтирайлик. Унинг ғазали бутун моҳияти билан бедорликка даъват сифатида ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди:

*Кел, даҳрни имтиҳон этиб кет,*

*Сайри чамани жаҳон этиб кет.*

Матлаъда “Инсон ҳаётга келдими ҳаётни, ёруғ оламни ва инсонларни билиш ва англашга қодир бўлмоғи, сўнг кетмоққа ҳақли”, – деган фикр айтилиб, руҳан ва қалбан бедорлик, жамият, давр, халқ ва муҳитга нисбатан маънавий бедорлик ғояси тарғиб қилинган.

*Бедардларнинг жафоларидин*

*Фарёд чекиб, фигон этиб кет.*

Иккинчи байтда эса инсон “Инсон кўнглида дарди йўқ қаҳрлилардан қочиши, ўз дардини тўкиб, сўнг кетмоққа ҳақли”, – деб ҳисоблайди. Шоира эътирофича, инсон сергак ҳиссиётларга таяниб яшаши керак. Чунки ким дардли бўлса, у комилдир. Қорин захмати, оила ташвиши учунгина ишлаб, фақат шулар учунгина яшаб бўлмаслиги, шунинг учун ҳам дардсиз жафокашлардан қочишни тарғиб этади.

*Дунё чаманини булбулисен,*

*Гул шохида ошиён этиб кет.*

---

<sup>1</sup> Қодирова М. Шеърят ва муҳаббат маликаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1998. –Б.8.

Учинчи байтда “Инсон дунё чамани гуллари ичидаги сайроқи булбул каби ҳароратли ва таъсирчан бўлишини, сўнг кетмоққа ҳақли” эканлиги баён қилинади.

*Эй ашк, кўзимни мактабидин,  
Ҳайрат сабақин равон этиб кет.*

Тўртинчи байтда “Инсон оғриқли оҳанглари ила бутун дунёни хайратга солишни, сўнг кетмоққа ҳақли”лигини таъкидлаган. Инсон кўзи – унинг калби, унинг мангу беором, ҳаловат билмас юраги, қайси бир даражада бўлмасин, аниқлик маркази. Унда ҳаёт, инсон, эзгулик, ёвузлик, адолат ҳақидаги аниқ ҳақиқатлар акс этиши керак, – деб ҳисоблайди.

*Олам чаманики бевафодур,  
Бир оҳ била хазон этиб кет.*

Бешинчи байтда “Бу ёлғон ва ўткинчи дунёда инсон бир нафас ила тўзиган барг мисоли узилиб, хазонга айлангани каби, сўнг кетмоққа ҳақли”, яъни унда ёлғон ва алдовлардан озод бўлиб, барг ўзидан тоза нафас чиқаргани каби, ҳаётлик чоғида буюк ғоя ва мақсадлар сари интилиб яшаши кераклиги айтилади.

*Ушишоқ мақоми бўстондур,  
Азми раҳи бўстон этиб кет.*

Олтинчи байтда “Инсон ишқ эгаларининг манзили бўлган бўстондир. Ана шу бўстонга интилиб яшаш” лозимлиги тарғиб этилган. Чунки шоира наздида ишқ – бу Иймон. Муҳаббатли кишиларгина иймонли. Нодира инсон ҳаёти мобайнида фақат иймонли кишиларгагина эргашиш кераклигини уқтиради.

*Мақсад на эди жаҳона келдинг?  
Кайфиятини баён этиб кет.*

Еттинчи байтда “Ҳаётга келишидан инсон не мақсад эканлигини англаганидан ва ўзгаларга аён этганидан сўнг, кетмоққа ҳақли” деб шоира

инсон ўз умрини ғанимат билмоғи, уни беҳуда сарфламаслиги, ҳаётда ҳар бир кишининг ўз мақсади бўлмоғи, бефарқ ва лоқайд бўлмаслиги, бу беш кунлик дунёда эзгулик ила мақбул амалларни қилмоқликка чақиради ва маънавий бедорликка даъват қилади.

*Фош этма улусқа ишқ сиррин,  
Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.*

Саккизинчи байтда “Нодон оломон – жаҳолатдан сармаст тўдага ўз дилидаги ишқ сирларини фош этиб бўлмайди, инсон ундайларга кўнглини очгандан кўра, қалбида уни пинҳон сақлагани маъқул” деб ҳисоблайди.

*Кел, ишқ йўлида кўзларингни,  
Эй Нодира, дуришфон этиб кет (Н1;83).*

Ғазалнинг мақтаёсида “Эй Нодира, ишқ йўлига кўзларингдан дур каби кўз ёшларингни аямай тўк” дея ҳикматомуз мисралар яратган. Ҳаётнинг ҳам, инсон умрининг ҳам ҳал қилувчи муҳим икки чегараси – тириклик ва ўлим – Нодира ғазалида иккита ғоявий қанот ёрдамида ўз қарашларини баён этган. Яъни умрнинг кунларинигина эмас, қисқа соатлари-ю ва дақиқаларини ҳам ўлим чангалига топширмай, ўзиники қилиб сақлаб қолмоқ учун инсонга “ишқ йўлида” ўзини бағишлаш ато этилган. Шунинг учун ҳам ишқ – Она юртга, ҳалққа, ҳаётга муҳаббат туфайли маънан бедорлик – инсон руҳиятининг ўлим устидан ғалабаси, абадийликка эришиш йўлидир.

Шундай экан, ғазал таҳлилидан Нодира инсоният учун нақадар улуғ ва қимматбаҳо санъат хазиналарини мерос қилиб қолдиргани кўриниб турибди. Ижодкор барча лирик асарларида ғоявий яхлитликка интилган, матлаъдаги фикрни ғазал мақтаёсигача тадрижий давом эттиришга, бошлама байтлардаги айтилган ғояни байтма-байт очиб, далиллаб боришга ва бетакрор хулосалар билан яқунлашга ҳаракат қилган. Бундай хусусиятларнинг шоира ижодида ёрқин намоён бўлиши уларнинг ўзига хос бадиий талқин этилишига сабаб бўлган. Нодира ижодида ҳам ишқ ва

муҳаббат идеал туйғу сифатида талқин этилиб, лирик қаҳрамон – ошиқ аҳволидан хабар бериш билан бирга илоҳий ғояларни илгари суради. Шоира фалсафасида яхшилик ва ёмонлик, адолат, ишқ-муҳаббат каби ахлоқий тушунча ва тамойиллар катта ўрин эгаллаган.

Шоира бадиий ижодининг туб асоси фалсафий, ижтимоий, ва эстетик қарашларининг юксак поэтик шаклдаги ифодаси бўла олганлиги билан характерланади. Чунки адабиётнинг вазифаси жамиятга бадиий шаклда хизмат қилишдан иборатдир. Ҳақиқий шоирнинг асари ғоявий, тарбиявий, маърифий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга бадиий аҳамиятга эга ҳам бўлиши лозим. Юксак ғоя ва чуқур мазмунни гўзал бадиий шаклда бера олган асарларгина жаҳон адабиёти хазинасидан ўзига муносиб ўринни эгаллайди ва абадий яшайди. Бадиий адабиётда шеърининг синчи олимлар томонидан муносиб баҳолалиши табиий ҳолат, деб ҳисоблаймиз. Зеро, “Адабий турларнинг бири – лирикага мансуб асарларнинг сертаъсирлигини таъмин этадиган ва уни тавсифлайдиган энг муҳим хусусияти ижобий маънодаги субъективлигидир. Лирик асарда дунё ижодкорининг ички дунёси орқалигина ўз ифодасини топади... Шунинг учун лирика шоирни ўқувчи билан сирдош қилиб қўяди. Сирдошлик эса ўта яқинликдир”<sup>1</sup>. Худди шундай мақомда турган шоира ҳам фикр-мулоҳазаларини, фалсафий хулосаларини бетакрор санъаткор сифатида гўзал бадиий лавҳаларда ифодалай олади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шоира Моҳларойим – Нодира асарларининг жаҳоншумуллиги ва абадий барҳаётлигининг сабаби ҳам унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган юксак фикрларни бадиий шаклда ифодалаганлигидадир. Нодира бадиият олами диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ғоялардан сув ичган, яъни улар бағрида улғайган. Шоира ислом дини пешволари, хусусан, Муҳаммад (с.а.в.) ва хулафои рошидин образларини тасвирлашда ўзигача бўлган давр ижодкорлари йўлидан боради. Тимсоллар яратишда улар билан боғлиқ бирламчи тарихий манбалардаги

---

<sup>1</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1980. –Б. 251.



маълумотларга, хусусан, Қуръон ва ислом тарихи билан боғлиқ асарлар, салафлари асарларида учрайдиган анъанавий лавҳалардан фойдаланади. Шу билан бирга, ўзи мансуб бўлган мазҳаб ақидалари, қарашларига таянади. Улардан четга чиқмасликка ҳаракат қилади. Нодира девонидаги шеърлар ўша даврда мавжуд анъанага кўра ҳамд, муножот ва наътлар билан бошланган. Шоира Муҳаммад (с.а.в.), чорёрлар, саҳобалар образини ўзига хос тасвирлайди. Калом илмини, ислом дини ва миллатимиз тарихини чуқур билган Нодира шеърларида бу типдаги образлар юксак бадиият билан тасвирланган.

### **1.3. Нодира ижодида адабий анъана ва ўзига хослик**

Аждодларимиз адабий меросининг абадийлиги, дурдона яратикларининг замонлар оша барҳаётлиги бугунда барчага яхши маълум. Адабиётшунослик фанида эътироф этилганидек, бу кўп қиррали ижод ҳозиргача маҳорат мактаби, бадиий санъаткорликнинг мумтоз бир намунаси бўлиб келмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳар бир ижодкор ўзидан олдин яратилган бадиий ижод намуналаридан баҳраманд бўлар экан, улар яратикларидан илҳом олиб, ижодий фойдаланган. Ижодкор исътедодининг ўсиб, камол топишида адабий анъананинг ўрни беқиёс. Ижодда буюк салафлар анъанасини муносиб давом эттириш, маълум даражада уларни янгилашга, ривожлантиришга интилиш ўзбек мумтоз шеърятининг ўзига хос хусусиятидир. Айниқса, “..муаззам форсий сўз санъатининг ўзбек адабиётига таъсири катта. Бунинг бир қанча сабаблари бор: 1) асрлар давомида бизнинг минтақамизда ҳам худди араб тили илм тили бўлгани каби, форс тили адабиёт тили бўлиб хизмат қилган; 2) форс тили мадрасаларда ўқитиш тили вазифасини бажарган; 3) форс-тожик адабиётининг Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Фаридиддин Аттор, Саъдий Шерозий, Жалолидди Румий, Камол Хўжандий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Соиб Табризий, Мирзо Абдулқодир Бедил

каби забардаст намояндалари асрлар давомида ўзбек шоирларига кучли таъсир ўтказиб келганлар”<sup>1</sup>. Шу боис, миллий адабиётимиз тарихининг деярли барча даврларида ана шу хусусият турли шаклларда давом этиб келмоқда.

Шарқ мумтоз адабиёти катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Шу ўринда алоҳида эътироф этиш лозимки, Абу Абдуллоҳ Рудакий бошчилигидаги бақувват форс шеърят мактаби сомонийлар саройида X аср биринчи ярмида юзага келиши ва уларнинг ижодий таъсири остида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳар томонлама етук форс, араб ва туркий шеърят равнақи юксалди. Айтиш лозимки, форс тилида мадҳиявий қасиданинг мумтоз намуналари Унсурий, Фаррухий, Манучехрий, шунингдек 60 минг байтдан иборат катта тарихий эпопея бўлган “Шоҳнома” Фирдавсий Тусий (940-1020) томонидан дунё юзини кўрди. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони (1069) туркий тилда ўз даврининг долзарб ижтимоий ва фалсафий қарашлари гўзал намунаси сифатида, араб тилида эса Абул Аъло-ал-Мааррий (973-1058)нинг юксак фалсафий асарлари, мумтоз адабиётда кейинчалик катта бир етук асарлар яратилишига замин бўлди, деб бемалол айтиш мумкин.

Фикримиз исботи сифатида шуни келтириш мумкинки, Сомонийлар даври адабиётининг вакилларида Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг сафдоши ва замондоши Абу Шукурнинг:

*Хираманд шояд: “Хирад-подшо-ст”,*

*Ки бар хос-у бар ом фармонраво-ст.*

*Зирадро тани одаме лашкар аст,*

*Ҳаме шахват-у орзу чокар аст.*

**Мазмуни:** Ақллилар айтур, ақл–подшодур, Ақл барчага бир фармонраводир. Тана аъзолари–ақл лашкари, Шахвату орзулар унинг чокари.

---

<sup>1</sup> Қобилова З. Бадий ижодда таъсир ва издошлик масалалари (Амирий шеърят мисолида). Филол. фан. докт. ... дисс. – Фарғона, 2020. –Б. 80.

Айни шу фикрларини кейинги асрда “Шоҳнома”нинг кириш қисмида Абулқосим Фирдавсий ривожлантиради:

*Хирад беҳтар аз ҳар чи изад бедод,  
Ситоиш хирадро беҳ аз роҳи дод.  
Ҳирад раҳнамо-ю зирад дилкушой,  
Хирад даст гирад ба ҳар ду сарой.  
Аз ў шодмони ва-з ў-ят гам-ст,  
Ва-з ў-ят фузуни ва-з ў-ят ками-ст.  
Хирад тира-ву марди равшан равон,  
Набошад ҳам шодмон йек замон...  
Каси кэў надорад хирадро зи пеш,  
Дилаш гардад аз кардаи хеш реш.*

**Мазмуни:** Худо неъматларин олийси идрок, Ақлни васф этар кимки дили пок. Ақл йўл кўрсатиб дилни шод этар, Ҳар икки оламда ақлли обод. Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик, Ақлдан борлигу, йўқлигу, камлик. Бадан соғ бўлса-ю ақл–нотавон. Бундай инсон бўлмас ҳеч вақт шодмон... Қилмишидан бўлур юрак-бағри чок<sup>1</sup>.

Кўрамизки, агар Рудакийнинг замондоши ақлни инсон вужудининг ҳукмдори деб улуғлаётган бўлса, Фирдавсий уни Аллоҳ инсонга ато этган неъматларнинг энг олийси деб талқин қилмоқда. Бундай фикрларни Рудакийдан, Юсуф Хос Ҳожибдан ҳар қанча истасак топиш мумкин<sup>2</sup>. Мутафаккир аллома Юсуф Хос Ҳожиб томонидан маълум тизимга солинган ахлоқий кадриятлар XVII-XVIII асрда яшаб ижод этган забардаст файласуф, шоир Мирзо Абдулқодир Бедил ижодида янада ривожлантирилганлигини кўрамиз. Шу нуқтаи назар билан қаралганда, Нодира ижод оламига кириб келар экан, форсий ва туркий адабиётнинг буюк халқ эътирофидаги устоз шоирлари, хусусан, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил,

<sup>1</sup> Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм таракқиёти. –Т.: Фан, 1968. –Б. 25.

<sup>2</sup> Имомназаров М. Минтақа адабиёти ривожиди тасаввуфнинг ўрни / Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010. –Б.12–13.

Машраб ижодидан таъсирлангани, улар анъаналарини давом эттирганлиги бугунда адабиёт аҳлига яхши маълум. Шоира ғазалида куйлагандек:

*“Аз китоби ишқ чандон достон дорад дилам,  
Дар жаҳон овозаи ин достонаи меревад”.*

**Мазмуни:** Ишқнинг китобидин дилимда достонлар пайдо бўлди, Энди менинг достонимнинг овозаси бутун жаҳонга кетади<sup>1</sup>.

“Нодира ўз даврининг энг истеъдодли ижодкорларидан бири бўлган. Аммо у бундай камолотга бирдан эришиб қолмади. Узоқ меҳнат ва машқ билан ўз истеъдодига сайқал берган”<sup>2</sup> экан, шу билан бирга туркий ва форс адабиёт намояндалари қолдирган бебаҳо асарларнинг шоира ижодига таъсир этганлиги дейиш мумкин.

Нодира ижоди равнақиға катта таъсир кўрсатган туркий ва форс адабиётининг тутган ўрни масаласини ёритар эканмиз, чунончи, шоира форсий шеърийатнинг зарофатли юксаклигида туриб истеъдодини намоёиш қилган девонида, Шарқ алломалари ҳурмат билан тилга олинади. Ижодкор “Ман” радифли ғазалида ёзади:

*Аз алами дарди ишқ ҳол баса мушқил аст,  
Гар нанамоянд мадад Қосими Анвори ман.*

**Мазмуни:** Агар менинг Қосими Анворим мадад қилмаса, Ишқ аламининг дардидан аҳволим ғоят мушқулдир<sup>3</sup>.

Бу ўринда қаламга олинган Қосим Анворни XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган, Алишер Навоий асарларида эъзоз билан эсланган форзийзабон шоир сифатида биламиз. Шоира “Қосими Анворим” деганда ўзининг умр йўлдоши Умархон – Амирийни назарда тутмоқда. Лекин бу ишора Нодира форсий шеър усталаридан бўлган Қосим Анвор ижодидан

<sup>1</sup> Нодира–Комила. Иккинчи китоб. –Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2004. –Б.5. (Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади саҳифаси қавс ичида (Н2) кўрсатилади).

<sup>2</sup> Қаюмов А. Нодира. Асарлар. 7-жилд, 1-китоб. Т.: Мумтоз сўз, 2010. –Б.152-153.

<sup>3</sup> Нодира Девон. Ўзбек ва форс тилларидаги шеърлар. –Т.: ЎзФА, 1963. – Б.522. (Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади саҳифаси қавс ичида (Н) кўрсатилади).

яхшигина хабардор бўлиб, ундан баҳра топган<sup>1</sup>, –деганда, адабиётшунос олима нақадар ҳақ эканлигини шоира шеърларини ўрганиб, шоҳиди бўламиз.

Форс-тожик мумтоз шеърлятида “Абулмаоний” – “Маънолар отаси” номини олган Мирзо Бедилдан таъсирланмаган ижодкор бўлмаса керак. “XVIII-XIX асрларда Ўрта Осиё адабиётига Мирзо Бедилнинг кўрсатган таъсири... халқимизнинг адабиёт ва ижтимоий фикрлар хазинасига дур бўлиб киргандир”<sup>2</sup>, –деган қарашлар юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Асарлари рамз, киноя ва истиораларга, фалсафий қарашларга бой бўлган Мирзо Бедилнинг “Илоҳи, пора тамкин деҳ дами ваҳши нигоҳонро” мисраси билан бошланадиган ғазалига Нодиранинг моҳирона мухаммас боғлагани ҳам юқоридаги қарашларнинг тўғри эканлигини кўрсатади.

*Кафи мо Нодира чуз соғари ҳасрат намегирад,*

*Зи оташ иштиъоли шамъи мо рифъат намегирад,*

*Зи об оина мо ҳеч кор сурат намегирад,*

*Мизочи факри мо бо гарму сард улфат намегирад.*

*Ҳавое нест, Бедил, сарзамини бекулоҳонро.*

**Мазмуни:** Комила, бизнинг кайфимиз ҳасрат қадахидан бошқасини кўтармайди. Оловдан шамимиз юксалиш алангасини олмайди. Одатларимиз сувидан бирор баҳрамандлик бўлмайди, Фақирлигимиз мизожи иссиқ-совуқ билан улфат бўла олмайди. Эй Бедил, кулоҳсизлар манзилида ҳеч бир ором йўқ. Мардликни йўқотган юртга кўнгул майл ҳам қилмайди (Н;578).

Марказий Осиёда бошланган юксалиш даврида туркий тилда бадий асарлар яратишга эҳтиёж кучайди. X-XII асрларда ўзбек диний адабиётида, хусусан, Хожа Аҳмад Яссавий ижоди, XIV асрда Носириддин Бурхониддин ўғли Рабғузийнинг “Қисас ул-анбиё” (1310/11) асари, XV асрда Алишер Навоий лирикаси бунга яққол мисол бўла олади.

Нодира ижод оламига кириб келар экан, шоира дунёқараши такомилида туркий ва форс-тожик адабиётининг ҳамда ислом дунёсининг маънавий

<sup>1</sup> Қодирова М. Шеърят ва муҳаббат маликаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1998. –Б. 69-70.

<sup>2</sup> Мўминов И. Мирза Бедилнинг фалсафий қарашлари. –Т.: ЎзФА, 1958. –Б.191-201.

таъсири бекиёс бўлди. Унинг ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишида ғоят кучли таъсир кўрсатган ғазал мулкининг султони Алишер Навоий адабий меросидан таъсирланиши, анъаналарини давом эттириши табиий ҳолат эди. Навоийнинг ҳаётбахш ва ҳайратомуз анъаналари бошқа шоирлар учун чиникиш ва илҳом манбаидир. Бу чашмадан баҳраманд бўлган, шуҳрат топган шоирлар қаторида Қўқон адабий муҳити ижодкорлари алоҳида ўрин тутди. Чунки салафларнинг ижоди бекиёс ва туганмас уммондир.

Назмни қуръоний мавзу ва поэтик талқин билан бойитиш Шарқ адабиётига хос анъана бўлиб, иккала ижодкор шеърятни ҳам бундан мустасно эмас. Алишер Навоийнинг деярли барча асарлари Тангри Таоло ва охирги пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) мадҳи билан бошланган. Худди шунингдек, Нодиранинг ўзбек ва форс-тожик тилидаги ғазаллари ҳам ҳамд ва наътлар билан бошланади. Аллоҳ Таоло, Муҳаммад (с.а.в.) бетакрор бадиият билан васф этилади. Бу борада адабиётшунос У.Қобиловнинг билдирган фикрлари ҳам асослидир: “...Ислом динини қабул этган мамлакатларнинг ижодкорлари диний-тасаввуфий мазмундаги асарлари учун икки эскирмас ва ўлмас манбага асосланганлар. Улардан биринчиси Қуръони Карим, иккинчиси Ҳадиси шарифдир”<sup>1</sup>.

Уларнинг асарларини ўргана туриб, иккала ижодкор ҳам калом илмини, ислом дини ва миллатимиз тарихини чуқур билган. Салафлар ижодидаги бу образлар билан боғлиқ ёрқин тасвирларни диққат билан ўрганган. Шу боисдан ҳам уларнинг ҳамд мавзусидаги ғазалларида теран маъно ва гўзал бадиий шакл уйғунлиги намоён бўлган. Жумладан, Навоийда:

*Эй хоки сари қўи ту гаштан ҳаваси мо,  
Бар пои сагат бўса задан мултамаси мо.  
Гар дам задани мо бувад аз меҳри ту чун субҳ,  
Сад шом сияҳрўз шавад аз нафаси мо.*

---

<sup>1</sup> Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. –Т.: Ниҳол, 2008. – Б.39.

*Дар бодияи шавқи ту чун роҳила бандем,  
Зикри малак ояд зи фигони жараси мо.  
Бо неши заму жисми заиф оҳ барорем,  
Сўят магар ин бод барад хору хаси мо.  
Бечорагии мо ҳаваси чорагарон шуд,  
То ту шуди аз лутфу карам чорараси мо.  
Ҳар кас, ки зи афтодаги орад ба касе рӯй,  
Мо рӯ ба ки орем, туи чунки каси мо?!  
Фонисифатам, рӯҳ кунад сӯи ту парвоз,  
Эй, аз шакаристони ту қути магаси мо.*

**Маъноси:** Эй кўчаси туфроғида юриш биз учун ҳавас бўлган (зот!), бизнинг илтимосимиз сенинг итинг оёғини ўпишдир. Биз бамисоли тонг янглиғ сенинг меҳрингдан нафас оламиз. Шунинг учун юз қора шом нафасимиздан кундуздек ёригай. Шавқинг саҳросида сафар юкини боғлар эканмиз, қўнғироғимизнинг фигонидан фаришта зикрининг овози келиб туради. Ғам нишлари билан заиф жисмимиздан оҳ чекамиз, шояд ана шу оҳимиз хору хасимизни сен томон олиб борса, Сен лутфу карамдан бизга чора етказувчи бўлганинг сабабли, чора топувчилар бизнинг ночорлигимизни ҳавас қиладиган бўлди. Ҳар кишининг бошига иш тушганда ёрдам сўраб бирор кишига мурожаат қилади, биз, сиғинадиган кишимиз сен бўлгач кимга мурожаат қилайлик. Мен Фоний сифатман, руҳ (эса) сен томон парвоз қилади, (руҳимиз) чивинининг озуғи сенинг шакаристонингдандир<sup>1</sup>.

Ғазалда Алишер Навоий Аллоҳнинг ҳар жиҳатдан мукамаллиги, шакли-шамойили ва зотини англашда инсон ақли лоллигини эътироф қилади. Тангри мадҳини келтирар экан, унинг қудрати бениҳоя эканлигини “тонг янглиғ сенинг меҳринг билан нафас оламиз, шунинг учун юз қора шом нафасимиздан кундуздек ёригай”, деган фикрлар билан ифодалайди. Алишер Навоий Аллоҳ мадҳини бетакрор истиоралар, гўзал ташбеҳлардан

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 18-жилд. –Т.: Фан, 2002. –Б.8-9.

фойдаланган ҳолда “Ғам нишлари билан заиф жисмимиздан оҳ чекамиз, шояд ана шу оҳимиз хору хашагимизни сен томон олиб борса, Сен лутфу карамдан бизга чора етказувчи бўлганинг сабабли чора топувчилар бизнинг ночорлигимизни ҳавас қиладиган бўлди” дея тасвирлаб, унга ўтинч, илтижо билан мурожаат қилади. Бандаси борки, бошига мушкул иш тушса, қийналса, қоқилса, ўзидан, ўзгандан нажот тиламайди, сенинг марҳаматингга умидвор бўлади. Тангри хайру эҳсон этгувчи зот экан, руҳимиз ўзингдан оройиш топади, шу боис “сен томон парвоз қилади” дея оҳорли ташбеҳлар орқали Яратувчини таърифлайди.

Худди шунингдек, Нодира ижодида ҳам ҳамд ғазалнинг гўзал намуналарини кўриш мумкин. Шоира уларда фақат Аллоҳга ҳамду сано билан чекланмай, Унинг қудратини ҳам моҳирона тасвирлайди. Бу эса юқорида таъкидлаганимиздек, шоиранинг чуқур диний билимларга эгаллигини далолатлайди:

*Он соней, ки кард ишорат ба кофу нун,  
Мулку малак зи нашъаи он амр шуд бино.  
Бар Нўҳ аз талотуми тўфон нажот дод,  
Шуд қавми ў ҳалок ба амвочи ибтидо.  
Фармони ў зи санг баровард ноқаро,  
То халқро ба даъвати солиҳ кунад нидо.  
Дар маърази сиёсати хасмони тира дил,  
Чуби асо ба дасти Калим аст ач аждаҳо.  
Шуд гулистон шарораи Намруд бо Халил,  
То хотири мубораки ў гаит пур сафо.  
Бар торами сипеҳр Масеҳо ниҳода пой,  
Аз файзи номи хоси худованди зульало.  
Иқболи дастгоҳи Сулаймон ба ҳукми ўст,  
Худҳуд расонд муждаи Билқис аз Сабо.*



**Мазмуни:** У яратувчи кофу нун.....га ишора қилган заҳоти, фаришталар, мулку бойликлар унинг амри билан бино бўлди. Нўҳга тўфон балосидан нажот бердинг, унинг уммат (қавм)ларини бало тўлкинига учратиб ҳалок қилдинг. Сенинг фармонинг билан туя тошдан чиқди, токи набий халқни тўғри динга даъват этиб нидо қилгай. Ўзининг яратувчилигини фаҳмсиз бадзоҳларга намоёиш қилишда Мусо пайғамбарнинг қўлидаги ҳасса чўпи аждаҳо бўлди. Иброҳим пайғамбарни шоҳ Намруд ўтга ташлаганда, гулхан гулшанга айланиб, унинг муборак хотири нурли бўлди. Масиҳо (Исо) осмон гумбазига оёғини қўйиб, Худонинг муборак номидан файз топиб юксалган. Сулаймон бойлиги-ю иқболи унинг ҳукмидадир, Худхуд (попишак) куш Сабо шаҳридан Сулаймонга Билқис хабарини етказди (Н2;7-9).

Шоиранинг ҳамд ғазалида Аллоҳнинг сифатлари бирма-бир келтирилар экан, ташбеҳ санъатидан моҳирлик билан фойдаланганлигини кўриш мумкин. Қуръони Каримдан ва бошқа диний-тарихий манбалардан аёнки, Аллоҳ ва унинг пайғамбарларига шак келтирган, ёмонликни, зулмни либос қилиб кийиб олган, фисқу фужурга берилган қавмлар Парвардигор ғазабига учраган. Юқоридаги ҳамд ғазалда ҳам Нўҳ пайғамбарни ҳақоратлаган, унинг амалларига тўсқинлик қилган қавмнинг бало тўфонига учраб, хору ҳалок бўлгани, Нўҳ эса Яратганнинг шарофати ила тўфон балосидан нажот топгани айтилган. Кейинги мисраларда шоира Аллоҳнинг ҳар бир сифатини пайғамбарларга берилган хусусиятлар орқали ифодалаб, хом сут эмган бандаларни огоҳликка чорлайди. Инсонларни кибрга берилмасликка, Парвардигорнинг ёлғиз яратувчи эканлигига иймон келтиришга даъват этади. Бунинг учун Мусо пайғамбарнинг қўлидаги ҳасса аждаҳо бўлгани, Иброҳим пайғамбарни шоҳ Намруд ўтга ташлаганда, гулхан гулшанга айланиб, унинг муборак хотири нурли бўлгани, Масиҳо (Исо) осмон гумбазига оёғини қўйиб, Худонинг муборак номидан файз топиб юксалгани-ю, Сулаймон бойлиги-ю иқболи Яратувчининг ҳукмида эканлигини шоира сатрлар силсиласига теради.

Шоира девонининг Аллоҳ номи билан бошланишидан фахрланади ва “Аввали номамни ҳамдинг бирла айлай ибтидо” деб ёзади. Нодира ўзини Яратган, пайғамбар ва чорёрларнинг қўллаб-қувватлашига умид қилади. Менинг қалам олиб шеър ёзишга киришувим, сенинг шамъ янглиғ шуълангдан кўнглимда бўлган лахча ўт туфайлидир, деб ажойиб тасвир яратади. “Мен шеър ёзишга киришар эканман, шу шавқ ўтидан ёнаётган қоғозларимга ўт тушмаса деб кўрқаман” дея нафис муболаға қилади.

*Ё илоҳо, бер менинг хомам тилига қуввате,  
Ким Муҳаммад оли асҳобига айлай, юз дуо,*

– дейди. Яъни мен Муҳаммад (с.а.в.) авлодларига юз дуолар қиламан, илоҳо, менинг қаламим тилига қувват бергин. Чунки бу бандаларнинг тақдирини ёзиш учун фарз этилган қаламдир, дейди<sup>1</sup>.

Кўринадикки, Навоийнинг ҳам, Нодиранинг ҳам ҳамд ғазалларида Аллоҳнинг бирлиги, нажот фақат унинг ўзидан эканлиги, бандасига Тангридан ўзга мададкор бўлмаслиги таъкидланган. Иккала ижодкор ҳам ҳамд ғазалда, мусулмон адабиётига хос тарзда, Парвардигор сифатларини ўзига хос пафос ҳамда гўзал ташбеҳлар воситасида ифодалаган.

Нодира шеърятини мавзу кўлами нуқтаи назаридан кузатганимизда ҳам Алишер Навоийга салафлигининг гувоҳи бўламиз. Асарларидаги айрим мавзулар Нодира шеърятида ўзига хос шакл ва талқинда тадрижий давом эттирилганлигини кўрамиз:

**1. Муайян мавзулар талқинида.** Бундай ҳолатни, жумладан, “Кўнгил – Каъбадан афзал” мазмунидаги муборак ҳадиснинг поэтик ифодасида кўрамиз. Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида шундай ёзади:

*Каъбаки оламнинг ўлуб қибласи,  
Қадри йўқ андоқки кўнгул каъбаси –  
Ким, бу халойиққа эрур саждагоҳ,*

---

<sup>1</sup> Қодирова М. Шеърят ва муҳаббат маликаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1998. –Б.52.

*Ул бири Холиққа эрур жилвагоҳ<sup>1</sup>.*

Нодира ҳазрат Алишер Навоий ижодидаги ушбу ўзига хос бадиий талқинни такрорламаган ҳолда, ижодий давом эттиришга ҳаракат қилади. У кўнгиллар каъбасини зиёрат айлаганини таъкидлаш орқали, буюк салафи анъанасига издошлик қилади. Навоий бу фикр ифодаси учун маснавий жанрини танлаган бўлса, Нодира ўз туйғуларини ғазал орқали таъсирчан ифодалайди:

*Кўнгуллар Каъбасин бир-бир зиёрат айладим, эмди*

*Тавофи Маккау тахти Сулаймон этмасам бўлмас<sup>2</sup>.*

Инсон – барча яралмишлар афзали. Унинг мукаррам сиймо эканлиги, Ҳақ таоло ўзга яратиклар ичида инсонга алоҳида имтиёз ва шараф берганлиги ҳақида мумтоз шеърятимизда кўп ва хўб ёзилган. Жумладан, “Садди Искандарий”да буюк мутафаккир шундай мисраларни битгани маълум:

*Буким ашрафи халқ инсон эрур*

*Ки, Ҳақ сирри зотида тинҳон эрур<sup>3</sup>.*

Нодира наздида ҳам инсон юксак шарафга ноил. Дунёда ундан ҳам азиз ҳеч бир яратик мавжуд эмас. Шоира бу ҳақдаги фикрларини куйидагича навоиёна ифодалайди:

*Келди ашраф барча олам аҳлидин,*

*Йўқтурур дунёда инсондин азиз (Н1;164 ).*

Дунё ҳаётининг ўткинчи, умрнинг бебаҳо эканлиги, инсондан фақат яхши ном қолиши мумтоз шеърятимизда кўплаб бадиият дурдоналари яратилишига боис бўлган. Бу мавзу ҳазрат Алишер Навоийнинг муаммо жанрида яратилган машҳур ҳикматида чуқур мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигида ифодалангани билан алоҳида ажралиб туради:

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. –Б.27.

<sup>2</sup> Нодира–Комила. Девон. –Т.: Халқ мероси, 2001. –Б.179 (Бундан кейинги иктибослар шу нашрдан олинади саҳифаси қавс ичида (Н1) кўрсатилади).

<sup>3</sup> Навоий А. Садди Искандарий. –Т.: Нашриёт–матбаа бирлашмаси, 1999. –Б. 378.

*Бу гулиан ичраки, йўқдур бақо гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.*

Ушбу байт мазмуни Нодиранинг “айлаб” радифли ғазалида ўзгача поэтик талқин этилади. Навоий мазкур ҳикматни арузнинг комил баҳрида яратган бўлса, Нодира ҳазаж баҳрини танлайди. Ўз навбатида, бу жиҳат ҳар икки шоир шеърларининг ўзига хослигини таъминлашга хизмат қилган:

*Хушо оқилки, айлаб яхшилик бунёдини маҳкам,  
Ўтар бу дайри фанодин ўзини некном айлаб<sup>1</sup>.*

Шоира шеърятининг тадқиқотчиси, профессор Маҳбуба Қодирова фикрича: “Бу ҳикматдан баҳра олган Нодира ҳам адолат ва саховат ниҳолини экиб, ҳаётда яхшилик билан ном қолдириш ниятида бўлди”<sup>2</sup>.

Мумтоз шеърятнинг етакчи мавзуси бўлган ишқ васфида битилган назмий асарлари ҳам Нодиранинг Навоий анъаналарига ҳар доим содиқ қолганини кўрсатади. Зеро, шоира “ижодининг ибтидосидан интиҳосигача ўзини куйлади: у кулиб боққан бахтга тароналар ёзди, фироқ ўтида куйди. Лайли бўлиб Мажнунни, Зулайхо бўлиб Юсуфни куйлади”<sup>3</sup>.

Нодира учун вафо ва садоқат – инсонийликнинг, ишқ-муҳаббатнинг асосий шарти. Шоиранинг вафони “тавҳари ноёб” деб аташининг сабаби ҳам шунда. Ишқ-муҳаббат борасидаги бахтли онлари васфида ҳам, фироқномаларида ҳам шоира ана шу буюк туйғуни бетакрор бадиият, баланд пафос билан тараннум этди ва бу борада улуғ салафлари, жумладан Навоий анъаналарини муносиб давом эттирди. Шоира шундай ёзади:

*Бўлса то умру ҳаётим боқий,  
Мену илгимдуру домони вафо.*

<sup>1</sup> Нодира. Асарлар. Биринчи жилд. Девон –Т.: Бадий адабиёт, 1968. –Б.81. (Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади саҳифаси қавс ичида (А1) кўрсатилади).

<sup>2</sup> Қодирова М. Шеърят ва муҳаббат маликаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1998. –Б.68.

<sup>3</sup> Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. –Б. 82.

Олима Махбуба Қодирова фикрича, “Нодиранинг вафо бобидаги бу фидокорона, самимий фикрларини ўқиб, ихтиёрсиз улуғ Навоийни эслайсан. Мажнун тили билан Навфал қизига:

*Ёрингга вафо шиоринг ўлсун,  
Ким, Тенгри ҳамиша ёринг ўлсун,*

–деган мисралари, аслида келажак авлодларга қаратилган насиҳат эди. Нодира мана шу насиҳатни “лаббай” деб қабул этганларнинг бири бўлиб, у шахсий ҳаётида бунга амал қилди”<sup>1</sup>.

Таъкидлаш керакки, бу икки ижодкор асарларида бир хил мавзулар тамомила бир-биридан фарқли, бетакрор, юксак бадиият билан талқин этилган. Ҳар икки шоир ўзига хос услуби, мавзуга индивидуал ёндашуви билан алоҳида ажралиб туради.

**2. Бадиий образларда.** Нодира шеърятда юксак даражага кўтарила олган ижодкор. Буни шоиранинг ўзи ҳам бир қанча шеърларида фахрия усулида ифода этган. Жумладан, бир ғазалида ўз даврининг истеъдодли шоири Салмон Соважий номини тилга олар экан, фикрларини мана бу тарзда изҳор этади:

*Тонг эмастур бўлса оз муддатда устоди сухан,  
Нодира ашъорига таҳсин этар Салмон кўруб.*

Шоира бетакрор бадиий образлар яратди, ижодкор сифатида образли тафаккурнинг юксак чўққиларига кўтарила олди. Бу ҳол, айниқса, тарихий шахслар образлари поэтик талқинида яққол намоён бўлади. Хусусан, “Мумтоз шоирлар, аввало, ўзларининг кенг маърифат ва мутолаа эгаси эканликларини исбот қилганлар. Иккинчидан эса, улар китобхонларга маълум ва машҳур бўлиб келган образларни жалб этиб, ўз олдида айтмоқчи бўлган муддаоларини янада чуқурроқ сингдиришга уринганлар”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. –Б. 83-84.

<sup>2</sup> Эшонқулова С. Миф ва шеърят. –Т.: 2009. Мумтоз сўз, –Б.37-38.

Алишер Навоий ғазалларида илоҳий китобда номлари тилга олинган Одам (а.с)дан Муҳаммад (с.а.в.)гача бўлган пайғамбарлар образи, шунингдек, куръоний қисса “Юсуф ва Зулайхо” ва сайёр сюжетларнинг қаҳрамонлари сифатида “Лайли ва Мажнун”, Фарҳод ва Ширин”, “Вомиқ ва Узро” кабилар ҳам Нодиранинг ишқий ғазалларида кўп ўринларда қўлланилган ва ўзига хос талқин этилган. Булардан ташқари, Жамшид, Фаридун, Баҳром, Кайхусрав, Доро, Искандар, Хусрав сингари янги мазмун ифодалай бошлаган адабий қаҳрамонлар ҳам учрайди.

Масиҳ образи кўҳна шарқ, жумладан ўзбек мумтоз шеърлятида кўплаб бадий кашфиётларни таъминлаган. Бу образга мурожаат этмаган шоир йўқ. Ҳазрат Алишер Навоий “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган бир ғазалида мана бундай ёзади:

*Не гаминг юз зарра саргардонлигинин, эй қуёш,  
Сенки рифъатдин Масиҳо киби ҳамдам топқасен.*

“Пайғамбарлар ва бу анъанавий адабий қаҳрамонлар образлари орасидаги бундай вазифадошлик ишқий ғазалларда уларнинг икки ва ундан ортиқларини мувозий – ёндош қўллаш билан баъзан драматизмни оширишга, баъзан эса таъриф-тавсифларни авж нуктага кўтаришга хизмат қилади. Қизиғи шундаки, пайғамбарлар ва адабий қаҳрамонлар образларининг ёндош қўлланишида макон ва замон мувофиқлиги эмас, балки улар билан боғлиқ адабий лавҳалардаги маъно жиҳатдан яқинлигу зидлик мазмуни асос вазифасини ўтайди. Бу жиҳатдан Навоийнинг ишқий ғазалиёти алоҳида эътиборга моликлиги билан бошқа шоирлар ижодидан ажралиб туради”<sup>1</sup>. Бу образга хос фалакка рифъат қилиш, қуёшга ҳамдам бўлиш сингари хусусиятлар талқинини Нодира қуйидаги шаклда янгича ифодалашга эришади:

*Масиҳ азми сипеҳр айлаб, қуёшга бўлди ҳамсоя,*

---

<sup>1</sup> Эшонқулов Х. Алишер Навоий ғазалиётида ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили (“Ҳазойин ул-маоний” мисолида). Филол. фан. докт. (DSc) ... дисс. – Бухоро: 2020. –Б.180.

*Бўлур ҳиммат аро афлок устида мақом айлаб (Н1;62).*

Сулаймон алайҳиссалом ва Билқис образлари мумтоз шеърятда кўплаб оҳорли назм намуналари яратилишига сабаб бўлгани маълум. Ҳазрат Навоий ғазалларидан бирида мазкур тарихий образлар воситасида ўз ижодининг эътирофи масаласига диққат қаратган. Жумладан, ғазалда қуйидагиларни ўқиймиз:

*Гар Навоийга Сулаймон мулкича бордур не тонг,  
Буки Билқиси замон назмини таҳсин айламиш.*

Нодира эса мазкур образлар орқали бадиий талқиннинг ўзига хослигига эришади. Шоира қаламига мансуб мана бу мисралар ушбу фикрни тасдиқлайди:

*Дунё мутеъ Хусрави даҳр ўлди ё магар,  
Билқис аҳд топти Сулаймонга ихтисос (Н1;189).*

Шу мухтасар таҳлилнинг ўзиёқ кўрсатадики, Нодира образли тафаккурда, бадиий образ мукамаллигида улуғ салафи ҳазрат Навоийга чин маънода издошлик қилди, буюк мутафаккир анъаналарини муносиб давом эттирди.

**3. Фикрнинг санъаткорона ифодасида.** Мумтоз шеърятимизнинг деярли барча жанрларида муваффақият билан қалам тебратган Нодира ҳақли равишда Шарқ мумтоз адабиётининг Лутфий, Навоий, Фузулий, Мирзо Бедил каби буюк намояндаларини ўзига устоз деб билди. Уларнинг ғазалларига назиралар битди, тахмислар боғлади. Айниқса, ҳазрат Алишер Навоийнинг “Кўнгул жон бирла бўлди ҳамроҳинг, мен дард ила турдим” сатри билан бошланувчи ғазалига боғлаган мухаммаси шоиранинг бу борада чин маънода камолга эришганини кўрсатади. “Тил, услуб, оҳанг, ранг-баранг образларни кўллаш жиҳатидан устод йўлини давом эттирган шоира бу мухаммасда инсон ва унинг бой руҳий дунёсини ниҳоятда улуғлайди. У

Навоий ғазалларига тахмис қилар экан, кўпроқ устоз асарларидаги асосий фикрларни давом эттиришга ҳаракат қилади”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, шоира ушбу мухаммасда фикрни санъаткорона ифодалашда буюк ижодкорлар анъанасини юксак даражада давом эттира олишини амалда намоён этди. Мухаммаснинг қуйидаги бандидаги образлилик, фикрнинг метафорага бойлиги, бадий талқиндаги маҳорат буни яққол исбот этади:

*Гирибон чок эрурман субҳи васлинг интизоридин,  
Қоронғу бўлди шомим дуди оҳимни губоридин,  
Шарарлик шуълалар бош чекти кўксим хор-хоридин,  
Туташиди шамъдек ҳар бармоғим ҳижрон шароридин,  
Илик марҳам қўяй деб чун бағр чокига еткурдим (Н1;308).*

“Гирибон чок”, “субҳи васлинг”, “дуди оҳим”, “кўксим хор-хори” сингари метафоралар ифоданинг бадий қувватини оширган, Навоий мисраларидаги “ҳижрон шарори”, “бағр чоки” каби истиоралар билан ўзаро уйғунлик касб этган, фикр ифодасининг таъсирчанлигини таъминлаган. Ҳазрат Алишер Навоий мисралари билан Нодира сатрлари бир-бирига шу қадар уйғунки, улар бир ижодкор томонидан яратилгандек таассурот уйғотади.

Мухаммаснинг қуйидаги банди ҳам оз сўзга кўп маъно юклангани, поэтик ифоданинг мукамаллиги билан алоҳида бадий-эстетик қимматга эга эканини таъкидлаш керак:

*Сени топмоқ баса мушкул кўрунди жустужў бирла,  
Фироқинг дардига таскин тиларман гуфтуғў бирла,  
Гаҳи паймона бирла шугл этиб, гаҳе сабу бирла,  
Кўнгул тинмасқа қолмиш эрди ҳар навъ орзу бирла,  
Ризо кўйига то қўйдум қадам кўнглумни тиндурдим (Н1;309).*

---

<sup>1</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. IV-том. –Т.: ЎзР ФА, 1978. –Б.176.



Хулоса қилиб айтганда, Нодира шеърлятида Абдурахмон Жомий, Қосим Анвор, Мирзо Бедил ҳамда Алишер Навоий анъаналарининг ўрни ва қиммати алоҳида бўлгани шубҳасиздир. Шоира уларнинг назмий маҳоратини, ижодий лабораторияси сирларини, асарларидаги образлар табиатини, поэтик тасвирда эришган юксак даражаси асрорларини қунт ва сабот билан ўрганган.

Нодира ушбу бемисл ижод мактабининг давомчиси, издоши сифатида бетакрор бадиий асарлар яратди, уларни янгича шароитда бойитди. Ўз даври ва кейинги шоирларга анъаналарни етказиб, икки адабиёт ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини бажарди. Унинг ривожига муносиб ҳисса қўшди. Моҳир зуллисонайн шоиралардан бири сифатида юксак мавқега эришди.

#### **Боб бўйича хулосалар:**

1. Нодира лирикаси - муҳаббат, садоқат, инсонпарварлик, адолат, иймон-эътиқод ғояларини заргарона сингдира олганлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу ҳолат шоиранинг Қўқон адабий муҳитига муносиб ворис эканлигини исботлайди.

2. Нодира лирикасини кузатар эканмиз, шоира диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ва ахлоқий-маънавий соҳаларда чуқур билимга эга эканлигини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, шоира лирикасида анъанавий ишқ-муҳаббат, ирфоний, ахлоқий-маърифий, ҳамд, наът ва муножот мавзуларига алоҳида аҳамият берилган.

3. Нодира ижодида туркий ва форсий адабиётнинг сезиларли таъсири кузатилади. Форс адабиёти вакиллари: Абдурахмон Жомий, Қосим Анвор, Мирзо Бедил ҳамда туркий адабиёт вакиллари: Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Фузулий анъаналарини қунт ва сабот билан ўрганган. Ўзбекча ва форс-тожикча шеърларида қатор илғор анъаналарни ривожлантириб, мумтоз адабиёт намояндалари: Ҳофиз, Алишер Навоий, Фузулий ижодий тажрибаларини муносиб давом эттирди.

## II БОБ. НОДИРА ШЕЪРИЯТИДА ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ

### 2.1. Шоира шеъриятида лирик қахрамон руҳияти тасвири

Шеърият остонасига қадам қўйган шоирнинг қалби бамисоли дуру гавҳарга тўлган бебаҳо хазинага тенг. Яхши шоирни, шу маънода, мўъжизакор шахсият деб айтиш мумкин. Истеъдодли ижодкорлар ўз шеърлари орқали доимо қалбдаги кўнгил оғриқларини, тизгинсиз дил кечинмаларини, руҳиятдаги эврилишларни тафтиш қилади. Зотан инсоннинг дард ва ғам орқали қалби покланади. Инсон қалби қадимдан маърифат ҳосил бўладиган ирфон макони ҳисобланган. Аҳли тариқатнинг фикрига кўра, дард – инсон камолоти учун бир восита. Аллоҳнинг ўз суйган бандаларига лутфу инояти. Буюк мутафаккир Жалолиддин Румий эътирофича: “Дард доимо инсонга йўл очади. Дунёдаги ҳар иш учун инсон юрагида иштиёқ, ҳавас ва дард бўлиши лозим. Акс ҳолда, инсон бу ишни қилолмас. Дардсиз ва заҳматсиз иш ҳам унга муяссар бўлмас”<sup>1</sup>. Ижодкорлар шу дард ва изтиробларини сеҳрли сўз орқали ифодалаб, ўзлари ғам чекса-да ўзгалар кўнгилларини ҳамиша обод айлашга ҳаракат қилишади. “Шеър шоирнинг ўз “дарди”ни ўзгаларга билдиришга бўлган табиий эҳтиёжи натижасида вужудга келади”<sup>2</sup>. Бу қарашларга қўшилган ҳолда, уни шундай тўлдириш мумкин. “Ижодкорнинг ва айниқса, лирик шоирнинг дарди, бу ўзгача, шахсий ва хусусий, тор доирадан чиқиб кетган дард. Ижодкор ўз дарди орқали ўзгаларнинг дардларини ҳам ифодалайди. У кўпроқ бошқаларнинг дардларини ўз дардига айлантирган, бошқаларга қараганда умумга нисбатан дарддошлик туйғуси ўта ривожланган ва ўз санъати, жонбахш, шифобахш сўзи билан инсон дардларини енгиллатишга чорланган ҳамда шунинг улкан масъулиятини яхши англаган шахс. Дардлар бу оламда қарама-қаршиликлардан туғилади. Улар зиддиятларнинг натижаси. Шеър

<sup>1</sup> Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 29.

<sup>2</sup> Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 20-21.

зиддиятларнинг кескин драматизмини акс эттиради. Драматик таранглик эса – шеърнинг дардлари”<sup>1</sup> – экан, Нодира шеърларида ана шу дард бўртиб туради.

*Ёрнинг васли эмас озорсиз,*

*Гулшан ичра гул топилмас хорсиз* (Н1;163),

– деб куйлаган Нодира лирикасини кўздан кечирганимизда, шоира ижодида ишқ билан бирга лирик қаҳрамоннинг руҳияти тасвирлари, қалбидаги ишқ-муҳаббат ва у туфайли инсонда кечаётган кўнгил изтироблари ва талқини ўзгача уйғунликда тасвирланганлигини шоҳиди бўламиз.

Ишқ ва муҳаббат калималари арабча сўз бўлиб, маъно-моҳиятига кўра ҳар иккаласи ҳам кўнгилнинг маҳбуб томон кучли иштиёқ билан интилишини англатади<sup>2</sup>. “Ишқ инсон руҳий-маънавий оламида ҳис-туйғулар воситасида намоён бўладиган мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир ошиқ кўнгилдан кечирган бундай воқеликни ўзича талқин этади. Бадиий ижод инсоннинг ботиний кечинмаларининг ҳам образли инъикоси бўлганлиги боис ўша хилма-хиллик сўз санъаткорларининг бадиий тафаккури маҳсули намуналарида адабий ифодасини топади”<sup>3</sup>. Шоира ғазаллари, шубҳасиз, шарқ анъанавий шеърятининг давоми сифатида айнан ана шу умрбоқий мавзуга бағишланган.

Шоиранинг лирик қаҳрамони ошиқлик билан орифлик ўртасида қатъий бир чегара қўймайди. Нодиранинг лирик қаҳрамони Аллоҳни мадҳ этувчи маъшуқ бўлиб, кўплаб шеърларида изтироб чекканлигини кўришимиз мумкин. Нодира мавзулар кўлами, ғоявий йўналиши ва бадиий тасвир борасида, юқорида айтганимиздек, Алишер Навоий ва Фузулийларнинг издоши. У ҳам салафлари қатори ишқ воситасида теран мушоҳадаларни ифодалайди. Устозларига эргашиб у ҳам мажозни ҳақиқатга восита деб билади.

<sup>1</sup> Гафуров И. Лириканинг юраги. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1982. –Б.124.

<sup>2</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996. –Б. 49.

<sup>3</sup>Эшонқулов Х. Алишер Навоий ғазалиётида ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили (“Хазойин ул-маоний” мисолида). Филол. фан. докт. (DSc) ... дисс. – Бухоро: 2020. –Б.60.

Шоира ғазалларида ирфоний ғоялар талқинининг асосида кўнгили тимсоли туради. Тасаввуф манбаларида қайд этилишича, “...қалб (кўнгили – С.Э.) бамисоли ойна, тоза ва порлоқ бўлмагунча илоҳий тажаллиларни зуҳурлантирмайди”<sup>1</sup>.

Имом ал-Бухорийнинг “Ал жомеъ ас-саҳиҳ” асарида Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан шундай ҳадис ривоят қилинади: “Танада бир парча гўшт бор, у соғлом бўлса, бутун тана соғлом бўлади. У бузилса, бутун тана бузилади. Огоҳ бўлинг! Ўша нарса қалбдир!”<sup>2</sup>. Шоира Нодири буни шундай эътироф этади:

*Дил ки жоми шароб мехоҳад,  
Заррасон офтоб мехоҳад.  
Хўрда аз мавжи ашк созари май,  
Аз дили худ кабоб мехоҳад.  
Соқийё, май бидеҳ ки синаи ман,  
Оташе дорад, об мехоҳад.  
Дил муқими ҳарими дарғаҳи уст,  
Лаҳзае фатҳи боб мехоҳад.  
Дили маҳзун саволи бўса намуд,  
Аз лаби ў жавоб мехоҳад.*

**Мазмуни:** Кўнгили шароб жомини истайди, у зарра каби офтобни истайди. Кўз ёшим тўлқинларидан май ичганман, ўз дилимдан кабоб истайман. Эй соқий, май бер, чунки юрагим ёнади, сув истайди. Кўнгили унинг даргоҳи ҳарамиди муқимдир, бир лаҳза дарвозаларнинг очилишини истайди. Бу маҳзун кўнгили бўса сўради, унинг лабидан жавоб истайди (А2;348).

Ғазал матнидан кўриниб турибдики, лирик қаҳрамон кўнгили шароб жомини истайди, яъни инсонни яшашга муҳаббат уйғотадиган ҳис-туйғулар исканжасида, гирдобиди ёнса-да, шу тўлғоқу азоблардан кейин юрагига

<sup>1</sup> Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 41.

<sup>2</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. Олтин силсила: 1-жуз. –Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.– Б. 159.

ташриф буюрадиган сеҳрли, сирли, ёқимли туйғу хоҳлайди, гўё офтобни чорлаган зарра каби. Шоира лирик қаҳрамони кечинмалари, изтиробларидан азобланиб кўз ёш тўкса-да, беҳад ҳузурланади. Шу азоблар уни тарк этмаслигини, тани кабобга айланса-да, ўзида қолишини истаб ёзғиради. Шундагина у кўнгилдаги айтилмаган туйғулар улғайиб, шу ҳислар билан ошно бўлиш учун дуо қилади.

Нодиранинг ижодида бош мавзу, асосан, ҳижрон мавзуси бўлган. Ёридан айрилиб, чексиз изтироблар ичида қолган шоира ўз ички дардларини, ҳижрон изтиробларини ғазалларида ифодалайди.

“Шеърят – бу яшашнинг ёруғ тантанаси, бу бизни гоҳ-гоҳ қамраб олувчи ҳаёт сурури; бу эҳтирослар ҳаловати, титроғи авж нуқтаси, туйғунинг тўлқини ва бўрони, муҳаббат тошқини, завқу шавқ роҳати, дардкаш хаёллар тожи, азоб-изтироблар лаззати, туганмас кўз ёшлар чанқоғи...”<sup>1</sup>, – экан, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, шоира лирикасида бу ҳолат ўз гўзал тажаллисини топган. Бу ҳолатни шоиранинг “*Этмак керак*” радифли ғазалида ҳам ёрқин исботини кўришимиз мумкин. Шоиранинг бу ғазали ўз ҳасби ҳоли тарзида ёзилган бўлиб, етти байтдан иборат. Рамали мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, *а-а а-б а-в а-г* тарзида қофияланган. Ғазалда қофияга олинган сўзлардан *фигон, музон, равон, гулистон* сўзлари форсийча, *баён, таржимон* сўзлари эса арабча ҳисобланади. Лирик қаҳрамон кейинги байтларда “*эй насим*”, “*эй суманбар*” каби ундалмалар билан мурожаат қилиб, илтифот санъатини қўллайди. Ғазал Нодиранинг ҳасби ҳоли тарзида ёзилган. Суманбарга мурожаат қилиб, кўнглим ичида сенинг фурқатингдан доғ пайдо бўлди, деб зимдан турмуш ўртоғи Амирийнинг айрилиғи куйланган куйдай янграйди. Лекин шоира ошиқни ошкор қилмайди, шундай бўлса-да, биз буни ғазални ўқишимиз давомида билиб олишимиз мумкин. Ғазалда тасаввуфий руҳ ҳам етакчи ўринда туради. Матлаъда тасаввуф истилоҳларидан *лаб* тимсоли қўлланилиши фикримизнинг исботидир.

---

<sup>1</sup> Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2–том. –Т.: Фан, 1979. –Б.235.

Шоира мажозий ишқни ҳақиқий ишққа қарама-қарши қўймайди, балки мажозий ишқ ишқи ҳақиқатга олиб борувчи восита, деб ҳисоблайди. Шоира қуйлаган маҳбуб – ҳаётнинг маъноси, дилнинг чироғидир. Қуйидаги байтлардан ҳам кўриниб турибдики, Нодира шеъриятида дунёвий муҳаббат илоҳий ишққа зид қўйилмаган. Балки “Мажозий ишқ ишқи ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки ҳақиқий ишқ йўлидаги ўзига хос босқич сифатида баҳоланади. Руҳан пок, маънавий комил инсон учун мажознинг ўзи айна ҳақиқатдир”<sup>1</sup>. Биз шоира ғазалларининг тасаввуф таълимоти билан боғлангани, унда диний-ирфоний ғоялар ҳам муҳим ўрин эгаллагани ҳақида юқорида ҳам тўхталиб ўтган эдик. Байт:

*Ошиқ эрсанг, эй кўнгул, оху физон этмак керак,  
Ёр лаълин ёд этиб, бағрингни қон этмак керак (Н1; 225).*

Лирик қаҳрамон кўнгилга мурожаат қилиб, агар сен ошиқ бўлсанг, ёр лаълини ёд этиб, бағрингни қон қил деб буюради. Биз биламизки, тасаввуф адабиётида инсон кўнгли Аллоҳнинг уйи – маконидир. Шундай экан, агар сен Аллоҳга ошиқ бўлсанг, уни эслаб бағрингни қон қил, – дейди. *Бағрингни қон қил* бирикмаси орқали эса шоира Аллоҳга бўлган ишқни кучайтириб, кўнгилни поклашга ишора қилади. Тасаввуфнинг мақсади ҳам инсонни руҳий маънавий жиҳатдан поклаш, яъни комил инсонни тарбиялашдир. Ёр лаъли эса илоҳий ишқ васлига етишишдир. Ғазалда фақатгина илоҳий эмас, балки мажозий ишқ ҳам тараннум этилади, буни иккинчи байтга келиб кузатишимиз мумкин. Байт:

*Қилма жонон булҳавасни маҳрами базми висол,  
Ошиқи содиқни аввал имтиҳон этмак керак.*

Шоира лирик қаҳрамонга ҳаваскор ошиқлардан эҳтиёт бўлишни маслаҳат бериб, аввало, содиқ деб ўйлаган ошиғини имтиҳон этишни маслаҳат беради. Бу байтда банда Аллоҳни эмас, Аллоҳ бандаларини имтиҳон этишига ишора қилади. Байт:

*Эй кўнгул, бебаҳра қолдинг шайхни иршодидин,*

<sup>1</sup> Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Т.: Фан, 1983. – Б. 25.

*Эмди бориб хизмати пири муғон этмак керак.*

Ушбу байтда шоира ижодида тасаввуфий руҳнинг етакчилиги қилганини кўришимиз мумкин. Шоира кўнгилга мурожаат қилиб, шайхнинг тўғри йўл кўрсатишидан бебаҳра қолганлигини боис, энди майхоначининг хизматини қилиш керак, – дейди. Тасаввуфда пир ўз муридига иршод, яъни тўғри йўл кўрсатувчи бўлади. Аллоҳга бўлган ишқни кучайтириш учун кўнгилни поклаш керак бўлса, бу жараёнда пир ошиққа йўл кўрсатувчи бўлади. Бунда мурид шайхнинг хизматида бўлади. Шоира айнан шу жараёнга ишора қилган. Кейинги байтда шоира ўз фикрида бурилиш ясаб, илтифот санъатини вужудга келтирган. Байт:

*Эй насими, оҳ, ул сарви сиҳи рафториға,*

*Номаи шавқингни пайдарнай равон этмак керак.*

*Эй суманбар, фурқатингдин кўнглум ичра ҳар тараф,*

*Доғлар гул қилди сайри гулистон этмак керак.*

Мазкур байтда лирик қаҳрамон суманбарга мурожаат қилиб, сенинг айрилигингдан кўнглим ичида доғлар пайдо бўлган эди. Ўша доғлар гул бўлиб гулистонга айланди, – дейди. Яъни эй оқбадан гўзал, сенинг айрилигингдан кўнглимнинг ҳар томонида доғлар гул очдики, энди бу гулистонни сайр қилмоқ керак. Бу байтни икки хил тушуниш мумкин:

Аллоҳга бўлган ишқ олдин йўқ эди, шунинг учун ҳам кўнгилда доғ бор эди, яъни кўнгил покланмаган эди. Кўнгил покланиб, Аллоҳга бўлган ишқ кучайгандан кейингина у кўнгил энди гулистонга айланди.

“...фурқатингдан кўнглим ичида доғ...” , –дея Амирийнинг айрилиғига ҳам бир ишора бор. Бу байтда *доғ* – гул сўзлари орқали тазод санъати вужудга келган.

*Нуқтаи мавҳумдир оғзинг анга этмас хаёл,*

*Сўзлабон ул нуқта асрорин баён этмак керак.*

Кейинги байтга келиб, шоира лирик қаҳрамоннинг оғзи нуқтадек яширин бўлганлиги боис, сўзлаб унинг сирини ошкор этмоқ кераклигига ишора қилади. Мақтаёда, шоира айрилиқдан шундай ҳолатга келдимки, уни

сўз билан ифодалаш қийин, яъни сенинг айрилиғингдан исмимни Комила қўйдим ва таржимаи ҳолимни ўз асарларимда баён этдим, бунда қаламим таржимон бўлди деб ёзади:

*Комила қўйдим фироқида жудолиғ дардидин,*

*Ҳасби ҳолимга қаламни таржимон этмак керак.*

Бу ерда шоира ўзига бежиз Комила тахаллусини танламаган. Лирик қаҳрамонда Аллоҳга бўлган ишқ охирги байтга келиб кучайди, кўнгил покланиб, комил инсонга айланди. Натижада Комила тахаллусига эга ва муносиб бўлди.

Ғазалда қофияга олинган сўзлар: *фигон, қон, имтиҳон, муғон, равон, гулистон, таржимон*. Қофия тури муқайяд қофиядир. Бунда “н” товуши равий, “*этмак керак*” икки сўзи радифга олинган. “Н” товушини равий деб олсак, равийдан олдин келган чўзиқ унли “о” товуши ридф-и аслий бўлиб келган (фигон). Қофияларда бўғин ҳам алоҳида аҳамият касб этади, негаки ҳар қандай қофия ҳам бўғин ёки ҳижолардан, улар эса товушлардан иборат бўлади. Бўғинлар миқдори бармоқ вазни учун ҳам, аруз вазни учун ҳам муштарак аломат. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, туркий шеърятда қофия ҳижолар миқдорига кўра ҳам гуруҳларга бўлинади. Нодира бу ғазалида қофияга олинган сўзлардан *қон* бир ҳижоли, *фигон, муғон, равон* икки ҳижоли, *имтиҳон, гулистон, таржимон* уч ҳижоли сўзлардан фойдаланади. Қофиядаги фонетик аломатларга эътибор қаратадиган бўлсак, қофияга олинган сўзларнинг барчаси ёпиқ ҳижоли қофиялардир.

Дарҳақиқат, “Ҳаётдаги характерли воқеа ва ҳодисалар ижодкорнинг диққат-эътиборини тортиб, қалбу шуурига ўрнашиб олади, унга ором бермайди, унинг ҳаёти ва фаолиятидаги ўй суриш, мулоҳаза юритиш мувозанатини бузади. Санъаткорнинг қалбини забт этган, унинг оромини, хузур-ҳаловатини бузган руҳий ҳолат лирик кечинма, –деб аталади”<sup>1</sup>.

Демак, шеър – қалб тугёни, у ҳар хил таърифлардан кенгроқ, гўзалроқ ва бойроқ бўлгани билан ҳам жозибалидир. Аммо энг зўр тавсифлар ҳам

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. –Т.: Фан, 2004. –Б-85.



мўъжизавий назмнинг бутун сир-синоати, таъсир доираси қудрати ва сеҳрини изоҳлаб бера олмайди. Чунки таърифлар шеъриятнинг умумий хусусияти ва қонуниятларинигина қамраб олади. Шеър инсон психологияси, инсон ички кечинмалари дунёсининг энг нозик ва мураккаб тўлғамлари билан боғлиқ бўлганлигидан ҳеч қачон таърифлар ичига сиғмайди. Чунки мазкур тушунчада бадиий ҳақиқат ва ҳаётий қамров даражаси мувозанати, ақл-идрок ва туйғу зиддияти инъикос топади.

Энди, шоира ғазалларидаги лирик қаҳрамон руҳияти тасвирларида кўнгилнинг ўрни хусусида тўхталсак. Шу ўринда, бизнингча, кўнгилнинг инсон ҳаётидаги ўрни қандай эканлигига тўхташ жоиз. Бу ҳақида жуда кўп китобларда шарҳлар ёзилган. Аслида, кўнгил туркий шеъриятда қадимдан энг кўп мурожаат қилинадиган сўз бўлиб, “кишининг ҳис-туйғу ва кечинмалари манбаи; юрак, қалб, дил”<sup>1</sup> ёки бошқача қилиб айтганда, “кўнгил – маънавий борлиғига, куч-қувватига, севгининг, нафратнинг, инончнинг яхши-ёмон – барча туйғуларнинг бутун борлиғига ва ифодасига берилган номдир”<sup>2</sup>.

Шеър – қалб туғёни, у ҳар хил таърифлардан кенгрок, гўзалроқ ва бойроқ бўлгани билан ҳам жозибалидир. Аммо энг зўр тавсифлар ҳам мўъжизавий назмнинг бутун сир-синоати, таъсир доираси қудрати ва сеҳрини изоҳлаб бера олмайди. Чунки таърифлар шеъриятнинг умумий хусусияти ва қонуниятларинигина қамраб олади. Тўғрироғи, шеър инсон психологияси, инсон ички кечинмалари дунёсининг энг нозик ва мураккаб тўлғамлари билан боғлиқ бўлганлигидан ҳеч қачон таърифлар ичига сиғмайди. Чунки мазкур тушунчада бадиий ҳақиқат ва ҳаётий қамров даражаси мувозанати, ақл-идрок ва туйғу зиддияти инъикос топади.

Инсон пайдо бўлибдики, албатта, унинг қалби бор, табиийки, унда кўнгил бор. Кўнгил торлари шундай нозикки, инсон озгина эътибор билан чўққига кўтарилиб, руҳияти олий даражага етади. Салгина озорланса,

<sup>1</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –Б.457.

<sup>2</sup>Gulpinarli A. I. Tasavvuf'tan dilimize decin degimler ve ataso'zleri. –Istanbul, 1977. –s.136.

хасталанади. Шу боис халқимиз бежизга “Кўнгил тошдан қаттиқ – гулдан нозик”, “Кўнгилнинг қолиши – шишанинг синиши”<sup>1</sup> дейишганлигини шоиранинг ушбу ғазалида кўришимиз мумкин:

*Дилбари худкоми ман тарфи кулаҳ бар шикаст,*

*Жилва дар оина кард маҳ аз сар шикаст.*

**Мазмуни:** Ўз хоҳиши билан иш қилувчи дилбарим хурсандликдан кулоҳини синдирди (дўпписини яримта қилди), ойинада жилва қилиб, ойнанинг қадрини кетказди.

Лирик қаҳрамон қалбининг ҳукмдори, суянган тоғи томонидан ерга урилган. Чунончи, унинг маҳбуби ўзга ёрга кетар экан, бошидаги тожи бўлган суюклисини (дўпписини) яримта қилди. Ҳаётини нурафшон қилиш билан бирга маҳбубасининг қадрини кетказгани шоиранинг “*Жилва дар оина кард маҳ аз сар шикаст*” каби поэтик тасвирда ёрқин ифодасини топган.

Билъакс, ижодкорлар ўз ғазалларида лирик қаҳрамон руҳий кайфиятини тасвирлаш учун турли бадий воситалардан фойдаланишган. Қуйидаги байтларда оҳанг ва таъсирчанлик ортганлигини кўришимиз мумкин.

*Жавҳари асли чу дошт, рўй зи оина тофт,*

*Зевари хуби гузошт зубии зевар шикаст.*

**Мазмуни:** Ўзида асл жавҳар бор бўлгани сабабли у ойинадан юзини ўгирди, у гўзаллик бегагидан кечганлиги учун безаклар чиройи синди.

Лирик қаҳрамонни изтиробга солган нарса шуки, асл жавҳар деб ҳисоблаган маҳбубининг ундан юз ўгирганлигидир. Шоира лирик қаҳрамонни ойина – гўзаллик бегагига ўхшатади ва қаршилантириш санъати орқали лирик қаҳрамоннинг қалби шикастлангани, чиройи синганлигини дардчил мисраларда тасвирлаб беради.

*Лаъли хушобаи бидошт, донаи якдил гузошт,*

*Ташнаи он жавҳарам к-ин ҳама жавҳар шикаст.*

**Мазмуни:** Лабида бир дона дил гавҳари бор эди, ташлаб кетди, мен ҳамма жавҳарларни синдирган ўша гавҳарнинг ташнасиман.

---

<sup>1</sup> Ўзбек халқ мақоллари. Икки томлик. 1 том. –Т.: 1987. –Б.247; 249.

Байтдан кўриниб турибдики, лирик қаҳрамон ўзининг ягона дил гавҳар эканлигига урғу берар экан, иккинчи мисрада у маҳбубини ҳам, ўзини ҳам жавҳарга қиёслайди. Ишқ билан ёнган ошиқнинг қалб ҳарорати азобдан ёнар экан, бир зум бўлса-да, ёрини севишдан тўхтамайди. Унинг етказган озорлари билан ёндириб кул қилаётгани сатрлар қатида маҳзун жаранглайди.

*Сунбулаш аз гул дамид, кокули нав қад кашид,  
Шаҳпари товус рехт, балки саросар шикаст.*

**Мазмуни:** Гул юзидан сунбул униб, янги кокиллар қад кўтарди, шунда товуснинг шаҳпарлари тўкилди, балки бошдин-оёқ синди.

Ишқ лирик қаҳрамон кўнглида яшар экан, дарду бало, азобу уқубат ҳам унинг кўнгли тубида туриб, унга азоб беради, қийноқларга солади. Маҳбубининг ишқида ишқ маҳбубаси ўзининг шаҳпарлари тўкилиб, тамоман яксон бўлганлигини айтиб зорланади.

*То хати сабзу руҳ аз ҳалқаи кокул намуд,  
Ҳар ду ба ҳам чун расид, қиммати анбар шикаст.*

**Мазмуни:** Унинг сабза хатлари ва юзи-кокили ҳалқасидан кўринди, иккови бир бўлиб келиб, анбар қийматини синдирди.

Лирик қаҳрамон маҳбубини жонидан ортиқ кўради, уни кутади, лекин унинг бевафолигидан кўнгли вайрон бўлиб, ўзи хасталанади. Унинг ўзга ёрга боқиши, у билан бирга бўлиши, эътибордан четда қолган маҳбубанинг хаста бўлишига, дардга чалинишига, бир сўз билан айтганда анбарининг қалб оғриқларидан шикастланишига сабаб бўлганлигига шоира ишора беради.

*Мастии лаълаш дарид жома барандоми ҳур,  
Жоми шароби таҳур бар лаби кавсар шикаст.*

**Мазмуни:** Лаъли лабининг мастлиги ҳур устидаги кийимни йиртди, покиза шароб жоми кавсарнинг лабини шикастлади.

Лирик қаҳрамон маҳбубини “лаъли лаб” деб улуғлар экан, унинг ўзга ёр ишқида бўлган мастлиги юрагини ларзага солади, ўкситади. Шу боис ўзини ҳурга қиёслаб, маҳбубининг хиёвати кийимларини пора қилганлиги,

покиза ишқини дарду ҳасратга тўлдириб, ишқ йўлида унга шафқат қилмай, хор этганлигини зорланиб изҳор қилади.

*З-он лабу руҳсора дўш-дошт дил асбоби айш,  
Даст заду шамъ кушт, по заду соғар шикаст.*

**Мазмуни:** Ўша лабу руҳсор баракатидан дилимда айшу ишрат асбоби бор эди, қўл уриб шамни ўчирди, оёқ билан тепиб жомимни шикастлади.

Ғазал матнидан аёнки, лирик қаҳрамоннинг муҳаббатга тўла кўнглидан ўзга нарсаи йўқ. Уни ёруғликка чиқарадиган, унга лаззат бағишлайдиган, ўксик қалбга оройиш берадиган ишқи, қувончи бугун ундан юз ўгирган, яъни маҳбуби ўз қўллари билан умид шамини ўчириб, ҳаётини зимистонга айлантирган. Сатрларда қўлланган “кўнгилнинг ойинафом этилишига алангали ҳажр изтиробларининг кулга айланиши – ниҳояланиши сабабдир”<sup>1</sup>. Ишқ билан ёнган дилдорнинг ўз кўнгил уйи бўлган маҳбуби қўллари билан маҳв этилганлиги китобхонни ўйга чўмдиради. Ахир муҳаббат эъзоз-эҳтиромга лойиқ “кўнгил учун ҳамдам” бўлиши керак-ку, ёр унинг ўрнига жафо кўрса, маҳбубасининг кўнглини вайрон қилса, бундай ҳолат, албатта, ўқувчини ҳам ўйга, қийноққа солади. Бу ҳолат “Санъаткорнинг қалбини забт этган, унинг оромини, ҳузур-ҳаловатини бузган руҳий ҳолат лирик кечинма, –деб аталади”<sup>2</sup>.

*Оҳ ки наҳли қадаш мева ба агъёр дод,  
Чўби жафо ҳар чи дошт дар сани абтар шикаст.*

**Мазмуни:** Оҳки, унинг қаддининг ниҳоли ўзгаларга мева берди, жафо калтагидан ҳар қанча бўлса, уни менинг бошимда синдирди.

Лирик қаҳрамоннинг ишонган кўнгил боғи ва дил уйининг соҳиби ўзга ёрга меҳр кўрсатиб турганлигини кўриш, кўнгли пок маҳбубанинг азоб чекиши, жафо кўриши, ўз севгилиси туфайли бахтидан масрур бўлиши ўрнига, чекаётган ранжу алами байтда шоира томонидан баланд дардчил пардаларда ифода қилинади. Шоира лирик қаҳрамонининг кўнгил ҳаёти

<sup>1</sup> Эшонқулов Х. Алишер Навоий ғазалиётида ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили (“Хазойин ул-маоний” мисолида) Филол. фан. докт. (DSc) ... дисс. –Бухоро: 2020. –Б.67.

<sup>2</sup> Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Т.: Фан, 2004. –Б-85.

хақиқатлари, инсоннинг туйғу дунёси эҳтирос ва истакларини ёрқин бадиий бўёқларда таъсирчан кўрсатиб беради.

*Хотири Макнунаро кард парешон зи гам,*

*Чун бути гулфоми фомиў зулфи муанбар шикаст.*

**Мазмуни:** У гул юзли гўзал хушбўй зулфларини тарқатгач, Макнунанинг хотирини ғамдан паришон қил (А2;136-139).

Лирик қаҳрамоннинг ишқи, оғрикли дарди шоира кечинмаларига муштарак. Маҳбубанинг кўнгил уйи ишқидан ўзга ҳеч нарсаи йўқ. Унинг вайрон этилиши эса маҳбубани ўлдирса, шоира дунёсини ғам селидан паришон қилади. Ғазал матни шарҳидан ҳам кўриниб турибдики, кўнгилнинг шеъриятга кириб келишининг ўзиёқ лирик қаҳрамоннинг қалб ва дил изтиробларини, кўнгил эҳтиёжларининг бадиий бўёқдорлигини таъминловчи омилдир. Буюк Навоий айтганларидек, “Кўнгил ҳолати сўз дегач билинур” деган кўҳна ҳақиқат беназир устознинг садоқатли издоши Нодира шеъриятида ҳам яққол намоён бўлганини кўрамиз. Бинобарин, инсонга хос покиза туйғулар, мажозий ишқ бўладими, илоҳий ишқ бўладими, у, аввало, кўнгилда пайдо бўлиши, ўша ерда макон қилиши табиийдир. Яъни “Қалбнинг мосиводан халос бўлиб, Ҳақнинг ишқ ва муҳаббати билан тўлган онига аҳли ирфон “кўнгил” дерлар. Инсон бу мартабани топиши билан мақоми валоятга қадам қўйган бўлади. Кўзида ибрат, сўзида ҳикмат ва анвори илоҳий қалбида тажаллий этади”<sup>1</sup>.

Шоира бир неча ғазалларида кўнгилга мурожаат қилади, у билан сирлашади, дардлашади ва ўзи айтганидек, ундан руҳий мадад олади, кўнгилнинг ўта нозик жиҳатларини қаламга олади. Шунингдек, шоира шеърларида лирик қаҳрамон билан бирга ижодкор кўнгли ҳам ўз бадиий ифодасини топади:

*Дар висолат хотири мо шод бод,*

*Мурғи дил аз доми гам озод бод.*

*Хонаи дил жилвагоҳи нози уст,*

<sup>1</sup> Elhac - Mehmed Kemal Pilavoğlu. Tasavvuf va ahlak. –Ankara, 1985. – S. 121.

*То қиёмат ин бино обод бод.*  
*Ишрати жовид бар каф дошти,*  
*Эй дил, аз базми висолаш ёд бод.*  
*Чашму дил дар домгоҳи беҳудӣ,*  
*Волаи он сарви ҳуризад бод.*

**Мазмуни:** Висолингда хотиримиз шод бўлсин, у кўнгил кўшиғи, абадий ғам бандидан озод бўлсин. Дил уйи унинг нози жилвагоҳидир, бу дил уйи қиёматгача обод бўлсин. Эй дил, абадий айш-ишрат кўлингда эди, унинг висоли базмини эслаш керак. Кўз ва кўнгил беҳудлик бандхонасида у хурнасаблик сарвнинг гирифтори бўлсин (А2;346).

“Санъат асаридан ҳузурланиш санъаткор қалби билан муносабатга киришишдан иборат”<sup>1</sup> экан, китобхон ўз қалби ила лирик қаҳрамон ва ижодкорнинг кўнглини кўради ва қайси жиҳати ила уларни бир нуқтага бирлаштиради. Бу мисраларда лирик кечинма орқали инсон қалбидаги ҳиссиётларни образли ифодалаш жараёни кузатилади.

Шеърятда *кўнгул* тимсоли ҳақида сўз юритар эканмиз, мумтоз адабиётда ва тасаввуфда унга қандай муносабатда бўлинганлиги ҳақида тўхташ жоиз. “Тасаввуфда дини, ирқи, мазҳаби, миллатидан қатъи назар олам халқини бирлаштирадиган ягона ибодатгоҳ бор. Бу тасаввуфий ҳаётнинг бош манбаи Дил ва кўнгул аталмиш Аллоҳ тахтидир”<sup>2</sup>. Демак, инсон дилини шод айлаш ва кўнгил олиш Аллоҳнинг тахтига муяссар бўлиш экан. Бу ҳолат шоира шеърятда турли шакллар ва турли маъноларда ўз тажассумини топган:

*Дилам чу фохта дар кокулат нишиман кард,*  
*Ба фикри зулфи ту печиду тавқи шардан кард.*  
*Зи холи гўшаи чашми ту халқ ҳайронанд,*  
*Ки шўх дида ачаб гўшае муайян кард.*  
*Ту–ҳамнишини гули, ман–ҳарифи ашки ниёз,*

<sup>1</sup> Брюсов В. Сочинение в двух томах. Том II, –М.: Художественная литература, 1987. –С. 38.

<sup>2</sup> Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. –Т.: Маънавият, 1998. –Б.88.

*Ки бе ту пардаи чашми тарам ба доман кард.  
Дил аз дарат жигари пора чусту барҳам чид,  
Хазон расида жаман диду гул ба хирман кард.*

**Мазмуни:** Кўнглим кокилингга кумридек кўнди, зулфинг фикрига ўралиб, бўйнига халқа қилди. Кўзинг ёнида ўзига ажаб бир жойни танлаган холни кўриб, одамлар хайрон қолдилар. Сен бир гул билан ҳамнишинсан, мен ажзу ниёз ёши билан улфатман. Кўз ёшимдан ҳўл бўлган этагим – кўз пардаси бўлди. Дил остонангдан жигарпораларни терди, у гўё хазон бўлган чаманни кўрди-ю, гулларни териб хирмон қилгандек бўлди (А2;350).

Ғазал таҳлилидан ҳам кўриниб турибдики, шеър қандай воқеа-ҳодиса таъсири остида ёзилмасин, маълум туйғу ва кечинма таъсирида дунёга келади. Уларни бадий ифодалайди. Маълумки, поэтик асар ўз-ўзидан яратилмайди. Туйғу кечинмага айланиши учун бир неча “босқич”лардан ўтиши зарур бўлади. Лирик кечинма табиатининг энг биринчи хусусияти унинг самимийлиги ҳисобланса, Нодира шеъриятида бу энг юксак ва асосийси эканлигини юқоридаги ғазал таҳлили жараёнида ҳам кўрдик.

Шарқ мумтоз шеърияти мазмун ва шакл, поэтик тасвир йўли, образлар олами эътибори билан ўзига хос бир шеърятдир. Лирика ноёб яратик, шеър Аллоҳ инояти – ғайб марҳаматининг туйғу-эҳтирос-кечинмалар, ўй-фикр, хаёллар шаклидаги бетакрор топилмасидир. Шеър заҳмати кимлар учундир адоқсиз қийноқлар силсиласи, кимлар учундир завқ-шавқ, рағбат манбаи бўлмасин, бундан қатъий назар, у ижодкор қалб амри ва инсон иродасини намоён этадиган сирли-сеҳрли кўнгул ёзуқларидир. Ижодкор учун бу қисмат уни қийноқларга солса-да, азоб берса-да, сатрлар силсиласида унга хузур бағишлайди:

*Кўнгулни хоби гафлатдин даме бедор қил, ё раб,  
Оқоргон кўзларимни маҳрами дийдор қил, ё раб....  
Ғазал бунёд қилди, Нодира ёрига арз айлаб,  
Кўнгулда боғлаган мазмунини изҳор қил, ё раб (А1;68 -69).*

Ғазал байтларидан кўриниб турибдики, шоира Аллоҳга мурожаат қилиш орқали қалбидаги кечинмаларини изҳор қилади. Ошиқнинг кўнглини ғафлатдан уйғотишни Яратгандан сўрар экан, унинг ишқида куйган дилдорнинг қоп-қора бўлиши керак бўлган кўзлари ёр дийдорига интизорликдан кута-кута “оқорғон”ига, шу боис унинг қийноқлару изтиробларини Яратгандан ёри кўнглига солиб, муҳаббат тафти оловларини қалби ҳукмдорига етказишни ўтиниб сўрамоқда. Бу ҳолатни тасвирлашга фусункор сўз жавҳари тизмасидан иборат бўлган ғазал бунёд бўлганидан, бир оз бўлса-да, лирик қаҳрамон юраги таскин топмоқда. Шу ўринда “...қалб кечинмалари, дард ва туйғулари, ҳаракат ва манзараларини тасвирлашда Навоий ниҳоятда юқори натижаларга эришган”<sup>1</sup>, – деган олиманинг қарашларини ҳеч иккиланмай Нодира ижодига ҳам тадбиқ этиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Шоира ижодидан ўзига паноҳ истайди. Ўша жойдагина кўнгли ором олади ёки озорланади. Яъни кўнгул орқалигина ижодкор ўзи ва ўзгалар қалбига ташриф буюра олади. Шоира эътирофича:

*Кўнгулни қон этти фурқат ибтидосидин мени,*

*Жона еткурди санам беинтиҳосидин мени...*

*Ғам емоққа жону қон бўлмоққа кўнгул қолмади,*

*Эй ажал, соф айлагил гардун жафосидин мени (Н1;295).*

Шоира талқинига кўра, инсон қалбининг тахтгоҳи кўнгулдир. Унда неки юз берса, кишининг ҳаётида ҳам шу ҳолат – яхшилик, ободлик бўлса, турмуши яхшилигу фаровонликда кечади, борди-ю бунинг тескариси бўлса, бу ҳам ҳаётига таъсир этмай қўймайди. Лирик қаҳрамон қалби ёр айрилиғидан ниҳоят даражада куйгани, жони азобда қолиб, ҳаттоки энди бу ғамни кўтаришга мажоли етмаслиги, яъни ёрсиз, унинг муҳаббатсиз танасида қон бўлмаслиги, қон бўлмаса жон бўлмаслигини айтар экан, ажалга мурожаат қилиб, бу жафолардан ўзини қутқаришни сўрамоқда, қаранки “...поэтик образ

---

<sup>1</sup> Салохитдинова Д. “Бадоеъ ул-бидоъ” девони ва бадий санъаткорлик масалалари. Фил.фан.ном. .. дис. – Самарқанд, 1993. –Б. 88-104.



шоирнинг фикридан кўра, нотинч руҳи, дардли қалбига мансуб. Образ мундарижаси ҳамиша руҳ ва қалб ҳақиқатини ифодалайди”<sup>1</sup>. Шоира ғазалидаги ушбу байтлар ҳам, адабиётшунос олим И.Ҳаққулнинг қарашлари нақадар тўғри эканлигини кўрсатади:

*Кўнгул сирини тилга келтурмаким,  
Чиқиб лабларингдин бўлур элга фош* (Н1;188).

“...шеърхон кўнгулида туйғулар туғёнини вужудга келтирувчи назм дурдонасига айланишида унда қаламга олинган ишқ мавзусининг ҳам кўлами кенглиги асос бўлди... ҳижрон изтиробларида ширин жонининг ўртаниши-ю, соғинч ҳисларининг асирига айланишини сўзда намоён этди”<sup>2</sup>.

Шарқ адабиётида кўнгул образининг ғунчага қиёсланишини эътироф этган олима И.Адизова “Увайсий эса унга (кўнгулга – С.Э.) кутилмаган шарҳ берган:

*Кўнгулким, бир қуши ваҳший, ани ром эткали гўё  
Муҳаббатдин қафас айлаб, висолин дона тутмишлар.*

Шоира ушбу байтда кўнгулни ваҳший қушга ўхшатиб, у муҳаббат ва висол воситасида ром этилишини таъкидлайди. Кўнгулни ғунчага ўхшатиш, унинг ранги ва қайғусини ифодаласа, ваҳший қушга ўхшатиш эса унинг табиатини ёритади”<sup>3</sup>.

Нодира лирикасини кузатганимизда ҳам кўнгулни бир неча ўринда ғунчага қиёслаганини кўришимиз мумкин. Шоиранинг бир ғазалида:

*Файзи лутфинг бирла очилди кўнгуллар ғунчаси,  
Ё баҳористони давлат, ё гулистондурмусен?..  
Нодира, равшандур иқболим чоғи васл аро,  
Кўзим ичра нур ё кўнглум аро жондурмусен?* (А1;204-205),

–дея хитоб қилади. Ғазалда шоира тажоҳули ориф санъатидан моҳирона фойдаланиб, ёрга сенинг марҳаматинг ила жисмида ёниқ қалбнинг ғунчаси

<sup>1</sup> Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. –Т.: 1991. –Б.137.

<sup>2</sup> Эшонкулов Ҳ. Алишер Навоий ғазалиётида ишқ поэтикасининг қиёсий-типологияк таҳлили (“Ҳазойин ул-маоний” мисолида) Филол. фан. докт. (DSc) ... дисс. – Бухоро: 2020. –Б.16.

<sup>3</sup> Адизова И. Увайсий шеърятда поэтик тафаккурнинг янгиланиши. Фил.фан.докт. (DSc)дис. автореф. –Т., 2020. –Б. 17.

куртаклаганини айтар экан, унинг туйғуларига илҳом бағишлаган муҳаббати малҳамини “баҳористони давлат”, “гулистондурмусен”, “кўнглум аро жондурмусен”, – дея улуғлайди:

*Ғунчалар гулшан аро очилмасун ул ёрсиз,*

*Ғунча янглиғ то менинг кўнглум дағи қон ўлмасун...*

Шоира лирик қаҳрамони кўнгулни ғунчага менгзади, ҳиссиётга бой таъсирчан руҳи ила гулшан ичра ниш урадиган ғунча ўзига талабгорсиз очилмаслигини хоҳлайди. Агарда ғунча ёрсиз бўлса, лирик қаҳрамон чекаётган изтироб-алам унинг қалбини ўрташини, қон қилишини билдиради. Бу ҳолат нафақат ғунчани, балки гулшанда жавлон урадиган булбулни ҳам абгор қилишига, афғон чекиб фарёд қилишига сабаб бўлади. Ошиқни ёр ҳажри, ҳижрони адо-ю хазон қилиш, лола янглиғ доғлик бўлишига олиб келишини юракдан ҳис этган шоира ушбу изтиробни ҳеч кимга раво кўрмайди. Менинг жисмим-ла руҳим тортаётган азоблар ўзгалар кўнгул уйини вайрон этмасин, – дея Яратганга илтижо қилади:

*Қилмасун булбул чаманда нолау фарёдким,*

*То кўнгул булбул каби ҳажрда нолон ўлмасун.*

*Лола янглиғ Нодира кўнглумга қўйди доғлар.*

*Ҳеч ким, ё раб, асири доғи ҳижрон ўлмасун (А1;207).*

Лирик қаҳрамон ишқ дарди ўтининг кули, яъни ҳажр изтироблари билан қалбни поклайди, уни маҳбуба жилвагоҳига айлантиради ва шу тариқа ошиқни улуғ мақомга кўтаради:

*Фигоним сарву оҳим сунбул ўлди, гунчадур кўнглум,*

*Чаманлар ўлди пайдо ҳасратим нашъу намосидин.*

*Чу тарки жилва этти хисрави хуришид рухсорим,*

*Кўнгул кўзгуси занги ҳар аро қолмиш сафосидин.*

*Фалак, раҳм айла эмди жон ила кўнглумга жононсиз,*

*Ки кўнглум жона келди фурқати зўр озмосидин (А1;206).*

Шоира байтлари мутолаасидан аён бўладики, “Истеъдод шундай бир гавҳарки, у денгиз тубида, садаф ичида ҳам гавҳар, истеъдод шундай бир

зилол ирмоқки, унинг ҳар катрасида дарёларнинг қудрати, уммонларнинг теранлиги бор, истеъдод шундай бир гулки, унинг ҳар бир очилмаган ғунчасида чаманларнинг бўйи ва таровати бор”<sup>1</sup>. Лирик қаҳрамон чеккан оҳу нолалардан дил озорланса-да, кўнгул ғунча каби чаманга айланиб, маҳбуб юзи ой каби оламини мунаввар этишини, шу боис фалакдан унга раҳм қилишини сўраб, ёрсиз унинг жони жон эмаслигини, ошиққа ишқ яшаш учун умид чироғи, ҳаёт бўстони эканлигига ишора қилади.

*Кўнглума ғунча каби уқда солиб шоми фироқ.*

*Саҳари васл аро бўлмади хандон толей (Н1;201).*

Аёнлашадик, сатрларда қўлланган ғунча ошиқ қоронғу туни, шомини шу қадар ёндирдики, саҳари ҳам хуш бўлмади, кўнгул хандон кулмади. Чунки ёр “Кўнгулнинг ойинафом этилишига алангали ҳажр изтиробларининг кулга айланиши – ниҳояланиши сабабдир”<sup>2</sup>.

*Кўнгул қон бўлди, оғзинг сирри ҳаргиз бўлмади равшан,*

*Қизил гул ғунчасидек ким очар ушбу муаммони?*

*Недин жону танимга миннат эрмас побўсингдин,*

*Ким эрмиш шеҳнаи шавқинг кўнгул мулки аро хони (Н1;298).*

Шоира лирик қаҳрамонининг кўнгли қон бўлган. Бу байтда *огиз тасаввуфий истилоҳда “пир”, “муршид”* маъносида келмоқда. *Очилмаган ғунча* ибораси ҳам “*пир*” маъносини англатади. Байтда шоира: “Пирдан қониб илм ололмадим”, кейинги байтда эса: “*Пир оёғи изларини ўпишдан тану жоним азобланмайди, сабаби кўнглим саройида муҳаббат шавқи тўла дастурхоним бор*”, – деган мазмунни баён этмоқда. Зеро, шоира айтмоқчидек:

*Кўнгул жонидину жон қолди жонони жаҳондин ҳам,*

*Кўнгулдин жона еттим, гам тунида балки жондин ҳам.*

*Бўлубмен, Комила, ул сарву гулрухсордин айру,*

*Кўнгул қондур ҳавои боғу сайри бўстондин ҳам (А1;200).*

<sup>1</sup> <http://surxontongi.uz/sheriyatga-oshno-kungillar/>

<sup>2</sup> Эшонқулов Х. Алишер Навоий ғазалиётда ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили (“Хазойин ул-маоний” мисолида). Филол. фан. докт. (DSc) ... дисс. –Бухоро: 2020. –Б.67.

Инсонга фақат кўнгул, унга куч илҳом берувчи, яшашга иштиёқ берувчи кучли эҳтирос – муҳаббат жон берса, яшашга ундаса, шундай илҳомни ҳада этган ёрсиз қолиш, ошиқ учун яшнаб турган бўстонда бағри куюк кўнгулни “қон” хуфтонга айлантиришни шоира сатрлар сатҳида моҳирона жойлайди. Бунда кўнгулнинг жонга, жоннинг кўнгулга боғлиқлиги, бинобарин, жон инсоннинг тириклигини таъминласа, кўнгул жоннинг ҳолатини белгилаши бадий бўёқларда ифода қилинади.

Шоира қаламида кўнгул шавқ, муҳаббат, қайғу ва ғам ошёни эканлигини кузатиш мумкин. “Кўнгул – шеърятнинг асосий образларидан бири. Шарқ шоирлари инсон тақдирдан баҳс юритиш, олий туйғу ва фазилатларни улуғлаш, ишқ ва ошиқлик сирларини кашф этишда, асосан кўнгулга таянганлар”<sup>1</sup>. Нодира ижодида ҳам бу ҳолатнинг чиройли, ўзига хос инкишофини кўриш мумкин:

*Кўнгул боғланди то занжири гисун сумансога,  
Тароздек солди ҳасратлар алидин чок аъзога...  
Кўнгулни бодаи ғам бирла охир талхком этти,  
Етолмай Нодира ул лаъли майгуни шакархога (А1;227).*

Ушбу мисраларда лирик қаҳрамоннинг ички дунёси, туйғулари, изтироблари тасвирланар экан, ошиқ кўнглини ёқимли эҳтирослар тароздек тарашлаётганидан зорланади. Ошиқ маҳбубининг дийдорига ета олмай, ишқдан ёниб, қониши керак бўлган дил алал-оқибат ҳижрон ғами ила абгор этилганини изҳор этади. “Ким ўз кўнглини қанчалик ёрқин англаса, унинг фикр ва ҳиссиётлари шунча покиза, шунча юксак бўлади”<sup>2</sup>.

“Масиҳ тимсолининг ўзбек мумтоз адабиётидаги бадий талқини” номли номзодлик диссертацияси устида изланишлар олиб борган Усмон Қобилов Алишер Навоий ғазали таҳлилида: “Ёрнинг лабидан ёғилаётган калом шу қадар дилкаш, дилрабоки, бундай жонфизолик Масиҳ нафасида ҳам йўқ. Байтда талмеҳ санъати сифатлаш учун хизмат қилдирилиб,

<sup>1</sup> Бозорова Н. Алишер Навоий ғазаларида кўнгул образи. “Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида. Фил.фан.ном. дис. автореф. –Т., 2004. –Б.16.

<sup>2</sup> Брюсов. И.Я. Сочинение в двух томах. Том II. –М.: Художественная литература, 1987. – С.38

тажохулу орифона санъатини вужудга келтирган. Натижада шеърдаги бадиият унсурлари гоё мукамаллигини таъминлаган”<sup>1</sup>, – деган қарашларини ўртага ташлаган. Нодира ҳам қуйидаги ғазалида Масиҳ образини ёритишда ўзига хос бир йўлдан борганлигини кузатамиз:

*Ғам ема, сайр қил кўнгул, бир кун ўшал Масиҳдам.  
Ҳажру фироқ дардига васли била даво қилур...  
Шира йўқ кўнгул қуши авжи шараф хумосидур.  
Ҳар кеча юз нашоот ила қўйинг уза ҳаво қилур.  
Ваҳ на Масиҳдур лаби лутф ила элни тиргузар,  
Бир кўзи бирла юз кўнгул ҳожатини раво қилур (Н1;135).*

Шоира бу ғазалида мурожаат, талмеҳ, ташбеҳу муболаға санъатидан ижодий фойдаланади. Бу бадиий санъатлар ғазалнинг мукамаллигини таъминлай олган. Мумтоз шеърятимизда Исо тимсоли Масиҳ сифати билан ҳам келиб, жон ато этувчи маҳбуба образига ишора этиб, адабий-эстетик туйғулар оламини бойитади. Шоира ўз кўнглига мурожаат қилиш орқали лирик қаҳрамонига ғам-андуҳ чекмасликни, висол, ҳажр-фироқ дардига Масиҳдан ўз васли билан дармон бўлишини уқтиради. Бевафо ёрдан ҳеч қандай фойда йўқлигини, гўёки шираси йўқ кўнгул қуши каби эканлигини эътироф этар экан, Масиҳ лутфи ила элни тирилтириш мумкинлигини айтади. Масиҳ бир қараши билан юз инсон кўнгулларини кўтариши, ҳожатини раво қилиши мумкинлиги лирик қаҳрамоннинг дардчил кўнглига таскин берганлиги билан аҳамиятлидир. Масалан:

*Ёр зулфуни кўрдум, кўнглум ўлди савдойи,  
Ким кезар қуюн янглиг кўрмаган биёбонлар.  
Эй маҳи жафо бунёд, барча шеваси бедод,  
Сенга арз этиб юз дод, кўнглум айлар афгонлар...  
Дард ила ғаминг келгач мулки тан аро кўнглум,  
Жон ҳарамига элтуб айлар эрди меҳмонлар (Н1;157).*

<sup>1</sup> Қобилов У. Масиҳ тимсолининг ўзбек мумтоз адабиётидаги бадиий талқини (XII-XV асрлар). Филол. фан. номз. ... дисс. – С., 2001.

Шоира ишқ дардини дунёдаги барча дардларнинг энг завқлиси ва ёрнинг ситамидан ҳам ёқимлироқ дард йўқдир, – деб таъкидлайди. Лирик қаҳрамон ёр зулфини кўрибоқ ошиқ бўлгани, хуши бошидан учиб, қуюн янглиғ биёбонда сарсон-саргардон бўлгани, ой жамоли барча сўзлари ила уни жафога мубтало айлаганини, юз дод билан кўнгулдаги кечинмаларида туғён ураётганини мадҳ этади. Ғазалнинг бош қаҳрамони умр мазмунини ишқ ва вафода кўрган ошиқдир. У ёр дарди билан тирикдир. Маҳбубасининг кўрки-жамолини мадҳ этиш унинг дил талабидир. У шу билан юпанади, шу йўл билан қалб аламларидан ўзини енгил ҳис этади.

*Ёна-ёна қолмади жон бирла кўнгул доғсиз,*

*Тома-тома кўзда ашики чашми ширён қолмади...*

*Нодира, кўнглумни равшан қилди ёди орази,*

*Ким манга андишаи хуришиди тобон қолмади (А1;234-235).*

Шоира лирик қаҳрамон кўнгли ҳақида қалам тебратар экан, инсоннинг нозик дил розлари, ишқ савдолари туфайли бошига келадиган кўргуликларини ёниб куйлайди. Муҳаббатда маст ошиқнинг изтиробларини шу қадар бўрттирадики, ошиқ маҳбубнинг дардида ҳам жонидан, ҳам кўнглидан мосуво бўлибгина қолмай, унинг ишқида йиғлай-йиғлай кўзларида ёш қолмаганидан надомат чекади. Шоира кўнгулга мадад, таскин бўладиган нарса эса ёлғиз ёрнинг орази эканлигини таъкидлайди.

Шарқ шеъриятида кўнгул орқали ижодкорнинг ўзига ва ўзгаларга мурожаат қилиши анъанавий ҳодиса. Кўнгул шоиранинг **“мен”**и билан баробар бўлиб, **ошиқ, ориф, дўст** сифатида ҳам келиши мумкин. Нодира ғазалларидаги кўнгулни куйида шоиранинг **“мен”**и, **ошиқ, ориф, дўст** тимсолларига бўлиб ўрганамиз. Байт:

*Эй кўнгул, ёр учун жаҳондин кеч,*

*Ҳаваси боғу бўстондин кеч (Н1;98).*

Ушбу байтда, биз кўнгулни шоиранинг **“мен”**и тарзида келганлигини кўришимиз мумкин. Шоира ўз қалбига мурожаат қилиб, суюкли, дилтортар, яқин суянчиқ кишиси учун барча хою-ҳаваслардан кечса бўлади, – деган

ғояни илгари сурмоқда. “Инсон ҳаётига хос барча туйғулар, ҳиссиёт ва кечинмалар кўнгулда туғилиб, кўнгулда яшайди. Бу ҳислар қанча пок ва мусаффо бўлса, кўнгул ҳам шунча нурланиб, инсон маънавий ва рухий юксакликка кўтарилади”<sup>1</sup>. Шу боис кўнгулни асраб-авайлаб сақлаш, эҳтиётлаш керакки, йўқса у “гулдан нозик” парчаланиб кетиши мумкин. Байт:

*Кўнгул юз пора бўлди, Комила, саргарди рухсорим.*

*Тамошои гули садбаргу раъно қилмади шоҳим (Н1;249).*

Ушбу байтда ҳам кўнгул шоира “мен”и тарзида келиб, шоира қалбини парчалаб юборгани, натижада қизил бўлиши керак бўлган юзлари сарғайиб кетганлигини айтар экан, жисми ҳукмдоридан ширин ўпқаланади. Шоира шеъриятида бу каби ўтлик “мен”ини кўрсатувчи ёниқ мисралар кўплаб учрайди. Шундай ғазалларидан яна бири:

*Кўзим йўлингдодур, эй сарви гулузорим, кел,*

*Кўнгулда қолмади сабру қарор, ёрим, кел...*

*Қошинг қиличи-ю мужгон хаданги бирла букун,*

*Кўнгул диёрини фатҳ айла, шаҳсуворим, кел (Н1;238).*

Шу билан биргаликда, “кўнгул”да **ошиқ** тимсоли ифодаланган ўринларни ҳам учратиш мумкин:

*Эй кўнгул, фиғонингдин тийрадур фалак қасри,*

*Бу бинони вайрон қил, ишқ уйини обод эт...*

*Ногаҳ ул жаҳон шоҳи келса, эй кўнгул, боргил.*

*Шаҳ инонини ушлаб, ҳажр илгидин дод эт (А1;94).*

Ғазалнинг ушбу байтларида шоира мурожаат қилган “кўнгул” орқали ошиқ тимсоли ифодаланган. Ошиқнинг муҳаббати, оху фиғонидан фалак қасри ҳам тебранаётгани, ҳеч қайси қаср ёр тафтидек ҳаловат бермаслиги, шунинг учун уларнинг барчасидан воз кечиш, фақат муҳаббат даргоҳини ўзига ошён қилишликка ошиқни чақиради. Ошиққа қалби султони, шоҳи

---

<sup>1</sup> Бозорова Н. А.Навоний ғазалларида кўнгул образи. “Бадоеъ ул- бидоя” девони асосида. Фил.фан.ном. ...дис. автореф. –Т., 2004. –Б.94.

келса, унга инониш, ҳажр азобидан қутилиб, суянганига етиш лозимлигини уқтиради. Кўнгул учун ҳамдам, малҳам топиш қийин, агар шундай инсон топилса, бу дунё ҳавасларидан кечиб, ёр этагини тутмоқ керак, – дейди. Шоира лирикасида кўнгулни ошиқ тимсолида қўллаган кўпгина ғазалларини учратиш мумкин. Хусусан:

*Эй кўнгул, ишқини ҳайрат билан пинҳон тутдинг,  
Хўб қилдингки, жунун ила фасод айламадинг.  
Узмадинг ёрни зулфидин умидингни, кўнгул,  
Риштаи жонинг эди катъи мурод айламадинг (Н1;174),*

– ғазалида ҳам шоира ошиққа мурожаат қилар экан, уни ишқ йўлида оғишмай, тўғри қилаётганига, қалб сирлари яширин бўлиши кераклигига ишонтиради. Ошиққа ёрининг зулфидан кўнглини узмагани, уни жон риштаси каби билиб, мақсадидан қайтмагани, нияти қатъийлигини олқишлайди.

*Кўнгуллар Каъбасин бир-бир зиёрат айладим, эмди,  
Тавофи Макка тахти Сулаймон этмасам бўлмас.  
Гараз ийди висолингдур кўнгулга, эй ҳилол абру,  
Юзингни ойига жонимни қурбон этмасам бўлмас (Н1;179).*

Шоиранинг ушбу ғазалида қўлланган кўнгул “**ориф**”лар рамзида ифодаланганини кўриш мумкин. Шоира лирикаси ўзининг бадий пишиқлиги ва поэтик кашфиётларга бойлиги, маърифийлиги билан ажралиб туради. Унинг ўзига хос эътиборга молик томони, ғазалларида ёр жамолини тавсифлаш билангина чегараланмайди. Ғазалда шоира ўз кечинмалари, қалб изтиробларининг ботиний моҳиятини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Ишқ фақат инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати бўлиб қолмай, кўнгулнинг муқаддас санаган нарсаларига бўлган чуқур эҳтироми ҳамдир. Каъба орифлар боришни мақсад қилган, гуноҳлардан покланадиган олий бир зиёратгоҳдир. Шоира лирик қаҳрамони кўнгуллар Каъбасини зиёрат этганлигини таъкидлаб, навбати билан Макка тахтини тавоф айлашни ҳам чин дилдан орзу қилади. Шеър давомида нияти, қоши ҳилол Ёр васли



эканлиги, жонини ой юзига қурбон этиши борасида сўзлайди. Бу билан лирик қаҳрамон ҳаётининг мазмун-моҳияти баланд орзулар билан музайянлигидан хабар беради:

*Кўзим ҳайратфизодур азми майдон айласун шоҳим,  
Кўнгул майдонида бир лаҳза жавлон айласун шоҳим.  
Саманди ноз уза майдон аро жавлон этиб ҳар ён,  
Кўнгулларни нишони тийри мижгон айласун шоҳим...  
Кўнгул боғида оҳим нахлидин туздим хиёбонлар,  
Замоне анда гулгашти хиёбон айласун шоҳим...  
Келиб, эй Комила, кулбам сари файзи қудумидин,  
Кўнгул вайронасин тахти Сулаймон айласун шоҳим (Н1;247-248).*

Шоирани илм аҳлига, орифу фозилларга ҳурмат-эҳтироми ниҳоят даражада юксак бўлган. Уларни кадрлаган ва ўзгаларни ҳам, хусусан, турмуш ўртоғи Амир Умархонни ҳам шунга чорлаган. Шоира лирик қаҳрамонининг орифлар яратиклари, тоат-ибодатлари олдида ақли лолдир. Шу боис у юрт ҳукмдорининг ҳайратини оширган ишларни ташриф буюриб кўришга, уларнинг қадрига етиб, орифларнинг кўнглини кўтаришга ундайди. Шоира орифлар боғида бўлганлиги сабаб гулгашти хиёбонни кўргани, шоҳи ҳам ундан баҳраманд бўлиб, орифлар вайронасини Сулаймон тахтидан ҳам юқорига чиқаришни хоҳлайди. Масалан:

*Кўнгул қасри муҳаббат доғи бирла,  
Муаббад то абад маъмуру обод.  
Жаҳон маккора золи бевафодур,  
Вафо бирла кўнгулни қилмади шод (А1;152).*

Шоиранинг нуқтаи назарига кўра, кўнгул қасри муҳаббат билан барпо бўлган, унинг доғи билан то абад обод, яшнаб туради. Ижодкор дунёнинг маккор, золи бевафолигидан зорланар экан, унда кўнгулнинг иши оғирлиги, уни вафо билан сийланмаганидан оғринади. Байт:

*Кўнгулум айлар кўзи олдида шаҳодат такрор,  
Кофир илкида ўлан зор мусулмон янглиғ (Н1;205).*

Кўнгил барча олдида шаҳодат келтириб, ёниб яшаса-да, иззат кўрмаслигини “*Кофир илкида ўлан зор мусулмон янглиғ*” мисраларида образли тарзда тасвирлайди. Мазкур мисра Нодиранинг ўзига хос топилмаси сифатида баҳоланишга лойиқ. Мисранинг ташқи маъносидан ташқари, мумтоз адабиётда кўзга нисбатан кофур атамасининг қўлланишини ҳам назарда тутган.

Шоира ижодида кўнгул поэтик образи дўст тимсолида ҳам ифодаланган ўринларни кўриш мумкин:

*Эй кўнгул, агар сенга ёр васлидур мақсад,  
Тарк айлаб оламини азми кўйи жонон эт...  
Ёр ёди бу охиом кўнглум ичра меҳмондур,  
Эй кўзум, даме анда ёш тўкуб чарагон эт* (Н1;86).

Газал матнидан ҳам кўриниб турибдики, шоира ошиққа – дўстга мурожаат қилиб, эй кўнгул агар сенинг мақсадинг ёр васлига етиш бўлса, барча нарсадан муҳаббатинг хаёли устун, азиз бўлсин. Ҳатто оламини тарк этиб, жонон сари йўлга туш, – дея илтифот этади. Кўнглумда ёр ёди меҳмон экан, кўз ёши тўкиб, унинг тиниқлиги ва ёруғлиги билан йўлини ёрит, – деб мурожаат этади. Бу ёшлар фақат ёрнинг эмас, балки сенинг ҳаёт йўлингни ҳам чарагон этади, – дея хитоб қилади.

*Кўзларим ҳар чанд анинг ҳижронида гирён эрур,  
Лек кўнглум дийдаси ёди била ҳайрон эрур.  
Ул гулистон ичра ким йўқтур жамоли жилвагар,  
Ғунча янглиғ ҳар қаён боқсам кўнгуллар қон эрур* (Н1;143).

Шоира лирик қаҳрамони қалбидаги муҳаббат туфайли маҳбубасининг жамоли ҳижронида ўтдек ёнаётган бир вақтда, дўсти ўртаётган муҳаббат ишваси азобини чекаётганидан ҳайратга тушади. Ва шунда иқроп бўладики, биргина у эмас экан Ёр ишқида маст бўлиб, ўтдек куядиган. Маҳбуба қалбига ташриф буюрмаган кимса борки, унинг гулистони ичра ғунча янглиғ кўнгли қон эканлигини ёниқ мисралари қатига моҳирона жойлайди. Байт:

*Эй кўнгул, дам урма изҳори шиқоят айлама.*

*Бардур оми бандаларга рўза инъоми Худо (Н1;42).*

Байт мазмунидан аён бўлиб турибдики, шоира дўстга мурожаат қилиб, ишқ-мухаббатинг азобидан шикоят айлама, – дейди. Ислом динида Яратган учун рўза тутмоқлик фарз этилганлиги ва буюк Аллоҳ томонидан рўза тутган бандалар учун инъом ваъда этилганидек, бандаларига бу дард ортидан Аллоҳ томонидан катта мукофот борлигига ишора қилади. Инсон қалбига ишқ-мухаббат берилишининг ўзи – буюк неъмат. Унинг тафтини сезиш, унинг ёди билан яшашнинг ўзи катта бахт эканлиги шоира томонидан тўғри илғай олинган.

Шоира ёниқ шеърятини кузатар эканмиз, унинг ижодида биргина кўнгулнинг инжа туйғуларни англаганини кўрамиз. Юқорида шоира лирикасида кўнгул образи лирик қаҳрамон **“мен”и, ошиқ, ориф, дўст** тимсоллари тасвирида жилваланганини кўриб ўтдик. Шоиранинг биргина ғазалида ҳис-туйғулар, кечинма ва ҳолатларни ифодалашда кўнгул тимсолининг бир неча маъноларда келиш ҳолатини ҳам кузатиш мумкин:

*Кўзим ҳайратфизодур азми майдон айласун шоҳим,*

*Кўнгул майдонида бир лаҳза жавлон айласун шоҳим.*

*Саманди ноз уза майдон аро жавлон этиб ҳар ён,*

*Кўнгулларни нишони тийри мижгон айласун шоҳим...*

*Кўнгул боғида оҳим нахлидин туздим хиёбонлар,*

*Замоне анда гулгашти хиёбон айласун шоҳим...*

*Келиб, эй Комила, кулбам сари файзи қудумидин,*

*Кўнгул вайронасин тахти Сулаймон айласун шоҳим. (Н1;247-248).*

Ушбу ғазалда шоира тақрир санъатидан фойдаланиб, кўнгул сўзини тўрт ўринда қўллаган. Шоиранинг лирик қаҳрамони қалби ҳукмдорига мурожаат қилади. Кўзлари мухаббат ишқу завқидан ҳайратга тушганини, кўнгул, яъни чин ошиқлар майдонида бир лаҳза бўлса-да, у ташриф буюриб, ишқ кўзини қувнатиб, ошиғининг азми майдонда жавлон айлашини орзу қилади. Кейинги мисрада шоира яна тақрир ва мурожаат санъатидан фойдаланиб, кўнгул, яъни чин ошиқларни нишони тийри мижгон айлашини айтади. Шоира кейинги

кўллаган *кўнгул*, яъни ошиқлар боғида унинг охи нахлидан тузган хиёбонларни гулзорга айлантиришини хукмдоридан ўтиниб сўрайди. Мақтада шоира ошиғини ўзига чорлар экан, кўнгул вайронасини, яъни лирик қахрамон менини кўрсатувчи қалби тўрини Сулаймон тахтидек мўътабар қилишини илтижо қилиб нола қилади.

*Эй кўнгул, ишқ ичра ғофил бўлма, ёр алдин кетар,*

*Ёрсиз айшу нашоти рўзгор алдин кетар.*

*Муддао осойиши жон ўлса зинҳор, эй кўнгул.*

*Ихтиёр этма муҳаббат ихтиёр алдин кетар...*

*Бевафолар меҳрини тарк айла, эй шайдо кўнгул,*

*Йўқса бу йўлда алигда ҳарна вор алдин кетар (Н1;131).*

Ушбу ғазал матнидан кўриниб турибдики, шоира илтифот санъатидан фойдаланиб, кўнгул, яъни ошиққа мурожаат қилиб, ишқ ичра ғофил бўлмасликни, агар хушёр бўлмаса ёрдан айрилишини айтади. Ёрсиз ошиққа айшу осойиши, ҳаттоки жон йўқлигини изҳори дил қилади. Ҳақиқий Ишқни чин юракдан ихтиёр этмаса, қувонч-шодлик уни тарк этади. Шу боис Ишқнинг этагидан маҳкам тутишни, бевафолар меҳрини тарк айлашини айтар экан, эй шайдо кўнгул, қалб, юрагингга қулоқ сол, – дейди.

Шоира ғазалларида лирик қахрамоннинг кўнглига дахлдор ҳолатлар, кайфият ва кечинмалар берилган. Улардан лирик қахрамон кўнгил олами гўзал бадиият билан тасвирланганини кўриш мумкин. Бу эса ижодкорнинг инсон руҳиятини яхши билиши, инсон кечинмаларини ўзига хос маҳорат билан тасвирлаши ва буюк сўз устаси эканлигидан далолат. Шоира ҳаётбахш лирикасидан кенг ўрин олган *кўнгул* тимсоли ғоявий бадиий поэтик образ даражасига кўтарилган.

Шоира ошиққа етказилган озорлар тасвирини рангин оҳанг ва бўёқларда тасвирлаган. Бу эса ижодкорнинг инсон руҳиятини яхши билиши, инсон кечинмаларини ўзига хос маҳорат билан тасвирлаши ва буюк сўз устаси эканлигидан далолатдир.

Хуллас, шоира ғазалларида ирфоний ғоялар талқини кўнгили тимсоли воситасида амалга оширилган. Кўнгили лирик қаҳрамоннинг ишқ ошёни сифатида шоира томонидан нозик анланган. Лирик қаҳрамон руҳияти ботиний-зоҳирий тасвир асосида кўнгили сирлари ва унга дахлдор кечинмалар таъсирчан мисраларда очиб берилган. Шоира яратикларида лирик қаҳрамон тимсолида ижодкор кўнгили ҳам ўз бадиий ифодасини топган.

Кўнгули шоира ғазалларининг етакчи мазмун йўналишини таъминлаган асосий образ даражасига кўтарилган. У шоира “мен”и, *ошиқ*, *ориф*, *дўст* тимсоллари билан муштараклашган. Бундай уйғунлашув Нодири лирикасида ғоянинг юксаклиги, дарднинг чуқурлиги, шаклнинг бетакрорлиги, бадиий асарнинг гўзаллигини таъминлаган.

## **2.2. Образларда ҳаётин талқин ва бадиийлик**

Бадиий сўзнинг аҳамияти, теран фикрнинг ифодалаш имкониятлари ва хусусиятлари, умуман адабиётнинг бадиийлиги инсон табиатининг ижодкорлиги билан боғланади. Ҳаётнинг, воқеликнинг кўнгули воситасида кечадиган туйғуларнинг сувратини чизиш, онг ва тафаккурда кўз очаётган руҳий кечинма ва ҳолатларни бир нуқтага йиғиш, уларни нозик ҳиссий кечинмалар орқали юксак санъаткороналик билан ифодалаш шеъриятнинг энг муҳим бўлган вазифаларидан бири экан “ҳар бир истеъдодли шоир шеърият қонунлари ва сирларидан огоҳ ҳолда ижод қилади. Ҳар қандай шоирнинг дунёқараши, билими шеърий шакллар воситасида теран маъноларни ифодалаш қобилиятига қараб баҳоланади. Шеъриятнинг мавжуд қонун-қоидаларини ўзлаштириб, уларни изчил татбиқ қилишда классик шоирларимиз намуна кўрсатишганлар. Улар Шарқ классик шеъриятининг назарий ва амалий фаолиятига кўрсатма ва дастурамал бўладиган (М.Шайхзода) “бадеъият”, “аруз”, “қофия” илмларини пухта эгаллаб, амалда татбиқ этганлар ҳамда шу соҳаларнинг ривожланишига

муносиб ҳисса қўшганлар”<sup>1</sup>. Масалан, Фузулий шеърятининг қарийб беш аср давомида севилиб ўқилишига сабаб ҳам унинг илмга асосланганлиги ҳамда барча мисраларнинг ҳаётий талқин ва бадийлик билан йўғрилганлигидадир. У шеърятга шунчаки қарамайди, у билим асосида шеър яратилишини таъкидлаб шундай дейди: “Илмсиз шеър асоси йўқ девор каби ўлур ва асоссиз девор ғоятда безътибор ўлур”<sup>2</sup>.

Фикр ва ғояни ихчам, тушунарли, гўзал шаклда ўқирманга етказиш учун ижодкордан ўта назокат, эстетик дид, бадий тафаккур, масъулият билан бирга бадий санъатлардан моҳирона фойдалана билиш талаб қилинади. Бу эса ижод аҳлининг услуб асосларини ташкил қилади. Услуб эса “...маълум тарихий шароитда ижод қилаётган санъаткорни маълум дунёқараш асосида... бадий элементлар ва тасвирий воситаларга ижодий муносабатини англатади”<sup>3</sup>.

Бадийлик хусусида тўхталсак, “Бадий” арабча “бадъун”, “бадеъа” сўзларидан олинган бўлиб, “ўйлаб топиш, бирор нарсани ўзгартириш, янгилик яратиш, ижод қилиш” маъносини англатади. Бадийлик борлиқ ҳодисаларини жонлантириш, инсонга хос хусусиятларни уларга кўчиришдир. Бадийлик ижодкорнинг ўз фикрини ўқувчига худди ўзи ҳис қилган, идрок этган даражада тушунтира олишдир. Бадийликнинг юксак ифодаси ижодкорнинг иқтидори ва маҳорати орқали у яратган бадий образларда акс этади.

Бадийлик ибораси эса гўзаллик, оҳорлилик, нафислик демакдир. Шу сабабли “бадийлик” атамаси адабиётнинг энг нозик жиҳати билан алоқадор, ... асарда янгилик бўлмаса, унинг ўрнига такрор, қайтариқ бўлса, бундай асар адабиётга ноқеракдир. Ҳар бир асар тақдирини риторика эмас, балки янгилик, нафосат ҳал қилади, шунинг учун яхши бадий асар миллат

---

<sup>1</sup> Рафиддинов С. Атоийнинг поэтик маҳорати. Филология фанлари номзоди ... дисс. –Т., 1993. –Б. 113-114.

<sup>2</sup> <https://moluch.ru/archive/265/61401/>

<sup>3</sup> Қаранг: Салоҳий Д. Навоийнинг шеърӣ услуби масалалари. –Т.: Фан, 2005. –Б.64; Қаюмов А. “Ҳайрат ул-аброр” талқини: Ижтимоий-фалсафӣ мотивлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. –Б.155.

ва жаҳон адабиёти тарихига киради. Янгилик эса асарнинг мазмун томонига ҳам, шакл томонига ҳам тегишлидир<sup>1</sup>.

Нодира лирикаси эса юқорида эътироф этилган “*гўзаллик, оҳорлилик, нафислик*”ни ўзида жамлаганлиги билан адабиётшуносликда ўз ўрнига эга. Нодира гўзаллик ва садоқат, Шарқ хотин-қизларининг дард-аламлари, оҳу фиғонларини ифодалар экан, ўзини ишқ ойнаси деб билганини англаб олишимиз мумкин. Бу ойна эса инсоннинг ҳаётга умид билан қараши, эзгу истақлари ва орзуларини акс эттиради. Шоира муҳаббатни Аллоҳ томонидан инсонлар қалбига солинган мангу ардоқ деб ҳисоблайди. У муҳаббат билан бирга табиатнинг ҳам мафтуни эди. Шоира бир қатор шеърларида сафоли баҳор фасли кириб келиши, боғларда гулларнинг очилиши билан уларнинг ранг-баранг либос кийиши, муаттар ҳидлар таратишини ажойиб образлар орқали кўрсатиб беради. Шоира шеърларида ислом руҳи, тасаввуф таълими ва ҳаёт фалсафасини чуқур идрок этган ҳолда ҳаётга ҳамиша умидбахш нигоҳ билан қарайди. Ундан яхшилик уруғини қидиради. Қуйидаги байт бунга ёрқин далил бўла олади:

*Баҳор келди кўзум гулга боқмади асло,*

*Нединки, гулшан аро гулруҳим эмас пайдо.*

Нодиранинг мазкур ғазалида пейзаж (табиат) тасвири бўлиб, унга параллел равишда ошиқ арзи ҳоли намоён бўлади. Матлаъдаёқ шоира баҳор тасвирини мадҳ этади. Баҳор келган-у, гуллар чаман очган боғда қизил ёноқли, гул юзли ёрнинг гўзал жамоли йўқлиги сабабли ҳеч бир гулга боқиш хоҳиши йўқлиги ифодаланади. Лирик қаҳрамон учун гул ёноқли ёрсиз чиройли баҳор ҳам татимайди. Мазкур байтда “*баҳор*”, “*гул*”, “*гулшан*” сўзлари орқали таносуб шеърини санъати, “*гул*”, “*гулшан*”, “*гулруҳ*” сўзлари орқали иштиқоқ шеърини санъати қўлланилган. Бу эса ғазалнинг бадииятини таъминлаган. Байт:

*Юзимга бўлди юзунг муқтарин, биҳамдиллаҳ,*

---

<sup>1</sup>Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва маромлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2011. –Б.3.

*Очилди меҳру вафо боғида гули раъно.*

Шоиранинг юксак поэтик тафаккур ва ўзига хос услуб эгаси эканлиги ушбу байтдан ҳам яққол намоён бўлади. Яъни матлаъдаги тушкун кайфият хурсандчилик билан алмашади, чунки маҳбуби билан юзма юз келиб, меҳр-у вафо боғида у кутган гул очилди. Лирик қаҳрамон эса бунинг учун шукр қилади. Бундан шуни англаш мумкинки, шоира илоҳий ишққа ташна, комилликка интилган солиқ. Ўз қалбидан садоқатли, вафоли ёрни топар экан, бу мақомга етганига шукрлар айтади. Байтда “*юзимга*”, “*юзунг*” сўзлари орқали тақрир санъати, “*меҳру вафо боғида*” бирикмаси орқали истиора шеърӣ санъати, *меҳру вафо боғида гули раъно* бирикмаси орқали кинояли ташбеҳ санъати моҳирона қўлланилган. Байт:

*Сариг юзумда қизил ашкими таровати бор,*

*Нечукки, соғари заррин аро майи хумро.*

Ғазалнинг яратилишида ҳаётӣ туйғу ва бадий кечинма таъсири асосий ўринни тутди. “Чинакам лирика бошқа ҳар қандай ҳақиқӣ поэзия каби инсон юрагининг чинакам мазмунини ифода қилиб бериши керак”<sup>1</sup>. Шоиранинг ушбу ғазалида ҳам асос бўлган лирик кечинма ўз табиатидан келиб чиқиб, ҳиссий бўёғига, жозибадорлигига эга. Ушбу байтда шакл ва маъно гўзаллиги ўзаро мутаносиблашганлигини кўрамыз. Баҳорнинг қизил ва сариқ гулларига муқояса қилган равишда шоира ўз руҳиятини шундай ифодалайди: “Сариқ юзимдан қонли ёшлар оқади. Ахир тилла қадахдаги май ҳам қизил бўлади-ку”. Агар эътибор берсак, касалманд инсоннинг юзи сариқ-заъфаронӣ тусга киради. Хумро сўзи арабчада “*қизил*” маъносини бериб, шоира бу байтда таносуб санъатидан унумли фойдаланган. Мумтоз адабиётда юзнинг сарғайиши ошиқнинг ҳижрон азобини қаттиқ тортганлигига ишора ҳисобланади. Лирик қаҳрамон шунчалар қаттиқ азоб тортганки, унинг дардига “*май*” – ҳақиқӣ ишқ малҳам эканлигини айтмоқчи. Шунингдек, байтда қўлланган “*сариг*” ва “*қизил*” сўзлари тазод

<sup>1</sup> Гегель Ф.В. Эстетика. Том-3. –М.: Искусство, 1971. –С.504.



шеърий санъати, “*созар*” ва “*май*” сўзлари таносуб, “*қизил ашкими таровати*” бирикмаси орқали муболаға қўлланилган. Байт:

*Лабидин айру менга бода тутма, эй соқий,  
Хумор кулфатиға нофеъ ўлмади саҳбо.*

Байт мазмунидан аёнки, лирик қаҳрамон соқийга мурожаат қилмоқда. Маълумки, соқий мумтоз адабиётда харобот аро ишқ улашувчи сўфи, пир хам деб тушунилади. Бу ерда шоира соқийга мурожаат қилмоқда. Лаб ёрнинг каломи бўлиб, лирик қаҳрамонга ундан бошқа нарса керак эмас. Ошиқнинг хуморини дунёга бўлган муҳаббат, яъни ўзга май менга наф келтирмайди, – дея қатъий инкор этади. Байтда “*бода*”, “*соқий*”, “*саҳбо*” сўзлари таносуб шеърий санъатини, “*эй соқий*” ундалмаси орқали нидо шеърий санъати қўлланилган. Байт:

*Бу жони хастаки, васлингни орзу айлар,  
Хаёл туррасидин бошида узун савдо.*

Байтда Нодира ўзининг аёл эканлигига ишора сифатида ўзини ёр васлига бўлган чуқур қайғусидан хаста бўлганини айтади. Узун сочи каби бошида узун мусибатлар бор эканлигини, бунга интизорлик (хумор) айбдорлигини билдиради. “*Савдо*” сўзи билан шоира ийҳом санъатини юзага келтириб, савдо “*мусибат*” маъносида ва яна арабча “*қора*” маъносида келмоқда. Шоира узун сочининг қоралигини охири йўқ хижрон азобига ўхшатмоқда. Байтдаги “*хаёл турраси*”, “*узун савдо*” бирикмалари орқали истиора шеърий санъатидан моҳирона фойдаланган. Байт:

*Фироқ лашкари тугёнидин маозаллоҳ,  
Ки қилди сабру таҳаммул диёрини яғмо.*

Бу байт юқоридаги бешинчи байтнинг узвий давоми бўлиб, азбаройи айрилиқдаги ҳолатидан кўрқиб шундай дейди: “*Фироқ лашкари сабр-у бардошдан қурилган диёримни бузишдан Аллоҳ асрасин*”, – дея ўтинади. Бу билан шоира айрилиқ азобини яна қайта бошдан кечиришдан чўчийди. Байтда “*фироқ лашкари*”, “*таҳаммул диёри*” бирикмалари орқали истиора, “*сабру таҳаммул*” сўзлари орқали таносуб санъати қўлланилган. Байт:

*Юзунг наззораси ушшоқларни фирдавси,*

*Ҳарими даргоҳинг аҳбоба жаннатул – маъно.*

Шоира байтда ёрни васф этиб, унинг назари ошиқлар учун жаннат боғидир, сенинг даргоҳинг суюклилар учун жаннатнинг ўзидир, демоқда. Яъники, Аллоҳга бўлган муҳаббатидан ошиқ ўз маҳбуби қаерда бўлса, ўша жой унинг жаннати эканлигига ишора қилади. Тасаввуф илмининг мақсади ҳам Аллоҳни қалбан англашдан иборат. Ушбу байтда, “*фирдавс*”, “*жаннат*” сўзлари таносуб шеърий санъатини, “*ушшоқларнинг фирдавси*” бирикмаси орқали эса истиора шеърий санъати юзага келган. Байт:

*Сенинг салосила зулфунгга мубталодурман,*

*Ки бўлди ақлу хирад қушлариға дори бало.*

Байтда келтирилишича, лирик қаҳрамон ўзини чинакам ишқ асири деб билади. Сочининг ҳалқа-ҳалқа айланаси занжир бўлиб, ошиқнинг бошидан ақли-ҳуши учиб телба бўлганлиги айтилади. Бу “*тузоққа*” тушган бандадан ақл кетишини ана шундай изоҳлайди. “*Салосила зулфунг*” сўз бирикмаси орқали сифатлаш, “*ақлу хирад қушлари*” бирикмаси орқали истиора шеърий санъати юзага келган. Байт:

*Фалакдин ўтти фигоним, қуёшга етди унум,*

*Ҳануз, Комила, кам бўлмади бу оҳу наво.*

Ғазал мақтаёсида лирик қаҳрамоннинг жабр-азоблари якун топади. Муболағавий тасвир билан ўзининг оҳи фалакдан ошганини, овози қуёшга етганини айтади. Мумтоз адабиётда оҳу нола чекиш ишқда комил бўлиш демакдир. Шоира мақтаёда ўзига Комила тахаллусини шунчаки танламаган, сабаби у оҳу носаси орқали комилликка эришган, ўзлигини англаган. Ғазалда “*фалак*”, “*қуёш*” сўзлари таносуб, “*фалакдин ўтти фигоним*” ва “*қуёшга етди унум*” бирикмалари орқали муболаға шеърий санъати, “*фигоним*”, “*унум*”, “*оҳ*”, “*наво*” сўзлари орқали яна битта таносуб шеърий санъати қўлланилган. “Бадиийлик – санъат соҳасига оид бўлган ижодий меҳнат самарасини белгиловчи ички (тузилишга оид) хусусиятларнинг мураккаб

йиғиндиси”<sup>1</sup> экан, ғазал таҳлилидан аёнки, ижодкор деярли ҳар бир байтда бадий санъатлардан жуда ўринли ва моҳирона фойдалана олган.

Шоира лирикасини кузатар эканмиз, уларда “Ҳар қандай поэтик асар лирик кечинма асосида ёзилади, шу боис шеърдаги ҳар бир унсур кечинмани ифодалашга хизмат қилади”<sup>2</sup>, деган адабиётшунос олимнинг карашлари нақадар тўғри эканлигига амин бўламиз. Шоира ғазалларида шеърӣ санъатлардан усталик билан фойдаланиб, лирик кечинмаларни, ҳаёт талқинини ўз маромига етказиб, бадийликнинг гўзал намунасини яратганлигини кўришимиз мумкин. Худди шундай ёзилган ғазалларидан бири Алишер Навоийнинг “*Эй умри азиз*” радифли рубоийсидан таъсирланиб ёзилган “*Азиз*” радифли ишқӣй ғазалидир. Ғазал тўққиз байтдан иборат ошиқона шеър бўлиб, вазни ўзбек мумтоз адабиёти шеърӣяти учун анъанавӣй бўлган рамали мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилган. Тактеъси кўйидагича: - V - - / - V - - - / - V - .

Ғазалда ўзбекча “азиз” сўзи радиф сифатида қўлланган. Бу сўз ҳар бир байтнинг мазмунини бошқариб туради. Ғазалнинг қофияланиши ҳам анъанавӣй а-а, б-а, с-а, д-а тарзида қофияланган. Ғазалда байтлар занжир усулида бир-бири билан қофияланган. Қофия учун “*жондин*”, “*ондин*” биринчи байтда, қолган байтларда эса “*инсондин*”, “*Канъондин*”, “*Сулаймондин*”, “*тобондин*”, “*эхсондин*”, “*Хоқондин*”, “*жондин*”, “*даврондин*” каби ўзбекча ва форс-тожикча сўзлардан фойдаланилган. Қофиядош сўзлар таркибида “н” ундоши равӣй бўлиб келган. Ғазалда ташбеҳ, истиора, такрир, таносуб, талмеҳ санъати ва муболаға, талмеҳ, каломи жомӣй, тазод, иштиқоқ, илтифот санъатидан унумли фойдаланилган.

Ғазалда ҳижрон изтироблари тасвири асосӣй ўринни эгаллаган. Бунда лирик қаҳрамоннинг дарду ғамлари турли бадий тасвирлар орқали баён этилган. Ғазалнинг матлаъси бошқа байтлардан иккала мисрасининг қофияланиши билан ажралиб туради. Ғазал:

<sup>1</sup> Роднянская И. Художественность КЛЭ., т.8. – М.: 1975. – С.338.

<sup>2</sup> Турдимов Ж. Лирик кечинма табиати. Фил.фан.ном...дисс... автореф. –Т., 1999. – В.12.

*Ул шакар лабким эрур жондин азиз,  
Кимки йўқ ондин азиз, ондин азиз.  
Келди ашраф барча олам аҳлидин,  
Йўқтурур дунёда инсондин азиз.  
Тушти то Юсуф жамоли Миср аро,  
Дийда равшан қилди Канъондин азиз.  
Беадаб кирма муҳаббат даштига,  
Эрди ҳар мўре Сулаймондин азиз.  
Муғтанам тутким муҳаббат доғини,  
Ким эрур хуршиди тобондин азиз.  
Подшоларким баланд овозадур,  
Бўдилар инъом, эҳсондин азиз.  
Хони дарё дилки бордур қуллари  
Ҳар бири давлатда Хоқондин азиз.  
Жон берурман дилраболар ишқида,  
Ким эрур жононалар жондин азиз.  
Тонг эмас ҳажрида чексам хорлиқ,  
Комила, кетти бу даврондин азиз (Н1;164).*

**Насрий баёни:** У лаби шакарим жонимдан азиз, ундан азиз бу дунёда ҳеч ким йўқдир. Бу дунёда барча олам аҳлидан энг шарафлиси инсондир. Ундан азизи йўқ. Юсуф жамоли Мисрга тушиши билан кўзларни равшан қилди. Канъондан ҳам азиздир. Тарбия кўрмаган киши каби одобсизлик билан муҳаббат даштига кирма, Сулаймон каби азиз бўл. Ғанимат бил муҳаббат доғини, муҳаббат порлоқ куёш, офтоб, кун кабидир. Подшоҳларнинг донғи, шуҳрати баланддир, тортиқ қилиб бериладиган нарса, ҳадя, совғалардан ҳам подшоҳлар қилган яхшилик, самимийлик, мурувват азиздир. Кўнгли муҳаббатга мойил гўзал қалбли қуллари ҳар бир давлатда бўлса, у Хоқондан, яъни юрт бошлиғидан ҳам азиздир. Жонимни ҳам бераман қалбни забт этувчи, дилтортар, мафтункорлар ишқида, у жононалар,

дилраболар жонимдан ҳам азиздир. Тонггача хорликда хижрон эт, эй Комила. Сабаби азиз давронинг кетди.

Мақтаънинг ҳам ўзига хослиги шундаки, биринчидан, одатда, унда шоирнинг тахаллуси қўлланилади. Иккинчидан эса, мантиқан у асар хулосаси каби янграйди. Нодиранинг ушбу ғазали ҳам юқоридаги икки талабга жавоб беради. Яъни, у илоҳий ишққа етишиш учун тонггача айрилик, жудолик, хорлик чекканлиги сабабли комилликка эришди. Шу мақсадда у Комила тахаллусини қўллаган. Ва *“кетти бу ҳаётдин азиз”* мисраси ғазалнинг умумий хулосаси каби янграмоқда. Шу ўринда ушбу таърифни келтиришни жоиз топдик: “Агар биз бадий асарнинг таъсирдорлик “сир”ларини тушунмоқчи, яъни бу таъсирдорликни қандай омиллар ёки шартлар майдонга келтиришини аниқламоқчи бўлсак... бадий асарнинг таъсирдорлигини тайин этган асосий омиллар – бадийлик критерияларини (ўлчовларини) тушуниб етамиз”<sup>1</sup>.

Нодиранинг *“Айларам”* радифли ғазали аруз вазнининг рамал баҳрида битилган, етти байтдан иборат. *“Айларам”* радифли ғазал ҳам, айнан, шу баҳрда ёзилгани ажабланарли эмас. Бу баҳр энг енгил, содда ва, қолаверса, бармоқ вазнига жуда яқин туради. Бу баҳр ўйноқчилиги, оҳангдорлиги билан ҳам ажралиб туради.

Унда форсий ва арабий сўзлардан унумли фойдаланилган. Қофия учун *“ёд”, “барбод”, “шод”, “Фарҳод”, “фарёд”, “обод”, “Беҳзод”, “бунёд”* ва радифга *“айларам”* каби соф туркий сўзлар танлаб олинган. Бундай қофия муқайяд қофия бўлиб, тўлиқ қофияланишдир. Оҳангдошликни ташкил этаётган “д” товуши равий ҳисобланади. Тақтеъси куйидагича: Фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун - V - - / - V - - / - V - - / - V - . Байт:

*Ҳар қачонким ул париваш васлини ёд айларам,*

*Чарх бунёдини бир оҳ ила барбод айларам.*

Ғазалнинг матлаъсида лирик қаҳрамон ёридан шикоят қилиб, ҳар қачон уни эслашини, ҳатто ёрининг ишқида оҳ чекишини баён этади. Бу оҳ шу

<sup>1</sup> Султонов И. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б.221.

кадар ҳасратлики, ўз ҳолида айланиб турган бу дунё тескари айланиб кетиши мумкинлиги ҳақида сўз юритади. Байт:

*Гарчи махзунман ўзум бир нозанин ҳижронида,  
Бенаво афтодаларни хотирин шод айларам.*

Аммо ошиқ фақат ёр ишқида куйиб умр ўтказмайди. Ҳар қанча аҳволи оғир бўлса ҳам, бенаво афтодаларнинг кўнглини шод қилиб ўтишни қанда қилмайди. Бундан кўришимиз мумкинки, ошиқ фақат ўзим бўлсам, – дейдиганлар хилидан эмас. Байт:

*Тоғни бир оҳ ила ҳомунда айлаб устувор,  
Ишқ саҳросидаги Мажнунни Фарҳод айларам.*

Буни кейинги байтда очиқ баён этади. Ошиқ ёри учун бир оҳ чекиш орқали тоғни талқонга айлантириб, ишқ кўйида ақл-ҳушидан озган Мажнунни Фарҳодга айлантириб кўйишга ҳам қодир. Бу тасвирлар Нодира лирик қаҳрамонининг маънавий юксак даражадалигини кўрсатади. Унинг руҳиятида чексиз жунун мужассам. Аммо, халқ дарди билан куйинган Нодира ҳаётида ақлнинг устувор бўлиши табиий. Мажнун жунунвор ошиқ экан, Мажнунни Фарҳод айларам, дея лирик қаҳрамони бонг уради, бир оҳ билан, ишқининг қуввати билан Мажнунни Фарҳодга, яъни солиқни мажзубга айлантира олади. Байт:

*Неча турлук доғ ила кўнгулда ойин боғладим,  
Шоҳима меҳр-у вафо мулкани обод айларам.*

Тўртинчи байтда ошиқ ёри ҳуснини кўнглига минг машаққатлар билан жойлаган. Энди ёрига меҳр ва муҳаббатнинг барчасини тухфа этишини, яъни, ўз меҳрини ёрига беришини айтади. Байт:

*Бўлмишам ҳарчанд ҳижронингда сабр айлаб хамуш,  
Чун тушарсен ёдима, якбора фарёд айларам.*

Байт мазмунидан аён бўладики, лирик қаҳрамон ёридан хануз дарак йўқ. Унинг ҳажрида ошиқ адо бўлмоқда. Лекин қачондир ёрининг висолига етишиш умиди унга таскин бермоқда. Ошиқ ўша кун учун яшайди. У ёрининг висолига етишишни орзиқиб кутади. Сабр-бардош билан кутади.

Аммо ёри ёдига тушганда, яна чандон фиғон чекади. Ишқи оташи юрагини куйдиради. Байт:

*Қон ёшим тасвир этар ҳар лаҳза ул гул сурати,  
Кўзга ким мужгонларимни килки Беҳзод айларам.*

Ушбу байтда шоира муболаға санъатидан моҳирона фойдаланган. Яъни ошиқ ёр кўйида чунон фиғон чекади. Унинг кўзларидан ёш сув бўлиб эмас, қон бўлиб оқади. Қон томчилари ёрдамида ёрининг сурати чизилади. Буни шоира ўзига хос тарзда далиллайди. Унингча, киприклари машҳур рассом Камолиддин Беҳзод қаламига ўхшатилади. Киприқдан бўлган қалам кўз ёш оқаётган кўзни сиёҳдон мисоли ишлатиб, ҳар томчисида ёр тасвирини чизади. Байт:

*Қиссаи Фарҳоду Мажнун қолди, мен ҳам ишқ аро,  
Комила, бир жонгудоз афсона бунёд айларам (Н1;250).*

Сўнгги байтда ҳам шоира олдинги фикрларининг давоми ўлароқ, халқ қалбидан жой олган Мажнун ва Фарҳод қиссалари, бошидан ўтказганлари унинг ишқи олдида ҳеч нарса бўлмайд қолганини эътироф этади. Ўз саргузаштларидан бир афсона яратишини айтади. Юқоридаги мисралардан кўришимиз мумкинки, ғазалнинг бош мавзуси оламларни яратган қодир зотга – Аллоҳга муҳаббат мавзусида битилган. Ва бу муҳаббат ҳамманинг кўнглида бирдек мавжуд эканлигига шоира ишора қилади.

Шоира ғазалда “париваиш”, “нозанин” сўзини қўллаш билан истиора, “барбод қилиш”, “тоғни бир оҳ ила ҳомунда айлаб устувор”, “қон ёшим тасвир этар ҳар лаҳза ул гул сурагин” сўзлари билан муболаға, “маҳзун”, “шод” сўзлари билан тазод, “Мажнун”, “Фарҳод” сўзлари билан талмех, “мехр”, “садоқат”, “қисса”, “афсона” сўзлари билан таносуб, “Кўзга ким мужгонларимни килки Беҳзод айларам” мисраси билан тажохули ориф, “Комила” сўзи билан эса илтифот санъатини яратган.

Лирик кечинма образдан фарқли ўлароқ, ўз табиатидан келиб чиқиб, кўпроқ шеърнинг туғилиши ва умумий мазмуни ҳиссий бўёғига таъсир этувчи воситалардан биридир. Шунинг учун лирик кечинма мисралар қатига

сингдирилган ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун “Кечинма асл ҳолда ёқиши ва ёқмаслигидан қатъи назар, санъат асарида қайта тикланар экан, муқаррар бадий завқ манбаига айланади, яъни албатта ёқимлилик касб этади”<sup>1</sup>. Шеър асосида ҳаётий талқин билан ижодкор кечинмаси асосий ўрин тутар экан, туйғу, ҳис, хаёл, фикр тасаввур уни бир яратик сифатида юзага чиқаради. Ана шундай яратиклар натижаси ўлароқ, Нодиранинг “*Кўзумдин дам-бадам оққан қизил ёш*” ғазали ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида. Тақтеъси кўйидагича: V- - -/ V- - -/ V - -(мафойилун/мафойилун/фаулун) дунё юзини кўрди. Ғазал соф тасаввуфий мазмундаги орифона ғазаллар сирасига киради. Мазкур ғазалда хослар ишқи воситасида илоҳий ишқ тараннум этилади. Одатда хослар ўз ишқини пинҳон, яширин тутди, ёр ҳажрида азобланса-да, уни кўнгил тубида сақлашни маъқул кўради. Бунинг сабаби ишқ – кўнгил жавҳаридир. Бу дардга чалинган инсон учун оламда бўлаётган воқеа-ҳодисалар қизиқ эмас, у фақат дилидаги муҳаббат билан ҳаёт кечира бошлайдики, энди унинг яшаш учун тириклик ҳавоси ҳам ишқидир. Матлаъда ошиқ аҳволи қаламга олинади:

*Кўзумдин дам-бадам оққан қизил ёш,*

*Нихон ишқимни элга айлади фош.*

Ғазалда шоира ўзини комиллик сари интилаётган инсон сифатида тасвирлайди. Аллоҳ жамолига орзуманд, унинг ишқи билан ёнаётган кўнгил розлари ошкор бўлганлигини у кўз ёшларидан кўради. Ошиқ ҳижрон туфайли ғоятда кўп кўз ёш тўкади, унинг қизил қонли кўз ёши ошиққа малол эмас, бу унинг ҳаёти мазмунидир. Қонли кўз ёшлар ошиқ аҳволдан элни хабардор қилиб кўйди. Сирини фош қилди. Бунинг ошиқ хоҳламаган эди. Эл образи, одатда, ғазалларда авом сифатида тасвирланади. Матлаъда берилган тасвирда ҳам эл ошиқнинг асл ҳолатини англаб етмайди, уни далли-девонага чиқариб кўяди, холос. Байт:

*Юзунг меҳрига мафтун ўлди зоҳид,*

*Кўёш нурига тоб айларму наққош.*

<sup>1</sup> Сувон М. Лирик фожелик // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991. №3 . –Б.7.



Ёр (Аллоҳ)нинг юзидан таралаётган нурга ибодатга муккасидан кетган зоҳид ҳам у каби мафтун бўлганлигини, бу дунё ишларидан юз ўгириб, Ҳаққа яқин бўлмоқ истаги уйғонганлигини, бу йўлда энди кутилажак қийноғ-у машаққатларга бардош бериш кераклигини англаб етади. Биламизки, наққошлик Чин юртида камолга етган касб. Ушбу мисраларда наққош қуёшнинг нурларига бардош бера олмай қийноқда. Қуёшнинг нури унинг ғоятда гўзаллигидан даракдир. Аммо унга қараб бўлмайди, кўз камашади. Наққош қуёшнинг қайноқлигидан чидай олмагани каби инсон Аллоҳ васлига эришганида унга осон бўлмайди. Шоира худди ана шу ҳолатни назарда тутмоқда. Байт:

*Надур оламни қадри дар ҳақиқат,  
Фалак хаишош, анжум тухми хаишош.*

Иккинчи байтда инсон ҳам Яратган билан юзма-юз келганда бутун фалак, юлдузлар каби ўзидан кетиб қолган, маст аҳволда бўлишига ишора бор. Улар девоналардек ҳаракатланишади. Бу фоний дунёнинг қадри нимада кўринади? Бутун дунёда, ҳақиқатдан ҳам, оламнинг қадри фақат Аллоҳ ишқи учундир. Шоира осмон ва юлдузлар девоналар каби ҳаракатланганидек инсонлар ҳам Аллоҳ учун номухимни муҳимдан ажратиши, яъни одамлар ўзларининг орзу-истаклари, нафслари йўлида ўткинчи нарсаларга боғланиб қолмасликлари, аксинча эзгу амаллар қилиши лозим демоқчи бўлади. Шоира ушбу ҳақиқатни гўзал ифодалар орқали ғазалга сингдириб юборган. Байт:

*Адаб элни баланд иқбол айлар,  
Тавозуъдин эрур кўз устида қош.*

Шоира энди яна ёр васфига ўтар экан, унга ижтимоийлик оҳангини кирита бошлайди. Одоб инсонни улуғловчи, элнинг иқболини баланд қилувчи фазилатдир. Эл фақатгина адаб, яъни одоб ва тавозеъ орқали бахту иқболга эришади. Бу инсон учун ягона йўлдир. Ижодкор шу ўринда халқ адабни ўзларига кўпроқ ихтиёр этишларини хоҳлайди. Буни эса ўзгача бир услубда, яъни ёрининг гўзаллиги бўлмиш қош ва кўзнинг жойлашуви билан исботлаб қўя қолади. Қош оламни кўра олиш қобилиятига эга бўлмаса-да,

Ўзининг одоб сақлаб, эгилиб туриши билан шунга маъқул кўрилдики, у кўзнинг устида жойлаштирилди. Яъни қош тавозеъ билан тургани сабабли мақоми кўз устида бўлди, – дея маданият ва маънавият асоси, бахту саодат кафолати бўлган ахлоқ-одобни тарғиб этади. Байт:

*Таоллллаҳ жанобинг кибриёдур,  
Сабо пайки ҳариминг боди фаррош.*

Яратганнинг таърифи давом этар экан, Аллоҳ таоло буюк зот, сабаби ҳамма гўзаллик Унинг буюк инояти билан пайдо бўлганлигига ишора қилинади. Шу ўринда шоира Аллоҳга **хамд-у сано** айтиб кетади. Яратганнинг инояти билан тонг шамоли майин эсиб, Каъбанинг дарагини етказди, кўнгилга унинг иштиёқини солди. Байтда пинҳоний, яъни яширин маъно ҳам мавжуд. Ҳаётий мўъжизалар Аллоҳ таолонинг чексиз буюклигидан эканлиги тасдиқланади. Байт:

*Кўзум дурри ятими сақламас роз,  
Нечаким пок гавҳардур, эрур ёш.*

Байтда шоира “Кўзимнинг нодир дурдек ёшлари сир сақлай олмаяптилар, яъни кўз соққасидан ташқарига чиқиб кетиб, менинг аҳволимни ошкор этмоқдалар”, кейинги байтда: “Майли, энди, маъзур тутамиз, улар тоза гавҳарчалардир, аммо ҳали ёш (инсон умри маъносида), ўзларини тута олмайдилар”, – деган фикрни баён этмоқда. “Ошиқ энди ўз аҳволини яширишни ихтиёр айламоқда”. Инсоннинг орифлик сари қўйган қадамида ҳар хил тўсиқлар, қийинчиликлар бўлиши табиий, унинг бу йўлдаги кўзёшлари гоҳ шодликдан, гоҳ қайғудан бўлсин, барибир у чин юракдан инсоний ҳиссиёт натижасими – бас, у ҳар қанча гавҳардан ҳам ортиқроқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам иккинчи мисрада ёш пок гавҳарга ўхшатилади. Байт:

*Бўлуб ҳам икки қошинг бир-бирига,  
Қилурлар қатлима пайваста кенгош.*

Бу мисраларда лирик кечинма орқали инсон қалбидаги ҳиссиётларнинг образли қилиб ифодаланганлигини кўриш мумкин. Яъни ёр ошиқ ҳолидан

доимгидек беҳабар, унинг кўз ёшларига, азобланишига бепарводир. Ёрнинг гўзаллигидан икки қоши туташиб кетган, буни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Бу ҳолат ошиққа иккита қош ўзининг қатли учун кенгаш қилиб туташиб кетгандек таассурот уйғотади. Гарчи қатл учун кенгаш қилаётган бўлсаларда, ошиқ бу ҳолатни илтифот деб кўра олади. Унинг ошиқлиги ҳам шунда. Ёрнинг азоби ҳам унга роҳат бағишлайди. Мазкур мисралар Огаҳийнинг машҳур “Устина” радифли ғазалини ёдимизга солади. Унда ҳам Нодира мисраларига мутаносибликни кўрамиз. Байт:

*Бошимни ноз тиги бирла кесдинг,  
Ки қолди бир тараф тан, бир тараф бош.*

Кейинги мисрада ошиқ маҳбубининг нозли қарашига, ҳаракатларига алоҳида урғу қаратади. Нозу қарашнинг тиги шунчалар кучлики, гўё ошиқ ўзини бошини танасидан жудо қилингандек ҳис қилади. Унинг танаси ва боши икки тарафда. Бу эса ёрга таъсир ҳам қилмайди. Ёрнинг тобора ўзига ром этиб бораётганини, бу дунёдан кўнгил узиб, ёрнинг ҳақиқий чин ошиғи, мафтунига айланиб қолганлигини тан олади. Байт:

*Бу кўздин, Комила, кўп ёш тўқарсан,  
Ки бергай Тангри бир ёшингга юз ёш.*

Мақтада шоира ишқ ўзининг азалий қисмати эканлигини тан олади. Бундан нолимайди, аксинча қувонади. Чунки ҳақиқий ишқ дарди ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ишқ кўнгил тубидаги дурдир, шунинг учун ҳам ҳар бир кўзёшинг учун Аллоҳ таоло сенга ўз иноятларини беради. Ижодкор ўзига мурожаат этиб, бу кўзларингдан кўп ёш тўқарсан, бироқ билгинки, ҳали бу тўккан кўзёшларинг эвазига Ҳақнинг мукофоти – абадий ҳаёт ваъда қилмоқда, –дея хушнуд кунларнинг ҳали олдинда эканлигини айтади. Шоира ишқ билан кечирилган умр мазмунли ўтади, – деган фалсафани илгари суради. Унинг эътирофича, “*Муҳаббатсиз киши одам эмасдир, гар одамсен муҳаббатни ихтиёр эт*”. Ушбу ғазал ҳам мажозий ва ҳақиқий ишқнинг мужассами бўлганлиги билан ажралиб туради.

Шоиранинг сўз қўллаш ва тасвирлаш маҳорати юксак бўлиб, ғазалда бадий санъатлардан усталик билан фойдалана олган. Биринчи байтда “дамбадам” сўзи орқали мукаррар, “пинҳон” ва “фош” сўзлари орқали тазод, “қизил кўзёшлар” ифодаси орқали истиора юзага чиқмоқда. Иккинчи байтда “қуёш”, “меҳр”, “нур”, “тоб” сўзлари бир маънони англатишини ҳисобга олсак, булар таносубни ҳосил қилмоқда. Қуёшнинг нурига наққош чидай олмаслиги сабаб қилиб тамсил санъати қўлланилган. Шоира учинчи байтда сайёраларнинг, юлдузларнинг ҳаракатланишини муболаға санъати орқали тасвирлаб берган. “Хашихош” сўзи тақрир санъатига мисол бўла олади. Барча ҳаракатларнинг сабаби ёр гўзаллигидир деб ҳусни таълил санъатини қўллашни лозим кўрган. Тўртинчи байтда “адаб”, “тавозеъ” сўзлари орқали таносуб юзага чиқса, “қош” ва “кўз”нинг жойлашувини далил сифатида келтирилиши ҳусни таълилнинг гўзал намунаси. Мазкур мисрада калом жомий ҳам қўлланилган. Бешинчи байтда эса Аллоҳнинг инояти билан содир бўлаётган мўъжизалар муболаға орқали очиб берилади. “Сабо” ва “бод” сўзлари таносубни юзага келтирган. Олтинчи байтда ташхис санъати орқали кўз чашмасининг кўзёшларни тутиб туришга ҳоли йўқлигини ифодалайди. Шоира ружуъ воситасида кўз ёшларнинг пок гавҳар эканлигини даражалаб кўрсатган ва шу ўринда ташбеҳ санъатидан ҳам фойдаланган. Еттинчи байтда қошларни ҳаракатга келтиришда ташхис-жонлантириш санъати орқали кенгаш қилаётгандек тасвирлаган ва яна ҳусни таълил санъатидан фойдаланган. Шу ўринда “кенгаш” ва “қатл” сўзлари таносубни ҳосил қилмоқда. Саккизинчи байтда эса “ноз тиги” истиорани, “бош” сўзларининг икки мисрада ҳам тақрорланиши тақрир санъатини юзага чиқармоқда. Мақтаъда шоира “ёш” сўзлари орқали тажнисдан фойдаланган. Ғазал бошдан оёқ бадий санъатлар гулдастаси кабидир.

Ғазалда “ёш, фош, наққош, хашихош, бош, фаррош, кенгош, қош” каби арабий, форсий ва туркий сўзлар қофияга олинган. Муқайяд қофия. Равий товуш “ш”. Ғазал радифсиз ғазаллар сирасига киради.

Нодира ҳақиқий ишқ-муҳаббат куйчисидир. Унингча, одам муҳаббат ихтиёр этганидагина чинакам комил инсон бўла олади. Шоира ижодида инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати, яъни ишқи мажоз рамзий маънога эга. У ишқи илоҳийнинг рамзидир. Унингча, ишқни куйлашдан мақсад илоҳий ишқни улуғлашдир. Нодиранинг “*муҳаббат*” радибли ғазалида илоҳий ишқ тараннуми ҳам, ишқи мажозий ҳам, яъни ёр ҳажрида изтироб чекаётган ошиқ дарди қаламга олинган. Ўз ёрига етишиш, унинг биргина васлига умидвор бўлиш истагида юрган ошиқ суюқлиси учун бутун бор-йўғидан воз кечишга, тамоман садқа бўлишга тайёр. Ғазал байтларида у буни босқичма-босқич исботлаб боради. Биринчи байтда лирик қаҳрамон ошиқ тарзида гавадаланиб, ёрининг ниҳоятда гўзал эканлигига ишора қилади. Уни чаманнинг ёш дарахти дея атайди. Ёрнинг тик қадди-ю, келишган, чиройли бўйига, худди боғнинг эндигина етилган олмаси каби қизил юзига мафтун бўлишини рангин мисралар қатига жойлайди. Байт:

*Ҳар кимда агар бор эса осори муҳаббат,*

*Айлар анга маҳбублар изҳори муҳаббат.*

Кимда муҳаббат белгилари бўлса, яъни севишга лойиқ бўлса, унга маҳбублар муҳаббатларини изҳор қиладилар, шу боис севилишга, қадрланишга лойиқ бўлиш лозимлиги уқтирилади. Байт:

*Майхона ишқ ичра хуш ул риндқи, тунлар,*

*Бир журъа учун бор эса бедори муҳаббат.*

Иккинчи байтдан эса майхона тасвири кириб келади. Биламизки, тасаввуфда майхона орифлар давраси, май ичмоқ эса илм олмоқ, бедорлик қалб уйғоқлигидир. Байтдан келиб чиқадиган маъно шуки, орифлар даврасига бир қатла илм талабида борган инсон қачон бўлмасин уларни қалби уйғоқ ҳолда топади. Байт:

*Хушдур киши дунё ғамини қилса фаромуш,*

*Ложуръа чекиб соғари саршори муҳаббат.*

Киши дунё ғамини унутса янада яхшидир. Чунки бундай ҳолатда у муҳаббатдан маст бўлиб, тўхтовсиз илм олишга, Аллоҳни танишга қалби ва руҳи ила шўнғийди. Байт:

*Тут ғайрдин, эй хаста, кўнгул доғини пинҳон,*

*Ғар сўрса биров айлағил инкори муҳаббат.*

Энди шоира ўзига нисбатан “хаста” дея мурожаат қилмоқда. Бу хасталик ишқ ва айрилиқ туфайли юзага келган хасталиқдир, қалб оғриғидир. Уни одамларга айтиш орқали кошки даъвога эришса эди. Аммо бундай бўлмайди. Муҳаббат даъвоси фақатгина ишққа мубтало этганга тегишли бўлади. Шу сабабли шоира муҳаббатини пинҳон тутмоқликни маъқул кўрмоқда. Байт:

*Роҳат тиласанг ишқ биносини паноҳ эт,*

*Осуда эрур сояи девори муҳаббат.*

Шоира лирик қаҳрамони инсон учун энг осуда макон ишқ биноси, сояи девори муҳаббат эканлигини, фақат угина кўнгилга роҳат ва таскин бериши мумкинлигини ошкор этмоқда. Бу мисралар инсониятни ҳақиқий ишқ диёрига чорлов дейишимиз мумкин. Байт:

*Болини уза борди иёдатга Масиҳо,*

*Хуришд эди чархда бемори муҳаббат.*

Биламизки, Масиҳ анфоси жонбахш, беморларга шифо берувчи нафасдир. Байтда еру кўк ўзининг буюк Яратувчисига ошиқ эканлиги, кўкдаги куёшнинг ҳам муҳаббат бемори эканлиги тасвирланмоқда. Байт:

*Ғар таънаи агёрдин , эй дил, ҳазар этсанг,*

*Олам элига бўлмағил иқрори муҳаббат.*

Ана энди шоира нима учун муҳаббатини пинҳон тутмоқчи эканлиги ойдинлашади. Зеро лирик қаҳрамон агёрлар таънасидан ҳазар қилади. Шундай экан, муҳаббатни пинҳон сақлаш, унга ошкор иқрор бўлмаслик ҳақида сўзламоқда. Байт:

*Тасбиҳи риёйи билан мағрур эди зоҳид,*

*Тавфиқ топиб, боғлади зуннори муҳаббат.*

Риё тасбеҳи зоҳидни мағрур этди, кибрга ошно қилди. Бу эса залолатдан даракдир. Аллоҳ унга ёрдам берди, қалбига ҳақиқий ишқни жойлади. Байт:

*Эй Комила, зуҳд аҳлини майхонада кўрсанг,*

*Дам урмаки, фош ўлмасун асрори муҳаббат* (Н1;84).

Зуҳд аҳли тақвосига маст бўлиб, ишқни унутганлардир. Улар майхонага шунчаки риё учун келишади. Зоҳидларга ишқ сирларини очишса таъна қилишади, холос. Ишқдан уларнинг қалби мудроқдир. Шу сабабли, уни пинҳон тутиш ва муҳаббат асрори фош бўлмаслиги ҳақида ўйлайди. Мақтада шоира Комила таҳаллусини қўллайди. Бу ерда у комил, етук, ҳар жихатдан мукамалликка интилган ошиқ сифатида гавдаланади. Шунингдек, шоира, ишқда Аллоҳни кўнгил салтанатининг султони деб билган инсон у учун мислсиз риёзат чекмоққа ҳозир бўлади. Бу эса ошиқ қалбига ҳамиша таскин беради, ҳузур бахш этади, деган нуқтаи назарни ошкор этади.

Ғазалда юқорида айтганимиздек, “муҳаббат” сўзи радиф ҳисобланиб, ғазалдаги қофиядош сўзлар: “*осори, изҳори, бедори, саршори, инкори, девори, бемори, иқрори, зуннори, асрори*” дир. Р- равий, О- ридф. Ғазалда бир неча шеърӣ санъатлар мавжуд. Иштиқоқ санъатига “*маҳбуб*”, “*муҳаббат*” сўзлари, таносуб санъатига “*майхона*”, “*ринд*”, “*журъа*”, “*ишқ муҳаббат*”, “*роҳад*”, “*осуда*”, “*ложуръа*”, “*соғар*”, “*тасбеҳ*”, “*зоҳид*” сўзлари, тазод санъатига “*ҳуш-ғам*” сўзлари, истиора санъатига “*ишқ биноси*”, “*сояйи девори муҳаббат*”, “*бемори муҳаббат*”, “*тасбеҳи риёйи*”, “*зуннори муҳаббат*” сўзлари, талмеҳ санъатига “*Масиҳо*” сўзи, нидо санъатига “*эй хаста*”, “*эй дил*”, “*эй Комила*” сўзларини намуна сифатида кўрсатишимиз мумкин.

Нодира лирикасини кузатар эканмиз, шоира ижодида ҳаётӣ талқинни, лирик кечинмани ифодалашда, адабиётшунос олим таъкидлаганидек, “Шеърнинг асосий поэтик ғоясини ифодаловчи бирон-бир образ орқали; Шеърнинг етакчи поэтик мазмунини белгиловчи кечинма образи орқали;

Поэтик пейзаж ёхуд поэтик вазият тасвири орқали; Поэтик оҳанг, шеърий ритм, поэтик кўчимлар орқали”<sup>1</sup> намоён бўлганлигини кўриш мумкин.

### **Боб бўйича хулосалар:**

1. Шоира ғазалларида ирфоний ғоялар талқини *кўнгул* тимсоли воситасида амалга оширилган. Кўнгил лирик қаҳрамоннинг ишқ ошёни сифатида шоира томонидан нозик анланган. Лирик қаҳрамон руҳияти ботиний-зоҳирий тасвир асосида кўнгил сирлари ва унга дахлдор кечинмалар таъсирчан мисраларда очиб берилган. Шоира яратикларида лирик қаҳрамон тимсолида ижодкор кўнгли ҳам ўз бадий ифодасини топган.

2. Нодира лирикасида инсон кўнгли ва тақдирининг бадий инкишофи-мушоҳадаси ўзининг нафислиги, ҳис-туйғуларга бойлиги, образлилиги, бадий бўёқдорлиги ва таъсирчанлиги самимий сатрларда ифодасини топган. Кўнгул шоира ғазалларининг етакчи мазмун йўналишини таъминлаган асосий образ даражасига кўтарилган. У шоира “мен”и, *ошиқ*, *ориф*, *дўст* тимсоллари билан муштараклашган. Бундай уйғунлашув Нодира лирикасида ғоянинг юксаклиги, дарднинг чуқурлиги, шаклнинг бетакрорлиги, бадий асарнинг гўзаллигини таъминлаган.

3. Шоиранинг образлар тасвирида ҳаётий талқин ва бадийлик шакл ҳам мазмун мутаносиблигида ёрқин намоён бўлиши билан аҳамиятлидир. Нодира шеъриятида сўз қўллаш ва тасвирлаш маҳорати юксак бўлиб, бадий санъатлардан усталик билан фойдалана олганлиги ғазалларнинг жонли, ўқимишли чиққанлигини таъминлаган.

---

<sup>1</sup> Турдимов Ж.Б. Лирик кечинма табиати. Фил.фан.ном....дисс. ...автореф.– Т.,1999.–Б. 13.



## III БОБ. АНЪАНАВИЙ ЖАНРЛАР ВА ИЖОДИЙ ТАЛҚИН

### 3.1. Нодира шеърятининг жанрий таркиби

Шарқ шеършунослигида ижодкорларнинг истеъдоди, камолот даражаси, маҳорат миқёсларига баҳо берилганда, одатда, уларнинг девон яратган, яратмаганлигига асосланиб иш тутишган. Чунки шоирлар асарлари миқдори девон тартиб этишга етиб ортган, шеър ёзиш маҳорати, малакаси етилган, бадий услуби сайқал топган даврдагина девон яратишга журъат этганлар. Бундай етук шоирларни *“Соҳиби девон”* ибораси билан сифатлашган. Моҳларойим Нодира – соҳиби девон шоира эди.

Бадий ижодга катта эътибор билан қараган шоиранинг бизгача 3 та шеърый девони етиб келган. Уларда шоира Комила, Нодира, Макнуна таҳаллуслари билан ижод қилган. Шоира ғазаллари ўзбек ва форс-тожик тилларида яратилган. Нодиранинг зуллисонайнлик фазилати ҳам унинг бадий маҳоратидан далолат беради. Шоира ўзбекча девонига ёзган дебчасида девонларининг тартибланиши ҳақида маълумот берсада, ҳалигача шоиранинг ўз даврида кўчирилган ёки дастхат ҳолидаги девони бизгача етиб келмаган. Унинг 4132-рақамли *“Нодира”* таҳаллуси билан ёзган **109** (ёки 1704 мисра) ғазали киритилган, тўла бўлмаган ўзбекча девони, XIX асрда кўчирилган девонда Нодиранинг *“Комила”* таҳаллуси билан ёзган форс-тожик тилидаги **19** (328 мисра) ғазали ва **9 та қасидаси, 1 мусаддаси** борлиги аниқланган. 1962 йилда Наманганда шоиранинг 313-рақамли *“Нодира”* таҳаллуси билан ёзган **180** та шеъри жамланган (шулардан **136** таси ўзбек тилида, **44** таси форс-тожик тилида) мукамал девони топилган. Бундан ташқари ушбу девонда шоиранинг **11 та мухаммаси, 1 та мусаддаси, 2 та мусаммани, 1 та таржеъбанди, 1 та таркиббанди, 1 та қасидаси ва 1 та фироқномаси** ва 7766-рақамли *“Макнуна”* таҳаллуси билан ёзилган **333** ғазалдан иборат бир девони мавжуд. Бугунги кунда биз Нодиранинг ўзбек ва

форс-тожик тилларида яратган **10 минг** мисрадан ортиқ лирик меросига эгамиз.

Бундан кўринадики, ўз салафлари каби Нодира шеърятининг жанрий таркиби хилма-хил бўлиб, шоира уларни ўзига хос ноёб топилма ва яратилган билан бойитганининг гувоҳи бўламиз: “Шарқ мумтоз адабиётида анъанавийлик устувор. Бу бадий тасвирда ҳам, образлар оламида ҳам, мазмун ва мундарижада ҳам кузатилади. Зоҳиран қараганда, бир хиллик, ўхшашлик бўлиб туюладиган бу ҳолат замирида ҳам ҳар бир ижодкорнинг индивидуал, ўзига хос поэтик ифода усуллари шаклланиб борган. Зотан, машҳур алломаларимиз ижодкорнинг маҳорати ва ўзига хослиги асарда нимани ифодалашига қараб эмас, балки воқеликни қандай тасвирлашига қараб белгиланишини таъкидлашади. Бундай нуқтаи назар, асарнинг шаклий хусусияти ҳисобланган, жанрлар талқинида ҳам муҳимдир. Жанр секин ўзгарувчанлик хусусиятига эга. У маъно ва мазмунга нисбатан турғун. Аммо ноёб истеъдод эгаси бўлган ижодкорлар мазкур муқимликни ҳам ўзгартиришга қодир бўлишган<sup>1</sup>.

Нодира девонининг асосий қисмини ғазал ташкил қилар экан, шоиранинг ижодий услуби ва бадий маҳорати ҳам бу жанрда яққол ва бетакрор бўлиб кўринади. Унинг ўзбекча ва форс-тожикча ғазаллари арузнинг турли вазнларида 5, 7, 9, 13, ҳатто 18 байтли ҳажмда яратилган. Шоира ғазалларининг асосий қисми **7-9** байтlidir.

Мумтоз адабиётимиз тарихида фироқнома яратишга Моҳларойим Нодира асос солган десак хато бўлмайди. Чунки шоира таржимаи ҳолидан яхши биламизки, у ҳаётининг сўнгги йигирма йилини умр йўлдошидан айрилиб, ҳижрон азобида ўтказди. Бу унинг яратган асарларига таъсир қилмай қолмади, албатта. Ҳатто, фироқнома асарлар битиш, бошқача айтганда, шеърларида ҳижронни куйлаш шоира ижодининг асосий

---

<sup>1</sup> Адизова И. Увайсий шеърятини поэтик тафаккурнинг янгиланиши. Филол. фанлари доктори (DSc)... дисс. – Т., 2020. –Б.124.

йўналишларидан бирига айланди. Нодира фироқномаларини шартли равишда, икки қисмга бўлиш мумкин:

1. Фироқнома руҳидаги турли лирик асарлар.

2. Махсус “Фироқнома” муашшари<sup>1</sup>.

“Фироқнома” шоиранинг ҳижрон мавзусида битилган махсус асари ҳисобланади. У муашшар жанрида, яъни ҳар банди ўн мисрадан иборат бўлган шаклда битилган. Ўн банддан, яъни жами юз мисрадан иборат бу асарнинг ҳар банди:

*Ҳеч ким, ё Раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,*

*Жондин ортуқ, меҳрибон дилдоридин айрилмасун (Н1;346-349),*

– мисралари билан тугалланган.

Шоиранинг фироқнома муашшарини кузатганимизда, албатта, унинг халқ оғзаки ижодидан илҳомланганлигини гувоҳи бўламиз. Нодира шеърятини диний, илоҳий-ирфоний манбалар орқали халқ оғзаки ижодидан озиқланади. Сабаби, фольклордаги мотивлар диний, илоҳий-ирфоний манбаларга трансформацияланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Фольклор Нодира бадиий маҳоратининг шаклланишига беқиёс даражада таъсир кўрсатган, дейиш мумкин. Нодиранинг фироқнома муашшари халқ оғзаки ижодига мансуб мотам кўшиқларига ўта яқинлиги сезилади. Масалан, бир халқ мотам тўртлигида шундай дейилган:

*Лоладек бағримни бу айрилиқ қон қилди,*

*Ман қолиб гурбатда, ёрим азми жавлон қилди.*

*Ман каби эй ёронлар, ёридан айрилмасин,*

*Жондин ортиқ меҳрибонидан айрилмасин.*

Нодирада эса:

*Лоладек бағримни доғи фурқати қон айлади,*

*Ҳотири жамъимни бу ҳасрат паришон айлади,*

*Мен қолиб гурбатда, шоҳим азми жавлон айлади.*

*Ҳеч ким, ё раб, жаҳонда ёридан айрилмасин,*

<sup>1</sup> <https://kh-davron.uz/kutubxona/multimedia/nodira-firoqnama.html>

*Жондин ортуқ меҳрибон дилдоридан айрилмасин (Н1;349).*

Нодира мумтоз адабиёт анъаналарини кунт ва ихлос билан давом эттириб, мусаммат жанрининг турли навларида асарлар, яъни **11 та мухаммас, 2 та мусаддас, 2 та мусамман, 1 та муашшар фироқнома** яратган.

**Мусаммат** учликдан ўнликкача бўлган шеърий бандлардан иборат жанрлар туркумидир. У мусаллас (учлик), мураббаъ (тўртлик), мухаммас (бешлик), мусаддас (олтилик), мусаббаъ (еттилик), мусамман (саккизлик), мутассаъ (тўққизлик), муашшар (ўнлик)ни ўз ичига олади<sup>1</sup>.

“Ўз ғазалларига тахмис боғлаш мумтоз адабиётимиз тарихида Алишер Навоийгача кузатилмаган. Навоийдан кейин эса бундай ҳолат баъзи шоирлар, хусусан Хива адабий муҳити ижодкорларида кўринади”<sup>2</sup>. Олима Д.Юсупова фикрига қўшилган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, нафақат Хива адабий муҳитида, балки Қўқон адабий муҳити ижодкорларида ҳам, хусусан, Моҳларойим –Нодира ижодида ҳам ўз ғазалларига тахмис-мухаммас боғлаш кузатилади.

Алишер Навоийнинг “*Хазойин ул-маоний*” номли йирик куллийетидан шоирнинг 10 та мухаммаси ўрин олган. Моҳларойим Нодиранинг девонида эса 11 та мухаммаси бор. Шундан 3 та мухаммаси форс-тожик тилида, қолган 8 та мухаммаси ўзбек тилида битилган.

Олима Д.Юсупованинг “Алишер Навоий тахмислари” мақоласида келтирилишича, “Навоий мухаммасининг “3 таси “малик ул-калом” Лутфийга, қолган 7 таси эса шоирнинг ўз ғазаллари асосида яратилганлиги билан характерланади. Мумтоз адабиётимиз тарихида ижодкорнинг ўз ғазалига тахмис битиш ҳодисаси кам учрайди”<sup>3</sup>. Нодиранинг 2 та мухаммаси тахмис мухаммас бўлиб, бири Алишер Навоийнинг “*Кўнгул жон бирла*

<sup>1</sup> Худайбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2008. –Б. 273.

<sup>2</sup> Юсупова Д. Алишер Навоий тахмислари // Шарқ юлдузи. 2013. № 2. –Б. 143.

<sup>3</sup> Юсупова Д. Алишер Навоий тахмислари // Шарқ юлдузи. 2013. №2. –Б. 143.

*борди, ҳамроҳингмен дард ила турдум<sup>1</sup>*” мисраси билан бошланувчи ғазалига ва иккинчиси Мирзо Бедилнинг *“Илоҳи, пора тамкин деҳ дами ваҳши нигоҳонро<sup>2</sup>”* мисраси билан бошланувчи ғазалига боғланган тахмисдир. Нодира ушбу мухаммасда “Бедил ғазалларидаги чуқур ҳаётӣй фикрларни давом эттиради”<sup>3</sup>.

Шоиранинг *“Оҳ бир сарви сиҳи рафтордин айрилмишам”* мисраси билан бошланувчи мухаммаси Машрабнинг *“Эй мусулмонлар, нетай, мен ёрдин айрилмишам<sup>4</sup>”* мисраси билан бошланувчи мухаммасидан илҳомланиб, тазмин мухаммас сифатида битилган. **Тазмин** (араб. – шеърдан бир парча олиш, кўчириш) – поэтик санъат тури<sup>5</sup>. Нодиранинг қолган саккизта мухаммаси таъби худ мухаммасдир.

Демак шоиранинг мухаммасларини шартли уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1. Мухаммаси тахмис;**
- 2. Мухаммаси тазмин;**
- 3. Мухаммаси таъби худ.**

**Мухаммаси тазминларда** – бир шеър ўзга бир шеърга қисман ёки тўлиқ иқтибос (баъзан жузъий ўзгаришлар билан) қилинади. Бу тур мухаммасларни *“мухаммас асосида яратиладиган мухаммаси тазминлар”* деб атамаганимизнинг сабаби бор. Булар бир ҳодиса эмас, балки бандли шеър асосидаги мухаммаси тазмин мухаммаснинг бир туридир. Форс-тожик мумтоз поэтикасига бағишланган асарда эътироф этилишича, тазмин борасидаги фикрларни нафақат ривожлантирган, балки илмий бойитишга ҳам улкан ҳисса қўшган Хусайн Воиз Кошифий ўзининг *“Бадоеъ ул-афкор”* асарида тазминнинг бир қанча турлари қаторида олдин ҳеч бир манбада кузатилмаган, бир шеър бутунлай бошқа шеърга сингдирилган ва бир бутунлик ҳосил қилган, янги тахмис ва тасдис турларига изоҳ ва мисоллар

<sup>1</sup> Навоӣй А. Хазойин ул-маоний. –Т.: Янги аср авлоди, 2016. –Б.32.

<sup>2</sup> Қаранг: Бедил. Девон. ЎзР Ислон академияси манбалар ҳазинаси бўлими қўлғезмалар фонди, инв. 305. 26-варақ. Нодир. Ҳафт гулшан. ЎзР ФА Шарқшунослик институти, инв. 1801. 8-варақ.

<sup>3</sup> Қодирова М. Нодира ҳаёти ва ижоди. –Т.: Фан, –Б.45.

<sup>4</sup> Машраб. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.–Б.296.

<sup>5</sup> Орзибеков Р., Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. Т., 1977. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tazmin-uz/>

келтиради<sup>1</sup>. Демак, мухаммаси тазминлар тўлиқ ёки нотўлиқ бўлиши мумкин.

**Тўлиқ мухаммаси тазминлар**да рубобий асар тартиб ва тузилиши жиҳатидан тўлиқ иқтибос қилинади (айрим ўзгаришлар бундан истисно). Мумтоз шарқ шеърлятида ўз ва ўзганинг асарига мухаммас боғлаш бунга ёрқин мисолдир.

**Нотўлиқ мухаммаси тазминлар**да ибора, жумла, мисра ёки фақат бир байт шеър ичига киритилади. Мухаммаси тазминлар борасида яна бир жиҳатни алоҳида айтиб ўтишни лозим деб топамиз. Мухаммаси тазмин фақат ўзга шоир шеърдан олинмайди. Хоҳ ўз ғазалидан, хоҳ ўзганинг ғазалидан жумла, мисра ёки байтдан шеърга иқтибос олиниши мумкин. Шеършунос Ҳожи Носир тазмин ҳақида: “Тазминда шоир ўз фикрини тасдиқлаш, ривожлантириш мақсадида қофия, радиф, вазнда мос келтириш шарти билан ўзга бир шеърдан парча келтиради<sup>2</sup>”, – деб ёзади. Мумтоз адабиётда “...ўзганинг шеърига эмас, ўзга шеърга (шеъри дигар) урғу берилган, чунки шоир кўпинча ўз шеърдан ҳам иқтибос олиши мумкин<sup>3</sup>”. Атоуллох Хусайний ҳам ўз асарида: “Тазмин ўзгаларнинг шеърининг олиниши шарт эмастур. Демак, таърифда ўзганинг шеърин демастин, ўзга шеърни дейилса, яхшироқ бўлур эрди. Аммо мазкур таърул жиҳаттин тўғридурким, шуарову фусаҳода ўз шеърин тазмин этиш одати бағоят оздур, анинг учун ҳам таърифта ани эътибор қилмаптурлар<sup>4</sup>”, – дея танқидий фикр билдиради. Бизнингча, юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларнинг ўзи баъзи луғат ва адабиётларда тазминни фақат ўз ва ўзганинг шеърдан парча киритиш маъносида шарҳланишига жавоб бўла олади. Шу ўринда шоиранинг “*Оҳ бир сарви сихи рафтордин айрилмишам*” мисраси билан бошланувчи тазмин мухаммасида “*айрилмишам*” ифодаси **нотўлиқ мухаммаси тазминга** мисол бўла олади.

<sup>1</sup> Мусулмонкулов Р. Персидско таджикская классическая поэтика X-XV вв. –М.: Наука, 1989. – Б.69.

<sup>2</sup> Мусулмонкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. –М.: Наука, 1989. –С. 69.

<sup>3</sup> Мусулмонкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. –М.: Наука, 1989. –С. 69.

<sup>4</sup> Хусайний Атоулло Маҳмуд. Бадоеъ ус-саноеъ. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. –Б.246.

Ҳижрон мотивлари шоиранинг турли лирик жанрларда битилган асарларида, хусусан, ғазалларидан ташқари таъби худ мухаммасларида ҳам кучли сезилиб туради. Шу нуқтаи назардан, Нодиранинг таъби худ мухаммасларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- 1. Хонни васф этувчи ҳасби ҳол типигаги таъби худ мухаммаси;**
- 2. Бағишлов типигаги таъби худ мухаммаси;**
- 3. Фирокнома руҳидаги ҳолия таъби худ мухаммаси.**

Шоиранинг хонни васф этувчи ҳасби ҳол типигаги таъби худ мухаммаслари унинг умр йўлдоши Амирий ҳаётлик чоғида ёзилган бўлиб, уни 2 та кичик гуруҳга: **1. Ҳижрон, айрилиқ ва бепарволикда айблов таъби худ мухаммасига; 2. Хонни мадҳ этувчи ҳолия таъби худ мухаммасига** ажратиш мумкин. Шу ўринда хон ёхуд бошқа ҳукмдорларни васф-мадҳ этишга бағишланган асарларга хос бир муштарак хусусиятни қайд этиб ўтиш лозим. Бу жиҳатдан Навоийнинг султон Ҳусайн Бойқарони мадҳ этувчи асарлари моҳиятан тарбиявий мақсадда битилгани ҳақида нуқтадон адабиётшунос Олим Давлатовнинг мулоҳазалари эътиборга лойиқ: “Алишер Навоий ва унинг салафлари султонни тавсиф ва мақташ орқали тўғри йўлга ҳидоят қилишни асосий мақсад қилиб олганлар”<sup>1</sup>. Нодиранинг Амир Умархонга бағишланган шеърлари ҳам ана шундай эзгу-ниятлар билан йўғрилган дейиш мумкин.

Нодиранинг девонидаги “*На танҳо карда қатлам шамшерабрўе*” мисраси билан бошланувчи таъби худ мухаммаси **ҳижрон, айрилиқ ва бепарволикда айблов таъби худ мухаммасига мисол бўлади**. Унда хонни васфи билан бирга ҳижрон, айрилиқ ва ёрининг беътиборлигидан енгил ўпкаланиш орқали шоира ҳасби ҳоли жўшқин мисраларда тасвирланган. Банд:

*На танҳо карда қатлам он бути шамшерабрўе,  
Санавбарқомате насринбаногўше, суманбўе,  
Вафодушман, шарархўе, жафо оин чаманрўе,*

<sup>1</sup> Давлатов О. Алишер Навоий ғазалининг умумий мазмун-маъноси // Жаҳон адабиёти. 2022. №4. –Б.5.

*Шаҳиди новаки мижгони шўхаи хайли оҳуе,  
Саводи нуқтаи холи лабаи ҳар чаими жодуе.*

*Зи файзи сояи сарви қадат, ҳар сў хиёбоне,  
Насим аз накҳати зулфи ту дорад анбарафшоне,  
Гирифтори гули рўят чу булбул дар газалхонӣ,  
Асири турраи зулфи ту ҳар жониб парешоне,  
Фидои тори гесуи ту ҳар сў анбаринмӯе.*

*Фигорам мекунад мижгони чаими сурмаандуде,  
Ба домам мекашад зулфи сиёҳи анбаролуде,  
Ба захмам мениҳад марҳам аз он лаъли намаксуде,  
Харобам мекунад тарзи нигоҳи ишваолуде,  
Қиёматжилва, раъноқомате, боғи Ирамрӯе.*

*Сафое пироям оина акси жилваи ҳуснаи,  
Фараҳбахши дили ушиоқ аз андешаи ҳуснага,  
Тарабафзои даври жоми май аз нашъаи ҳуснаи,  
Жамолорои руи куфри дин, машшотаи ҳуснаи,  
Ривожии зътибору субҳаи зунноргесуе.*

*Насим аз баҳри исораи ба гулишан дошт гулрезӣ,  
Паи қатлам, ки дорад бар саманди ноз маҳмезӣ,  
Бути нозукмизоже, тундхӯе фитнаангезе,  
Вафобегона, кофирмаишабе, бераҳмхунрезе,  
Ситамгар, зулмпарвар, сангдил, бедодгархӯе.*

*Адоватпеша қатлам мекунад дар хомушии ҳасрат,  
Макаш уммед аз он бебок комам дилхушии ҳасрат,  
Ки охир з-ин ҳавасҳоят надомат мекашии ҳасрат,*



*Хунарпарвардае дар шеваи ошиққушӣ ҳасрат,  
Адоватпеша, беандешиа, аз ислом яқсӯе.*

**Мазмуни:**

*У гўзалнинг фақатгина шамишга ўхшаи қоилари эмас,  
Насрин қоматли сановбарнинг қулоқлари тагида анқиб  
турган суман ҳидлари,  
Вафо душмани, ўт ёқувчи жафокор чамандек юзлари,  
Шўх мижгонлари билан ўқ отиб шаҳид қилувчи оҳу тўдаси,  
Лабидаги қоратус нуқта холи, ҳар жоду кўзлари менинг  
қатлимга сабабчидир.*

*Сарвдек қоматининг сояси файзидан ҳар томон хиёбондир,  
Шамол сенинг хушбўй сочларингдан мушк анбар сочади,  
Гул юзларингга шайдо бўлиб булбул газал ўқийди,  
Кокилу зулфингга асир бўлиб, ҳар тарафдан ғамга  
ботганлар,  
Ҳар томондан сенинг бир тола сочингга анбар сочлар фидо  
бўлгай.*

*Сурмали кўзларингнинг киприклари мени хаста маҳзун  
айлади,  
Қора анбарга ўхшаи кокилларинг мени тузогига  
илинтирди,  
Ширин лабларинг ярамга малҳам бағишлайди,  
Ишвали боқишларинг эса мени хароб этади,  
Эрам богидаги юзи ўликни тирилтирувчи гўзал.*

*Кўзгуда бегубор зийнатли ҳусн жилваси кўриниб,  
Ошиқлар қалбига хаёлий жамоли роҳат бағишлайди,  
Ҳусни шодлик келтирувчи май косасидан сархуи этиб,*

*Жамолига оро берувчи ҳусн пардозчиси мазҳаб йўлидан  
чиқиб,  
Хатога йўл қўйиб, кокилларини зуннордек белига боғлади.*

*Шамол хушбўйини сочмоқ учун гулиан гулларини тўкди,  
Қатлим учун ноз тулпориди интилмоқда,  
Ғазабкор ва фитнали нозик миждоз гўзал  
Вафони билмаган кофир сифат, раҳмсиз қон тўкувчи  
ситамгар, зулм этувчи тошюрақ ҳамда шафқатсиз.*

*Ҳасратли сукунатда мени душманларча қатл этгай,  
Умид айлаб у бепарводан, юрагим, ҳасратда қон бўлма,  
Бу ҳавасларингдан охири ҳасратда надомат чекарсан,  
Ошиқларни ўлдириш усулини яратдинг, ҳасрат,  
Бир томондан исломдан беандишалликлару  
душманликлар (Н2;192-194) .*

**Хонни мадҳ этувчи ҳолия таъби худ мухаммасга эса шоиранинг  
“Ҳамду сано Худога ҳақдур анинг лиқоси” мисраси билан бошланувчи таъби  
худ мухаммасини келтириш мумкин. Банд:**

*Солори мулку давлат, мири баланд ахтар,  
Шери далери майдон, Рустамдилу диловар.  
Хуришиди бахти тобон моҳи рухи мунаввар,  
Инсофу адл бирла Кисрони қилди чокар,  
Ҳиммат хазойинида Ҳотам анинг гадоси.*

*Берди худойи олам давлат била саодат,  
Давридадур вилоят монанди боги жаннат,  
Хушнуд эрур халойиқ обод ҳар вилоят,  
Иқболу давлатини ҳақдин тилаб раийят,  
Маҳбул эрур Худога бечоралар дуоси...*

*Эй Хисрави замона, давлат била омон бўл,  
Иқбол маснадида Кайхисрави замон бўл.  
Ишрат майини нўш эт, айш ила комрон бўл,  
Боқма фалак ишига, гам чекма, шодмон бўл,  
Айтурга арзимайдур оламни мажораси.*

*Бул базми давлат ичра, эй шоҳ, мадҳхонман,  
Мурғи таронасанжи бу боғи бустонман.  
Эй Комила, карам қил, гам бирла нотавонман,  
Даври фалак жафосин кимга қилай баён ман,  
Кўнгилда бир алам бор, йўқдир анинг давоси (Н1; 318-319).*

Нодиранинг ушбу табъи худ мухаммасининг учинчи бандида “Солори мулку давлат, мири баланд ахтар, Шери далери майдон, Рустамдилу диловар” мулламмаъ байт мавжуд бўлиб, унинг ижодида ширу шакар санъат тури кенг қўлланилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. “Шоиранинг бу соҳадаги маҳорати унинг мулламмаъ шеърларида ҳам намоён бўлади. Мулламмаъ шеърлар тадқиқи шоиранинг поэтик фикр изчиллигига бир бутун асардаги мавзу доирасида икки тилдан истифода этган ҳолда ҳам эриша олганидан далолат беради”<sup>1</sup>.

Нодиранинг бағишлов типигаги табъи худ мухаммасига “Салтанат баҳрида пайдо бўлди якто гавҳарий” мисраси билан бошланувчи табъи худ мухаммасини келтириш мумкин. Унда Султон Маҳмудхоннинг дунёга келиши, унинг насли насаби олий эканлиги, соҳибқирон Темур авлоди эканлиги юқори кайфиятда тасвирланади. Аллоҳдан унга бахт-саодат сўраб, толеъини безавол бўлишини тилайди. Умр йўлдоши Умархон кўнгли равшан топганлигидан шоира фахр этади. Банд:

*Баҳри давлатдин башорат сизга, эй аҳли жаҳон,  
Бир ҳумоюн тифл Бобир наслидин бўлди аён,*

<sup>1</sup> Эшонқулова С. Нодира шеърлятида тарихий образлар талқини. Филол. фан. ном. ...дисс. – Т., 2011. –Б. 98.

*Навниҳоли бўстони Темури соҳибҳирон..  
Умрдин бар топгай ул шаҳзодаи олийнишон,  
Жилвагар моҳи жамолидин асолат жавҳари....*

*Келди чун дунёга ул шаҳзодаи олий гуҳар,  
Нодира қилди дуойи хайр ила сўз мухтасар.  
Равшан ўлди шамъи базми ҳазрати султон Умар,  
Дўстлар дилшоду душман хотири зеру забар,  
Шоҳдур ойинаи ихболни равшангарий (Н1;321-322).*

**Фирокнома руҳидаги ҳолия таъби худ мухаммасига** “Мегўедам, ки чун афтодаам дар анжуман бе ў”, “Келгил, эй нола, санга оҳ ила имдод қилай”, “Эмди манга на ҳожат оламни можароси”, “Неча кун бўлдики ақлу ҳушдин бегонаман”, “Алфироқ, аҳбоблар, эй аҳли даврон, алфироқ” каби мисралар билан бошланувчи таъби худ мухаммаслари мисол бўла олади.

*Мегўедам, ки чун афтодаам дар анжуман бе ў,  
Ба ранги шамъ набуд кори ман чуз сўхтан бе ў,  
Чи оташҳо, ки зад ёди рухаш дар жони ман бе ў,  
Агар ин аст дарду ҳасрати оташфikan бе ў,  
Агар сад бор мирам беҳ зи якдам зистан бе ў.*

*Паёми ман расон, эй бод, бар фархунда ёри ман,  
Баён кун дардҳои қиссаи шабҳои тори ман,  
Зи дарди бедавои ҳажр хун шуд ҳоли зори ман,  
Намедонам чи дуриҳост бар Юсуфи номдори ман,  
Чу Яъкубам муқими кулбаи байтулҳазан бе ў.*

*Ба сони гунча хунам дар хаёли рӯи некўяш,  
Намеебам ба чандин чустужў аз ҳеч гул бўяш,  
Насимо, аз карам роҳе намо жони маро сўяш,  
Ки шояд жони маҳзунам расад бар гулшани кўяш,*

*Агар чандин ба доғи ҳажр мемонад бадан бе ў.*

*Ба дил жо кардаам то ёди он сарви хиромонро,  
На роҳат дар бадан ҳосил буд на нусрате жонро,  
Ба ёди туррааш барбод кардам, сабру сомонро,  
Мапурс, эй ҳамнафас, шарҳи ғаму андўҳи ҳичронро,  
Надорам тоқати гуфтори тобу дам задан бе ў*

**Мазмуни:**

*Усиз мени базмда руҳи тушкун деманглар,  
Шамга ўхшаб менинг ишқим фақат ёнмоқлик эди,  
Юзларининг хаёли усиз жонимга не-не оловлар ёқди,  
Агар усиз дарду ҳасрат ўт ёқувчи экан,  
Бир лаҳза усиз яғашагандан юз бор ўлсам яхшироқ.*

*Гўзал ёримга, эй шамол, менинг хабаримни етказ,  
Қора тунлардаги менинг дардли қиссаларимни унга баён  
қил,  
Ҳажрининг бедаво дардидан қон бўлдим, ҳолим хароб,  
Билмайман, Юсуф отлигим мендан бунча йироқдир,  
Яъқубдек усиз ғам кулбасида муқимман.*

*Гўзал юзлигим хаёлида гунчадек қонимга ботиб,  
Қанча изласам ҳам бирор гулдан исини тополмайман,  
Эй шамол, эҳсон айлаб менинг жонимни унга томон элт,  
Гарчи вужудим усиз қанчалар ҳажр доғида куйса ҳам,  
Гулишани кўйига шояд ғамгин жоним етиб боргай.*

*Ул сарви хиромон ёдини кўнглимга то жо айладим,  
На танимда роҳат бор эди, на вужудимга жон ҳоким эди,*

*Қоқулларингни эслаб сабру қароримни йўқотдим,  
Эй суҳбатдош, ҳижроннинг гаму қайғуларини сўрама,  
Усиз гаплашмоққа ҳам тобу тоқатим йўқ (Н2;190-161).*

Албатта, айриликни куйлаш мумтоз лирикамизда аввалдан бор эди. Чунки, тасаввуфий талкинга кўра, инсон бу ҳаётда Аллоҳга интилиб, умр бўйи уни бунёд этган олий зотга талпиниб яшайди. Лекин Нодиранинг фироқнома руҳида битилган мухаммасларида бевосита Умархондан айрилик туйғулари билан Илоҳий файзга интилиш, ундан мосуволик дарду аламлари уйғунлашиб кетади.

Нодира адабий меросини кузатар эканмиз, унинг девонида “*Муҳаббат кунлари меҳри дурахшонимни соғиндим*” ва форс-тожик тилидаги “*Эй сарв, асири пайкарат ман*” мисралари билан бошланувчи мусаддасларига дуч келамиз.

**Мусаддас** - ҳар банди олти мисрадан иборат бўлган шеър. Мусаддаслар икки хил бўлади:

1. Мустақил яратилган мусаддаслар.

2. Ўзга шоир томонидан яратилган ғазалларга боғланган тасдис – мусаддаслар.

Қофияланиш тартиби: биринчи банд мисралари ўзаро бир текисда қофияланади, қолган барча бандларнинг беш мисраси алоҳида ва олтинчи мисралари биринчи банднинг олтинчи мисраси билан қофиядош бўлади:

$a + a + a + a + a + a;$   $b + b + b + b + b + a;$   $v + v + v + v + v + a^1.$

Юқорида келтирилган шоиранинг икки мусаддаси ҳам мустақил яратилган мусаддаслардир. Қофияланиш тартиби бироз ўзгача. Биринчи банд мисралари ўзаро бир текисда қофияланган. Қолган барча бандларнинг тўрт мисраси алоҳида ва сўнгги икки мисраси рефрен тарзда қофиядош қилиб битилган. Қофияланиши тартиби:

$a + a + a + a + a + a;$   $b + b + b + b + a + a;$   $v + v + v + v + a + a.$

<sup>1</sup> Каримов О. Мумтоз шеърят жанрлари. Услубий қўлланма. –Наманган: Наманган, 2015. –Б.23.

Нодиранинг икки мусаддаси гарчанд икки тилда яратилган бўлса ҳам, ғоявий жиҳатдан бир-бирини тўлдириб келган. Воқеалар тизими кетма-кет боғлиқ тарзда ўқирманда тасаввур ўйғотади.

*Муҳаббат кунлари меҳри дурахшонимни соғиндим,  
Мушибат тунлари шамъи шабистонимни соғиндим,  
Қародур рўзгорим меҳри тобонимни соғиндим,  
Ситамлар жона етти, баски жононимни соғиндим.  
Амири кажкулаҳ Жамшиди давронимни соғиндим,  
Зарофат бобида ноёб султонимни соғиндим...*

*Чаман рангини кўрсам, ёд этарман гулбузоримни,  
Биёбон сайрида ёд айларам гардунишикоримни,  
Сувора бўлгоч, айларман хаёл ул шаҳсуворимни,  
Олурда жом истарман амири гамгусоримни,  
Амири кажкулаҳ Жамшиди давронимни соғиндим,  
Зарофат бобида ноёб султонимни соғиндим (Н1;272-273).*

Ўзбек тилидаги мусаддасида ошиқ ёрини ҳаддан зиёд соғинганини тасвирласа, форс-тожик тилидаги мусаддасида ўша ошиқ ёрнинг анбар зулфининг шайдоси ўзи эканлигини, кофир кўзининг мафтунни ҳам ўзи эканлигини билдиради. Ва мусаддаснинг якуний бандида бу дунёда ҳасратсиз кишининг ўзи йўқ, барчанинг қандайдир армони борлигига ишора қилади. Бу дунёнинг масрурлиги абадий эмас, –деган чуқур фалсафий хулосага келади:

*Худ Комила дар жаҳони ҳасрат  
Чун нест бақо ба айшу давлат,  
Дигар чи кунам умеди роҳат,  
Бошад сарвари ў саломат,  
Ошуфтаи зулфи анбарат ман,  
Шайдои ду чаими кофарат ман (Н2;197-198).*

**Мазмуни:** Комила бу жаҳонда доим ҳасрат биландир. (Бу дунёда) айшу ишрат абадий эмас. Энди роҳатга умид қилиб нима қиламан, Унинг шаҳаншоҳи саломат бўлсин. Анбар зулфингнинг шайдоси менман. Кофир кўзингнинг мафтуни менман.

Нодира девонида мусамман жанрида яратган асарлари ҳам бор. Нодиранинг фироқнома руҳида ёзилган “*Фарёдки ишқ этти мени ёрга мафтун*” мисраси билан бошланувчи рефрен мустақил мусаммани ва “*Нигоримдин айирдинг, эй ажал, фарёд дастингдин*” мисраси билан бошланувчи рефрен мусамман – тазмини мавжуд.

**Мусамман** – саккиз мисрали банд усулида ёзилган шеър. Мусамманнинг биринчи банд мисралари ўзаро бир текисда қофияланади, қолган бандлардаги дастлабки ҳар етти мисра ўзаро қофияланиб, саккизинчи мисра биринчи бандга қофиядош бўлади.

Қофияланиш : а + а + а + а + а + а + а + а + а; б + б + б + б + б + б + б + а.

Адабиётимиз тарихида яна шундай мусамманлар ҳам учрайдики, уларнинг ҳар бири бандининг биринчи – олтинчи мисралари алоҳида қофияланиб, сўнгги икки мисралар рефрен бўлиб келади<sup>1</sup>.

Нодиранинг беш бандли мустақил мусаммани қирқ мисрани ташкил этади. Биринчи банднинг сўнгги икки мисраси қолган бандларнинг сўнгги мисраларида рефрен тарзда қофияланган. Қофияланиш тартиби қуйидагича: а + а + а + а + а + а + а + а + а; б + б + б + б + б + б + а + а.

*Фарёдки ишқ этти мени ёрга мафтун,  
Жон волау тан хаста, юрак доғу жигар хун,  
Мажнун каби шавқ айлади саргаштаи ҳомун,  
Овораи даҳр этти мени гардиши гардун,  
Даврон не ажаб кўз ёшими айласа Жайхун,  
Чун айлади оламни бино холиқи бечун,  
Мунийи қадар манга қалам чекди дигар гун,  
Паймонаи айшимни қазо айлади вожун...*

<sup>1</sup> Каримов О. Мумтоз шеърят жанрлари. Услубий қўлланма. –Наманган: Наманган, 2015. –Б.24.



*Эй гулшани гам, эмди баҳор ўлди хазон бўл,  
Эй дийдаларим, ёр юзига нигарон бўл,  
Эй ой, кўнгил, гулшанида сарви равон бўл,  
Эй ҳушу хирад ишқида расвои жаҳон бўл,  
Эй ақл, жунун даштида беному нишон бўл,  
Эй Нодира, сен айшу тараб бирла омон бўл,  
**Мунийи қадар манга қалам чекди дигар гун,  
Паймонаи айшимни қазо айлади вожун** (Н1;330-331).*

Нодиранинг “Нигоримдин айирдинг, эй ажал, фарёд дастингдин” мисраси билан бошланувчи рефрен мусамман – тазмини Бобораҳим Машрабнинг “Не гурбатларни чектим чарх бебунёд дастингдин” мисраси билан бошланувчи беш бандли ўттиз мисрадан иборат рефрен мусаддасидан илҳомланиб ёзилган. **Машраб:**

*Не гурбатларни чектим чарх бебунёд дастингдин,  
Мудом мотамда қолдим, бўлмадим дилишод дастингдин,  
Тамоми хонумоним бўлди чун барбод дастингдин,  
Қафасдин бўлмадимки қумридек озод дастингдин,  
**Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин  
Ки мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.***

*Дилимнинг қуввати, руҳи равонимдин айирдилар,  
Кўзимнинг оқи янглиг меҳрибонимдин айирдилар,  
Азизим, ҳамдамим, оромижонимдин айирдилар,  
Жаҳон гулзорида ул гулистонимдин айирдилар,  
**Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин  
Ки мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.***

*Чаманда булбули шўридадурман, ошёним йўқ,  
Мисоли чугдек вайроналарда ҳам маконим йўқ,*

*Вафолиғ ёр деб чиқти, жасадда балки жоним йўқ,  
Азизимдин жудо бўлдум, бошимда соябоним йўқ,  
**Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин**  
**Ки мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.***

*Менингдек замга қолган, дилпаршон ўлмасун ҳеч ким,  
Кўзи чун термулуб йўлларда вайрон ўлмасун ҳеч ким,  
Баҳори гулшани умри зимистон ўлмасун ҳеч ким,  
Бу дунё дийдасига торикистон ўлмасин ҳеч ким,  
**Ҳама обод болъди, бўлмадим обод дастингдин**  
**Ки мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин.***

*Умидим бор, эткургаймусан хуришиди матлабни,  
Саодат буржидин ул шаъми иқболимга кавкабни,  
Кўтаргайсан бошимдин икки оламда қаро шабни,  
Илоҳо, сен этур ҳиммат йўлига хаста Машрабни,  
**Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин**  
**Ки мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастингдин<sup>1</sup>.***

#### **Нодира:**

*Нигоримдин айирдинг, эй ажал, фарёд дастингдин,  
Ажаб эрмас гар этсам дам-бадам юзи дод дастингдин,  
Ки бўлди сабру тоқат хирмани барбод дастингдин,  
Улусни хонумони бўлмади обод дастингдин,  
Паришонҳол эрурман хотирим ношод дастингдин,  
**Қилурман, эй сипехри бемурувват, дод дастингдин,**  
**Асири хокдур ул сарви ҳуризод дастингдин.***

*Мени, эй чархи кажрафтор, ёримдин жудо килдинг,  
Хазондур боғи айшим, навбаҳоримдин жудо қилдинг,*

---

<sup>1</sup> [Boborahim Mashrab. G'azallar & Ibrohim Haqqul. Mashrab nafasi. | Xurshid Davron kutubxonasi \(kh-davron.uz\)](http://Boborahim Mashrab. G'azallar & Ibrohim Haqqul. Mashrab nafasi. | Xurshid Davron kutubxonasi (kh-davron.uz))

*Айирдинг меҳрибонимдин, нигоримдин жудо қилдинг,  
Чароғи нурбахши рўзгоримдин жудо қилдинг,  
Ниғори сарв қомат, гулғозоримдин жудо қилдинг.  
Таним хоки раҳ ўлди шаҳсуворимдин жудо қилдинг,  
**Қилурман, эй сипеҳри бемурувват, дод дастингдин,  
Асири хокдур ул сарви ҳуризод дастингдин.***

*Асири дардман ул муниси жонимдин айрилгач,  
Нашотим тийрадур, шамъи шабистонимдин айрилгач,  
Бўлубман заррадек, хуришиди тобонимдин айрилгач,  
Ниғундур қоматим сарви хиромонимдин айрилгач,  
Куяр жон оташи ҳасратда жононимдин айрилгач,  
Кўзум йўлларда ҳайрон қолди султонимдин айрилгач,  
**Қилурман, эй сипеҳри бемурувват, дод дастингдин,  
Асири хокдур ул сарви ҳуризод дастингдин.***

*Ажаб эрмас агар ўтса фалакдин оҳу фарёдим,  
Фигон этмайму кетти бу чамандин сарви озодим,  
Кўнгул маъмур эди, эй чарх, вайрон ўлди ободим,  
Фалак зулм этти-ю фарёдрасҳа етмади додим,  
Фараҳ топмас жаҳони бевафодин табъи ношодим,  
Бўлуб девона билмасман қаён кетти паризодим,  
**Қилурман, эй сипеҳри бемурувват, дод дастингдин,  
Асири хокдур ул сарви ҳуризод дастингдин.***

*Неча кундур назарда ул маҳи номехрибоним йўқ,  
Жамиш ҳамнишинлар бору ул ороми жоним йўқ.  
Муҳаббат дарду доғидин бўлак ному нишоним йўқ,  
Баҳор ўлди гул очилди, менинг сарви равоним йўқ.  
Жаҳон ўртанди ҳажридин ул ошуби жаҳоним йўқ,*

*Фироқида ғаму ҳасратдин ортиқ достоним йўқ,  
Қилурман, эй сипеҳри бемурувват, дод дастингдин,  
Асири хокдур ул сарви ҳуризод дастингдин.*

*Фалак жисмимни туфроғ айлади, жонимни тиндурди,  
Кўнгул шаҳбозини андуҳ домига илинтурди,  
Тажаммул офтобининг фалак туфроға индурди,  
Тегиб санги маломат шишаи сабримни синдурди,  
Кўёш чобуксуворин то фалак раҳишага миндурди,  
Муҳаббат аҳлига жавру жафосини билиндурди,  
Қилурман, эй сипеҳри бемурувват, дод дастингдин,  
Асири хокдур ул сарви ҳуризод дастингдин.*

*Жаҳон боғида булбулдек физоним суд қилмайдур,  
Гули тасвир янглиғ гунчаи бахтим очилмайдур,  
На дерман, Нодира, пинҳон ғамимни ёр билмайдур,  
Кўнгул дардини шарҳ этмакка бир ҳамдам топилмайдур,  
Кўнгул беҳуд бўлуб ғам бодасидин то йиқилмайдур,  
Фалак бераҳмдур, фарёд қилсам кўзга илмайдур,  
Қилурман, эй сипеҳри бемурувват, дод дастингдин,  
Асири хокдур ул сарви ҳуризод дастингдин (Н1;332-333).*

Икки ижодкорда ҳам “дод дастингдин” ифодаси қўлланилган. “Обод дастингдин” билан “ҳуризод дастингдин” ўзаро қофиядош бирикмалар ҳисобланади. Нодиранинг ушбу рефрен мусамман – тазмини **нотўлиқ мусаммани тазминга** мисол бўла олади.

Таржеъбанд намуналари мумтоз адабиётда кам яратилган. Ҳамма шоирлар девонида ҳам мазкур жанрдаги асар учрайвермайди. Нодиранинг ана шу жанрда асарининг мавжудлиги ва юксак маҳорат билан яратилганида ҳам поэтик етуклиги намоён бўлади. Шоира девонидаги таржеъбанднинг ҳар банди 8 байт – 16 мисрадан ташкил топган бўлиб, 11 банддан иборат.

**Таржеъбанд** (ар. “*банддаги такрор*”) – қофия тузилиши таркиббандниқига ўхшаш шеър шакли. Фарқи шундаки, таркиббандда бандлар охиридаги бир байт мустақил қофияланса, таржеъбанддаги ҳамма бандлар охирида бир хил байт такрорланиб келади. Таржеъбандлар 16-24 мисралаи 5-10 банддан ташкил топади. Демак, таржеъбанд (ар. банддаги такрор) “асосан бир байтнинг ҳар банд охирида айнан такрорланиб келиши билан характерланувчи шеър бўлганлиги учун шу такрорланувчи байт **“восита байт”, “бош байт”, “восила байт”** деб юритилади ва маснавий шаклида (а-а,б-б,в-в) қофияланади. Чунки бандлардаги бошланғич байтнинг қофияси а-а дир, навбатдаги байтларда эса ғазаллардаги қофияланиш усулига ўхшаб фақат иккинчи мисралар қофияланади ва улар охирги бош байтгача шу ҳолда давом этади. Ҳар банд охирида, муайян тарзда такрорланиб турувчи байтда шоир айтмоқчи бўлган ғоявий муддао, асосий фикр таъкидланади ва ўқувчининг диққати доим шу байтдаги хулосага қаратиб борилади”<sup>1</sup>.

Нодиранинг мазкур таржеъбанди **176** мисрани ўз ичига олади. Бандларнинг ҳар бирида охирги байт сифатида биринчи банднинг сўнгги восила байти айнан такрорланади:

*Висолингдин, эй жон, тополмай сўроғ,*

*Нелар тушти бошимга сендин йироғ (Н1;339-345).*

Бу байт, биринчидан, шеър ғоясини таъкидласа, бўрттирса, иккинчидан, таржеъбанддаги саккиз бандни бир-бирига боғловчи композицион восита ролини бажаради. Шу йўл билан ҳам нисбий мустақилликка эга бўлган саккиз банд бирикиб, яхлит шеър –таржеъбанд пайдо бўлган.

Шоира ноёб жанрлардан бири бўлган таркиббандлар ҳам яратган. Девонидаги “*Арзим санга, эй жаҳон амири*” мисраси билан бошланувчи таркиббанднинг ҳар бир банди 8 мисрадан иборат бўлиб, **8** бандни ўз ичига олади.

**Таркиббанд** (ар. “бандни бириктириш”) –ҳажман ғазалга тенг бўлган ва ғазал сингари (а-а, б-а, д-а...) қофияланувчи бандлардан тузилган шеър бўлиб,

<sup>1</sup> Каримов О. Мумтоз шеърят жанрлари. Услубий қўлланма. –Наманган: Наманган, 2015. –Б.28.

бунда ҳар қайси банд охиридаги икки мисра мустақил оҳангдошликка эга бўлади.

Демак, таркиббанд (таркиб, арабча, тузилиши; банд, форсча, боғлаш) ғазал тарзида (тахаллуссиз) қофияланган, ҳар бир банди охиридаги байт жуфт (а-а тарзида алоҳида) қофияланиб боровчи, ҳар бир бандининг мисра сони тенг бўлган, аммо турли шоирлар ёзган таркиббандларнинг ҳар бандидаги мисралар сони ўзига хос белгиланган, мураккаб лирик жанр<sup>1</sup>.

*Арзим санга, эй жаҳон амири,  
Жон бирла кўнгул ғаминг асири.  
Сенсиз бу кўнгулни қилди мажруҳ  
Шамшири фироқу ҳажр тийри.  
Ҳар гўшада қулларинг паришон,  
Сен эрдинг аларнинг дастгири.  
Фарёдки, эмди бенавоман,  
Сендек киши васлидин жудоман.*

*Қилдим адам ихтиёр сенсиз,  
Оламда манга на бор сенсиз.  
Кўнгулга эрур малолатафзо  
Сайри чаману баҳор сенсиз.  
Сен қандаки бўлди фурқат ичра,  
Юз жони азиз хор сенсиз.  
Гар бўлмаса наслинг, эй мукаррам  
Манзур эмас кўзумга олам.*

*Эй ёри шакар лабу вафодор,  
Эрдинг бу жаҳонда манга ғамхор.  
Сендин мени оқибат айирди,  
Юз макр била сипеҳри ғаддор.*

---

<sup>1</sup> Каримов О. Мумтоз шеърят жанрлари. Услубий қўлланма. –Наманган: Наманган, 2015. –Б.31.

*Бедорлигимда кўрмогим йўқ,  
Келгил бу кеча тушумга, эй ёр.  
Келсанг қадамингдин ўргулурман,  
Лутфу карамингдин ўргулурман.*

*Бўлди ики йил жудолигимга,  
Кўз тегди бу ошнолигимга.  
Ҳижрон аламида бенавомен,  
Рақм айла бу бенаволигимга.  
Бир дам сени қилмадим фаромуш  
Раҳмат мени бовафолигимга.  
Кўнглумда ҳануз иштиёқинг,  
Жон ичра талотуми фироқинг.*

*Иқлими адамга кетти ёрим.  
Юзланди хазона навбаҳорим.  
То хисрави мулки давлат эрдинг,  
Васл ичра хуш эрди рўзгорим.  
Мен сабр била таҳаммул этдим,  
Ҳар чандки кетти шаҳсуворим.  
Эмди бу жаҳон мутеъи хон бод,  
Шаҳзодалар умри жовидон бод.*

*Кел дийдаларимда қил нишиман,  
Бир лаҳза кўзумни айла равшан.  
Гул фурқатида начукки булбул,  
Ҳажрингда ишим фигону шеван.  
Ошуфтау зор сендин айру,  
Эй тоза баҳори богу гулишан.  
То бор бу жаҳон мену сўрогинг,*

*Жонда аламинг, кўнгулда догинг.*

*Булбул сифат айларам тарона,*

*Ул гул газали эрур баҳона,*

*Азм айлади кибриё жинонин,*

*Султони баланд остона.*

*Кўйинг сари айларам дамо-дам,*

*Кўз ёшини номасин равона.*

*Бор эрди санга мутеъу маҳкум*

*Хоқони Хито халифаи Рум.*

*Эй дўст, фироқ илгидин дод,*

*Қилди мени мустаманду ношод.*

*Албатта фаришта, ё парисан,*

*Бу шакл ила бўлмас одамизод.*

*То Комила қолди сендин айру,*

*Пайваста қилур дуо била ёд (Н1;334-336).*

Нодиранинг ушбу таркиббанди умр йўлдоши вафотидан бироз сўнгра, 1824 йилда ёзилган бўлиб, бешинчи банднинг биринчи мисрасида “*Бўлди ики йил жудолигимга*”, – деб бу тўғрида маълумот берилган. Таркиббанд фироқнома руҳида битилган, 64 мисрадан иборат. Таркиббанд (тахаллуси – Комила) ғазал тарзида қофияланган бўлиб, биринчи бандда “*амири, асири, тийри, дастгири*”, иккинчи бандда тўрт марта “*сенсиз*”, учинчи бандда “*вафодор, гамхор, гаддор, эй ёр*”, тўртинчи бандда “*жудолигимга, ошнолигимга, бенаволигимга, бовафолигимга*”, бешинчи бандда “*ёрим, навбаҳорим, рўзгорим, шаҳсуворим*”, олтинчи бандда “*нишиман, равшан, шеван, гушан*”, еттинчи бандда “*тарона, баҳона, остона, равона*”, саккизинчи бандда “*дод, ношод, одамизод, ёд*” кабилар қофиядош сўзлар қаторини ташкил этган. Ҳар қайси банд охиридаги икки мисра мустақил оҳангдошликка эга.



Нодира девонини кузатар эканмиз, унинг **қасида жанрида** ҳам салмоқли калам тебратганлигининг гувоҳи бўламиз. Унинг 1 та ўзбек тилида, 9 та форс-тожик тилида, жами 10 та қасидаси борлиги маълум.

**Қасида** – лирик тур жанрларидан бири. Қасида муҳим тарихий воқеалар ва машҳур тарихий шахслар ҳақида тантанали услубда ёзилган асар. Шу билан бирга, классик адабиётда табиат лавҳаси, чолғу асбоблари ва бошқаларга бағишлаб ҳам қасидалар ёзилган. Чунончи, Рудакий (X аср) қасидалари шундай қасидалардир. Қасида ўзбек, тожик, эрон, озарбайжон ва бошқа Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган жанр саналади. Ўзбек классик адабиётида Саккокий (XV аср) қасида устасидир. Қасиданинг байтлари миқдори чекланмайди. Қасида арабча “қасд” сўзидан олинган бўлиб “мақсад”, “ният”, “бирор ишга мақсад қилиш” деган маъноларни билдиради. Қасиданинг умумий ҳажми 15-20 байтдан кам бўлмайди. Мумтоз адабиётимиздаги қасидаларнинг асосий қисми аруз вазнида битилган. Қофияланиши: *а-а, б-а, д-а ёки а-а, б-б, д-д, э-э.*

Қасида Ўрта асрларда Шарқ шеърлятида кенг тарқалган жанр. Қасида, одатда, ижодкорларнинг ижтимоий-фалсафий дунёқарашларини ўзида жамловчи шеърлий жанр ҳисобланади. Шунга кўра, қасидани ғоявий жиҳатдан иккига бўлиш мумкин: **а) мазмунига кўра фалсафий қасидалар; б) шаклига кўра қасидаий маснуъ, яъни безакли, санъатли қасидалар.** Фалсафий қасидалар дастлаб араб адабиётида пайдо бўлиб, кейинчалик бошқа халқлар адабиётида ҳам юзага келди. Носир Хусрав, Хоқоний, Усманий Мухторий, Жомий, Навоий, Фузулийлар фалсафий қасидаларнинг ажойиб намуналарини яратганлар. Қасидаий маснуъ эса Салмон Соважий, Саккокийлар ижодида учрайди. Мавжуд қасидаларни мазмунига кўра яна бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: а) қасидаи баҳория - қасиданинг насиб қисми ёки бутунлай ўзи баҳор тасвири, баҳор мадҳига бағишланган қасидалар; б) қасидаи хазония - насиб қисми ёки тўлиқ ўзи куз фаслига бағишланган қасидалар; в) қасидаи ҳажвия - бирор шахс ёки воқеа ҳажвига бағишланган қасида; г) қасидаи ҳолия - шоирнинг ўз ҳаёти ва кайфиятларига бағишланган

бўлиб, у кўпинча яшаган муҳитдан шикоят қилган; д) қасидаи ишқия - ишқий мавзудаги қасида, э) қасидаи хамрия - май ҳақидаги қасида. Қасидалар ҳажм жиҳатдан катта бўлиб, қофияланиш тартибига кўра ғазалга ўхшайди. Одатда, қасида **насиб, гуризгоҳ, мадҳ (асосий қисм), қасд** каби қисмлардан иборат бўлади. Қасида кириш (насиб)сиз бошланган бўлса, *қасидаи маҳдуд* ёки *қасидаи муқтазам* деб юритилади. Талаб меъёридан келиб чиқиб, қасида **кириш, қасидаи насиб** ёки **қасидаи ташбиб** билан бошланади, кейин тасвир объектига ўтилади, охирида дуо ҳамда матлабининг баёни берилади.

Ўтмишда подшоҳлар ва ҳукмдорлар, улуғ тарихий воқеалар, табиат манзаралари, май, ишқу муҳаббат, шоирнинг ўзи яшаган муҳитдан шикоят ёки ўз фазилатлари ҳақида қасидалар яратилган. Шунингдек, фалсафий қасидалар, ҳажвий қасидалар ёзилган. Прогрессив шоирлар ўз қасидаларида адолатли шоҳлар ва улуғ кишиларнинг фазилатларини мадҳ этишган, ўзларининг ҳаёт ҳақидаги қарашларини ифодалашга интиланганлар. Аммо айрим шоирлар ҳукмдорларни кўкларга кўтариб мактаб, уларга хушомадгўйлик қилишган. Ўзбек адабиётида ўз қасидалари билан шуҳрат қозонган шоир Саккокий (XV аср) феодал ҳукмдорлардан Халил Султон номига битта ва Мирзо Улуғбек номига тўртта қасида, нуфузли руҳонийлар, амалдорлардан Хожа Муҳаммад Порсога бир қасида, Арслон Хожа Тархонга тўрт қасида бағишлаган. Алишер Навоийнинг Хусайн Бойқарога бағишлаб ёзган *“Ҳилолия”* номли қасидаси ва шунингдек, *“Тухфатул афкор”* (“Фикрлар совғаси”) номли фалсафий қасидаси машҳур<sup>1</sup>.

Шоира девонига киритилган барча қасидалар унинг умр йўлдоши Умархон вафотидан сўнг ёзилганлиги сабабли фироқнома руҳида, **қасидаи ҳолия** типига битилган. Нодиранинг ўз ҳаёти ва кайфиятига бағишланган қасидалар уч қисмдан, яъни қасида **насиб (кириш), мадҳ (асосий қисм) ва қасд (хотима)** каби қисмлардан иборат.

*“Фигонким бу даврони нопойдор”* мисралари билан бошланувчи қасидасининг **насиб (кириш)** қисмида шоира бу дунёнинг ўткинчи –

<sup>1</sup> Каримов О. Мумтоз шеърят жанрлари. Услубий қўлланма. –Наманган: Наманган, 2015. –Б.34-36.

фонийлиги, ҳеч кимга вафо қилмаслигини уқтиради. Қасидаи **мадҳ (асосий қисм)**да шоира хонни адолатли шоҳ сифатида унинг улуғ фазилатларини, эзгу ишларини мадҳ этади. **Қасд (хотима)** қисмида эса шоиранинг инсон умри тўғрисидаги фалсафий фикрлари баён этилган. Шоира қасидаларида мазмун бақувват, фикрлар изчил тараннум этилган.

Яна бир қасидасининг кириш қисмида шоиранинг ҳасби холи тасвирланган. Қасида:

*Зи гулгашти ин гулшани бемадор,  
Надорам шакебе чу боди баҳор.  
Чу лола дилам доғи савдои ишқ,  
Чу гул қисватам чок аз дасти хор.  
Чу сунбул саропо парешониям,  
Чу нарғис ҳама дидаи интизор.  
Чу гунча ману сина пур зи хун,  
Чу шабнам ману дидаи ашкбор.  
Ки имрӯз айём дурам фиканд,  
Аз он качкулаҳ, хисрави тождор.*

**Мазмуни:** Бу бемадорликда эрта баҳор шамолидек, гулшанни сайр этиб юришга тоқатим йўқ. Севги савдосидан лоладек дилим доғ, гулдек кўйлагим тикондан чок бўлган. Сунбулдек бошдан-оёқ паришонман, нарғисдек кўзларим доим интизордир. Гунчадек кўксим қонга ғарқ эрур, шабнамдек кўзимдан ёшим шашқатордир. У кулоҳини қийшиқ кийган тождор шоҳим мендан бугун узоқлашди.

Қасидаи **мадҳ (асосий қисм)**да шоира Умархоннинг саховатпеша шоҳ сифатида бирин-кетин ижобий фазилатларини келтиради:

*Муҳити карам ҳазрати шаҳ Умар,  
Ки баҳр аз кафи жуди ў шармсор.  
Чи шаҳ онки чўшад замони хиром,  
Зи гарди раҳаш жавҳари обдор.  
Ба чашми жаҳон партави нури ҳусн,*

*Чу хуршед аз рӯи ӯ ошкор.  
Иморат зи неруи ӯ сарфароз,  
Начобат зи имдоди ӯ комгор.  
Шуди даҳр ҳайрон чу чашми рикоб,  
Чу бар асп мегашт он шаҳсавор.  
Зи сумми сугурони хайлу хашам,  
Замин чун фалак мешуди беқарор.  
Ду чашми аду буд дар рӯзи чанг,  
Ба нӯги синонаш яке ҳалқадор.  
Зи Фаргона то ҳадди Руму Хитой,  
Шуда ҳукмрону шуда комгор.  
Басе шаҳру бас масҷиду Мадраса,  
Ки гардид аз чуди ӯ зарнигор.  
Ба иқлимгирию чанг овари,  
Падар то падар хусрави тождор.  
Лабаширо зи бас ханда зебанда буд,  
Гулаш дӯхт лаб чои сӯзан зи хор.  
Ба чое, ки мекард сарваш хиром,  
Раҳи кабк бар дида мезад губор.  
Намуда ба имои лутфи сухан,  
Дили халқро сайд он дилишкор.  
Зи рангинии мажлиси манзараи,  
Зимистон шуда рашки фасли баҳор.*

**Мазмуни:** Ҳазрати Умаршоҳ саховат уммони эди, денгиз унинг эҳсони кўлидан уялиб қолди. Ул не шоҳдурки, хиром айлаб юрган чоғида йўл гардидан ноёб гавҳарлар уфургай. Унинг хусни шуъласидан бутун жаҳон кўзи куёшга ўхшаб ошкор бўлди. Амирлик, яъни эл-уруғ унинг қудратидан юксалиб, улуғворлашдан муродига етди. У шоҳ от миниб кезган чоғида узанги кўзидек олам ҳайрон эди. Туялар туёғидан, суворийлар ҳайбатидан замин осмондек беқарор эди. Жанг кунида душманнинг икки кўзи халқадек

найзаси учига илинар эди. Фарғонадан то Руму Хитойгача ҳукмрон бўлиб, саодатга эришди. Кўп шаҳар ва масжиду мадрасалар унинг саховатидан зар нақшлар билан зийнатланди. Жаҳонгирлик ҳамда жанговарликда ота-боболари ҳам шундай тождор шоҳлар эдилар. Лабига табассум жуда ярашади, гул юзларида тикан йўқ эди. Қаерга хиром айлаб борса сарв қомати, какликдек йўлидан кўзларга ғубор етарди. Бир имо билан гўзал сўзлар айтиб, бир йўла халойиқ кўнглини овлар эди. Ранг-баранг базмининг турланишидан қишнинг баҳорга ҳасади келарди.

**Қасд (хотима)** қисмида эса шоиранинг бу дунёда фақат инсоннинг эзгу амаллари қолиши ҳақидаги фалсафий қарашлари баён этилган:

*Басе шоҳ битзашт чун ў намонд,  
Зи таснифи шеъру сухан ёдгор.  
На Жамшид диду на Доро, на Кай,  
Чунон давлату ҳашмату гирудор.  
Кунун ончунон гаоҳи олишукух,  
Набинад дигар дидаи рўзгор.  
Ману шукри бахте, ки аз баъди у,  
Шуда нури чашмаш ба маснад савор.  
Илоҳй, ки иқбол дар пои ў  
Чу чашми рикобааш бувад пойдор.  
Бувад давлати ман чунун Комила,  
Ғуломам ба он хонадони кибор.*

**Мазмуни:** Жуда кўп шоҳлар ўтди, лекин улардан ҳеч бири чиройли сўз айтишда ҳеч қандай ёдгор қолдирмади. На Жамшид, на Доро, на Кайковус бундай ҳашамату давлатни кўрмаган эдилар. Наҳотки шунча олий шавкатли шоҳ энди ёруғ оламини кўра олмаса. Ундан кейин нури дийдаси тахтта мингани учун бу бахтга мен шукрона қиламан. Илоҳо, унинг иқболи оёғидаги узангисидек мустаҳкам бўлсин! Комила, менинг бахтим шулдирки, ул буюк хонадонда қулдирман (Н2;134-137).

Хулоса қилиб айтганда, асарнинг шаклий хусусияти ҳисобланган жанрлар таркибини тадқиқ қилар эканмиз, қуйидагича тўхтамга келиш мумкин: Нодира девонининг асосий қисмини ғазал ташкил қилади. Шоиранинг ижодий услуби ва бадиий маҳорати ҳам унинг девонидаги 10 минг мисрадан ортиқ бўлган ғазал жанрида яққолроқ ва типикроқ бўлиб кўринади. Унинг ўзбекча ва форс-тожикча ғазаллари арузнинг турли вазнларида 5, 7, 9, 13, ҳатто 18 байтли ҳажмда яратилган. Шоира ғазалларининг асосий қисми 7-9 байтlidir.

Бундан ташқари, шоиранинг девонларидан жой олган бандли шеърлари 11 та мухаммаси, 2 та мусаддаси, 2 та мусаммани, 1 та таржеъбанди, 1 та таркиббанди, 1 та фироқнома муашшари, шунингдек 10 та қасидасини учратиш мумкин. Бундан кўринадикки, ўз салафлари каби Нодира шеърятининг жанрий таркиби анъанавий бўлиб, шоира уларни ўзига хос ноёб топилма ва яратилар билан бойитганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, мумтоз адабиётимиз тарихида Моҳларойим Нодира фироқнома муашшар жанрининг яратилишга асос солган.

### **3.2. Шоира лирикасида ғазал жанри такомили**

Ворислик ҳамда анъанавийлик бадииятнинг туб ўзак омили экан, шеърят гулшанига ташриф буюрган қаламкаш табиийки, ўз салафларига эргашади, улар ижодидан баҳра олади, таъсирланади. Уларнинг инсонпарварлик ғояларини ривожлантириш билан бирга, ўз сўзини ҳам айтишга интилади. Ўзбек мумтоз адабиётида анъанавийлик устувор тамойилдир. Бу ҳол адабиётнинг нуқсони эмас, балки ўзига хос хусусияти. Яъни анъанавийлик биқик ходиса бўлмай, унинг бағрида янгилик ҳам, маҳорат ҳам воқеъ бўлади, такрорийликдан ўзига хосликка, эргашишдан мустақил ижодийлик, индивидуаллик ва оригиналликка борилади.

Табиийки, Нодира салафлари мумтоз шарқ шоирлари шеърияти бадииятидан етарлича маънавий куч олган. Шоира лирикаси ўлмас умри боқий анъаналар силсиласида шаклланган, ривожланиб, камол топган. Шоира шеъриятида мужассамлаштирган анъаналар, халқ дарди, қувонч армонларини, орзу-умидларини ўзида тўлиқ бадиий мисраларда ифодалай олиши билан аҳамиятга молик. Нодира салафлари Алишер Навоий, Фузулий каби ижодкорларга эргашар экан, уларга кўр-кўрона таклид қилмайди, балки улар адабий меросига ижодий ёндашади. Шоира лирик қаҳрамон кўнгулни ёритиш натижасида, инсон руҳиятида юз бераётган эврилишларни, азобларни шеърлари қат-қатига моҳирона жойлаштиради. Шоиранинг шеъриятга бундай ёндашиши, яратикларининг абадиятини таъминлаган.

Ижодкорлар “Улуғ санъаткорлар бадиий ижод тажрибасига таянганлари ва ўша тажрибанинг энг яхши томонларини ўз асарларида мужассамлаштирганлари ҳолда, ҳар доим бирон янгилик яратганлар, янги фикрни илгари сурганлар ёки гўё ҳаммага танишдек туюлган масалаларни янгича ёритганлар. Илмий тафаккур тараққиётидаги каби, бадиий ижодда ҳам, ўтмиш тажрибаси янги – авлодлар томонидан ўзлаштирилиб, танқидий равишда қайта ишланиб, бойитилиб, чуқурлаштирилиб ва янги босқичга кўтарилиб келинади. Шу туфайли ўтмишдаги энг яхши анъаналарни давом эттирувчи санъаткорлар бадиий ижод тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшган новаторлар сифатида ҳам намоён бўладилар”<sup>1</sup>.

Туркий халқлар адабиётининг ривожланишига, равнақ топишига, гуллаб яшнашига муносиб ҳисса қўшган ва ғазал мулкининг султони ҳисобланмиш шоир – Алишер Навоий адабий мероси туркий шеърият ҳамда умумшарқ адабиётининг энг илғор анъаналарини ўзида мужассам этган янги ва юқори босқич ҳисобланар экан, унинг ижодидан таъсирланиш, анъаналарини давом эттириш табиий ҳолат. Навоийнинг ҳаётбахш ва ҳайратомуз анъаналари, бошқа шоирлар учун чиниқиш ва илҳом манбаидир.

---

<sup>1</sup>Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б.185–186.

Бу чашмадан баҳраманд бўлган, файз топган шоирлар силсиласида Қўқон адабий муҳити ижодкорлари алоҳида ўрин тутди.

Ана шундай новатор шоира учун аввало, Алишер Навоий ижоди ибрат мактаби бўлди. “Соҳиби девон” даражасидаги Нодира ўз вақтида “...халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт намуналарини ўқиб, эшитиб улғайган, улар таъсирида адабиётга кириб келган ва ўз услубини шакллантирган. Бу ҳол унинг ижодий эволюциясига, услубига, тилига, асарларига таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди. Бу таъсир жилвалари гоҳ бевосита, гоҳ билвосита кўринишда намоён бўлади”<sup>1</sup>.

Навоийнинг бадиий тасвир воситаларини теранлаштириш орқали поэтик бирикмалар, бетакрор таққослар, мукаммал портрет чизгилари яратиш услублари Нодира ижодида устуворлигини, татаббуъларини ўрганганимизда шоҳиди бўламиз. Нодира татаббуълари ҳақида сўз юритишдан олдин, татаббуънавислик ҳақида тўхталсак, мақсадга мувофиқ бўлади. “Татаббуъ – адабий анъана ривожининг маҳсулидир. Аммо ривожлантирилаётган анъанага янгилик қўшилмаса, мукаммал татаббуъ юзага келмайди. Анъана ва янгиликнинг яхлит ҳолда намоён бўлиши учун эса бадиий маҳорат лозим бўлади”<sup>2</sup>. Шундай қилиб, татаббуъда икки нарсага жиддий қаралади. Булардан бири – дунёқараш, яъни ғоявий муносабатлар. Иккинчиси ва энг муҳими – бадиий маҳорат”<sup>3</sup>.

“Адабиётшуносликда, шунингдек, луғат ва қомусларда татаббуъ истилоҳи ҳақида баъзи фикрлар билдирилган. Уларда татаббуъ издошлик<sup>4</sup>, эргашиш<sup>5</sup>, тақлиддан шеър битиш<sup>6</sup>, пайравлик<sup>7</sup> тарзида шарҳланади. Бу шарҳларда маъно жиҳатдан муштараклик ҳам, айтиб бир пайтда, фарқ ҳам кўзга ташланади. Муштараклик бошқа бир асардаги анъаналарни давом

<sup>1</sup> Соатова Н. Анъанавийлик ва ворислик. –Т.: Мумтоз сўз, 2019. –Б.185-186.

<sup>2</sup> Файзуллоев Б. Ўзбек шеърятини татаббуъ тарихи ва маҳорат масалалари (XVII-XIX асрлар ва XX аср бошлари ғазалчилиги асосида). –Т.: Tamaddun, 2021. –Б.46.

<sup>3</sup> Қаранг: Қобилова З. Бадиий ижодда таъсир ва издошлик масалалари (Амирий шеърятини мисолида). Филол. фан. докт. ... дисс. –Фарғона, 2020. –Б.175; Увайсий шеърятини (Тузувчи М.Қодирова). –Т., 1980. –Б. 51.

<sup>4</sup> Шомухамедов А. Ҳамкорлик самаралари. –Т.: Фан, 1982. –Б.18.

<sup>5</sup> Ғиёсиддин М. Ғиёс ул-луғот, дар 3 жилд. – №. 1. – Душанбе: Адиб, 1987. –В.180.

<sup>6</sup> Мусулмонкулов Р. Татаббуъ // Ўзбек совет энциклопедияси. 10-Том.–Т.: 1987. –Б.270.

<sup>7</sup> Ҳодизода Р., Каримов У., Саъдиев С. Адабиёти тожик. – Душанбе: Маориф, 1988. –С. 41-45.



эттиришга ишора бўлса, фарқ эса анъанага муносабатда намоён бўлган. Чунончи, айрим фикрларда татаббуъ анъанани ижодий ривожлантириш дейилса, баъзиларида у тақлидга боғлаб қўйилади. Бу эса татаббуъ хусусиятини тўла ифодамайди... Татаббуъга адабий истилоҳ сифатида ёндошиб, уни издошлик, ижодий эргашиш ва пайравлик тарзида шарҳлаш хато эмас. Аммо татаббуъни тақлид сифатида баҳолаб бўлмайди. Чунки татаббуъ ижодий беллашувдир. Зеро, татаббуънавислик **анъана, янгилик** ва **махорат** учлиги билан боғлиқ фаолиятдир”<sup>1</sup>.

Татаббуъдаги асосга ўхшашлик ҳам мазмун, ҳам шаклда бўлади, яъни бирон асарга ёзилган татаббуъ мавзу, ғоя, образ, тасвирий воситалар, қофия, радиф, вазн, услуб жиҳатдан ўхшаш бўлиши шарт.

**Татаббуъ** – (луғатда берилишича) маъноси бирор нарсанинг кетидан тушиш, изидан боришни англатади; адабиётшуносликда бирор шеърдан таъсирланиб, ундаги вазн, қофияни (радиф бўлса, уни ҳам) сақлаган ҳолда асар ёзиш, баъзан бундай шеърларни ўхшатма, жавобия, назира ҳисобланиб, татаббуъларда шоирлар ўз ғояларини ифода этишга интиланлар<sup>2</sup>.

Татаббуъ тарихига тўхталадиган бўлсак, “ўзбек ғазалчилигида илк татаббуълар XII асрда юзага келди. Шеърятимизда ғазал жанрининг пайдо бўлиши ҳам шу даврга тўғри келади”<sup>3</sup>. Олимнинг фикрича, “ғазалнинг ўзбек адабиётидаги илк намуналари XII асрнинг машҳур шоирлар Хожа Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний ижодида кўзга ташланади. Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” китобида ғазал жанрининг хусусиятларини ўзида мужассамлаган шеърлар анчагина. Аҳмад Яссавий шеърларида акс этган ғазалга хос хусусиятлар Сулаймон Боқирғоний шеърларида ҳам мавжуд. Бу эса бежиз эмас. Чунки Сулаймон Боқирғоний Аҳмад Яссавийнинг тасаввуф бўйича муриди, бадий ижодда эса шогирди ва издоши эди. Шу сабабли у ўз шеърларида Аҳмад Яссавий анъаналарини изчил

<sup>1</sup>Файзуллаев Б. Ўзбек шеърятини таттабуъ тарихи ва маҳорат масалалари. (XVII–XIX асрлар ва XX аср бошлари ғазалчилиги асосида) Фил.фан.доктори ...дисс. –Т., 2002. –Б.11.

<sup>2</sup>Шомухамедов А. Традиция татаббуъ в творчестве Алишера Навои. –Т.: Фан, 1984. –Б. 12.

<sup>3</sup>Файзуллоев Б. Ўзбек шеърятини татаббуъ тарихи ва маҳорат масалалари (XVII–XIX асрлар ва XX аср бошлари ғазалчилиги асосида). –Т.: Тамаддун, 2021. –Б.24.

ривожлантирди. Устози шеърларидаги мазмун ва шакл унсурларини ижодий тарзда қўллаб, гўзал татаббуълар битди”, – деган хулосага келади<sup>1</sup>.

Шунинг учун, адабиёт тарихида бир сюжет асосида бир қанча ижодкор томонидан яратилган асарларни учратиш мумкин. Бир сюжетнинг қўллаб ижодкорларнинг асарларида учрашига нисбатан қўлланадиган сайёр сюжет тушунчаси мавжуд. Шарқ халқлари адабиётида сайёр сюжет асосида яратилган асарларга нисбатан назира–татаббуъ истилоҳи ишлатилади. Татаббуъда татаббуъ қилинадиган асарнинг шакл ва мазмуни янги ёзилаётган асарда ўз аксини топиши керак бўлади. Татаббуълар йирик эпик асарлар билан бирга лирик асарлар асосида ҳам ёзилиши мумкин.

Бу давр адабий жараёнида салафлар шеърлятига татаббуънавислик уч йўналишда ривожланган: **биринчидан**, ўзбек мумтоз шоирлари, хусусан, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Амирий ва Ҳувайдо шеърлятига татаббуъ боғлаш; **иккинчидан**, форс-тожик шоирлари, хусусан, Ҳофиз, Жомий ва Мирзо Бедил шеърлятига татаббуънавислик; **учинчидан**, озарбайжон шоири Фузулий шеърлятига татаббуъ боғлаш шаклида ривожу равақ топган.

Бу уч йўналишдаги татаббуънавислик Қўқон адабий муҳитида ҳам, шунингдек, Хива ва Бухоро адабий муҳитларида ҳам изчил давом эттирилди. Бироқ, алоҳида қайд этиш лозимки, бу даврда ҳам барча адабий муҳитларда Алишер Навоий ғазаллятига татаббуъ боғлаш ғоятда фаол бўлди. Буни барча шоирлар ва ҳатто шоирлар ижодида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Бу фикрнинг ёрқин ифодаси Навоий ижодига, унинг анъаналлятига суянган шоирлар асарлятидир. Ўзбек адабиётида ғазал ва ундаги образлар шу даражада ривожланиб, такомиллашиб кетдики, айрим ғазаллардаги бир қатор образлар (*ёр, зулф, хол, май, хат*) мажозийлик доирасини кенгайтириб, тасаввуфий маъноларни талқин этишга ҳам ўтди.

---

<sup>1</sup> Файзуллоев Б. Ўзбек шеърлятида татаббуъ тарихи ва маҳорат масалалари (XVII-XIX асрлар ва XX аср бошлари ғазалчилиги асосида). –Т.: Тамаддун, 2021.–Б.25.

Мумтоз адабиётимиз тарихида тасвир маҳорати жиҳатидан Навоийга тенг келадиган ижодкор бўлмаса керак. Ўзбек мумтоз адабиётидаги машҳур, устоз шоирлар ижодий мактабидан баҳра олган адиба девонларидаги кўплаб шеърларида бундай адабий таъсир излари кўзга ташланади. Нодира ижодида эса Навоий ижодидаги тасвир маҳоратининг ҳамоҳанглигини кузатамиз.

Нодиранинг Навоий ва Машраб анъаналарини давом эттириб яратган татаббуъ ғазаллари ҳам мавжуд. Шулардан бири шоиранинг “*Оқибат*” радифидаги татаббуъси ҳам ўзининг мазмун-моҳияти ва поэтик қиммати билан ўзгача салоҳият касб этади. Татаббуъ асар яратиш билан боғлиқ бўлган мураккаб талабларни зукколик билан англаб, унга амал қилган шоира Нодира бу йўлда муваффақиятларга эриша олганлиги татаббуъда тўла акс этган.

*Зоҳидо, ишқу муҳаббат аҳлини маъзур тут,  
Ёр кўйида на бўлди шайх Санъон оқибат...  
Оҳким, бўлди яна субҳи нашотим шони зам,  
Чехра пинҳон этти ул хуршиди тобон оқибат.  
Гарчи бор эрди мусаххар девлар фармонида,  
Поймоли хайли мўр ўлди Сулаймон оқибат (Н;91).*

Нодира ҳам ўз татаббуъ ғазалида устозлар анъанасини давом эттириб, бадиий санъатлардан ўринли ва унумли фойдаланган. Бу эса лирик қаҳрамон руҳиятни чуқурроқ англашга хизмат қилган. Шоира юқоридаги биринчи байтда талмеҳли қофияни поэтик ифодага олиб киради. Шу лаҳзадаёқ шеърхон хотирасида ёр ишқида не маломату машаққатларга мубталло бўлган, илоҳий дил соҳиби – шайх Санъон қисмати гавдаланади. Муҳими шундаки, шоира лирик қаҳрамонининг ишқи ҳам зоҳидона ишқ бўлмай, балки шайх ишқиға монанд ҳақиқий ишққа мансублиги зукколик билан бадиий ифодага кўчган. Мазкур икки хил ишқ тасвири ифодасида тазод санъати вужудга келган. Кейинги байтда эса шарқ назмиётидаги анъанавий *қуёш* поэтик образининг ифодаланиши асарга ўзига хос жозиба берган. Таниқли навоийшунос Ё.Исҳоқов ўринли қайд этганидек: “Маълумки, традицияда “қуёш” (махбуба ҳуснига нисбатан ҳам, май жамолига нисбатан ҳам, олам-

борлиққа нисбатан ҳам) доимо ижобий рамз сифатида ишлатилган<sup>1</sup>. Агар масалага шу нуқтаи назардан ёндошсак, Нодиранинг ҳам *қуёш* поэтик образига мурожаат этиши шунчаки тасодиф бўлмай, балки ғазал ибтидосида ошиқ қалбидаги ҳижрон изтироблари унга шафқатсиз азоблар берган бўлса, ғазал интиҳосида *қуёш* образ воситасида ўз ўрнини васл қувончларига берганлигига нозик ишора қилинган. Шу билан бирга, қуёшнинг юз кўрсатиши орқали шеърий санъатлардан бири –ташхис (жонлантириш) юзага келганки, бу ҳол асар бадииятига ўзига хос гўзаллик бахш этган. Нодира татаббуъда устоз шоирлар асарларидаги орифона ғояларга алоҳида эътибор берганлигининг гувоҳи бўламиз. Шоира устозлар фикрларини фақат шунчаки такрорлаб қолмасдан, балки турли рамз, поэтик тимсол ва шеърий санъатлар орқали янада бойитди.

Нодиранинг “*Оқибат*” радифидаги ғазалида ҳам салафлари ижодидаги мавжуд рамзийлик тўлиқ сақланган бўлиб, унинг лирик қаҳрамони ҳам солиқ–ошиқ. Шу ўринда бир муҳим масалага ҳам аниқлик киритиш ўринлидир. Адабиётшунос Иқболой Адизова ўзининг “*Муҳаббат ихтиёр эт...*” мақоласида Нодира ижодини янги тамойил талаблари асосида таҳлил қиларкан, шундай ўринли фикрни олға суради: “Нодира Умархонни ўзига шарият, тариқат, маърифат йўлида раҳнамо деб билганини ҳис этамиз. Чунки Амир Умархон кўнглини Аллоҳ ишқи забт этган солиқ инсон эди. Ҳаётининг мазмуни деб билган, шеъриятдаги устози Амир Умархоннинг бевақт фожиали ўлими шоира Нодира юрагига оғир мусибатни олиб кирди. Натижада муҳаббатга тўлиқ жўшқинликни маҳзунлик эгаллади. Аммо Нодира шеъриятини фақат Сайид Умархондан айрилиқ изҳори деб баҳоласак, ниҳоятда жўн, бирёқлама тушунган бўламиз. Уни кенг қамровли заминдан юлиб олиб сохталаштирамиз. Чунки шоира шеъриятининг илдизи чуқур. Маъно моҳияти жуда теран ва бепоён”<sup>2</sup>. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошсак, шоира Нодиранинг “*Оқибат*” радифидаги татаббуъ ғазалида ҳам

<sup>1</sup> Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Т.: Фан, 1983. – Б.110.

<sup>2</sup> Адизова И. Муҳаббат ихтиёр эт... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993. 7-май.

олима таъкидлаган маҳзунлик кайфияти яққол сезилиб турибди. Ундаги лирик қаҳрамон ҳам Ҳақ ошиғидир. У ҳар қанча уриниб, “*васл уйин обод қилиш*”га аҳду паймон қилмасин, ҳижрон деб аталмиш “*сели ғам*” бу иморатни вайрон этади. Соликнинг кўнгли ҳижрон азоблари туфайли висол уйин вайронасига айланган. Унинг қалбидаги “*захми ишқ*”дан пинҳоналик қолмай, ўз ниятларини ошкора айтишга бел боғлайди. Унга вафо ҳақида аҳду паймонлар қилиб, охир-оқибатда “*тарки вафо*” қилган “*аҳди ялгон*”лардан қалби изтиробга тушади. Ундайлар шоира наздида субутсиз ва оқибатсиз кимсалар бўлиб, Ҳақ ишқидан беҳабар ва бенасиб кишилардир. Уларнинг ишлари доимо дилозорликдир. Лирик қаҳрамон тимсолидаги солик катта умидлар билан боз висол этақларини тутишга ҳаракат қилади. Аммо у бу йўлда қанча уринмасин, унинг интилишлари ва истаклари “*ҳажр илгида*” пора-пора бўлади.

Юқоридаги биринчи байтда Шайх Санъон образининг тасвирга тортилиши лирик қаҳрамон ниятларини шеърхонда янада ойдинлаштиришга ёрдам беради. Муҳими, тасвирнинг шу нуқтасида соликнинг ишқи зоҳидона ишқ эмаслиги маълум бўлади. Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон зоҳидлардан “*ишқу муҳаббат аҳлини маъзур тут*”ишни сўраб, ўз ниятларини ёр ишқида не куйларга тушган Шайх Санъон тақдирига ишора этиш орқали ифода этади. Тасвирнинг шу ўринда шеърхонга яна бир ҳақиқат–солик ишқининг қатъийлиги, у илоҳий жамол мафтунни эканлиги маълум бўлади. Ҳижрон азобларидан лирик қаҳрамоннинг дили шикаста. Унинг ҳижрон азобларидан қон бўлган юраги “*гавҳари ашк*” ўрнида кўзларидан маржон бўлиб оқади. Аммо унинг ниятлари ҳам саробга айланган эмас. Доимо висол орзусида. Фақат шу ширин туйғугина унга умид бағишлайди. Ҳаттоки, тонгги қувончларини “*шоми ғам*”булутлари эгаллаб олган бир пайтда заррин қуёш пинҳона бўлсада, ўзининг ҳусни жамолини унга кўрсатади. Қуёш поэтик образининг тасвирга олиниши муҳим бадиий-эстетик вазифани бажаришга қаратилган бўлиб, гўёки у ўзининг сахий нурлари ила вайронага айланган ошиқнинг шикаста кўнглига таскин ва

тасалли бергандек бўлади. Энг муҳими, нур солиқни васл кошонаси томон етаклаётганига ва унинг қалби илоҳий нурдан баҳраманд бўлишига нозик ишоралар қилинган сезилади.

Поэтик тасвир ғазал тадрижида янада кенгроқ маъно касб этиб боради. Айниқса, Сулаймон пайғамбар ва ҷумолилар ҳақидаги ривоятга ишора қилингани ғазалда поэтик фикр ҳамда ғоявий ниятга янада ўзига хос фалсафий мазмун ва шеърӣ жозоба бахш этадики, бу татаббуъ ғазал мундарижасининг янада кенгайишига хизмат қилган. Ғазал мақтаъсида эса рамзийлик янада юксак поэтик чўққига кўтарилган. Унда инсон умрининг фонийлиги, умр гулистонининг мангу эмаслиги, қачонлардир унинг ҳам хазон бўлиши муқаррарлиги алоҳида таъкидланган. Шоира бу билан кишиларни умидсизликка эмас, балки яшашга, инсонни севишга, Аллоҳдан инъом этилган ҳаёт деб аталувчи неъматдан баҳраманд бўлишга даъват этаётганлиги маълум бўлади. Демак, инсон ўз умрини бемазмун ва бесамар, беҳуда ўтказмасдан инсонга ўхшаб яшамоғи, яшаганда ҳам шоира таъкидлаганидек, *“муҳаббат ихтиёр этиб”* ошиқлик мақомини эгаллаш лозимлигига ундаш мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, Нодира шеърӣяти чуқур ҳаётӣ асосларга эга ва ғоят кенг қамровлидир. Зеро, у мустаҳкам анъаналар заминиде шаклланди. Дарвоқе, буни шу ғазалнинг ўзи ҳам тасдиқлайди. Шоира Нодиранинг мазкур татаббуъ ғазали юзага келишига асосий манба ҳисобланган устоз шоирлар асарларидаги радифнинг айнан сақланиши, қофиядош сўзлар ва улардаги қофия ҳарфларининг ўзаро уйғунлиги ҳамда ғазал аруз вазнининг рамал баҳридаги ўйноқи вазнлардан бириде ёзилганлиги билан характерлидир. Бу ҳол Нодиранинг татаббуъ асар яратиш талабига ҳамда мезонларига масъулият билан ёндошиб иш кўрганлигини тўла тасдиқлай олади.

Юқоридаги биргина ғазал мисолида шоиранинг татаббуънавислик маҳоратини тўлиқ кўрсатиш мушкул, албатта. Шу билан бирга Нодира ижодидаги ишқ мавзуси шунчалик мукамалки, уни фақат бир томонлама

тушуниш ва талқин этиш шоира ижодини бир ёклама ўрганишга олиб келади. Нодиранинг ҳаёти ва ижоди бўйича адабиётшуносликда талайгина тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, бундай руҳдаги кузатишлар бугунги кунда давом этаётгани кишини қувонтиради. Фикримизча, галдаги асосий ишлардан бири Нодиранинг икки тилда, яъни ўзбек ва форс-тожик тилидаги мавжуд татаббуъ асарларини тўла аниқлаб, уларни бадиият мезонлари асосида таҳлил ва талқин этишдан иборат.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкин. Биринчидан, Навоийнинг “Оқибат” радифидаги ғазалларида мавжуд шеърий санъатлар Машраб ва Нодиранинг татаббуъ ғазалларида ҳам бевосита давом эттирилган. Иккинчидан, Навоий асарларидаги бадиий санъатларнинг ўрин олишида ғазал мавзуси давр ва замон талаблари ҳамда лирик қаҳрамонлар кайфияти асосида кўпроқ тазод, талмех, ташбих санъатларидан фойдаланиш имкониятини яратган бўлса, улуғ шоирнинг издошлари бўлган Машраб ва Нодира ғазаллари мундарижасига ҳам тўла мос келиши билан муҳим аҳамият касб этган. Учинчидан, Навоийга татаббуъ боғлаган ҳар икки ижодкор ҳам устоз ғазалларидаги мавжуд тимсол ва шеърий санъатларни шунчаки ўзлаштирибгина қолмай, балки уларнинг ўзлари ҳам янги поэтик тимсоллар билан бирга, бошқа шеърий санъатларга ҳам мурожаат қила олишган. Бу муҳим бадиий қимматга эга. Тўртинчидан, тасаввуфдаги нақшбандийлик таълимотини ўз ижодида асосий ғоялардан деб ҳисоблаган мутасаввуф шоир – Навоий асарларидаги орифона ғоялар Машраб ва Нодира асарларида ҳам ўзига хос поэтик рамз ва рангларда ифодага кўчганлиги мавжуд ҳақиқатлардан биридир. Бешинчидан, шеърий санъатлар ёрдамида Машрабнинг татаббуъ ғазалларида “ажаб ўтлуқ матлаъ (Навоий)лар юзага келган бўлса, бу анъана Нодира татаббуъларида ҳам ўзига хос ҳолатларда ғазал байтларига поэтик жило бағишлаган. Олтинчидан, татаббуъ ғазалларда изчил равишда сақланувчи шеърий унсурлардан бири радифнинг айнан сақланганлиги ғазал композициясида “асосий боғловчи” (А. Ҳайитметов)

вазифасини бажариб, таянч нукта сифатида поэтик мақсаднинг тўла рўёбга чиқишига хизмат қилган<sup>1</sup>.

Нодиранинг мазкур “*Бох*” радифли ғазали Фузулий ғазалига эргашиб ёзилган бўлиб, ғазалда Фузулийга хос бўлган қиёслаш, оҳангдор сўзлардан фойдаланилганини сезиш қийин эмас. Ғазалнинг радифи ҳам “*бох*” яъни “*боқ, қара*” сўзларида ҳам озарбайжон лаҳжасига хослик бор. Озарбайжон тили ўғуз лаҳжасига мансуб бўлиб, баъзи морфологик белгилар ҳам (масалан, жўналиш келишигининг “а” тарзида ифодаланиши) бор. Нодира Фузулий шеърятига ошнолик, руҳий яқинлик сабаб ҳам бир неча бора ўхшатмалар ёзганлигини ҳисобга олиб, шоира салафдошининг тил услубини ҳам сақлаб қолади. Хусусан, шоиранинг “*Йўх*” радифли ғазалидаги “қ” товушининг “х” га монанд талаффузини сақлаб қолади. Ва Нодира “*Йўх*”, “*Бох*” ғазалларида ҳам Фузулий услубини сақлаб қолади. Ғазал анъанавий 7 байт. Вазни ҳазажи мусаддаси маҳзүф. Қофияланиши а-а, б-а, д-а, каби. Қофиядош сўзлари арабий ва форсийча сўзлар: “*довара, зара, мизфара, ханжара, яра, бара, согара*”. Равий “р” ҳарфи. Ғазал тасаввуфий мазмунда бўлиб, уни орифона дейишимиз мумкин. Сабаби лирик қаҳрамон Буюк зотга ошиқ бўлиб ҳижрондан оҳ чекади.

*Боғ сайр эт, карами довара бох,*

*Гулни бошидаги тожи зара бох.*

Ғазалнинг биринчи байтида лирик қаҳрамон ёрга боғ сайр қил, чунки бу боғ саховат даврининг ҳосиласи. Унга боқ, –дея, кейинги мисрада гулнинг бошидаги тожининг зарига боқ, – дейди. Матлаъда шоира бу ҳаётни бир боғга қиёс этади. Ўзини бу ҳаёт боғидаги бир гулга менгзайди. Ёрдан унга бир боқишини, қарашини сўрайди. Байт:

*Худди заррин менга оҳим шарори,*

*Шамъ фарқи сарида мизфара бох.*

---

<sup>1</sup>Файзуллоев Б. Ўзбек шеърятини татаббу тарихи ва маҳорат масалалари (XVII-XIX асрлар ва XX аср бошлари ғазалчилиги асосида). –Т.: Tamaddun, 2021. –Б. 97–102.



Иккинчи байтда маҳбуба ўзининг ҳолатини муболағали тавсифлаб, ўзининг оҳидан таралаётган учқунни заррин, яъни тиллага ўхшатади. Бундан кўринадик, маҳбубани ишқ ўти қовжиратадидики, ҳар оҳ урганда зарра-зарра тиллалар сочаётгандек. Мисра давомида ўзини шамдан айрилган парвонага ўхшатади ва унинг бу аянчли аҳволига қарашини сўрайди. Байтда шоира оҳининг учқунини олтинга ўхшатиб, ташбеҳ санъатидан фойдаланади.

*Қон тўкар ғамзаси, мижгонлари ҳам,  
Кўзи қатлимга чекан ханжара бох.*

Учинчи байтда лирик қаҳрамон ошиқ таърифига ўтади. Ва ул ёрнинг қарашлари, киприклари қон тўкади, яъни жон олади. Кўзлари лирик қаҳрамоннинг қатлига ҳукм қилаётгани, қошлари ханжар эканлигини айтади. Байтда ғамза, мижгон, кўз таносуб санъатини юзага келтирган бўлса, ханжар деб қошга ишора қилади. Бу эса истиора санъатининг хусусияти. “Ғамзаси қон тўкар” жумласи ташхис санъатига мисол бўла олади.

*Ҳажр тиги била бағрим юз чок,  
Ани ҳар чокида юз минг яра бох.*

Байтда шоира ҳижрон тиги билан бағри ярадор бўлганини, бу бир бора эмас, кўп фироққа тушганидан юз чоки бор эканлигини ва ҳар чокда яна юз минг яра бор эканлигини муболағали тасвирлайди. Байтда “ҳажр тиги” ташбеҳ санъати. Ошиқнинг яраланган ҳолати муболағани юзага келтирган.

*Шамъ янглиз кия бўрки заррин,  
Дуди оҳимдин инар қарқара бох.*

Бешинчи байтда иккинчи байтга қайтиш бор. Биз унда лирик қаҳрамоннинг оҳини тиллага ўхшатган эдик. Тилла ялтироқ, нур таратувчи бўлганлигидан шоира ўзини зар, яъни нур сочаётган шамга ўхшатади. Ва шамнинг нур сочаётган қисмини бош кийимга ўхшатиб, уни кийиб олганига ишора қилади. Лирик қаҳрамон ҳар оҳ тортганида оҳининг тутунидан қарқара қушлар пайдо бўлишига қарашини сўрайди. Ошиқ ишқда тинмасдан оҳ-нола чекар экан, уни ўз илоҳий ишқида комилликка етишганини билишимиз мумкин. Зеро оҳ-нола чекиш тасаввуфда комилликка етишиш

поғонаси ҳисобланади. Ҳақ висолига зор бўлган ошиққина борликни унутиб оҳ чекади. Байтда лирик қаҳрамон ўзини шамга ўхшатади. Бу ташбеҳ санъати ҳисобланади.

*Ваҳшат айларму кийик Мажнундин,*

*Менга эй кўзлари оҳу бара бох.*

Байтда ошиқ тўғридан тўғри ёрга мурожаат қилади: “*Эй кўзлари оҳудек гўзалим. Мажнундан ҳам кийик ахир қўрқадими?*” – дея таажжубланади. Бизга маълумки, “Хамса<sup>1</sup>” қаҳрамони Мажнундан бутун бир ҳайвонот дунёси ҳайикмас, балки дўст эди. Бу байтда мантиқий ташбеҳ борки, бунда лирик қаҳрамон ўзини ошиқи беқарор Мажнунга, ёрни оҳуга тўғридан тўғри ўхшатмайди. Балки тамсил санъати воситасида зимдан ишора қилади. Байтда “*Мажнун*” сўзи талмеҳ санъатини юзага келтирган бўлиб, “*кийик*”, “*оҳу бар*”, “*Мажнун*” сўзлари таносуб санъатидир. Мажнун мисолида шоира руҳиятини ифодалаб, тамсил санъатига қўллаган.

*Комила, даҳр элини сархуш бил,*

*Соқийи давр элида соғара бох (Н1;110).*

Мақтаъда Комила таҳаллусини қўллар экан, бу билан ошиқ олий мақомга етган, ишқда ўзини комил санайди. Дунё аҳлини ишқдан маст бўлган, – дея соқий қўлидаги идишга бок, – дея якунлайди. Мақтаъ анчагина залворли бўлиб, рамзий ифодалар мужассам. Бизга маълумки, тасаввуф адабиётида соқий дейилганда маърифат, ҳақиқат бодасини улашувчи назарда тутилади. Баъзан соқийдан мурод Кавсардир ва у гоҳо муршидга ҳам нисбат берилади. Соқий барча мавжудотга файз берувчи, сархушлик улашувчи манбадир. Бошқа бир манбада шундай дейилади: “Соқий Худодирки, ошиқларга ҳақиқат майини ичиради ва уларни маҳву фоний қилади. Бу соз истиора йўли билан “муршиди комил”ни англатади. Соқий бирор қавм ё қабиланинг диний раҳбари ва ошиқлар юзидан маънавий ҳусн шаробини

---

<sup>1</sup> Навоий Алишер. Хамса. –Т.: Янги аср авлоди, –496 б. (*Алишер Навоий ижодининг юксак чўққиси “Хамса” асари (1483-1485)дир, шоир биринчилардан бўлиб, туркий тилда тўлиқ “Хамса” яратди ва туркий тилда шундай кўламдор асар ёзиши мумкинлигини исботлаб берди. “Хамса” таркибига “Ҳайратул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” каби дostonлар кирди.*)

ичадиган маъшукдир”<sup>1</sup>. Май қуювчи инсон соқий бўлиб, унда май зоҳиран харом ичимлик эмас, балки илоҳий ишқ маъносида келмоқда. Соғара, яъни идиш кўнгил бўлиб, унда ишқ жилваланади. Кўнгил эса Аллоҳ мулкидир. Комила Аллоҳдан ишқ билан лиммо-лим бўлган қалбига назар солишини истайди. Байтда “сарҳуш”, “соқий”, “соғара” сўзлари таносуб санъатини юзага келтирган.

Нодиранинг “Бўлмасун” радифли ғазали Навоийнинг “Ёридин ҳеч ким менигдек зору ҳайрон ўлмасун” деб бошланувчи “Ўлмасун” радифли ғазалига назира тарзида битилган. Алишер Навоийнинг ғазали мазмун-мундарижасини ошиқнинг севгидан ёнган юрагининг азоблари, қалбидаги туйғулари белгилайди. Ҳар кимнинг ёри бошқа-бошқа эмас. Зеро ёр–якка-ю ягонадир. Ана шу нуқтаи назардан ёндошсак, Навоийнинг талқинича, ҳуснда якто бўлган, эс-ҳушини ўғирлаган маъшуқаси кўйида, ундан ортиқ ҳеч ким ёна олмаган, қийналмаган. Лирик қаҳрамон маъшуқасини шунчалик муҳаббатла севадики, унга ўзидан ўзганинг нигоҳи тушишини хоҳламайди. Ошиқ Яратганининг, яъни Аллоҳнинг паноҳидан ўзига мадад сўрайди, унинг кўмагисиз ўзини ночор эканлигига ишора қилади. Нодиранинг мазкур ғазалида ҳам ишқ дардига мубтало бўлган ошиқ севикли ёрисиз бир зум ҳам ўзини мавжудликда ҳис қила олмайди.

Шоиранинг “Бўлмасун” радифли ғазали жами 5 байт, яъни 10 мисрадан иборат бўлиб, Навоий ғазалига назира тарзида битилган. Байтларнинг қофияланиш тартиби: а-а, б-а, в-а, г-а, д-а тарзида. Қофиядош сўзлар: “Хуррам, одам, бардам, мусаллам, ҳам, кам”. М товуши - равий.

*Сенсизин олам баҳори сабзу хуррам бўлмасун,*

*Қайси олам, балки олам ичра одам бўлмасун.*

Матлаъда, сенсиз мен учун бу баҳорий гўзалликлар ҳам, бутун олам ва ундаги жамики одамлар ҳам кўзимга кўринмайди. Сен йўқ экансан, уларнинг мен учун ҳеч қандай аҳамияти ҳам йўқ, – деган маъно келиб чиқади. Бунда ҳақиқий ошиқ ўзини фақатгина ёри билан бирга бўлсагина ўзини бахтиёр

<sup>1</sup> [navoi.natlib.uz:8101/uz/devoni\\_foniy\\_davomi\\_un\\_tuqqizinch\\_i\\_tom/izohlar/](http://navoi.natlib.uz:8101/uz/devoni_foniy_davomi_un_tuqqizinch_i_tom/izohlar/)

сезади. Усиз ошиққа бу дунёларнинг кераги йўқ. Сенсизликда оламини яшилликка бурковчи баҳор фасли ҳам шод бўлмасин. Наинки олам, балки одам ҳам бўлмасин, – дейди шоира.

*Булбула гулзорсиз эрмас таманнои наво,*

*Фурсате чангу наво бир лаҳза бардам бўлмасун.*

Иккинчи мисрада ошиқ ўзини булбулга қиёслаб, сўфиёна маънода гулзор – бу ёрнинг, яъни Аллоҳнинг ишқи билан яшнаган ошиқ кўнгли бўлса, унинг фикрича, булбулга гулзорсиз куйлаш истаги амалга ошмаганидек, ёр (гулзор)сиз булбул каби шодумонликда бахтдан сармаст хониш қилиш, яъники бу ҳаёт гўзалликларидан ҳузурланиш кўнглига сиғмайди. Бунақа пайтда чангдан таралувчи наво ҳам у қадар ёқимли эмас. Лирик қаҳрамон назарида ҳар қандай кулоққа хуш ёқувчи оҳанглар ҳам ёрсиз унга ҳеч бири татимайди. Булбул гулзорсиз куйлашни орзу қилмаганидек, бундай вақтда чанг(муסיқа асбоби) ва ундан яралувчи наво бир лаҳза кулоққа хуш ёқувчи бўла олмаслиги шоира томонидан ўзига хос тарзда ифодаланади.

*Даври лутфу раъяти иқбол сендин ўзгага*

*Гардиши даврон аро бўйла мусаллам бўлмасун.*

Учинчи мисрада яхшилик улашувчи замонда иқбол байроғи, яъни бахтнинг энг гўзали бутун олам ичра фақат сенга насиб қилсин. Сендан ўзгага маъқул кўрилмасин, – дея ошиқ севган ёрига дунёдаги энг чиройли, ҳеч ким, ҳатто ўзи етмаган бахтни тиламоқда. Бу байт орқали инсон чин севги кўйида суюклиси учун ҳар нарсага тайёр туриши, унга бу ҳаётдаги энг яхшиларини илинувчи эканлигини исботламоқда. Тасаввуфий ғазалларда, одатда, ёр тимсоли доим энг гўзал, ҳар жиҳатдан мукамал ва бенуқсон кўринишда таърифланади. Демакки, бу каби хислатлар ёлғиз Аллоҳгагина хос. Шу боис, яхшиликлар вақтида иқбол байроғи бутун олам аро сендан бошқага нойил бўлмасин, – дейди.

*Сендин олди гардани таслим сарафрозлиқ,*

*Ўзгаларга гардани таслимимиз ҳам бўлмасун.*

Ушбу байтда исломий ақидаларга кўра, ибодат вақтида инсон гавдасининг эгилиб, саждага бош кўйиши, Аллоҳга иймон келтириши ва ўзининг бу қилаётган эзгу-амали баробарида ўзини руҳан энгил сезиб, бахтиёрликни ҳис қилиши ҳақида гап кетмоқда. Ошиқ наздида биз ёлғиз Аллоҳ, яъни фақатгина сенинг қаршингда эгилишни маъқул топдик. Сенга бўйсундик, иймон келтирдик. Сендан ўзгалар олдида бошимиз эгилмасин, – дея ўзини садоқатли ошиқ, мажозан эса эътиқодда собит турувчи муслим каби таърифламоқда. Таслим бўлган гардан, яъни бўйин, умуман гавда ҳам бахтиёрликни сендан ўрганди. Шундай экан, бу гавдамиз сендан бошқалар олдида эгилиб ҳам бўлмасин, – дея истак билдиради.

*Комила, то сарвдур сарсабз бу гулзор аро,*

*Бошимиздин нахли қаддинг сояси кам бўлмасун (Н1;261).*

Ва ниҳоят ғазалнинг мақтаъ қисмида шоира ўзига мурожаат этиш асносида Комила исмдан ташқари кичик ҳарф билан ёзилса, “*ком ила*”, яъни умид билан деган маънода, бу Ёрга қарата: мен бу гулзор (кўнгилнинг ишқдан яшнаши) аро яшнаб турган сарвман, менинг бу даражага етишим бевосита сенга, сенинг кўрсатадиган илтифотларинг билан боғлиқдир. Шундай экан, бошимиздан сенинг ниҳоли қаддинг кам бўлмасин. Бу ерда Ёр, яъни Аллоҳ назар қилсагина инсоннинг бу дунёда камолотга эришуви, ўзгалар томонидан эҳтиромга лойиқ кўрилиши ва бошқалар томонидан эътироф этилиши назарда тутилмоқда. Комила токи бу гулзор аро яшнаб турган ям-яшил сарвдир, бироқ бошимиздан сенинг ниҳолдек қаддингнинг сояси кам бўлмасин, – дейди.

Ғазалнинг биринчи байтида “*олам баҳори*” – ташбеҳ, “*олам баҳорининг сабзу хуррам бўлиши*” эса ташхис, шунингдек, “*қайси олам, балки олам ичра одам бўлмасин*” – дея ружуъ санъатини юзага келтирган. Иккинчи байтдаги “*булбул*”, “*гулзор*” ва “*наво*” сўзлари – таносуб, “*наво*” сўзининг ҳар икки мисрада такрори натижасида тақрир санъати намоён бўлган. Учинчи байтдаги “*раъяти иқбол*” – ташбеҳ, тўртинчи байтдаги “*гардан*” ва “*таслим*” сўзлари тақрир, “*сен*” ва “*ўзга*” сўзлари бевосита матний тазод

санъатини ҳосил қилмоқда. Бешинчи байтнинг биринчи мисрасида лирик қаҳрамоннинг “гулзор аро сарв” дарахтига ўхшатилиши ташбеҳ, “нахл қад” сўз бирикмаси орқали истиора, “сарв”, “гулзор”, “сарсабз”, “нахл”, “соя” сўзлари асосида таносуб санъатидан фойдаланилган.

Нодиранинг “Айлар орзу” радифли ғазали Фузулий ғазалига назира тарзида битилган бўлиб, у 7 байтдан иборат. Ғазалнинг ҳар бир байти охирида “айлар орзу”– яъни ёйиқ радиф қўлланган. Қофиядош сўзлар “гулзоринг, шаккарборинг, беморинг, рафторинг, рухсоринг, гулноринг” кабилардир. Мутлақ қофия. Қофиядош сўзлар таркибидаги “р” товуши равий бўлиб келган, “о” товуши ридф, таъсисли ридф, “и” товуши эса васл ҳарф ҳисобланади. Учинчи ва бешинчи байтдаги мисралар бошига силжиган қофиядош сўзларни ҳам учратишимиз мумкин: “Лол бўлмаи”, “хок бўлмаи”, “тўкмаиин”, “ютмаиин”.

Шоиранинг ушбу ғазали ошиқона мавзуда битилган бўлиб, тасаввуф таълимотидаги илоҳий ишқ тараннум этилган. Ғазалда ошиқ (лирик қаҳрамон)нинг ўз ёри (Аллоҳ, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом, комил инсон) таърифи, унинг васлига етишмоқ орзусида яшаётгани, яъни инсоннинг Аллоҳга бўлган ишқи тасвири берилган.

*Булбули дил гунчайи гулзоринг айлар орзу,*

*Тўтии жон лаъли шаккарборинг айлар орзу.*

Мақтаъда “жон қуши” – кўнгил маъносида келган. Кўнгил истилоҳи тасаввуф адабиётида Аллоҳнинг инсон бағридаги уйи, –дея таърифланади. Гулзор эса кўнгилнинг илоҳий муҳаббатдан яшнаши, лаб – комил ва ориф кишининг, ҳақиқий ёр (Аллоҳ)нинг каломи, кўрсатмалари, пурмаъно сўзлари. Демак, лирик қаҳрамон дил булбули ўз ёри гулзоридаги боғни орзуқилганидек, жон қуши ёрнинг каломи, ширин сўзларини эшитиш орзусида. Шундагина унинг қалби суюкли ёр, яъни Аллоҳнинг ишқи билан тўйиниб, илоҳий муҳаббатдан яшнайдди. Байт:

*Ким қилур умид қон ютмай лабингни шарбатин,*

*Ўлмаиин, ким нарғиси беморинг айлар орзу.*

Иккинчи байт орқали шоира лирик қаҳрамон мисолида суюкли ёр – Аллоҳ васлига етиш учун одамзоднинг бу дунёдаги қийинчиликларга бардош бериши, машаққатлар чекиб, бу йўлда ҳаттоки қон ютиб, ёр ишқида ўлмасдан олдин унинг бемори бўлишни орзу қилади. Унга етишмоқ истаги билан яшашга ундайди. Байт:

*Лол бўлмай, ким такаллум айлади кўргач сени,*

*Хок бўлмай, ким сени рафторинг айлар орзу.*

Учинчи байтда ёр (Аллоҳ) жамоли орзусидаги хоксор банда ўзига шу даражада қўйи поғонани раво кўрмоқдаки, маҳбубанинг оёғи остидаги тупроқ бўлса-ю, ул ёр ошиғига марҳамат кўргузиб, шу тупроқ устидан юриб ўтса, унинг орзуси шу. Инсон ҳам ўзини қанча хоксор тутса, камтар бўлса, унинг ишқ йўлидаги ҳаракатлари бесамар кетмайди, яъни висол онлари шунчалар яқинлашади. Байт:

*Боқмагай кавсар лабида ҳурнинг рухсориға,*

*Ким лаби лаъли маҳи рухсоринг айлар орзу.*

Тўртинчи байт орқали инсоннинг ўткинчи дунё ҳою-ҳавасларига берилмаслиги, кишини ўзига тортувчи ялтироқ нарсаларга ҳирс қўймаслиги, бу нарсалардан ўзини тийиш ва ўз олдиға қўйган мақсади йўлида собитқадамлик билан оғишмай ҳаракат қилиши лозимлиги ҳақида гап кетмоқда. Байт:

*Тўкмайин ким ашк топмас лаъли серобинг сени,*

*Ютмайин қон ким руҳи гулноринг айлар орзу.*

Бешинчи байтнинг биринчи мисрасида ёр(Аллоҳ) васлига етишишда ошиқнинг жисман яқин бўлиши назарда тутилса, иккинчи мисрасида лирик қаҳрамон унинг ботиний гўзаллиги, бутун жисму жонига ҳам етишмоқни, уни тўла англаб етмоқни орзу қилмоқда. Байт:

*Чехра ўлди заъфароний иштиёқи бодадин,*

*Соқие, кўнглум майи гулзоринг айлар орзу.*

Бода асл маъносида кишини маст қилувчи ичимлик, тасаввуф адабиётида эса иймон маъносида талқин қилинади. Шундан келиб чиқиб

айтиш мумкинки, ошиқ ёр васлига етишмоқ истагида унга иймон келтириб, хатто ўзини ҳам аямади, юзлари сарғайди. Соқий, яъни маънавий устоз, пирга мурожаат қилади. Байт:

*Лол бўлмай, ким такаллум айлади кўргач сени,*

*Хок бўлмай, ким сени рафторинг айлар орзу.*

Кўнгул – Аллоҳнинг инсон бағридаги уйи. Фақат Ўзигагина бўлган покиза ишқи билан қаноат ҳосил қилиб, бу гўзал илоҳий муҳаббатдан бир умр яшнаб юражагини орзу қилади.

*Фохта шамшод излар, гул висоли андалиб,*

*Комила мискин қаду рухсоринг айлар орзу (Н1;278).*

Мақтада шоира чиройли ўхшатишлар келтириб, масалан, кушлар орасида кумри ўз севган дарахти шамшодга ёки булбул ўз севган гули висолига интилгани, ўзини ёрнинг кўйида ожиза, нотавон ҳисоблаб, унинг бутун бўй-бастига эришмоқликни, шундагина ҳақиқий ишққа етишмоқни орзу қилмоқда.

Мазкур ғазалда маънавий ва лафзий санъат турларидан ҳам айрим намуналарни кўрамиз. Масалан, 2-3-4-5-байтларда шоира тажоҳули орифона санъатидан маҳорат билан фойдаланган: бунда “ким” сўроқ олмоши ёрдамида сўроқ оҳанги ва риторик сўроқ гапни ҳосил қила олган. Тасаввуф адабиётига оид атамалар: “кўнгул”, “май”, “бода”, “соқий”, “гулзор”, “лаб” кабилар. Шунингдек, диний истилоҳлар: “кавсар”, “фохта”, “шамшод”, “хур” каби сўзлар ва “гул”, “булбул”, “гунча”, “гулзор” – булар таносуб санъатини юзага келтирган. 2-3-5-байтлардаги “ким” сўзи, 4-байтдаги “рухсор” ва “лаб” сўзи, учинчи байтдаги “сени” сўзи икки мартадан такрорланиб, тақрир санъатини келтириб чиқарган. Тўртинчи байтдаги “лаб” сўзи ҳам икки марта қўлланган бўлиб, биринчи мисрасида ҳовузнинг лаби, иккинчи мисрасида инсон юзидаги аъзоси – лаби маъносида келган ва тажнис санъати намунасини ярата олган. “Лаъли серобинг” ва “лаъли шаккарборинг” – истиора, олтинчи мисрадаги “соқиё”га мурожаати нидо, мақтаъ қисмидаги байт ҳусни таълил санъати намунасидир.



Нодиранинг “*Айт*” радифли ғазали Навоийнинг “*Айт*” радифли ғазалига назира шаклида битилган. Ушбу ғазали рамали мусаммани мақсур вазнида битилган. Қофиядош сўзлар: “*ёримга, дилдоримга, рухсоримга, харидоримга, вафодоримга, шакарборимга, зоримга, атворимга*” кабилар. Ғазал:

*Эй сабо, рози дилимни беҳабар ёримга айт.*

*Дардлиг кўнглимни аҳволини дилдоримга айт.*

*Ҳажр дардидин юракда қолди доғ устида доғ,*

*Шарҳ этиб бу можарони лола рухсоримга айт.*

*Фурқат ичра тушди савдои Зулайхо бошима,*

*Қиммати Юсуф баҳо топти харидоримга айт.*

*Лутф этиб сўрса мени холимни ул номехрибон,*

*Ўлди ҳижронинг-да деб ёри вафодоримга айт.*

*Сендин айру талхиком этди дебон захри фироқ*

*Ё-шурун дардимни ул лаъли шакарборимга айт.*

*Юз салом айтдим, на бўлғай бир йўли ул ҳам деса*

*Бул саломимни ўшал ошифтаи зоримга айт.*

*Комила сенсиз тирикликдин на роҳат кўрди деб*

*Ул ҳумоюн толиъи фархунда атворимга айт (Н1;74).*

Нодиранинг ушбу ғазалида ошиқнинг дил изҳорига оид туйғулар, айрилиқ азобидан нола чекаётган ошиқ аламлари, дардлари акс этиб туради. Лирик қаҳрамоннинг тонгнинг майин шамолдан кутаётган илтифоти битта – кўнглидаги яширин сирларини, изҳорларини, ишқини, ёр дардида хаста кўнгил изтиробларини ёрига етказиш. Айрилиқ, ҳижрон дарди шунчалик кучлики, лирик қаҳрамон кўнглида алам устига алам, яра бўлди. Бу дардни майин эсаётган шамолдан бошқа ҳеч нарса ёрга тушунтириб етказа олмайди. Жудоликдан ошиқнинг изтироблари сўнгсиз, адоқсиз. Зулайҳонинг савдоси бошига тушди. Қиммати эса Юсуф баҳосидан ҳам жуда арзонлигини харидорига сабо етказса-ю, ҳижрон дарди тугаса. Лирик қаҳрамоннинг сабодан ўтинчи, агар ёр марҳамат кўрсатиб, ошиқни сўраб қолса, ўлди

хижронингда деб ёрига етказиш. Ошиқ ёри қанчалик жафо кўрсатмасин, унинг гўзаллигини, яхши томонларини кўради. Уни ёри вафодор деб атайди. Ошиқ учун тирикликда ёрдан узоқдалиги, айрилиқдалиги жуда чуқур қайғуга солади.

Шоиранинг назира ғазалида бир неча шеърий санъатлар “дил”, “дилдор” – иштиқоқ, “доғ устига доғ” – тақрир, “сабо”нинг сўзлаши – ташхис, “захри фиروق”, “лаъли шакарборим” – истиора, “дил”, “кўнгул”, “дилдор”, “ёр” – таносуб, “эй сабо” – нидо, “Юсуф ва Зулайҳо” – талмеҳга мисол бўла олади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, шоиранинг маҳорати деярли барча байтларида ташбеҳ ва таносуб санъатидан фойдала олганида кўринади.

Хуллас, мумтоз шеъриятимиз вакиллари ижодида бўлганидек, Нодира лирикасида ҳам ғазал кўламдор мавқега эга. Ғазалларининг асосий мазмун-моҳиятини ишқ-муҳаббат ғояси ташкил этади. Шоира ижодида ҳам ишқ ва муҳаббат идеал даражага кўтарилган туйғу сифатида талқин этилган.

Нодира салафлари Алишер Навоий, Фузулий каби ижодкорларга эргашар экан, уларга кўр-кўрона тақлид қилмайди, балки улар адабий меросига ижодий ёндашади, юқори босқичга кўтаради.

### **3.3. Бандли шеърлар талқини**

Шеършуносликда анъанавийлик ва новаторлик, яъни бадий маҳорат доимо ижодкорлар диққат марказида бўлган. Турли даврларда бу ҳодисага муносабат ўзига хос тарзда ривожланган, лекин шунини айтиш керакки, синчи олимлар салафлар ва халафлар муносабатига ҳаминша илиқ муносабатда бўлишган. “Мумтоз шеърият анъана тилида сўзлаш санъати эди. Бир неча асрлар мобайнида бадий ижодни бошқарган, унга ҳукмронлик қилиб келган анъанавийлик қонуниятлари эса оригинал асарлар қатори; тақлидчилик, нусхакашлик ва яқрангликнинг адабиётда мавқеъ топишига ҳам имкон берган. Шунга қарамасдан, анъанавийлик – улуғ йўл ва буюк санъат мактаби.

Навоийдек даҳо санъаткор ҳам шу ижод мактабида таҳсил олган. Бобурнинг Бобур бўлишида анъананинг ролини камситиш гумроҳлик бўлурди. Демак, ҳамма гап – истеъдодда. Адабиёт фақат ҳақиқий истеъдодларга таяниб, ўзини ўзи янгилаб боради”<sup>1</sup>. Кузатишлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, барча даврларда ижодкорлар табиийки, ўз салафларига эргашади, улар ижодидан баҳра олади, таъсирланади, уларнинг инсонпарварлик ғояларини ривожлантириш билан бирга, ўз сўзини ҳам айтишга интилади. Шуниси ҳам борки, муайян сўз санъаткорининг индивидуал услуби ҳам у мурожаат қилган жанр хусусиятлари, мавзу доиралари, ёйинки уларнинг эстетик идеал ғояларини турфа хиллиги туфайли, ранг-баранг тарзда характеридан келиб чиқиб, бир неча кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Шоира ижодида ҳам бу ҳолатни анъанавий мавзулар: мухаммас ва тахмис жанрлари мисолида кўрсатиш мумкин.

Нодира мухаммасларини тадқиқотимизнинг мазкур фаслида ўрганишни мақсад қилган эканмиз, мухаммасларнинг илк намуналари қачон яратилган, қайси шоир ғазалига боғланган ва қайси манбаларда мужассам деган саволларни чеклаб ўта олмаймиз, албатта. Маълумки, ҳар бир ижод соҳибининг дастлабки ижодини аниқлаш анча масъулиятли иш бўлиб, жиддий илмий текшириш олиб боришни талаб қилади.

XV аср алломаларидан В.Табризийнинг айтишича, шеърят учга бўлинади. Улар **қасида, маснавий** ва **мусаммат**дан иборат. Ушбу жанрнинг улуши, унинг миқдор ва ҳажми адабиёт тарихининг бошқа босқичларидан жиддий тарзда фарқланмайди. Бу давр адабиётида ғазал, маснавий ва қасида жанрлари билан биргаликда мусамматнинг турли навлари: мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ ҳамда таржеъотлар – таржеъбанд, таркиббанд ва тарих, қитъа, рубоий, мустазод жанрларининг ишлатилиши кузатилади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>Ҳаққул И. Ўзбек мумтоз адабиёти ва тасаввуфни ўрганиш муаммолари. Адабиётшунос Э. Очилов билан суҳбат // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. № 2. –Б.59.

<sup>2</sup>ХўжакуловС. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида мусаддас жанри ва унинг эврилиш тамойиллари // Сўз санъати халқаро журнали. 5-махсус сон. –Т.: 2020. 64-69. –Б.65.  
<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-11>

**Мусаммат** – ўзбек мумтоз адабиётида ғазалдан кейинги фаол жанрлардан бири. Мусаммат учликдан ўнликкача бўлган шеърий чамбардир. У мусаллас (учлик), мураббаъ (тўртлик), мухаммас (бешлик), мусаддас (олтилик), мусаббаъ (еттилик), мусамман (саккизлик), мутассаъ (тўққизлик), муашшар (ўнлик)ни ўз ичига олади<sup>1</sup>. Атама сифатида илк бор Кайковуснинг “Қобуснома” асарида учрайди. Жанрни ўрганишга бўлган қизиқиш XI асрдан бошланган. Ўзбек мумтоз шеъриятида мусаммат ёзиш Ҳофиз Хоразмий ва Гадоий ижодиётидан бошланади<sup>2</sup>.

**Мухаммас** – мусаммат жанрининг энг оммавий, етакчи, маҳсулдор, ҳар бир банди беш мисрадан иборат гўзал ва ўқишли шеърий шаклларида хисобланади.

Ўзбек адабиётида Ҳофиз Хоразмий ижоди билан бошланган мухаммас яратиш анъанаси Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Увайсий, Фурқат, Завқий, Муқимий каби шоирлар шеъриятида давом эттирилди.

Нодиранинг 1962 йилда Наманганда топилган мукаммал девони шоиранинг меросини тўлиқ қамраб олган, дейиш мумкин. Девонда шоира ёзган дебоча мукаммал берилган. Девонда шоиранинг “Нодира” тахаллуси билан ёзган 180 шеъри жамланган (шулардан 136 таси ўзбек тилида, 44 таси тожик тилида). Жумладан, 11та мухаммас, 2 та мусаддас, 1та мусамман, 1 та таржеъбанд, 1 та таркиббанд ва 1 та фироқнома ҳам бор.

Шоира ижодини кузатганимизда, унинг мумтоз шеъриятимиз шарт ва талабларини мукаммал ўзлаштирганлиги, ўзига хос изланишлар қилганлиги, янгиликлар яратишга интиланлиги мухаммасларида яққол намоён бўлганлигини кўришимиз мумкин. Чунончи, Нодира ўз устози деб билган Навоий, Мирзо Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлаган, уларнинг фикру фояларини ривожлантирган.

Девонда Нодиранинг *“Келгил, эй нола, санга оҳ ила имдод қилай”* матлаъси билан бошланувчи **таъби худ мухаммаси** ҳам ўзининг

<sup>1</sup>Худайбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2008. – Б. 273.

<sup>2</sup>Халлиева Г. Огаҳий мусамматлари. Монография. –Т.: Мумтоз сўз, 2019. –Б.23.

оригиналлиги билан ўқувчи диққатини тортади. Муҳаммас боғлаш учун бошқа бир шоирнинг ғазалини олиш шарт бўлмай, шоир ўзининг бирор ғазали мазмун-мундарижасини такомиллаштириб ҳам тахмис қилмоғи мумкин. Бунда асосий нарса муҳаммаснинг бадиий имкониятлари ғазалга нисбатан кенгроқ эканлигини исбот қила билишда. Кўпгина илмий адабиётларда барча мисралари фақат бир шоир қаламига мансуб бу тур муҳаммаслар *“таъби худ”* (ўз таъби) деб номланиши<sup>1</sup> ва уларнинг кам учраши эътироф этилади<sup>2</sup>. Шоир таъби худ муҳаммас яратишда, ўзга шоирнинг мисраларидан фойдаланмайди, яъни муҳаммасдаги жами бешлик мисралар фақат ўзига тегишли бўлади.

Нодиранинг қуйидаги таъби худ (мустақил) муҳаммаси таҳлиliga эътиборимизни қаратамиз:

*Келгил, эй нола, санга оҳ ила имдод қилай,  
Офият хирманини бир йўли барбод қилай,  
Ман этиб нолани тарки раҳи фарёд қилай,  
Тобакай ҳажр-у фироқ офатидин дод қилай,  
Эмди ўзни неча кун сабр ила мўтод қилай.*

Вафо ва садоқат тимсоли бўлмиш Нодиранинг ушбу муҳаммаси ишқий мавзуда битилган бўлиб, унда ҳижрон изтироблари тасвири асосий ўрин тутади. Муҳаммасда туркий сўз *“қилай”* радифга олинган. Шоира муҳаммаснинг биринчи мисрасиданоқ нола – қайғуни ифодаловчи баланд товушдаги йиғига мурожаат қилади. Энг яқин, севимли кишисидан жудо бўлиб, кун сайин азоб-у уқубати ошаётганлигидан зорланади. Ва энди ўзининг сабр билан айрилиқ азобини енгиши кераклигини айтади.

Муҳаммаснинг биринчи бандиданоқ, умр йўлдошидан эрта жудо бўлиш шоира ҳаётини ўзгартириб, жўшқин шеърятининг ўрнини маҳзунлик эгаллаганини кўрсатади. Лирик қаҳрамоннинг аламли изтиробларидан ушбу

<sup>1</sup> Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1979. –Б.223.

<sup>2</sup> Носиров О ва бошқалар. Ўзбек классик шеърятининг жанрлари. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б.114-115.

мухаммас Умархоннинг вафотидан сўнг кўп вақт ўтмай ёзилган, деган хулосага келиш мумкин.

Мухаммас Нодиранинг суюкли ёри Амир Умархонга бағишланган. Аммо лирик қаҳрамон буни очиқ-ойдин ошкор қилмаган. Бу шоиранинг бадий маҳорати нечоғлик юқори эканлигидан далолат. Яъни шеър анъанавий, ошиқнинг ёр соғинчи ифодаланган ишқий мухаммас тарзида қабул қилинаверади. Шу ўринда адабиётшунос олима Иқболлой Адизованинг кўйидаги иқтибоси фикримизни исботлайди: “Нодира шеърятини фақат Саййид Умархондан айрилиқ изҳорлари деб баҳоласак, бирёқлама тушунган бўламиз. Чунки шоира шеърятининг илдизи чуқур. Маъно-моҳияти жуда теран”<sup>1</sup>.

*Манга гоҳе хабари моҳи тамомимни десанг,  
Ёрга дарду гами субҳ ила шомимни десанг,  
Ул паривашга дуо бирла саломимни десанг,  
Ёр кўйида башартеки паёмимни десанг,  
Бу қафасдин сени, эй жон қуши, озод қилай.*

Мухаммаснинг иккинчи бандида эса шоира “*жон қуши*”га мурожаат этиб, уни қафасдан озод этишга тайёр эканлигини билдиради. Мумтоз адабиётда “*жон қуши*” – бу кўнгил, қалб, рух. Агар юқоридаги мақсадларига эришса, у ўлимга рози. Ушбу мисралар Шарқ аёлларига хос фидойи вафодорлик, садоқат, иззат-икром намунаси бўлиб тасаввуримизни бойитади, тафаккуримизни кенгайтиради.

*Аدل-у инсофда Жамшид нажодим сен эдинг,  
Фикр-у андиша, хаёлим бирла ёдим сен эдинг,  
Рост айтай сабаби рушду рашодим сен эдинг,  
Эй дилором, бу оламда муродим сен эдинг,  
Айлаб оламни фаромуш, сени ёд қилай.*

---

<sup>1</sup>Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI-XIX аср I ярми). Ўқув қўлланма. –Т.: Фан, 2006. –Б. 148-150.

Жамшид – адолат ва одилликда ном таратган афсонавий подшоҳ. Шоира ушбу мисраларда ёрининг қанчалик одил ва ҳалол эканлигини, Жамшид каби улуғ, халқнинг нажоткори эканлигини маҳорат билан қаламга олган. Ёри учун оламни унутиб, фақат ёрини тинмай ёд этади. Ростини сўзласа, рушти рашоди, оламдаги мақсади ўша дилором эканлигини таъкидлайди. У айрилик, ҳижрон азобларидан қутқарувчи ягона илинж эканлигини мардонавор тан олади:

*Яна бир марта ғам шомида моҳимни кўриб,  
Ҳажр дардини десам пушти паноҳимни кўриб,  
Раҳми келгайму бу аҳволимни табоҳимни кўриб,  
Жаврларким менга чарх айлади, шоҳимни кўриб  
Бош яланг айлаб, инонини тутиб дод қилай.*

Лирик қаҳрамон ёридан айрилгани туфайли озор етди деса, у унинг ҳимоячиси экан. Аммо фалак, дунё унга жавр айлади. Унинг боши очиқлиги туфайли дод солишдан бошқа чораси йўқ.

*Соқийё, ранжи хумор ўртади, келтур манга май,  
Тўлдуруб неча қадаҳни тута кўр пайдарпай,  
Ҳажр дарди била ҳикмат йўлини қилдим тай,  
Сабрдур дарди дилим чораси, йўқса токай,  
Нотавон жонима бедод уза бедод қилай.*

Машаққат, ғам-аламдан карахтлик ила соқийдан май келтиришини сўрайди. Бир неча қадаҳларни тўлдириб, унга тўхтовсиз тутишини айтади, зора азобини унутса. Кўнгилга етган озори билан лирик қаҳрамон билдики, бандаси учун яширин бир маъно, яширин бир сабаб, ҳикмат, сир бор экан. Фалакнинг зулми, қаҳри, шафқатсизлигидан асло омон йўқ, фонийлик муқаррар, деган чуқур ирфоний фикр билдиради. Нодира замондошларига тақдирдан қочиб бўлмаслигини уқтиради. Бандасининг фалак гардиши олдида ожиз эканлигини, ёзуғидагиларнинг барида эса ҳикмат борлигига ишора қилади.

*Неча кунларки менга бор эди лутфу караминг,*

*Сурмаи чаими жаҳондин эди гарди қадаминг  
Фарздур эмди менга тавфи дари муҳтараминг,  
Боғлаб ихлос ила эҳроми ҳарамии ҳараминг,  
Ашкдин роҳилау хуни жигар зод қилай.*

Шоира неча кунлар ёри унга илтифот, марҳамат этганлигини, маҳбубанинг орзу-умиди, хатти-ҳаракати, амали ғуборсиз, жаҳонда нуқсонсиз деб тасвирлайди. Уни эҳтиромлаш, ихлос билан асраш лозимлигини уқтириш билан маҳбубасига бўлган садоқатини изҳор этади. Китобат санъатида “зод” ҳарфи инсон кўзига қиёс қилинади. Кўзлари жигар қонидек бўлгунча кўз ёшларини тўкиб, уни ёд қилишини тасвирлаган.

*То жаҳон мулкани султони эдинг давлат ила,  
Бенаволарга карам айлар эдинг шафқат ила,  
Халқ сендин ҳама хушнуд эди бу одат ила,  
Шод қилгай сени руҳингни Худо раҳмат ила,  
Мен ҳам эҳсон ила эл хотирини шод қилай.*

Ушбу банд орқали биз лирик қаҳрамоннинг суюкли ёри юксак инсоний фазилатлар эгаси эканлигини ҳис этамиз. Шоира дунё неъматларининг эгаси, султони бўла туриб, шавқат ила навосизларга мурувват айлаганини эслайди. Ушбу ҳиммати учун халқ ундан ҳамма вақт хурсанд ва миннатдор эканлигини таъкидлайди. Аллоҳ унинг руҳини шод қилсин деб дуолар қилади. Ўзи эса уни эл ёд этганлиги учун эҳсон қилишини айтади.

*Мустамандеки дуо бирла сени ёд эткай,  
Раҳмати бирла Худованди жаҳон шод эткай,  
Анбиё руҳи сенинг жонингга имдод эткай,  
Охират мулкани то Ҳақ сенга обод эткай  
Мулк вайроналарин адл ила обод қилай.*

Кейинги бандларда ҳам ёрнинг тасвири анъанавий тарзда давом эттирилган. Мустаман дуолар ила суюкли ёрини ёд этиши, Аллоҳнинг ила жаҳонни шод айлаши, пайғамбар руҳи ёрининг жонига мадад бериши, ҳақиқатни севувчи Аллоҳ охиратда уни мукофотлашига қатъий ишонч-



эътиқод боғлайди. Ўзи эса ёрининг ана шундай гўзал фазилатлари учун адолат ила унинг бошлаган ишини давом эттиришни, халқига ғамхўрлик қилишни мақсад этади.

*Сарви гул пираҳани сен каби пайдо эрмас,  
Сен каби сарв ила гул дилкашу зебо эрмас,  
Бу чаман гуллари манзури тамошо эрмас,  
Кўзима қадду юзингдек чаманоро эрмас,  
Неча андишаи сарву гулу шамшод қилай.*

Тик ўсадиган сарв дарахтининг гули ҳам сенга ўхшай олмас, сенга тенглаша олмас. Сарв дарахти ҳам, гул ҳам сен каби ёқимли эмас, гулбоғчадаги асл гуллар ҳам сенчалик қалбга яқин эмас, қадди-қоматинг, истарали юзингни тамошоси ҳам чамандаги турфа гуллар тамошосидан устун эмас, деб ёрининг ташқи кўринишини гўзал ташбеҳлар орқали тасвирлаган.

*Васл базми аро жоми майи саршор қани,  
Ол ила мендин айирди фалаки сифла сани,  
Порадур гул каби эғнимда жунун пираҳани,  
Оташи дарду фироқу шарари ҳажр мани,  
Ўртада қайси бирини сенга бунёд қилай.*

Мазкур бандда эса ёрнинг васлига эришиш амримаҳол, чунки бешавқат фалак қирмиздек хушсурат ёридан уни айирди. Гулнинг гул барглари тўкилиб кетаётгани каби эғнидаги мажнунлик либоси пора-пора бўлди. Қалбни эзувчи, ёндирувчи ҳижронни айтиб, сўз билан баён этишнинг иложи йўқлигидан фарёд чекади.

*Ёрсиз мушкул экан меҳнати ҳижрон чекмак,  
Васл умиди била ранжи фаровон чекмак,  
Най каби бўлди ишим нола-ю афгон чекмак,  
Мен мену кўҳи ғаминг кулласида жон чекмак,  
Неча Ширинни вафо тоғида Фарҳод қилай.*

Лирик қаҳрамон ёрсиз мушкул ҳолатда, чидаб бўлмас ҳижронда қолди. Унинг ҳижронида мунгли куй таратувчи най каби афгон-у нолалар чекди.

Аммо у ўз йўлидан чекинмади. Балки неча Ширинларни Фарҳодга айлантириш қудратига эга эканлигини ошкор этмоқда. Бунинг замирида чуқур ирфоний маънолар ҳам мужассам.

*Шам сар то қадам ўртади фано ўргандим,  
Кўрибон қатраи шабнамни ҳаё ўргандим,  
Гулу булбул сўзидин баргу наво ўргандим,  
Остонинг итидин рамзи вафо ўргандим,  
Энди бир неча маҳал хизмати устод қилай.*

Лирик қаҳрамон нур, ёруғлик тарқатувчи шам бошдан то охиригача эришидан дунёнинг ўткинчи эканлигини, тонгдаги япроқлар устида ҳосил бўладиган майда сув томчилари бўлмиш шабнамдан ҳаёни, гулга ошиқ бўлган булбулдан наво каби назм ёзишни, остонадаги вафо рамзи бўлган итдан вафони ўрганганлигини мамнунлик ила таъкидлайди. Энди эса қолган умрини устодга хизмат қилиш билан ўтказишни ният қилади. Бу устод ким? У ҳам ёр, ҳам Аллоҳ маъносида қўлланилмоқда.

*Кошки уйқуда бир кўрсам эди ёримни,  
Йиғласам билгай эди ҳоли дили зоримни,  
Дард аҳли уйқусин Комила гуфторимни,  
Ёзибон кўкда қуёш лавҳини ашъоримни,  
Насхи машқи қалами Мони-ю Беҳзод қилай (Н1;310).*

Лирик қаҳрамон кўнгли армон билан ёнмоқда: Суюкли ёрини кошки уйқусида бир зум бўлса ҳам кўрса, ҳолини, қалбдаги изтиробли зорини унга билдира олса эди. Ахир у дард аҳли каби кечаларни уйқусизликда ўтказаётганлиги туфайли осмондаги Қуёшнинг пештоқида шеърларини ёзиб қўйиш даражасига эришган. Бундай машқларни кўрган, рассомлик чўққисини эгаллаган Моний ҳам, буюк мусаввир наққош Беҳзод ҳам қойил қолган бўларди деб фахрланади.

Нодира бадийий санъатлардан унумли фойдаланган. Нодиранинг ушбу мухаммасида талмеҳ, нидо, ташбеҳ, муболаға, тазод, таносуб, фаҳрия каби бир қанча шеърӣ санъат турларини учратамиз. Мухаммасда “*Жамшид*”,

“жом”, “анбиё”, “кўҳи тоғи”, “Фарҳод ва Ширин”, “Моний ва Бехзод” каби образлар орқали талмеҳ санъатидан маҳорат билан фойдаланган. Лирик қаҳрамон тўғридан тўғри “нола”, “жон қуши”, “дилором”, “соқий”га муурожаат қилиб, ғам-андуҳларини ошкор этади ва бу орқали у нидо санъатини юзага келтирган. Моний ҳамда буюк наққош ва рассом Бехзод орқали шоира ўзининг ашъорлари улар каби хаттотликда юқори ўринларга чиқишини айтиб ўтиши билан фахрия санъатини юзага келтирган.

Қофияланиши эса ааааа, бббба, вввва тартибига эга. Шоиранинг ушбу мухаммаси нафақат мазмун-моҳиятан мукамал, балки шаклий жиҳатдан ҳам тугал. Мухаммасда *“имдод, барбод, фарёд, дод, мўтод; тамомимни, шомимни, саломимни, паёмимни; нажодим, ёдим, рашодим, мурудим; моҳимни, паноҳимни, табоҳимни, шоҳимни; май, пайдарнай, тай, тоқай; караминг, қадаминг, муҳтараминг, ҳараминг; давлат, шафқат, одат, раҳмат; ёд, шод, обод; пайдо, зебо, томошо, чаманоро; қани, сани, пираҳани, мани; ҳижрон, фаровон, афзон, жон; фано, ҳаё, наво, вафо; ёримни, зоримни, гуфторимни, ашъоримни”* каби қофиядош сўзлардан ўринли фойдаланган. Бу эса мухаммаснинг мусиқийлигини таъминлаган.

Нодира ўз ижоди орқали замондошлари қалбига эзгулик, меҳр-муҳаббат, инсоннинг ғанимат эканлиги, ғанимат дунёда ўзидан яхши ном, эзгу иш қолдиришга шошилиш кераклигини билдиришга ҳаракат қилган. Шоира ўз адабий-эстетик ва фалсафий қарашларини образларнинг ўзаро муносабати орқали бера олган. Натижада, шоира асарлари теран мазмунли, ўзига хос ирфоний мактаб даражасига кўтарила олган. Замондошларини ҳаёт неъматларини ғанимат билишга, ундан баҳраманд бўлишга даъват этган.

Бирор шоирнинг ғазалига **тахмис** боғланишини ҳам мухаммаснинг бир кўриниши дейиш мумкин. Профессор А.Абдуғафуров фикрича, *“ўз ғазалларига ўзи тахмис боғлаш тажрибасини адабиётимиз тарихида Навоий бошлаб берган. Кейинчалик умуман шеърятимизда мухаммаснинг*

*ғазалдан кейин етакчи ўринга кўтарилишида улуг шоирнинг бу ижодий фаолияти ҳал қилувчи рол ўйнаган”<sup>1</sup>.*

**Тахмис** (арабча – бешталиқ қилиш, бештага етказиш) – мухаммаснинг бир тури. Тахмис бандлари ҳам мухаммас сингари 5 мисрадан иборат; улар бир шоиргагина тегишли бўлмай, балки 2 шоирнинг мисраларидан ташкил топади: дастлабки 3 мисра тахмис ёзаётган шоир қаламига, кейинги 2 мисра эса тахмис ёзилаётган шоир ғазалига мансуб бўлади. Тахмисда ҳар иккала шоирнинг бир бандни ташкил этаётган мисралари мазмун ва шакл жиҳатидан ўзаро мос бўлиши талаб этилади. Тахмисни, одатда, фалончи шоирнинг ғазалига мухаммас, деб таъкидлаб ёзганлар (фақат бир шоирнинг мисраларидан иборат бўлган мухаммасларга баъзан “таъби худ” - ўзиники, ўзининг таъби, деб қўшиб ёзганлар). Тахмислар шоирга ёққан ғазалларга ёзилиши сабабли биргина ғазалга бир неча тахмис қилиниши мумкин. Тахмис ёзиш шоирдан катта маҳорат талаб этади, чунки тахмис яратувчи шоирлар ўзидан аввал яшаб ижод қилган шоирларнинг етук ғазалларини ривожлантирганлар, анъаналарини давом эттирганлар. Тахмиснинг сўнгги бандида шоирларнинг таҳаллуслари эслатиб ўтилади<sup>2</sup>.

“...ўзга шоир ғазалига боғланган мухаммас тахмис деб юритилиб, у тахмисчи шоирнинг ўзга шоир ғазалидаги ҳар бир байтга ўзидан яна уч мисра қўшиш орқали яратилади. Бунда тахмис боғлаётган шоирнинг ўша ғазал мазмунига путур етказмаслиги, қўшилаётган мисраларнинг ғазал вазни, қофияси, радифи ва бошқа жиҳатларига мос бўлиши талаб этилади”<sup>3</sup>.

Хўш, тахмис яратишнинг мураккабликлари нимада намоён бўлади? Тахмис яратувчи ижодкор нималарга эътиборни қаратиши лозим, деган саволларга “...мухаммас боғловчи шоир мазмун, услуб, вазн ва бошқа бадий санъатларни қўллашдан чекланган бўлади. Ғазал авторининг умумий руҳини ҳисобга олишга, унинг стилистик хусусиятларини сақлашга мажбур. Иккинчи томондан, мухаммас боғлашнинг яна бир масъулияти шундаки,

<sup>1</sup> Абдуғафуров А. Алишер Навоий мусамматлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. №1. – Б. 33.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-жилд. –Б. 302.

<sup>3</sup> <http://quronov.narod.ru/dkitk3.html>

мухаммас боғловчи шоир санъат жиҳатидан танланган ғазалдан паст бўлмаган мисралар яратиб, бадий маҳоратини намоёиш қилиши керак”<sup>1</sup>,- дея таъриф беради адабиётшунос олим Ғулом Каримов.

Юқорида тахмисга берилган таърифларга яна шуни ҳам қўшимча қилиш мумкинки, баъзида бир шоир ғазалининг бошқа бир шоир тахмиси таркибида айрим байтларнинг тушириб қолдирилганлиги ёки бирор сўзнинг ўрнига бошқа сўз қўлланганлигини кўрамиз. Байтнинг тушириб қолдирилишига сабаб, тахмис боғловчи шоирга танланган ғазалнинг умумий мазмуни маъқул келса ҳам, тушириб қолдирилган байтига мос мисралар топа олмаганлиги ёки ундаги мазмуннинг бошқа байтлар замирига сингдириб юборилишидир. Шунингдек, тахмис боғлаш учун танланган ғазал, тахмис қилувчи фойдаланган манба нуқсонли бўлиши ҳам мумкин. Бундай нуқсонлар котибнинг ўз билим даражасида матнга “ижодий” ёндашиши ёки тахмисчи фойдаланган манбанинг ноқулай шароитда сақланиши натижасида зарарланган бўлганлигидан келиб чиқади. Тахмис учун танланган ғазал матни бирламчи манбадаги матндан фарқ қилиши ҳам мумкин.

Шарқ бадиият илми Алишер Навоий шеърлятида ўзининг том маънодаги юксалиш босқичига кўтарилганлигини қайд этади<sup>2</sup>. Демакки: “Шарқ сўз санъати ўзига эришган барча ютуқларни ўзида мужассам этган ва уни янада ривожлантириб, бетакрор бадиият дурдоналари билан бойитган мутафаккир шоир ижоди, хусусан, туркий адабиёт учун эталон эди. Бу самарали таъсирдан бирон-бир туркий халқ адабиёти холи эмас. Бу адабиётларда Навоийни ўзига устоз деб билмаган, унга эргашмаган, ундан таъсирланмаган, маҳорат сабоғини олмаган қалам аҳли йўқ”<sup>3</sup>.

Мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттирган Нодира шеърлятида Навоийнинг *“Кўнгул жон бирла борди, ҳамроҳингмен дард ила турдум”*

<sup>1</sup> Умарова З. Муқимий ижодида салафлар анъаналарининг намоён бўлиши // “Жомий ва Навоий: форс-тожик ва ўзбек илмий-адабий алоқалар” мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. –Т.: 2020. Навоий университети нашриёт матбаа уйи, Б.226-229.

<sup>2</sup> Атанязова М. Олим Шарафиддинов ва Навоийшунослик илми муаммолари// Алишер Навоий. Халқаро журнал. 1-қисм. –Т.: СамДУ, 2021. –Б.137-145.

<sup>3</sup> Очилов. Э. Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари / Халқаро конференция материаллари. –Т.: Машхур пресс, 2018. –Б.334.

мисраси билан бошланувчи ғазалига боғланган тахмис учрайди. Шоира ижодини ўрганган адабиётшунос олима М.Қодирова бу ҳақида шундай дейди: Ранг-баранг образларни қўллаш жиҳатидан устод йўлидан борган адиба бу мухаммасда инсон ва унинг бой руҳий дунёсини чуқур акс эттиради:

*Мени лол этти гуфтори лаби хомуши зўёси,  
Ушатти қанду шаққар қимматин лаъли шаққарзоси,  
На дилкаш хусн эрур кўрган сари ортар таманноси,  
Юзинг кўргач бошимга тушти мушкин зулф савдоси,  
Физонким бир боқишда юз бало бошимга келтурдим (Н1;309).*

Шоира Навоий ғазалларига тахмис қилар экан, кўпроқ унинг асарларидаги муҳим фикрларни давом эттиришга, шоир томонидан қўйилган тезисларни шарҳлашга, шу йўл билан фикрнинг мантикий ривожланиб боришига алоҳида эътибор билан қараган.

Шуниси характерлики, Навоий ғазалидаги ошиқ тилидан маҳбубага қарата айтилган фикрлар Нодира мухаммасида ошиққа қаратилади. Агар таъбир жоиз бўлса, ғазал мушоира кўринишига эга бўла боради. Лекин фикрдаги уйғунлик асарда бир бутунликни ташкил қилиб қолаверади. Икки қалам кучи билан бир муаммо ечилгандек бўлади:

*Қошинг ёси таманносидадур пайваста қаддим хам,  
Юрак захмига марҳам истаб этмасман тараддуд ҳам,  
Кўнгул новакларингни захмидин роҳат топар ҳар дам,  
Ёғоч бирла бошоқ ким танда қолди ул эрур марҳам,  
Жунундин ким фироқинг ўқларин жисмимда синдурдум (Н1;308).*

Бунда биринчи мисрада ошиқнинг қадди “хам”лиги севгилиси қошларининг эгмасига ўхшатилади. Изтироб ва алам чеккан қоматнинг эгилишини камонга ўхшатиш адабиётда анъана бўлиб келган. Иккинчи мисрада ошиқ қош камонидан отилган ўқ натижасида ўз қалбининг жароҳатланганига иқрор бўлади ва бу дардга даво истамаслигини, чунки севгилисининг новаклари, яъни ўқлари захмидан дил роҳат топиши

мумкинлигини сўзлайди. Учинчи сатрда биринчи ва иккинчи мисралардаги “ёй”, “ўқ” образлари давом эттирилади. Бу уч мисрадаги мазмунни Нодира Навоий шеъриятидаги фикрлар билан боғлайди ва ўз хулосаларини ундан келтириб чиқаради. Шоира учинчи мисрада ифодаланган “кўнгул роҳати” боисини англатишни Навоийга ҳавола қилади: (Йиғоч бирла бошоқким, танда қилмиш ул дурур марҳам). Севикли ёр отган ўқ учининг ошиқ танида қолиб кетиши шоир назарида асл марҳам саналади. Танда қолган фироқ ўқлари ошиққа қанча азоб берса ҳам, севгидан куйган дилларга ором бўлади. Кўриниб турибдики, Нодира Навоий ғазалидаги дунёвий мазмунни маҳорат билан давом эттиришга, устоз изидан бориб, ранг-баранг образлар воситасида ўз фикрларининг табиий ифодасига эришади”<sup>1</sup>.

Ушбу тахмисни ўрганганимизда, Нодира тахмис учун танлаган Навоийнинг ғазали аслида тўққиз байтдан иборат эканлигини ва Нодира тахмисида Навоий ғазалини қуйидаги олтинчи байти учрамаслигини аниқладик:

*Қотибдур кўзларимким не ёпилмоқ, не таҳаррук бор,  
Қиё боққайму бир деб, азм этарда баски телмурдум*<sup>2</sup>.

Биз ғазал матнини “Хазойин ул-маъоний”нинг нашри, ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида сақланаётган 164, 459 ва 698 рақамли қўлёзмалари матни билан солиштирганимизда айрим сўз ва мисраларнинг таҳрир қилинганлигини кўраимиз. Масалан, иккинчи байтнинг иккинчи мисрадаги “*Тугонларким*” сўзи, 164 (516-бет), 459 (2236-варақ), 698 (139а-варақ) рақамли қўлёзмаларнинг барчасида бир хил тарзда “*Тугунларким*” шаклида берилган. Тўртинчи байтнинг иккинчи мисрасидаги “*чокига*” сўзининг ўрнига 698 рақамли қўлёзмада “*хокига*” сўзи ёзилган. Олтинчи байтнинг биринчи мисраси 164 ва 459 рақамли қўлёзмаларда “*Қотибдур кўзларимким не юммоқ бор, не таҳаррук*” тарзида берилган. 164 ва 459 рақамли қўлёзмаларда учинчи ва тўртинчи байтларнинг иккинчи

<sup>1</sup> Кодирова М. XIX аср ўзбек шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдири. –Т.: Фан, 1977.–Б. 24–25.

<sup>2</sup>Навоий Алишер. Хайзойин ул-маъоний. Ғаройиб ус-сиғар. Биринчи том. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.–Б. 290.

мисралари ўрин алмашган. Бу сингари ўзгаришлар мантикийдек туюлади. Масалан, учинчи ва тўртинчи мисраларнинг қуйидаги каби кўринишда берилиши мисралараро поэтик фикрнинг боғланишини таъминлаган:

Йиғоч бирла бошоқким, танда қолмиш улдурур марҳам,  
*Илик марҳам қўяй деб чун кўнгул чокига еткурдум.*  
Тутошти шамъдек ҳар бармоғин ҳижрон шароридин,  
*Жунундинким, фироқинг ўқларин жисмимда синдурдум.*

Олтинчи байтнинг биринчи мисрасидаги “Қотибдур кўзларимким не юммоқ бор, не таҳаррук” деб таҳрир қилинганлиги ҳам тўғри деб ўйлаймиз. Чунки, сўзлашув нуткида ҳам, адабий тилда ҳам “кўзим ёпилмади” эмас, балки “кўзим юмилмади” дейилади. Ўз навбатида кейинги таҳрир мисранинг мусикийлиги ва мазмун таъсирчанлигини ҳам оширган.

Шунингдек, ғазал 164 ва 459 рақамли қўлёмаларда “Бадоеъ ул-васат” таркибида берилган бўлса, 698 рақамли қўлёмада “Ғаройиб ус-сиғар”га киритилган.

Навоий ғазали ёридан ажралиб, ҳижронда қолган ошиқ тилидан баён этилган. Унда фироқ, айрилиқ онларининг шиддати, ошиқнинг севгилисига етишиш учун ўзини ҳар кўйга солганлиги, турли хил орзулар оғушида бўлганлиги тасвирланган. Ғазал лирик қаҳрамон орзуларининг амалга ошмаслигини билгач, тақдирга тан берганлигини билдириши билан яқун топган. Навоий ғазалидаги айнан ана шу фироқ билан боғлиқ мотивлар шоиранинг севимли ёри – Амир Умархондан айрилган жудолик, фироқда кечираётган руҳий ҳолатига ҳамоҳанг келганлиги тахмис боғланишига туртки берган. Шунга кўра уни Нодиранинг “Фироқнома” шеърлари қаторига қўшиш мумкин:

Сўроғингда биёбонлар кезиб бе поу сар юрдум,  
Қуюндек чарх уруб жисмим ғуборин кўкка совурдум,  
Сен азм айлаб кетарға, мен бўлуб бемор, қайғурдум,  
*Кўнглум жон бирла бўлди ҳамроҳинг, мен дард ила турдум,*  
*Сенга жон бирла кўнглумни, сениг тенгрига топшиурдум.*



Видоингни қилурда куйди жоним хайрбодидин,  
Фалак сақфи қарорди дуди оҳимни мидодидин,  
Жаҳон зулмат саройи дуди оҳим имтидодидин,  
*Нишондур тийра бўлгон ахтари бахтим саводидин,  
Туганларким, фироқинг ўтидин гам шони куйдурдум.*

Қошинг ёси таманносидадур пайваста қаддим ҳам,  
Юрак захмиға марҳам истаб этмасман тараддуд ҳам,  
Кўнгул новакларингни захмидин роҳат топар ҳар дам,  
*Ёғоч бирла бошоқ ким танда қолди ул эрур марҳам,  
Жунундин ким фироқинг ўқларин жисмимда синдурдум.*

Гирибон чок этурман субҳи висолинг интизоридин,  
Қаронғу бўлди шомим дуди оҳимни ғуборидин,  
Шарарлиғ шуълалар бош чекти кўксум хор-хоридин,  
*Туташти шамъдек ҳар бармоғим ҳижрон шароридин,  
Илик марҳам қўяй деб чун бағир чокига еткурдум.*

Кўруб ул бутни зуннор олмағайсиз, эй мусулмонлар,  
Менингдек юз балоға қолғайсиз, эй мусулмонлар,  
Саломат кунжидин кўзғолмағайсиз, эй мусулмонлар,  
*Чу ул кофир чиқар кўз солмағайсиз, эй мусулмонлар,  
Ки мен бечора кўнглумни боқиб ўткунча олдурдум.*

Мени лол этти гуфтори лаби хомуши гўёси,  
Ушатти қанду шаккар қимматин лаъли шакархоси,  
На дилкаш ҳусн эрур кўрган сари ортар таманноси,  
*Юзинг кўргач бошимга тушти мушкин зулфи савдоси,  
Фигонким, бир боқишида юз бало бошимга келтурдум.*

Сени топмоқ бaсе мушкул кўрунди жустужў бирла,  
Фироқинг дардиға таскин тилармен гуфтугў бирла,  
Гаҳи паймона бирла шуғл этиб, гаҳи сабу бирла,  
*Кўнгул тинмасқа қолмиш эрди ҳар нав орзу бирла,*  
*Ризо кўйига то кўйдум қадам кўнглумни тиндурдум.*

Зарар қилмас муҳаббат аҳлиға ағёрни таъни,  
Эрур бадхоҳларнинг гуфтугўйи барча бемаъни,  
Бу кун, эй Комила, бошдин кўюб тожи мурассаъни,  
*Макон гулхан кулин қилди Навоий телбадек яъни,*  
*Жунун торожидин охир қаро туфроққа ўлтурдум* (Н1;308-309).

Қайд қилинганидек, Навоий ғазали аслида тўққиз байтдан иборат. Унинг матлаъсидаги тасвирларданоқ, лирик қаҳрамоннинг ёри тирик, лекин етишиш имкони йўқ даражада узоқда эканлигини билиш мумкин. Биринчи ва иккинчи мисраларда лирик қаҳрамон ўзининг бир гўзалга ошиқлиги, унга жону кўнглини берганлиги, айна пайтда ҳижрон азобида севгилисига етиша олмай қийналаётганлигини айтади. Учинчи байтдан саккизинчи байтгача ошиқ маҳбубасининг гўзаллиги, ҳеч кимга ўхшамаслиги, унга етишиш учун ўзини ҳар томонга урганлигини баён қилади. Саккизинчи ва тўққизинчи байтларда эса, ёр дийдорига етишиш орзуларининг амалга ошиши мушкуллигини англаб, тақдир ишига тан берганлиги, энди ўзини бу орзулардан четга тортганлигини ёзади. Нодира матлаъдан бошлаб бу тасвирларга ўзининг айрилиқ, жудолик аламлари билан боғлиқ руҳий кечинмаларини кўшиш билан Навоий ғазалига янгича руҳ бағишлаган. Энди ғазал тахмис таркибида ўқилса, Нодира ва Навоийнинг тақдири бир хилдек деган тасаввурни уйғотади.

Булар билан бирга, Нодира бошқа ижодкорлар сингари тахмис қилиш учун танланган ғазалга айрим ўзгартиришлар киритган. Бешинчи банднинг Навоий ғазали байтининг иккинчи мисраси “*Ки мен бечора кўнглумни боқиб*

*ўткунча олдурдум*” тарзида таҳрир қилинган. Айтилганидек, Навоий ғазалининг олтинчи байтига банд ҳосил қилинмаган. Бизнингча, бундай бўлишига сабаб, бу байтда лирик қаҳрамон олдидан қарамай ўтиб бораётган ёрининг бир бор қараб қўйишидан умидворлигини айтмоқда. Ундаги ана шу жиҳатлар Нодиранинг Амир Умархондан айрилган, уни қайта кўришдан умидини узганлиги билан боғлиқ руҳий кечинмаларини тасвирлашга қаратилган фикрининг мантиқий давомийлигига монелик қилади. Шу боис шоира бу байтни тушириб қолдиришни лозим топган. Ғазалнинг бир байти тушириб қолдирилган бўлса ҳам, Нодира тахмисининг кейинги байтидаги мисралардаги тасвирлар билан узвийлик ҳосил қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Нодира мухаммас ва тахмис яратишда мумтоз адабиёт анъаналарига қатъий амал қилган. Шу билан бирга, ўзининг бадий майлларига мослаштириш учун тахмис учун танлаган ғазали матнига таҳрир киритишга ҳам жазм қила олган. Бу билан тахмис учун танлаган ғазалдаги байтлараро поэтик фикр узвийлигига путур етказмаган.

Ижодкор салафлари анъаналарини ўзлаштириши ва унга муносиб ёндошиши билан, шеърятига янгича руҳ бағишлай олганлиги, бойитганлиги, мумтоз шеърятимиз шарт ва талабларини мукамал ўзлаштирганлиги, ўзига хос изланишлар қилганлиги, янгиликлар яратишга интиланлиги мухаммас ва тахмисларида яққол намоён бўлганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, шоира ўзининг бадий майлларига мослаштириш мақсадида тахмис учун танлаган ғазали матнига таҳрир киритишга ҳам жазм қила олган.

### **Боб бўйича хулосалар:**

1. Шарқ мумтоз адабиётида анъанавийлик устувор бўлиб, бу бадий тасвирда ҳам, образлар оламида ҳам, мазмун ва мундарижада ҳам, жанрлар талқинида ҳам кузатилади. Зотан, машҳур алломаларимиз ижодкорнинг маҳорати ва ўзига хослиги асарда нимани ифодалашига қараб эмас, балки воқеликни қандай тасвирлашига қараб белгиланишини таъкидлашар экан, ўз

салафлари каби Нодира шеърятининг жанрий таркиби хилма-хиллиги билан муҳимдир.

2. Адабий издошлик, анъанавийлик асосида яратилган Нодира татаббуъ – назира ғазаллари татаббуъланмиш асарнинг мазмунан чуқурлаштирилган, шаклланган, бойитилган, янгиланилган кўриниши сифатида юзага келган. Шоира назира ғазаллар яратишда мазмун-шакл мутаносиблигининг мукамаллигига эриша олган. Шу билан биргаликда мавзу, вазн, қофия, радиф, ғоя, образ, тасвирий воситалар муштараклиги назира ғазалларнинг поэтик асосини таъминлаган.

3. Нодира мухаммас ва тахмис яратишда мумтоз адабиёт анъаналарига қатъий амал қилган. Шоира мухаммас ва тахмислари орқали замондошлари қалбига эзгулик, меҳр-муҳаббат, инсоннинг ғанимат эканлиги, ғанимат дунёда ўзидан яхши ном, эзгу иш қолдиришга шошилиш кераклигини билдиришга ҳаракат қилган. Шоира ўз адабий-эстетик ва фалсафий қарашларини образларнинг ўзаро муносабати орқали бера олган.

## ҲҲ БОБ. НОДИРА ИЖОДИДА ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

### 4.1. Шоира лирикасида маъно ва бадиий санъатлар уйғунлиги

“Ўзбек мумтоз адабиётида образлар тизими ўзига хос. У бошқа эл адабиётларидан зулмаънайнлиги, яъни кўп қатламли маъно хусусиятига эгаллиги билан фарқланиб туради. Мумтоз шоирларимиз назарда тутган ғояларни англаб етиш учун, аввало, образлар моҳиятини идрок этишимиз тақозо этилади. Чунки мумтоз адабиёт фақат сўзлар билан эмас, балки асосан, образлар тили билан сўзлайдиган адабиётдир. Уларнинг деярли барчасида зоҳирий ва ботиний маъно-моҳият мужассамлашган бўлади”<sup>1</sup>. Худди шундай ҳолатларни ўзида акс эттирган Нодира ижоди бугунда янгича қарашдаги талқин ва таҳлилга муҳтож. Шоира ижодидаги образлар тасвирида фикр ва туйғу уйғунлиги ўзига хос жилваланганки, буни алоҳида эътироф этмай илож йўқ.

Нодиранинг адабий мероси ўз ғоявий-бадиий аҳамияти нуқтаи назаридан мумтоз шеърятнинг гўзал намуналаридан ҳисобланади. Бунга унинг шеърятда бетакрор иқтидор эгаси бўлганлиги асос бўлган, – деб ўйлаймиз. Шоира ижодида шеърӣ санъатларнинг **қўлланилиш тамойиллари** қуйидаги тадрижий йўналишда бўлган:

**Биринчидан,** Нодира ғазалларида шеърӣ санъатларга мурожаат этар экан, ғоя ва бадиийат уйғунлигини биринчи ўринга қўяди. Нодира шеърӣтида ҳар қандай бадиий санъат – бу восита. Унинг ғазалларида ҳеч вақт восита мақсаддан устунлик қила олмайди. Ижодкорнинг бадиий санъатларни қўллашдан кўзланган мақсади битта: асар ғоясини жозибали усулда тақдим этиш.

---

<sup>1</sup> Адизова И. Увайсий шеърӣтида поэтик тафаккурнинг янгиланиши. Фил.фан.докт. (Dsc) ...дис. автореф. – Т., 2020. –Б. 78.

**Иккинчидан,** Нодира лирик асарларида ғоявий-бадий яхлитлик ва мукамалликка интилади, матлаъдаги фикрни ғазал сўнгига қадар изчил давом эттиришга, бошлама мисрада айтилган ғояни байтма-байт очиб, чуқурлаштириб, далиллаб боришга ва салмоқли умумлашма билан яқунлашга ҳаракат қилган. Бир сўз билан айтганда, шоира салафлари анъаналарини муносиб давом эттирган, шу билан бирга шеърятда ўз услубига эга бўлган шоира сифатида шеърини санъатларини моҳирона намойиш қила олган.

Нодира лирикасини кузатганимизда, ижодкор шоира шеърятининг мазмун-моҳияти ҳамда мавзулар кўлами хилма-хиллигининг шоҳиди бўламиз. “Нодира лирикасининг мавзу кўламини шартли равишда кўйидагича тасниф этиш мумкин:

- 1. Ишқ-муҳаббат ва садоқатни тараннум этувчи ғазаллари.**
- 2. Диний-маърифий мавзудаги ғазаллари.**
- 3. Фалсафий-тасаввуфий мавзудаги ғазаллари.**
- 4. Ахлоқий ва панд-насихат йўналишидаги ғазаллари.**
- 5. Фирокнома.**

Нодира бадий меросининг тадқиқотчилари XIX асрнинг 10 йилларини унинг шоира сифатида шаклланиш даври деб ҳисоблашади. Бу даврни унинг учун ўз услубини излаш даври деб баҳолаш ҳам мумкин.

Шоиранинг ўз услуби мавжуд. Шу ўринда олим Н.Шукуровнинг фикрини келтиришни жоиз топдик: “...ёзувчининг фикри қандай фактлар, қандай масалалар атрофида кўпроқ ҳаракат қилса, унинг асарларида ҳам худди ана шу масалалар ва фикрларни ифодаловчи сўзлар, тил элементлари кўпроқ қўлланилиши табиийдир”<sup>1</sup>. Унингча, “индивидуал услубга эга бўлган талантли шоирларнинг ўз мажозий образлари, сифатлаш ва истиоралари ҳам мавжуд бўладики, буларнинг ҳаммаси бирлашиб, ижодкор услубининг ўзига хослигини ҳосил қилишда катта рол ўйнайди”<sup>2</sup>. Ўзига хос услубга эга бўлган қобилиятли шоира Нодиранинг мажозий образлари, сифатлаш ва

<sup>1</sup> Шукуров Н. Индивидуал услуб ва бадий тил // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. №3. –Б.4.

<sup>2</sup> Шукуров Н. Индивидуал услуб ва бадий тил // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. №3. –Б.3.

истиоралари бирлашиб, лирикаси ўқувчини мафтун қилиш даражасига кўтарилганини таъкидлаш лозим. Нодира услубининг шаклланишида у яшаган давр, бу даврнинг ўзига хос мураккаблиги, ижодий муҳит, Лутфий, Алишер Навоий, Мирзо Бедил, Фузулий сингари мумтоз адабиёт вакилларининг, шоира ўзига устоз деб ҳисоблаган бошқа шоирларнинг таъсири катта бўлган, албатта<sup>1</sup>.

Шуни айтиш мумкинки, ўз салафлари каби шоиранинг лирик қаҳрамони ошиқлик билан орифлик ўртасида қатъий бир чегара қўймайди. “Лирик қаҳрамон – лирик асарда кечинмалари тасвирланаётган киши, шоирнинг умумжамият учун қимматли ҳис ва фикрларини ташувчи шахсдир. У шоир шахси билан эстетик идеалнинг қуймасидир”<sup>2</sup>. Шеърят бевосита образли ифодалаш санъати бўлганлиги боис ундаги образлар давр муаммоларини бошқа турларга қараганда ёрқинроқ акс эттириши муҳимдир. Кўнгил – юракка таъсир этаётган, уни уйғотаётган, инсонни ичдан нурлантириб турадиган манбадир. Буни эътиборга олган шоира, ғазал матлаъсида кўп ҳам ортиқча тафсилотлар баёнига берилмасдан, гапнинг индаллосини айтиб қўя қолади. Бу жиҳат Нодира ижодининг ўзига хос томонларидан бири саналади. Яъни асарга кириш қисми сифатида бирор бир масалани узоқдан олиб келиб ўтирмайди, кўнглидаги фикрини қандай бўлса бориша, очик-ойдин айтиб қўя қолади. Шоиранинг лирик “мен”и Аллоҳ ва инсон куйчиси сифатида намоён бўлади. “*Мен янглиғ*” радифли ғазали таҳлили мисолида бунинг ёрқин намунасини кўриш мумкин:

*Мусибат ичра ким бўлди паришонҳол мен янглиғ,*

*Ким ўлди меҳнату кулфат аро помол мен янглиғ.*

Ғазалининг матлаъсиданоқ, шоира риторик сўроқ гап билан мурожаат этиб, мусибатда қолганини ва бу мусибат шу қадар ҳадди аълосига етгани, ошиқ каби ҳеч ким бу даражадаги кулфату заҳматларни тортмаганлигини изҳор этади. Ва ғазалининг шу тарзда бошланиши, ошиқ нима сабабдан

<sup>1</sup> Эшонкулова С. Нодиранинг лингвопоэтик маҳорати. –Т.: Vneshinvestprom, 2022. –Б. 50-51.

<sup>2</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1980. –Б. 252.

бунчалар арзи ҳол қилаётгани ўқувчи диққатини тортиши табиий. Шоиранинг ҳис-туйғуси ўзига хос тарзда намоён бўлган. Шоира лирикасини ўрганиш асносида, унинг ғазалларида ҳар қандай мушкулот бошга тушганда ҳам, аввало, сабр қилиш жоизлигини, тақдирнинг ҳақ эканлигини ўзининг лирикаси орқали бот-бот уқтираётган ижодкор нима сабабдан ушбу ғазалда дабдурустдан шикоятланиб қолди? – деган ўринли савол туғилади ўқувчида. “Энди (менинг ишим) чиройли сабр қилмоқдир. Сизлар сўзлаётган бу нарса (айрилиқ-мусибат) устида мадад сўраладиган зот ёлғиз Аллоҳдир”<sup>1</sup>.

Шарқона тарбия олган ижодкорнинг лирик қаҳрамони нима сабабдан жуда тушкун кайфиятда, кийноқда? Ушбу саволларга кейинги байтлар мисолида жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Байт:

*Анингдек мотамимам шаҳсувор ҳасрати бирлан*

*Эмас бахти қаролиғ ичра зулфу хол мен янглиғ.*

Ушбу байтда шоиранинг бирмунча изоҳларидан ошиқ нима учун бу ҳолга тушгани аён бўлади. Яъни ошиқ от устидаги маҳбубини шунчалик соғинганки, унинг висол ҳажрида шунчалик куйганки, назарида шу боис сочу холининг қоралиғи ҳам қисматининг тундлиги олдида ҳеч нарса бўлмай қолган. Худди шу ўринда қайд этиш лозимки, “Лирик асарда дунё ижодчининг ички дунёси орқалигина ўз ифодасини топади... Шунинг учун лирика шоирни ўқувчи билан сирдош қилиб кўяди. Сирдошлик эса ўта яқинликдир”<sup>2</sup>. Шу боис бўлса керак, ҳақиқий ижод аҳли орасида “*ижодкор нигоҳи*” атамаси кўп қўлланилади. Бу нигоҳ оддий халқ кўзи илғамаган тасвирларни ҳам кўра олишга имкон яратади. Сизу бизнинг кундалик ҳаётимизда ҳар куни ишлатадиган жиҳозлардан ажойиб бадиий тасвир воситалари ярата олиш қобилияти ижодкор халқига хос хусусият. Нодиранинг ўша даврларда кенг муомалада бўлган қамишқаламни жонлантириш санъати билан қора либос кийдириши, биз кабилар қамишқаламни оқ қоғоз устида машаққатлар тортиши ва бу меҳнат натижаси

<sup>1</sup> Қурони Карим. Юсуф сураси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Т.: Чўлпон, 1992. –Б. 199.

<sup>2</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1980. –Б. 251.



Ўлароқ қамишнинг қомаги ошиқ қомагидек ингичка бўлиб қолиши тасвири ғоятда нодир топилма ҳисобланади.

*Қуруб жисми, қаро айлаб либосин, тинмайин йиглаб,  
Туганмас меҳнату ғам ичра йўқтур нол мен янглиз.*

Кейинги байтда мантикий тазоддан усталик билан фойдаланилади. Жамшиднинг иқтидори-ю, расо қадди-қомаги ёрига мерос бўлиб қолгани, билъакс бало-ю дард чекишда ҳеч кимнинг ошиқ каби қадди дол бўлмаганини айтади. Байт:

*Қолиб султони олийқаду Жамшид иқтидоридин,  
Бало-у дард чекмоғлиқга кимдур дол мен янглиз.*

Бешинчи байтда ошиқ дўстларга мурожаат этиб, сарғайган юзи ва қизил кўз ёшидан кулмасликларини ўтинади, чунки ошиқ маъшуфининг кўйида шу қадар фиғон чекдики, натижада шу аҳволга тушди.

*Кўруб аҳволими, эй ҳамнишинлар, раҳм этинг, кулмай,  
Сариғ рухсор узраким тўкди ашки ол мен янглиз.*

Олтинчи байтда, яъни мавъиза байтда шоира масалага тасаввуфий нуқтаи назардан ёндашади. Роҳат тортадиган пайтда ғам соқийларининг кўлидан ҳеч ким у каби кўп йўқлик майини тўлғазиб ичмаган. Диний-тасаввуфий таълимотда “маъни аҳли” ҳамда “суврат аҳли” мавжуд<sup>1</sup>. Шу ўринда айтиш керакки, “Маъни аҳли” эгаси бўлганлар кишиларнинг ташқи томонига эмас, балки уларнинг қалбларига, инсоний хислатларга эга эканлигига қарайдиган, “суврат аҳли” эса инсоннинг қай ҳолатда бўлса, шундай асл ҳолатда кўринишига эътибор қаратадиган кишилардир. Тасаввуфда соқий – ориф, май – илоҳий ишқ, фано – йўқлик, жом – кўнгил маъноларида келишини ҳисобга олсак, шоира айтмоқچики, роҳат қилиб яшайдиган бу ўткинчи замонда ҳеч ким мен каби қалбига илоҳий ишқни лиммо-лим жойламаган. Шоира “Майхона – шавқу завқ ва илоҳий маърифат тўлиб тошган комил инсон – орифнинг ботиний дунёси ва руҳи мутлақ

<sup>1</sup> Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Т.: Ёш гвардия, 1987. –Б. 101-102.

манбай”<sup>1</sup> эканлигини яхши билган. Шу боис, ушбу байт орқали маҳбуб – Аллоҳ таоло рамзи, – дейишимиз мумкин.

*Ризо базмида гам соқийларини илгидин доим,  
Фано жомини ким нўш этти моллом мен янглиз.*

Матлаъда қилинган нола-ю афғон оқланади. Ғазал мактаъсида шоира маҳбубининг кўнглидан айро тушиб, машаққату меҳнатда ҳижрон осмонида ёлғиз ой каби қисмат домига тушганлигини ғоятда гўзал тасвирий воситалар билан таъсирли, тушунарли қилиб тасвирлайди. Байт:

*Тушуб айру бу янглиз шоҳи дилжойидин Комила  
Ким ўлди ранжу меҳнат ичра моҳу сол мен янглиз (Н1;205).*

Нодира қаламига мансуб ушбу ғазал аруз вазнининг ҳазажи мусаммани солим баҳрида битилган. Ғазал етти байтдан иборат. Ғазалда форсий ва арабий сўзлардан унумли фойдаланилган. Қофия сифатида “*паршонҳол*”, “*поймол*”, “*хол*”, “*нол*”, “*дол*”, “*ол*”, “*моллом*”, “*моҳу сол*” ва радиф ўрнида “*мен янглиз*” соф туркийча сўз танлаб олинган. Бундай қофия муқайяд қофия бўлиб, тўлиқ қофияланиш саналади. Оҳангдошликни ташкил этаётган “л” товуши равий ҳисобланади.

Барчамизга яхши аёнки, ўттиз ёшида ўз севиқли ёридан айрилган Нодира ижодида бош мавзу ишқ ва ҳижрон. Ишқ тафтини ҳис қилган шоира ёридан айрилиб, чексиз изтироблар ичида қолган ва ўз ички дардларини, ҳижрон изтиробларини ғазаллари силсиласига моҳирона сингдирган. “...Дунё мутлақ руҳ билан инсон орасида, яъни қалб билан “у” орасида ғайр, бегона бир тўсиқ, ўзгалиқдир. Шу каби ошиқ билан маҳбуба орасида парда бўлиб турган жисм, бадан ва унинг эҳтиёжлари ҳам ўзгадир. Шарқ шоирлари асарларида учрайдиган Рақиб – севишганларни ажратиб турувчи шахс шу хусусиятларни ўзида жамлаган образ бўлиб гавдаланади”<sup>2</sup>. Нодира эса рақиб образини тасвирлашда ноанъанавий йўлни танлайди. Яъни шоира севишганларни ажратиб турувчи рақиб – шахс эмас, балки ҳижрон тимсоли

<sup>1</sup> Комилов Н. Тимсоллар тимсоли // Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. –Т: Камалак, 1991. – Б. 101.

<sup>2</sup> Комилов Н. Тимсоллар тимсоли // Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. –Т.: Камалак, 1991. –Б. 103.

унинг лирикасида ёрқин акс этган. Қалб бойлигини эъзозлаган ҳар бир меҳрни дунёларга алишмаган, инсон кўнглини амалу мартабасидан аъло ҳисоблаган шоиранинг мана шундай, яна бир анъанавий етти байтли “Қилдим видо” радифли ғазали ҳижрон-айрилик мавзусига бағишланган ва ҳижрон тимсоли рақиб сифатида намоён бўлиши билан аҳамиятли. Байт:

*Менки тун жонон ила қилдим видо,*

*Гўёким жон ила қилдим видо.*

Ушбу ғазалда ҳам дастлабки байтдан бошлаб ёрдан айрилиш ҳолати тасвирланади. Ошиқ жонон билан, яъни ёр билан видолашишни гўёки жон билан видолашишга қиёслайди. Яъни ошиқ учун, Нодира учун ўз ёридан Амирийдан айрилиш фақатгина ёр билан видолашиш эмас, балки жон билан айрилиш кабидир. Байт:

*Бўлди базми ишратим мотамсаро,*

*Ҳазрати султон ила қилдим видо.*

Иккинчи байтда шоира талмеҳ санъатидан моҳирона фойдаланиб, ёрини Ҳазрати султон дея атаб кетади. Нодира Ҳазрати Султондан, яъни ёрдан айрилишни гўёки хушвақтлик-хурсандчилик вақтининг мотамга айланганига ўхшатиб ўтади. Нодира учун ўз ёри билан ўтган ҳар вақт хушвақтлик-хурсандчилик вақти эди. “Шеърятда ҳаёт, воқелик зарби билан тебранган шоир қалбининг оҳанги ифодаланади”<sup>1</sup> экан, шоира ёри билан бахтиёр эди, аммо тақдир уни ана шу бахт ила видолашишга мажбур қилди. Нодиранинг хушвақтлик вақти мотамга айланди. Байт:

*Хоксору нотавон ўлмаи нетай,*

*Хисрави даврон ила қилдим видо.*

Учинчи байтда ошиқ энди ёрни Хисрави даврон замон подшоҳи дея улуғлайди, бу ўз ёрини Хусрав подшога қиёслаб кетади ва ана шундай Хусравдек ёри билан видолашганини ва бу видолашиш энди Нодирани кучсиз, заиф ҳолга келтирганини айтади. Байт:

---

<sup>1</sup> Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1978. –Б.21.

*Рўзгорим тийрадур ғам шомида,*

*Ул маҳи тобон ила қилдим видо.*

Тўртинчи байтда ошиқ энди ёрни моҳитобон, яъни ойга қиёслаб тасвирлаб кетади. Ёр билан видолашган ошиқнинг рўзгори ғамнинг шомида, яъни ғамнинг, ҳасратнинг қоронғулигида қолганини айтади. Яъни Амирий Нодира ҳаётини ҳар қоронғулигини ой каби ёритиб турган эди. Ёр билан видолашгач эса шоира рўзгори, бору йўғи, бутун борлиғи зулматда, қоронғуликда қолди. Байт:

*Айладим охир бу гулишандин сафар,*

*Лолау райҳон ила қилдим видо.*

Кейинги байтда ёрнинг Аллоҳ томон – бутун борлиқнинг эгаси бўлмиш зот ҳузурига сафар вақти келганлигини, ҳасрат ва армон билан ёри ила видолашганини айтади. Байтда шоира лола-ю райҳон билан видолашганини айтиб, оламнинг гўзал лаҳзаларидан мосуво бўлганини назарда тутди. Байт:

*Комила, куймай нетай ҳижрон куни,*

*Ул шараржавлон ила қилдим видо (Н1;202).*

Сўнгги байтда шоира ёрдан айрилган кунини ҳижрон куни, яъни айрилиқ куни дея атайди ва ул учқун билан видолашганини айтади. Бу байтда ёрини учқун-аланга дея атайди. Сўнгги байтда ёрининг аланга каби ёниқ ва қисқа умр кўрганлигига ишора қилади.

Нодира ушбу ғазалда бир қанча шеърӣ санъатлардан унумли фойдаланганини кўришимиз мумкин. Масалан, дастлабки байтда ёр билан видолашишни жон билан видолашишга ўхшатиб, ташбеҳ шеърӣ санъатидан фойдаланган. “Жон” ва “жонон” сўзлари эса иштиқоқ шеърӣ санъатини келтириб чиқарган. Иккинчи байтда “базм” ва “ишрат” сўзлари таносуб санъатини, “базм” ва “мотам” сўзлари эса тазод санъатини юзага чиқаради. Учинчи байтда эса *хоксор* ва *нотавон* сўзлари таносуб, “*Хисрав*” сўзи эса талмеҳ шеърӣ санъатидан фойдаланилганини кўрсатади. Тўртинчи байтда “*тийра*” ва “*шом*” сўзлари таносуб, “*моҳитобон*” сўзи эса истиора шеърӣ санъатининг қўлланганлигини кўрсатади. Бешинчи байтда “*ҳасрат*” ва

“армон” сўзлари бир уяга мансуб бўлганлиги учун таносуб шеърий санъатини ифодалайди. Олтинчи байтдаги “гулшан лола” ва “райҳон” сўзлари ҳам яна таносуб шеърий санъатидан шоиранинг моҳирона фойдаланганини кўрсатади. Сўнгги байтда шоира ўзига “Комила” дея мурожаат қилиб, нидо шеърий санъатидан, “шараржавлон” дея истиора шеърий санъатидан фойдаланган. Шунингдек, ғазалда “жонон, жон, султон, нотавон, даврон, моҳитобон, армон, райҳон, шараржавлон” сингари сўзлардан кофия сифатида фойдаланилган. Такрорланувчи сўз, равий -“н”, таъсисли ридф -“о”.

Шоира ижодида ҳижрон, айрилиқ мавзуларини ифодаловчи ғазалларни кўплаб учратиш мумкин. “Ишқ ва муҳаббат... маъно-моҳиятига кўра ҳар иккаласи ҳам кўнгилнинг маҳбуб томон кучли иштиёқ билан интилишини англатади<sup>1</sup>. Айрилиқ ошиқ учун оловда ёниш билан баробар экан, бу шоиранинг “Ўтти нашот” ғазалида ўз бадий ифодасини топган. Ғазалда айрилиқда қолган ошиқ қалбининг изтиробларини ифодалайди.

Мумтоз шеъриятимизда лирик қаҳрамон ўз ёрининг ишқ ўтида қалби оловланаётган ошиқ каби доимо ҳазин, куюк тасвирланади. Маҳбуба жамолини кўришга зору мубтало образ сифатида намоён бўлади. Ушбу ғазал ҳам Нодиранинг ошиқона ғазаллар туркумига киради. Унда ошиқ арзи ҳоли баён этилган. Нодира аёл ижодкор бўлганлиги учун ошиқона ғазалларида ёр маҳбубга айланади. Маҳбуб образи орқали турмуш ўртоғи Амир Умархон (Амирий) назарда тутилади. Аммо ғазал чуқурроқ таҳлил қилинса, ёр орқали Аллоҳ ишқи ва унга етишиш маъноларини ҳам кўриш мумкин. Байт:

*Ўтти нашот фурсати, келмади ёрдин хабар,*

*Бўлди кўнгул сўроғида хастау зору дарбадар.*

Мақтаъда ёрдан хабар бўлмаганлиги учун шодланиш, хурсандчилик фурсати ўтиб кетганлиги, кўнгил уни сўроқлайвериш, хор, бечора, дарбадар ҳолига келганлиги сатрлар сатҳида шоира томонидан чиройли ифодаланган. Байтда ёрдан айрилган кўнгилнинг арзи ҳоли баён этилади. Байт:

---

<sup>1</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996. –Б. 49.

*Сарв чаманда бош чекиб гуллар очилса тонг эмас,  
Ваҳ, неча сарви гулбадан қилди бу боздин сафар.*

Ушбу байтда дунё бир чаманга ўхшатилади. Чаманда тик ўсувчи сарв дарахтидан тортиб, турли-туман гуллар очилиб турганидек, зеро бу дунёга ҳам кимдир шоҳ, кимдир ғариб, кимдир ошиқ бўлиб келади. Аммо уларнинг барчаси меҳмондир. Худди чаманга хазон дараги етиб қиш келганидек, бу дунёга ҳам ҳеч ким устун бўла олмайди. Бу байт билан шоира умрнинг ўткинчилигига ишора қилади. Байт:

*Улки замона базмида айлади сарбаланд ўзин,  
Бошдин-оёгин шамдек ўртади, қисса мухтасар.*

Байт мазмунидан кўриниб турибдики, қисқа қилиб тушунтириладиган бўлса, замона базмида ўзини сарбаланд тутган инсон, ўзини бошдан оёқ шамдек ёқиши билан тенгдир. Бунда шоира ўзини камтару хокисор тутиш билан сарбаландликни зид қўйиб тушунтиришга ҳаракат қилмоқда. Байт:

*Васл баҳори гул очар меҳру вафо риёзида,  
Ҳажрида лола баргидек доғ ила қон ўлуб жигар.*

Баҳор – ошиқларнинг васлга етишиш фаслидир. Аини шу фаслда атроф турли гуллар билан қопланади. Шундан келиб чиқиб, шоира васл баҳори ҳақида, унинг келиши учун меҳру вафо риёзатини чекиш лозимлиги борасида сўзламоқда. Меҳр ва вафо машаққатидан васл баҳори гул очганидек, ёрнинг ҳажридан ошиқнинг жигари ҳам қон бўлиб, лола баргидек доғ бўлганлиги айтиб ўтилади. Бунда шоира моҳирона тасвир воситасини қўллайди. Бу орқали шоира ҳусни таълил санъатидан маҳорат билан фойдаланади. Байт:

*Дашти жунун насимидек телба кўнгул хаёл ила  
Топмади сарбасар юруб ёр сўрогидан асар.*

Ушбу байт мазмунан юқоридаги байтнинг давоми бўлиб, шоира ёр кўнгли ҳақида сўз очар экан, ошиқнинг телба кўнгли ёрини сўроқлаб, даштдаги мажнунсифат шамолдек бутун ерни кезиб чиққанини, аммо ёрдан бирор асар топа олмаганидан зорланади. Кўриниб турибдики, бу байтда

зимдан жунун, яъни Мажнун (Қайс)га ишора бор. Ошиқ ўзини ёр хажрида даштларда кезиб юрган Мажнунга қиёслайди. Байт:

*Дарди дилингни, эй кўнгул, сўрғоли келса ёр ити,  
Кўй жигарингни олига, хайри таоми моҳазар.*

Бу байтда лирик қаҳрамон кўнглига мурожаат қилади. Эй кўнгил, агар дилингдаги дардинг нима деб, ёрнинг ўзи эмас, ити сўроқлаб келса ҳам, қон билан тўлган жигарингни таом қилиб тайёрлаб, унинг олдига кўй. Чунки ошиқ учун ёрнинг ити ҳам азиздир. У рисоладагидек мезбон бўлиши керак. Бунинг учун эса ошиқ жигари энг яхши таомдир. Негаки, ёри уни сўроқлаб келмагач, хажрдан қон билан тўлган жигарининг кимга ҳам кераги бор, – дея шоира нола қилади. Байт:

*Гарчи фироқ дардидин бўйла низор ўлмишам,  
Комила ҳоли зорима солмади ёр бир назар (Н1;138).*

Мақтаъда ҳам ошиқ арзи ҳол қилади. Ёр фироқи дардидан озиб, ўлар ҳолга етса ҳам, ўз ҳоли зорига бирор марта назар ҳам солмади, – дея надомат чекади. Демак, ошиқ ўз маҳбуби ишқида қанча азобу уқубатлар чекмасин, ёрга бунинг қизиғи ҳам йўқ. Ёр хажрида ўртанаётган ошиқнинг эса ўз дардини сўзлаб, маҳбубидан арз қилишдан ўзга иложи ҳам йўқлиги кўнгли пора ошиқ томонидан очиқланади. Ғазалда ошиқнинг маҳбубдан чеккан жафоси, озорлари шоира лирик қаҳрамонининг қисмати даражасига кўтарилган.

Ғазал анъанавий етти байтдан иборат бўлиб, бадий бўёқдор байтлар тузилган. Ғазалда “дарбадар, сафар, мухтасар, жигар, асар, моҳазар, назар” сўзлари қофияга олинган. Ғазал қофияси муқайяд қофия ҳисобланади. Қофиядош сўзлардаги равий товуш “р” ҳисобланади. Радифдан олдин келган ридф товуш эса “а” товуши ҳисобланади. Ғазал қофияси муқайяд бўлганлиги сабабли унда таъсис ҳарф қўлланмаган. Шунингдек, “...мумтоз шеърият поэтикаси вазн ва қофия билан бир қаторда, бадий тасвир воситалари

уйғунлигида шаклланади<sup>1</sup> – экан, ғазалда таносуб санъатидан шоира бир неча ўринда унумли фойдаланганини кўриш мумкин: “хаста, зор, дарбадар”, “сарв, чаман, гул, боз”, “меҳру, вафо, ҳажр”, “гул, риёз, лола барги”, “жигар, қон”, “дард, дил, кўнгул”, “фироқ дард, низор” каби. Шунингдек, ташбеҳ санъатидан ҳам “шамдек”, “лола баргидек”, “дашти жунун насимидек” маҳорат билан фойдаланганини кўришимиз мумкин. Ғазалда истиора санъати “сарви гулбадан”, “васл баҳори”, “телба кўнгул”, “ҳоли зорим” каби сўзларнинг қўлланишида ифодаланса, “кўнгулнинг ёрни сўроқлаши”, “кўнгулнинг ёрни излаб юриши”, “сурғоли келса ёр ити” каби ибораларда ташхис санъати, “ваҳ”, “эй кўнгул” сўзлари орқали нидо санъати, “сарбасар юруб”, “жигарини таом қилиб қўйиши” сўзлари орқали муболаға санъати, “Комила” илтифот санъатидан фойдаланилган. Ва айтиш мумкинки, байтда ёр-махбубдан арзи ҳол баён қилиш бўлиб, каломи жомий санъати қўлланган.

Комила тахаллуси билан яратилган “Йўх” радифли ғазали тасаввуфий характерга эга бўлган ғазаллар типига киради. Ғазалда маҳбуба тасвири, унинг тенгсиз жамолини тасвирлаш асосида комилликка эришиш йўли, унинг қийинчиликлари ҳақида сўз боради. Аллоҳ файзини ҳис этишдек бахтга сазовор бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермаслиги ғазал моҳиятига сингдириб юборилган. Байт:

*Ёр керак ошиқа, менда севар ёр йўх*

*Дарду ғамим беадад, сўргали ғамхор йўх.*

Ғазалнинг матлаъсида ошиқа ёр керак, менда эса севар ёр йўк, дардим ададсиз, уни сўргани ғамхўрим йўк, – дея шоира ҳақиқий ёрдан фироқда яшаётганини тасвирлайди. Инсон ҳамиша ҳақиқий ёр бўлган Аллоҳга етишишга интилиб яшаши лозим. Билъакс, “Лирик қаҳрамоннинг маъшук жамолини кўриш ҳақидаги гапи илоҳнинг айнан жамоли ҳақида эмас, балки қалби шубҳа-гумонлардан покланиб, ваҳдат йўлига кирган, доим ҳусни

---

<sup>1</sup> Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. –Т.: Зарқалам, 2006; Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Т.: Шарқ, 2001.



мутлакни кўриш иштиёкида ёнадиган, ўртанадиган ошиқнинг эътирофлари ҳақидадир. Зотан, шариат ва тариқатга оид кўпгина китобларда Аллоҳ зоти ва сифати ҳар бир кишининг руҳий ва ахлоқий камолотига қараб, у ёки бу даражада мушоҳада-мукошафа этилади. Уларда ҳақиқий дийдор охиратда кўрсатилади, – дейилади”<sup>1</sup>. Шоира айнан шунга ишора қилиб, ёрдан айро эканлигини, бу йўлдаги қийинчиликлар, ғам-андухларни айтиш учун бир ғамхўри ҳам йўқ эканлигидан надомат чекмоқда.

*То абад обод ўла шахри фано кўчаси,  
Жаннат эрур ошиқа андаки озор йўх.*

Қачонки ошиққа озори йўқ макон насиб этса, ҳатто фоний дунё кўчалари ҳам абадий ободликка эришади. Ғазал матнидан аён бўлмоқдаки, ушбу байтда бу дунёнинг абадий эмаслиги, ҳақиқий бахт Аллоҳ васлига эришиш мумкин бўлган, озори бўлмаган маконга етишиш эканлиги тилга олинмоқда. Моҳиятан, шоира бу фоний дунёнинг, унда вақтинчалик бўлган хурсандчиликларнинг аҳамиятсиз нарса эканлигини, комилликка эришиш билан ҳақиқий ёрга етишиш мумкинлигини уқтирмоқда. Кейинги мисраларда юқоридаги қарашлар тадрижий ривожлантирилган.

*Бўлди хаёлинг била кўнглим уйи дилкушо  
Келки, бу вайронада сояи девор йўх.*

Хаёлинг билан кўнглим обод бўлди, келгин. Бу вайронада девор сояси йўқ, – дея ёрдан айрилиқда қийналаётган лирик қаҳрамон энди ёр хаёли билан чекланиб, шундан ҳам хурсанд бўлмоқда. Юрагида ёр хаёлидан бошқа ҳеч нарса йўқлиги маҳзун мисраларда тасвир этилмоқда. Яна бир жиҳатга эътибор бериш лозим, шоира “кўнгул”ни вайронага қиёс этмоқда. Унинг юраги айрилиқдан азобланган ва вайрон бўлган. Шу билан бир қаторда, у ерда бирор инсон қораси ҳам йўқ. Бундан англаш жоизки, юракни ҳар қандай дунёвий истаклардан, ёлғончи туйғулардан халос этсагина инсон ўзлигини англаши мумкин экан. Мисрадаги сўзлардан лирик қаҳрамоннинг ўзига хос соддалиги, самимияти яққол кўзга ташланади.

---

<sup>1</sup> Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. –Т.: Фан, 1995. – Б. 55.

*Маҳфули айём аро мойи айши нишот,*

*Барча муҳайё менга ҳайфки дилдор йўх.*

Базмда менга барча нарса муҳайё. Фақат, афсуски, биргина дилдор етишмайди. Лирик қаҳрамон хурсандчилик асоси бўлган дилдор йўқлигидан афсус-надомат чекади. Учинчи байтда ифодаланган фикр ушбу байтда изоҳланади, тўлдирилади. Базмда лирик қаҳрамонга ҳамма нарса муҳайё бўлса-да, юрагига ҳеч нарса сиғмайди. Бунинг сабаби эса бахт асоси бўлган ёр бу базмда эмас. Кенгроқ таҳлил қилинса, байтдан қуйидаги мазмун англашилади: Алдамчи хурсандчиликларга тўла ҳаётда инсон ўзлигини англасагина, Аллоҳ азза ва жалланинг жамолини кўришга муяссар бўлади. Байт:

*Ғунчау гул тенг эмас лаълинг ила оғзинга*

*Гулда шакар хандау ғунчада ғуфтор йўх.*

Ғунча ва гул сенинг лабини ҳамда оғзинга тенг эмас, гулда шакар ханда, яъни кулгу, ғунчада сўз йўқ. Ушбу байтда ёр жамоли тасвири чиройли мисраларда истифода этилганини кўриш мумкин. Унинг тенгсиз хуснининг ўхшаши йўқдир. Ғўзал ёрни гулу ғунчага қиёс этиш мумтоз адабиётда кенг қўлланилади. Шоира бу ўринда маҳбубнинг хуснига уларни ҳам тенг кўрмайди.

*Ўтса хиром айлабон жилва била чобукум*

*Етмас анинг қаддига сарвда рафтор йўх.*

Ул шўх жилва билан хиром айлаб ўтса, унинг қаддига сарв тенглаша олмайди, чунки у юра олмайди. Муболағали тасвир яна давом этади. Энди шоира ёрнинг қаддини сарвга қиёс этиб, шу билан бирга сарвнинг хиром этиб юра олмаслигини сабаб қилади. Уни ёр қаддидан паст кўради. Тасвирлардаги ҳар бир сабаб шундай танланганки, уни рад этишнинг иложи йўқ.

*Элга не тонг айласа оҳу фигоним асар*

*Менга бу кун, Комила, ёрдин осор йўх (Н1;109).*

Элга менинг оху фиғоним таъсир қилиши ажаб эмас, чунки эй Комила, ёримдан белги ҳам йўқ. Мақтаъда ижодкор тасвирлашлардан чекиниб, бирданига фироқ азоби ҳақидаги арзини давом эттиради. Лирик қаҳрамон дарди шунчалик кучлики, уни ҳар қандай одам сезади. Чунки унинг ёридан хали ҳануз нишон йўқ. Умуман, ғазал ҳижрон дардини куйловчи ғазалдир.

Ушбу ғазалда “*ёр, гамхор, озор, девор, дилдор, гуфтор, рафтор, осор*” сўзлари қофияга олинган бўлиб, мурдаф қофиядир. Равий – “р”, ридф – “о”. Маҳбубни тараннум этиш учун шоира турли шеърий санъатлардан фойдаланган. Айниқса, таносуб санъатидан “*дард, гам, гамхор*”, “*ёр, ошиқ*”, “*вайрона, девор*”, “*айш, нишот, базм*”, “*гунча, гул, лаъл, огиз*”, “*қад, сарв*”, “*оху фиғон*” сўзлари орқали ўринли фойдаланган. Бундан ташқари, истиора санъати “*шаҳри фано*”, “*кўнглим уйи, сояйи девор*”, “*маҳфили айём, мойи айши нишот*”, тазод санъати “*абад - фано*”, маъновий тазод “*ҳамма муҳайё, аммо дилдор йўқ*”, илтифот санъати “*Комила*” мурожаати билан берилган.

Нодира лирикасини кузатар эканмиз “... уларда барча ижодкорлар асарларида бўлгани сингари ўз шеърларига биров вақт ўтиб таҳрир ва ўзгартиришлар киритганлиги билинади. Алишер Навоий шеърятдаги ана шундай таҳрирлар юзасидан тадқиқот олиб борган Б.Саримсоқов таъкидлаганидек, Навоий ўз асарларига муайян вақт ўтгандан кейин ўзгариш киритиши байтлараро поэтик фикр узвийлигини таъминлашга қаратилган. Шарқ адабиётида бундай тадрижийлик таҳаллус санъати деб аталган. Қайс Розий Ал-мўъжам... (“Ал-мўъжам фи маъойири ашъор-ил-ажам”-С.Э.) номли асарида таҳаллус қасида ва ғазал байтларининг биридан иккинчисига ҳам фикрий юксалиш, ҳам вазний узвийлик, ҳам оҳанг вобасталигида, ҳам қофия мутаносиблигида ҳеч қандай қурсиз ўтилишидан иборат”, – деб таъриф берадилар<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Кўрсатилган манба, кўрсатилган бет. Шунингдек, қаранг: Шамси Қайси Розий. Ал-мўъжам. – Душанбе: Адиб, 1991. – Саҳ. 325-328.

Юқорида зикр қилинганидек, Нодира ҳам ўз асарларини таҳрир қилиб, айрим ўзгартиришлар киритган. Бундай ўзгаришлар улуғ салафи Навоий сингари ўз асарларининг байтлараро фикр узвийлиги, бадиий баркамоллигига эришиш учун амалга оширилган. Шоиранинг тарихий шахслар образи бадиий талқин қилинган шеърлари ҳам ана шундай таҳрирга учраганини таъкидлаш керак. Нодира девонлари кўлёмаларини қиёслаш натижалари ҳам бу фикрни тасдиқлайди”<sup>1</sup>. Шоиранинг ғазалларида мавзу ва образлар олами ранг-баранг жилоларга эгаллиги билан тарбиявий қимматга моликлигининг шоҳиди бўламиз.

Ҳар қандай ижодкорнинг адабиёт тарихида тутган ўрни ва сўз санъати тараққиётига қўшган ҳиссасини аниқлаш, биринчи навбатда, унинг бетакрор ва ўзига хос услуби масаласини чуқур ўрганишни тақозо қилади. Ижодкорнинг бадиий маҳоратини ва ижодий муваффақиятини тўлиқ англаш учун унинг эстетик тамойилларини аниқлаш керак. Нодира ижодининг ошиқона, орифона, ахлоқий-маърифий, ҳамд, наът ва муножот ҳамда реалистик ифодалар акс этган ғазаллари шоиранинг ўз дунёси ҳамда ўткир қалами мисолида ўрганилганда уларда илгари сурилган ғоялар янада ёрқинроқ намоён бўлади. Нодиранинг новаторлиги шундаки, унинг шеърлятида реалистик ифодалар ёрқин акс этганидир.

“Фасоҳат ва балоғат бобида нодир ва сўз риштасига маоний жавоҳирин назм этарга қодир”<sup>2</sup>лик шоира ижодига хос бўлиб, “...зиллол чашмани биллур сувларсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидек, шеърлий девонни ҳам ғазалсиз кўз олдида келтириш амри маҳол”<sup>3</sup>. Нодира ғазалларининг асосий мазмун-моҳиятини ёниқ ишқ–муҳаббат ғояси ташкил этади. Алалхусус, Нодиранинг ёниқ лирикасида мумтоз ғазалчилигимизнинг умуминсоний қадриятлари: яхшилик, элпарварлик, одамийлик, маърифатпарварлик каби мавзулар етакчилик қилади. Нодиранинг адабий мероси ўз ғоявий-бадиий жиҳатидан хилма-хил шеърлят намунаси ҳисобланади. Шоиранинг

<sup>1</sup> Эшонқулова С. Тарихий шахс сиймоси ва бадиият (Нодира шеърляти мисолида). –Т.: Мумтоз сўз, –Б.89.

<sup>2</sup> Огаҳий М. Зубдат ут-таворих. –Т.: Ўзбекистон. 2009. – Б. 3.

<sup>3</sup> Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 356.

замондоши Абдунаби Хотифнинг Нодира ҳақидаги: “оқила, фаҳмли, илм ва сўзнинг қадрига етадиган донишманд аёл”<sup>1</sup>, – деган самимий таърифлари юқоридаги фикримизни айнан асослайди.

Нодира лирик асарлари таҳлили шуни кўрсатадики, шоира уларда ғоявий-бадий яхлитликка ва мукамалликка интилди. Матлаъда билдирилган фикрни ғазал сўнггигача тизимли давом эттирди. Бошлама мисрада айтилган ғояни байтма-байт чуқурлаштириб, далиллаб борди ва салмоқли умумлашма билан яқунлашга ҳаракат қилди. Хуллас, шоира салафлари анъаналарини муносиб давом эттириб, шу билан бирга шеърий санъатларни моҳирона намоиш қилиб, ўз услубига эга бўлди. Масалан, шоиранинг “*Келакўр*” ғазали Нодира ижодида ўзига хос ўринга эга бўлиб, мавзу жиҳатидан ошиқона ғазал ҳисобланади. Шоира ижодининг ҳам салмоқли қисмини ошиқона ғазаллар ташкил қилади, – десак хато бўлмайди. Негаки, Нодира шеъриятида севиқли ёри Амир Умархон (Амирий) ўзига хос ўрин тутди. Ғазал саккиз байтдан иборат. Арузнинг рамали мусаммани маҳзуфида ёзилган. Тактеъси куйидагича: -V--/-V--/-V--/-V-. Қофиядош сўзлари: “*ёр*”, “*баҳор*”, “*қарор*”, “*шаҳсувор*”, “*узор*”, “*йўқ-у бор*”, “*нагор*”, “*шиор*” кабилар. “Р” товуши равий. “о” товуши ридфдир. “И” товуши эса васл ҳарф ҳисобланади. Ғазал қофияси – мутлақ қофия ҳисобланади.

Нодира ғазалларини таҳлил қилишда маҳбуб тасвири орқали илоҳий ишққа, яъни Аллоҳ васлига етиш ҳам назарда тутилганини сезиш қийин эмас. Ошиқона ғазалларда маҳбуба мадҳи ёки ошиқ арзи ҳоли ёхуд ҳар иккаласи бирга таърифланади. Нодиранинг ушбу “*Келакўр*” радифли ғазалида ҳам ошиқ арзи ҳоли ўз аксини топган.

*Ошиқинг ўлди гаму дард ила ёрим, келакўр,*

*Боғу айшимга хазон етди баҳорим, келакўр.*

Матлаъда ошиқ ёрига мурожат қилади ва ўзининг аҳволи ҳақида баён қилиб, ғам ва дард ила ўлар ҳолга келганини, хазон каби ҳаётига баҳор бўлиб келишини сўрайди. Чунки муҳаббат инсон учун берилган бебаҳо бойликки,

<sup>1</sup> Абдунаби Хотиф. <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/nodira/>

бу ҳароратли ишқ инсонни фақат яхшиликка, эзгуликка чорлайди. Ушбу байт орқали ёр ҳажрида адо бўлаётган ошиқ портрети маҳорат билан чизилади.

“... Нодира ғазалларида ишлатилган поэтик тасвир усуллари асос эътибори билан лирик қаҳрамоннинг ички туйғулари, руҳий ҳолати, кечираётган дарду ҳасратлари, ишқ азобларига муносабати, висол онларини орзу қилиб кечираётган дамларининг нечоғли азобли, гўёки туганмайдигандек қилиб тасвирлашга, умуман олганда, инсоннинг субъектив ҳаётининг характерли манзараларини очишга хизмат эттирилган. Шоира ўз асарларида теран фалсафий фикрлар ифодаланишига ҳаракат қилар экан, бадииятдаги назмий кўп маъноликни юзага чиқарувчи санъатларни ҳам унутмайди”<sup>1</sup>.

“*Келакўр*” радифли ғазалининг ушбу байтида ҳам шоира “*ғам*”, “*дард*” сўзлари орқали таносуб, “*ҳазон*” ва “*баҳор*” сўзлари орқали эса қаршилангириш, яъни тазод, “*ҳаётим боғи*” сўзлари билан истиора санъатини юзага келтирган. Байт:

*Тобакай хажрингга тоқат қилиб ором тутай,*

*Қолмади эмди мани сабру қарорим, келакўр.*

Иккинчи байт ҳам юқоридаги байтнинг давоми бўлиб, ошиқ айрилликқа тоқат қилиш учун сабру-қарори қолмаганини, “*Бу азоблардан қачон ором тутаман?*”, – дея арзи ҳол қилади. Лирик қаҳрамон маҳбубига аҳволининг ёмонлигидан шикоят қилиб, ёри уни келиб кўришини сўрайди. Чунки ошиқ жисми ёрнинг ўтлуғ жамол ҳароратидан, яъни ҳажридан ёр ишқида куйган. Муҳаббати машъали бўлган бу ишқ эгаси, унинг учун бор-йўғи, ишонган суюнчиқ яғонаси, яъни ошиқ учун идеал. Шу боис лирик қаҳрамон қадрлиги бўлган идеалига талпинади. Байтдаги “*ҳажр*”, “*сабру қарор*” – таносуб санъати намунаси дир. Байт:

*Аёгинг туфроғина бош қўюбон ҳар соат,*

---

<sup>1</sup>Эшонқулова С. Нодира шеърларида тарихий образлар талқини. фил. фан. ном. (PhD) ... диссертацияси. –Т., 2011. – Б. 115.

*Ўргулай сендин аё шахсуворим, келакўр.*

Ушбу байтда шоира ёри учун ҳар нарсага тайёр ошиқ тасвирини гавдалантиради. Ошиқ маҳбубининг оёқ остидаги тупроғига ҳар соат бош қўйишдан ҳам толмайди. Ёрига “Эй шахсуворим сендан ўргилай” дея мурожаат қилади. Нодиранинг бошқа ғазалларида ҳам “шахсувор” сўзи кўп қўлланилади. “*Фигонимки гардиши даврон айирди шахсуворимдин*” матлаъли ғазали ҳам шу жумладандир. Бу сўз “*от минишга маҳоратли, отга ярашган*” деган маъноларни англатади. Бундан кўринадики, шоира ўз Амирийсини шундай сифатлар билан таърифласа ажаб эмас. Байтда “*оёқ*” ва “*бош*” сўзлари – тазод, “*оёқ тупроғига ҳар соат бош қўйиш*” – муболаға, “*эй шахсуворим*” – нидо санъатидир. Байт:

*Кеча васлингни кўрай, кундузи дийдорингни,*

*Сен эрусен ҳаваси лайлу наҳорим, келакўр.*

Ушбу байтда шоира “*кеча*” ва “*кундуз*” сўзларидан фойдаланиб ажойиб сифатлашни вужудга келтиради. Ошиқ ёрига дийдорингга етишай, – дейди. Бу билан ошиқ маҳбубини доимо ёнида бўлишини истайди. Тун иштиёқ билан наҳорга интилгани сари мен ҳам сенга интиламан. Сен ҳам келиб ҳолимни кўр, –дея хитоб қилади. Ошиқ ўзини тунга, ёрини эса наҳорга менгзайди. Байтда “*кеча–кундуз*”, “*лайл–наҳор*” – тазод, “*дийдор*” ва “*васл*” – таносубдир. Байт:

*Меҳру дийдоринг учун кўз нигорон, жон муштоқ,*

*Зинҳор , эй санами лола узорим, келакўр.*

Ушбу байтда ҳам ошиқ арзи ҳоли баён этилади. Юқоридаги байтларда ошиқ ўз маҳбубига турли ундалмалар билан мурожаат қилган бўлса, ушбу байтда ҳам ёр “*лола юзли*” дея таърифланади. Лола юзли ёрнинг меҳрли дийдори учун ошиқ кўзи нигор, жони эса унинг ҳажрида муштоқ, интизор бўлганлиги таърифланади. Ёрдан яна келиб кўриш сўралади. “*Юз*” илоҳий гўзаллик рамзидир. Айни шу байт орқали ишқи илоҳийга ҳам ишора бор. Ошиқнинг лола узорли маҳбуби тасвирида Аллоҳ жилваланган бўлса ажаб

эмас. Худди Мажнун ўз Лайлисига интилгани сингари. Байтдаги “эй санам” –нидо, “лола узор”, “меҳру дийдор” – истиора санъатидир. Байт:

*Жону дил, ҳушу хирад барча сенинг қурбонинг,  
Хоки пойингга фидодур йўқу борим келакўр.*

Ҳижрондан қийналаётган ошиқ энди батамом ўзини ёри учун фидо қилишга тайёр. Ошиқ “жони, дили, ақли, ҳуши” – барчасини маҳбуби учун қурбон қилишга тайёр. Ҳатто бор-будини ошиқ оёқлари остига ташлашга тайёр. Юқоридаги байтларда ошиқ маҳбубининг оёқ остидаги тупроғига бош кўйишга тайёр бўлса, хусусан, учинчи байтда энди худди шу тупроқ учун бор-йўғини фидо қилмоқчи. Маҳбубдан эса фақат бир талаб – ошиғини бориб кўриши лозим. Байтнинг тасаввуфий маъносида эса Ҳаққа етишиш учун ҳатто ўзидан кечмоқчи. Бор-йўғини Аллоҳ васли учун фидо қилишга тайёр. Байтдаги “жону дил”, “хушу хирад” – таносуб санъатидир. Шоира фикр таъсирчанлигига “хоки пойингга фидодур йўқу борим” муболаға санъатидан ўринли фойдаланиш орқали эришган. Байт:

*Хажру ғам хонасида дарду фироқингни чекиб  
Сенсизин ҳолим хароб ўлди нигорим, келакўр.*

Ёрдан хабар бўлмагач, ошиқ айрилиқ ва ғам хонасида дард ва фироқ чекади. Ошиқнинг ҳоли эса хароб. Байтдаги “ғам хона” ибораси “Юсуф” қиссаси<sup>1</sup>даги Ёқуб пайғамбарнинг “ғам уйи – байт ул-ҳазан”ни эслатади. Ўғлидан хабар бўлмагач, Ёқуб пайғамбар ҳам ўғли Юсуф доғида ғамга ботади. Ошиқ ҳам гўзал суратли ёрининг келишига муштоқ. Байтдаги “ҳажру ғам хонаси” – истиора, “ҳажр”, “ғам”, “дард”, “фироқ” – таносуб, “сенсизин ҳолим хароб ўлди” – муболаға санъатидир. Байт:

*Комила ёд қилур гулшани васлингни мудом,  
Раҳм этиб, ҳол сўраб, зулм шиорим, келакўр (Н1;141).*

---

<sup>1</sup>Қуръони Карим. Алоуддин Мансур таржимаси. –Т.: Чўлпон, 1992. –Б.235-249. (Қуръони Каримда Юсуф алайҳиссаломнинг исмлари 26 марта келган. Шундан 24 таси “Юсуф” сурасида, бир марта “Анъом”да ва яна бир марта “Мўмин” сурасида. Юсуф сураси битта қиссани аввалидан охиригача, бошқа нарсаларни аралаштирмай ҳикоя қилган ягона сурадир).



Мақтада шоира ўз тахаллусига мурожаат қилади. Комила гулшандек васлингни доимо ёдида сақлайди. Зулмни ўзига шиор қилганим (“зулмшиорим”) раҳм этиб, ҳолимни сўраб, келиб кўр. Ошиқ юқоридаги байтларда ёрини гўзал сифатларда таърифлаган бўлса, ғазал сўнгида унга, зулмкорим, – дея таъриф беради. Негаки, ёр лирик қаҳрамоннинг мурожаатларига жавоб қайтармайди. Эътибор бермайди. Ҳол сўраб бирор марта келмайди. Шу сабабдан ҳам унга “зулмни шиор қилувчи” деб қаралади. Аммо ошиқ ёридан умидвор. Шу сабабдан ҳам унинг васлини доимо ёд этади. Раҳм этиб, бир келиб кўришини истайди. Ғазал ошиқона руҳда ёзилган бўлиб, илоҳий ишқ, Аллоҳ васлини куйлаш ҳам унинг мазмун-моҳиятига сингдирилган. Байтдаги “гулшани васлингни” – истиора, “зулм шиорим”, “Комила” – илтифот санъатидир.

Нодиранинг “Қилди ёр” радибли ғазали қофияланиш жиҳатидан мусалсал қофияланган бўлиб, байтлар занжир усулида бир-бири билан : *а-а*, *б-а*, *д-а*, *ф-а*, *г-а*, *ҳ-а*, *в-а*, *э-а*, *и-а* тарзида қофияланган. Радиф эса “қилди ёр” мураккаб сўз билан ифодаланган. Ғазалдаги қофияланувчи сўзлар: “*мурувват, улфат, суҳбат, одат, ҳидоят, зироат, аморат, горат, истиқомат, шафоат*” сўзларидир. Бу сўзларнинг барчаси арабча сўзлардир. Қофиядош сўзлар таркибидаги – “т” ундоши равий бўлиб келган, ридф эса – а унлиси ҳисобланади (равийдан олдин келувчи унли ҳарф - ридф). Ғазалда унли ва ундош товушлар нисбати муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ғазалнинг мусиқийлигини, жозибасини таъминловчи қофия ва радифнинг ҳамоҳанглигидир. Шоира ғазалларида шу ҳолатни эътиборга олинганлигини кўришимиз мумкин.

*Войким, тарки мурувват қилди ёр,  
Ёрлардин қатъи улфат қилди ёр.  
Қон ютунг, эй хаста дил, ушшоқлар,  
Ғайр бирла тарҳи суҳбат қилди ёр.  
Шишаи майдек кўнгулни қон этинг,  
Бода ичмак бирла одат қилди ёр.*

*Менга тарғиби муҳаббат айлади,  
Ким бу гумраҳни ҳидоят қилди ёр.  
Тарқатиб меҳру муҳаббат тухмини,  
Мазраъи дилни зироат қилди ёр.  
Айлабон эҳё кўнгул вайронасин  
Доғлар қўйди, аморат қилди ёр.  
Ишқ аро ўздин сабукбор ўлмишам,  
Ҳар на ким бор эрди зорат қилди ёр.  
Бўлмишам оввораи дашти жунун,  
То кўнгулда истиқомат қилди ёр.  
Дўзах эрди ҳажр азоби Комила,  
Бизни ул ўтдин шафоат қилди ёр (Н1;162).*

Нодиранинг мазкур “Қилди ёр” радибли ғазали орифона ғазал бўлиб, бу ғазалда ёр сўзи Аллоҳ маъносида ифодаланган. Ғазал тўққиз байтдан иборат. Ғазалнинг матлаъсидан тўртинчи байтгача тўғри йўлга тушиб олишгача бўлган вақти, масалан, матлаъда ошиқ ёрининг уни тарк этганини надомат билан ифодалаб, ундан кечиб бошқаларни ўзига суҳбатдош қилиб олганини ифодалаган. Иккинчи байтда энди ғам билан бирга қон ҳам ютган, хаста бўлган ошиқлар энди ёр бегоналар билан гаплашишнинг ҳам режасини тузди, демоқда. Учинчи байтда худди майнинг шишасидек кўнгулни ҳам шундай тўлдилинг, яъни май билан тўлган шиша қандай бўлса менинг кўнглимни ҳам шундай ишқ билан тўлдилинг демоқда. Тўртинчи, бешинчи байтларда ёр буткул ўзгарди, у энди муҳаббат томон ундади. Бундан ҳайрон бўлган маҳбуба ким буни бундай тўғри йўлга ундади, – деб ҳайратланмоқда. Кейинги байтда энди ёр меҳру-муҳаббат уруғларини ҳар томонга тарқатиб, гўёки деҳқон мисоли экин майдонига мана шу уруғларни экиб, деҳқончилик қилмоқда. Байтда ёр – вайрон бўлган кўнгулни қайтадан обод қилувчи, яратувчи иморатчига ўхшатишмоқда. Бегона байтда маҳбуб ошиқлик саҳросида ёрни қидириб, сарсону саргардон бўлиб, кезиб юргани айтилади. Аслида эса ёр доимо қалбда, кўнгилда эканлиги ифодаланган. Энди мақтаъда

тасаввуф оламидаги “*ваҳдат ул-вужуд*” ҳодисаси юз беради. У шунча пайтдан бери ҳижрон азоби билан дард чекиб юрарди. Энди булар охирига етди, яъни тугади, чунки Комила деб тахаллус қўйилишининг ўзи ҳам уни ишқда комилликка эришганини ифодаламақда. У шунча азоб ортидан Аллоҳ васлига эришганини охирги мисрада англашимиз мумкин.

Ғазалнинг матлабсида “*войким*” – илтифот санъати қўлланилган. Нодира ғазалларида “*Ажсам шуароси*” – ташбих, истиора, киноя янглиғ энг машҳур ва кўп учраб турғон зотий гўзалликларни оразий гўзалликлар билан қўшубтурлар...”<sup>1</sup>, яъни шоира, иккинчи байтда шоира “*қон ютинг*” – муболаға (ғулу), “*эй*” – нидо, “*хаста дил*” – истиора, “*қон*”, “*хаста*” сўзлари таносуб санъатини вужудга келтирган. Учинчи байтда “*майдек кўнгул*” – ташбеҳ, “*май*”, “*кўнгул*”, “*бода*” сўзлари таносуб санъатидир. Тўртинчи байтдаги “*ҳидоят*” сўзи ҳам юқоридаги сўзлар қаторида таносуб, бешинчи байтда “*меҳр-муҳаббат уруғи*” – истиора, уни тарқатиш муболаға, олтинчи байтда кўнгулни азоб чеккан жойини тирилтириш бу муболаға, кейинги байтда “*ишқ*”, “*ёр*” сўзлари биргаликда таносуб санъати ҳамда муболаға санъати қўлланилган. Яъни ишқ ичида яшамоқ маъносидан, саккизинчи байт, яъни бегона байтда “*ошиқлик дашти*” – истиора, “*кўнгулда яшамоқ*” – муболаға, “*сарсон-саргардон бўлиш*”, “*бир жойда яшаш*” бу маъновий жиҳатдан тазод, тўққизинчи байт мақтаёда “*дўзах*”, “*азоб*”, “*ҳажр*”, “*ўт*” – булар таносуб санъати, “*азоб*” билан “*шафоат*” сўзлари тазод санъатини келтириб чиқарган.

“*Қилур*” радифли ғазали тўққиз байтдан иборат ошиқона ғазал бўлиб, вазни ўзбек мумтоз адабиёти шеърини учун анъанавий бўлган рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган ғазал ҳисобланади. Тактеъси қуйидагича: - V - - / - V - - / - V - - / - V - . Ғазалда ўзбекча “*қилур*” сўзи радифга олинган ва бу сўз ҳар бир байтнинг мазмунини бошқариб туради. Ғазалнинг қофияланиши ҳам анъанавий а-а, б-а, с-а, д-а каби қофияланган. Қофиядош

<sup>1</sup> Атоуллох Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Форсчадан А.Рустамов таржимаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. –Б. 34.

“аждаҳо” ва “бало” сўзлари биринчи байтда, қолган байтларда эса “қаро, даво, хато, ҳаво, раво, жафо, хино, дуо” каби ўзбекча ва форс-тожикча сўзларидан фойдаланилган. Шу ўринда ғазалдаги “Оҳангдорлик кўпинча ижодкорнинг илҳом лаҳзаларидаги шоирона кайфиятидан, ҳаётни тасвирлаш услубидан келиб чиқади”<sup>1</sup>, – дейиш мумкин.

Ғазал ишқий мавзуда битилган. Унда ҳижрон изтироблари тасвири асосий ўринни эгаллаган. Бунда лирик қаҳрамоннинг дард-у ғамлари турли бадий тасвирлар орқали баён этилган. Ғазалнинг матлаъси бошқа байтлардан икки мисрасининг қофияланиши билан ажралиб туради. Ғазалнинг матлаъсида гап тўғридан тўғри ёрга мурожаат билан бошланади:

*Ёр каманд зулфини қатлима аждаҳо қилур,*

*Жонима жоду кўзлари фитналарин бало қилур.*

Бу мисраларда лирик қаҳрамон гарчи ўзининг ҳолатини ифода этмоқни мақсад этган бўлса-да, бунда барча маҳбубаларга хос вафосизлик, азоб бериш хусусиятлари бир чизик атрофига бирлаштирилади. Ошиқ гарчи ёрининг вафосизлигидан ёзғирса ҳам, унинг учун ҳар нарса қилишга тайёрлиги, вафо кутмаслиги барча ошиқларга хос хислат сифатида образнинг умумлашма эканини кўрсатади. Ёр ўзининг қаро сочларини қатлимга аждаҳо қилур, жонимга эса жоду кўзлари исёнларини бало қилур, – дейди. Байт:

*Зулфу хатинг фироқиға бўлгали мубтало кўнгул,*

*Ҳар кеча дуди оҳдин чарх юзин қаро қилур.*

Ушбу мисраларда гарчи бирор-бир образнинг номи учрамаса-да, маҳбубанинг шўх-шаддод, зарофатли табиатга эга эканлигини англаймиз. Ошиқнинг ҳолати ишқ ўти адо қилганлиги, ҳоли мадори, деярга сўзи қолмагани тасвир этилган. Бу каби ўзига хос характер хусусиятларининг ифода этилиши образнинг туйғуларга таъсирини оширишга хизмат қилади. Яъни кўнгил қаро сочинг айрилиғига мубтало бўлди, ҳар кечадаги оҳимнинг тутунидан дунёнинг юзини ҳам қаро қилур.

---

<sup>1</sup>Шукуров Н., Ҳотамов Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 37.

Лирикани инсон қалбининг таржимони, таржимаи холи десак янглишмаган бўламиз. У инсон қалбига мансуб бўлган ҳис-туйғулар ва кечинмалардан иборат руҳият дунёсининг поэтикасини гавдалантиради. Шоира қалбида кечадиган эврилишлар лирик қаҳрамон тимсолида ёритиб берилади. Шоира лирик қаҳрамонига ҳам чекма ошиқ кўнгил, сайр қил, балки ўшал жон бағишловчи бир куни висол ва айрилиқ дардига учрашиш, кўришиш учун даъво қилур, – дейди. Байт:

*Саҳв ила ёр нарғисин, дема Хўтан ғизолидур,  
Кимки шамъим зулфини мушк деса хато қилур.*

Шоира лирик қаҳрамонига ишқ йўлида хушёр бўлишни, адашиш, янглишиш орқали ёр кўзини Хўтаннинг ғизоли дема, агар кимки хушбўй исли сочимни мушк деса хато қилур, – дея уқтиради. Байт:

*Ул бути шўхи сангдил, йўқтур анинг муруввати,  
Ғайрға кўрсатиб вафо, ошиқига жафо қилур.*

Байт мазмунидан кўриниб турибдики, ошиқ маҳбубадан озорланиб, уни бағритошлиқда айблайди. Бу тош дили шўх санамнинг муруввати йўқ, душманга вафо, ошиғига эса жафо қилади, – дея зорланади. Байт:

*Риштаи жон танобидур итлари бўйнида расан,  
Рахши аёғига бағир қони била хино қилур.*

Шоира байтда муболаға санъатини юқори чўққига чиқара оладики, натижада итларининг бўйнидаги арқон жон риштасининг ўлчовига айланиб, қизил оёғига бағир қони билан хино қўйишгача боради, – дея бўрттиради. Байт:

*Ёрига мағфират тилаб Комила шом то субҳ,  
Сидқ ила ҳақ жанобиға қўл кўтариб дуо қилур (Н1;135).*

Мақтаънинг ҳам ўзига хослиги шундаки, биринчидан, кўпинча унда шоирнинг тахаллуси қўлланади. Иккинчидан эса, мантиқан у асар хулосаси каби янграйди. Нодиранинг ушбу ғазали ҳам юқоридаги икки шартга ҳам жавоб беради. Яъни Комила тахаллусини қўллаган ва охиридаги (“Сидқ ила ҳақ жанобиға қўл кўтариб дуо қилур”) мисраси ғазалнинг умумий хулосаси

каби янграмоқда. Комила ёридан гуноҳларини кечиришни кеча-ю кундуз сўрар, ростгўйлик билан Ҳақ таолога қўл кўтариб дуо қилади.

Ғазал бадий-эстетик жиҳатдан ҳам жуда маҳоратли чиққан. “Адабий асарнинг бадийликка табиат яратган мавжудот ва маҳлуқотлардаги гўзаллик сингаридир. Фарқи шундаки, бадийлик сунъий, яъни инсон яратган гўзалликнинг бир туридир. Лекин сунъий гўзаллик ҳам етук бўлиши учун табиий гўзалликка хос хоссаларга эга бўлиши керак”<sup>1</sup>. Ўзлари яратган асарларнинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан гўзал бўлишини таъминлаш мақсадида амалга ошириш ижодкорлардан балоғат илмини чуқур ўзлаштиришни талаб қилганлигини англаб етган шоира деярли ҳар бир байтда жуда ўринли ва кенг ишлатиладиган бадий муболаға, тазод, талмех, таносуб, каломе жомеъ, ташбеҳ санъатларидан моҳирона фойдалана олган.

Шунингдек, “... ҳар қандай бадий асарнинг қиймати, унинг ғоявий изчиллиги, маърифий ва тарбиявий салмоғи, яъни унинг ижтимоий аҳамияти билан белгиланади. Санъаткор ва солим шинаванда учун мазмун бирламчи, шакл иккиламчидир. Шеърнинг қофияси, вазн ва бошқа шеърӣ санъатлар билан биргаликда унинг шаклини ташкил қилади. Шеърнинг фикрий ва маъновий томони унинг мазмунини ҳосил қилади. Назмӣ асарнинг қофияси қанчалик хушоҳанг бўлмасин, маъносида камчилик бўлса, ундай асар ҳеч қандай қийматга эга бўлмайди”<sup>2</sup>. Шу сабабли ижодкорлардан нафақат мазмунан гўзал, балки шакл жиҳатдан ҳам мутаносиб асарлар яратиш учун яна қуйидаги илмлар, яъни “Илми балоға”, “Илми қофия”, “Илми аруз” каби илмларни чуқур ўзлаштириш талаб қилинган.

Қофия байт охиридаги оҳангдошликни юзага келтирувчи икки ҳар хил сўздан иборат бўлади. Қофия товуш муштарақлигига асосланади. Қофия шеърнинг асосий унсурларидан бири саналади. У шеърӣ асарлар мусиқийлигини, жозибасини таъминлайди. Қофия матнда ярқ этиб кўзга ташланади, эшитилишида ҳам бошқа сўзлардан ажралиб туради. Шунинг

<sup>1</sup> Рустамов А. Юксак маҳорат соҳиби. Адиблар одобидан адаблар. –Т.: 2003. – Б. 45.

<sup>2</sup> Рустамов А. Қофия нима? –Т.: Фан, 1976. –Б.3.

учун шоирлар асарларида асосий фикрни ташувчи сўзларни қофияда беришга ҳаракат қиладилар.

**Қофия** – бир сўз билан юзага чиқмайдиган бадиий ҳодиса. Қофия бўлиши учун икки ва ундан ортиқ оҳангдош сўзлар уйғунлиги бўлиши керак. Улар қофиядош сўзлар дейилади. Оҳангдошликни бу сўзлардаги равий деб аталувчи унли ёки ундош бўлган тиргак товуш ҳосил қилади. Қофиядош сўзларда равий қатъий бир ўринда келади. Равий билан тугалланган қофияларни муқайяд деб, равийдан кейин ҳарфлар келган қофияларни мутлақ қофия деб аташ қабул қилинган. Қофиянинг турлари ҳам мавжуд бўлиб, хат қофия, мукаррар қофия, бош қофия, зулқофиятайн, тажнисли зулқофиятайн, раддул қофия, мураббаъ қофия, муламмаъ қофия, мусалсал қофия каби бир қанча турлари мавжуд.

Нодиранинг “Қилур” радифли ушбу ғазалида ҳам қофиянинг олий намунасини кузатишимиз мумкин. Ғазалда “аждаҳо” ва “бало” қофиядош сўзлари биринчи байтда, қолган байтларда эса “қаро, даво, хато, ҳаво, раво, жафо, хино ва дуо” каби ўзбекча ва форс-тожикча сўзлардан фойдаланилган. “О” товуши равий бўлиб келган.

Нодира ижодда бадиий санъатларни қўллашдан мақсад шунчаки ташқи безак ё жимжимадорлик эмас, аксинча, юксак инсоний фазилатларини бўрттириб кўрсатишда, лирик қаҳрамон бадиий тасвирини беришда муҳим ўрин тутган. “...образлилик – фикрий теранлик билан, ҳаётга янгича муносабатлар билан, шу муносабатни эҳтиросли шаклда айтиш билан чамбарчас боғлиқ нарса”<sup>1</sup> экан, Нодира ижоди ҳам бундан мустасно эмас. Шоиранинг “Бўл” радифли ошиқона ғазалида бунинг яққол ифодасини кўришимиз мумкин. Байт:

*Ёрдин айрилдинг, эй маҳзун кўнгул, овора бўл,  
Ҳажр дардига тополмай чорае бечора бўл.*

---

<sup>1</sup> Шарафиддинов.О. Замон. Қалб. Поэзия. –Т.:Ўзадабийнашр, 1962. –Б.20-21.

Нодиранинг ушбу ғазали ошиқона ғазал бўлиб, ғазал лирик қахрамоннинг ғамдан ҳазин бўлган ўз кўнглига мурожаати тариқасида бошланади.

Илоҳий ишққа мубтало кўнгил (Аллоҳнинг инсон бағридаги уйи) ўз ёри, яъни Аллоҳдан айро тушганидан, ундан узоқлашиб бораётганлигидан куюнади. Бунга қарши бирон чора тополмаётганлигидан ўкинади. Ғамдан ҳазин бўлган эй кўнгил, ёрдан айрилганинг учун овора бўл, айрилиқ дардига чора топа олмай бечора бўл, – дея илтижоли нола қилади. Байтда “*ёр*”, “*кўнгил*”, “*ҳажр*” сўзлари таносуб. Байт:

*Бе маҳоба ишқ майдонида жавлон айладим,  
Қоши ёлар тигидин бошдин аёғим пора бўл.*

Иккинчи байтда шу вақтга қадар фақат инсоний муҳаббат билан ҳаётда бемақсад яшаб, бу йўлда адашганлигини тан олади ва ҳақиқий ишққа, Ҳаққа бўлган интилиши сусайганлигини айтиб, бунга жазо тариқасида у ёр (Аллоҳ)дан ўзга қоши ёйлар, яъни вафо қилмас гўзалларнинг (умуман олганда ҳаётнинг ўткинчи гўзалликлари) ўткир қарашлари тиғига ўзини дучор этади. Лирик қахрамон ишқ майдонида бемақсад юриб адашганини, энди у қоши ёйлар, яъни гўзаллар тиғидан “*бошдан оёғи*” пора бўлганлигига ишора қилиб, тазод санъатидан гўзал фойдаланган. Яъни, гўзаллар тиғидан бошдан оёғим пора бўлгани, бу пора-пора бўлган бағрини суворийимнинг итлари ўзлари учун емак қилсинлар, – дейди. Байт:

*Дерман ул чобуксуворим итлари қилсун гизо,  
Пора-пора бағримми ҳар пораси юз пора бўл.*

“Лирик шеърда кечинма кўпинча ҳаётий ҳодисалар ёки предметлар билан боғлиқ ҳолда ифодаланади. Бундай ҳолларда ўша предметлар ёки ҳодисалар шоир кечинмаларига туртки бўлган омил бўлишидан ташқари, шеърнинг асосий маъновий эстетик функциясини ифодаловчи поэтик образга



ҳам айланади”<sup>1</sup>. Нодира ғазалининг ушбу байтида ҳолатнинг яққол ифодасини кўриш мумкин.

Кечинма ҳар бир шоирда ўзига хос кечади. Шу сабаб бир воқеа-ҳодисанинг ўзи турли мазмунли кечинмалар туғдириши ёки лирик воқеликка, юзаки қараганда, алоқаси бўлмаган фавкулудда поэтик образларда акс этиши ҳам мумкин. Шоира ғазалида ҳам лирик қаҳрамон ўз-ўзига қаноат қилмай, ўзининг бу сусткашлигини ҳар қандай жазога лойиқ кўради. Ҳаттоки, ёр йўлбошловчи уста суворий бўлса-ю, унинг итлари ошиқнинг пора бўлган бағрини емак ўрнида қабул қилишига ҳам рози бўлади. Байтда суворийнинг итларига емак тариқасида ошиқнинг пора бўлган бағрини бериши – муболаға ва “пора” сўзи тўрт маротаба қўлланилгани тақрир санъатининг гўзал намунаси. Байт:

*Ишқ ошубида ҳижрон ибтилоси саъбдур,*

*Бўлдум ул ойдин жудо, эй кўз ёшим, сайёра бўл.*

Тўртинчи байтда лирик қаҳрамон ишқда ҳижрон балолари оғирлиги ҳақида сўзламоқда. Ул ойдан ҳам жудо бўлдим, эй кўз ёшим, энди сен сарсари кезасан, – деб хитоб қилади. Ёрдан айрилиш, ҳижрон азоби келтирган балолар мушкул эканлигини, яшашнинг маънисини, бутун ҳаёт йўлларини ёритиб турувчи ойдан жудо бўлганлигини, энди кўз ёшларини тўхтата олмаслигини таъкидлайди. Байтда “ой” сўзи истиора ва 1-4-5-6-байтлардаги “эй” ундов сўзи нидо санъатидир. Байт:

*Эй дили девона, ошиқлиғни қилдинг ихтиёр,*

*Дарди ишқ осон эмастур эмди санги хора бўл.*

Бешинчи байтда девона кўнгилга қарата ошиқ ўзи ва ишқ йўлини танлаганлар учун бир ҳикматомуз фикрни келтириб ўтади. Яъни ошиқликни, Аллоҳ васлига етишмоқликни истаганларни бу йўлдаги барча қийинчиликларга сабр-бардошли бўлишга чақиради. Эй девона дил, агар сен ошиқликни ихтиёр этган экансан, ишқ дарди осон эмасдир, бу йўлда худди метин харсанг тош каби бўл, – дейди. Байтдаги “санги хора бўл” – истиора ва

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. –Т.: Ёш гвардия, 1983. –Б. 208.

шу билан бирга бешинчи байтни умумий олганимизда каломи жомеъ санъатидир. Байт:

*Ол ила золим фалак қонингни тўқди оқибат,*

*Ким деди, эй дил, сенга мафтунни ул маккора бўл.*

Олтинчи байтда ошиқ ўзига кесатиқ тарзида “*Ким сенга у маккор (ёлғончи, вафосиз инсоний ишқ назарда тутилган)га мафтун бўлгин деди?!*” –дея савол беради. Ўз кўли билан бу золим фалак охир-оқибат қонингни тўқди, –дея хитоб қилар экан, узоқни кўзламай иш тутиш, фақат бу фоний дунёсинигина ўйлаш инсонни қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди. Ўз кўли билан бу золим фалак охир-оқибат қонингни тўқди, ким сенга у маккорга мафтун бўлгин деди, – деб надомат чекади. Ушбу байтда муболаға ва тажохули орифона санъати омукта қўлланилиши орқали гўзал бир поэтик манзара яратилган. Байт:

*Гар тиларсен баҳра топмоқ лаззати дийдоридин,*

*Комила кўзгу каби ҳайрони ул рухсора бўл (Н1;239).*

Мақтада Комила, агар сен унинг ширин дийдоридан баҳраманд бўлишни истасанг, кўзгу каби у гўзал рухсорнинг ҳайрони бўл, – деб шоира ўзига мурожаат қилади. Комила таҳаллусидан ташқари “ком ила”, яъни умид билан ҳақиқий ёрнинг ширин дийдоридан баҳраманд бўлишни тиласанг, бир умр унинг гўзал жамолига маҳлиё бўлиб, кўзгу каби ҳайронликда ўтиш лозимлигини уқтиради. Байтда каломи жомеъ санъати қўлланилган.

Ғазалнинг қофияланиш тартиби: *а-а, б-а, в-а, г-а, д-а...* тарзида. Қофиядош сўзлар: “*овора, бечора, пора, сайёра, хора, маккора, рухсора*” кабилар. Қофиядош сўзлар таркибидаги “р” унлиси равий. Равий олдидан келувчи в, ч, п, й, х, к, с ундошлари эса қайд ҳисобланиб, “*ёр*”, “*кўнгил*”, “*ҳажр*” сўзлари орқали таносуб санъатини, “*бош*” ва “*оёқ*” сўзлари тазод санъатини, “*суворийнинг итларига емак*” тариқасида ошиқнинг пора бўлган бағрини бериши муболаға санъати ва “*пора*” сўзи тўрт маротаба қўлланилиб тақрир санъатини, “*ой*”, “*санги хора бўл*” сўзи истиора санъатини, “*эй дил*”

сўзи нидо санъатини, шунингдек, 5-7-байтларда каломи жомеъ санъати кўлланилган.

Нодиранинг ишқий ғазалларида ҳам гоҳ мажоз йўли билан, гоҳ бевосита Ҳаққа ошиқликни англатиш йўли билан ишқни куйлаш ҳолати мавжуд. Шунингдек, шоиранинг бетакрор лирикаси ғоя ва тузилиш жиҳатидан ранг-барангдир. Улар анъанавий йўлда ёзилган бўлса-да, шоира каламидан куйланган ишқнинг мастона оҳанглари ўзида олам-олам маъноларга эгалиги билан шоира ғазалларининг ўзига хослигини таъминлаган.

Қофия ғоявий фикрни эстетик таъсирчан тарзда ифодалашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Нодира ўз шеъриятида қофияни яратишга ана шу нуқтаи назардан ёндашган. Шоира ғазалларида қофиядош сўзларни ўз ўрнида келтириб, шеърятда юксак даражада маҳоратли эканини исботлаган. Нодира ижодида қофия ва радиф ҳамоҳанглиги ҳамда шеърый воситаларни кўллаш маҳорати шоира ғазалларининг мусиқийлигини таъминлашга хизмат қилган.

#### **4.2. Шеърый санъат воситаларида бадиийлик мезонлари**

Шеърят асрлар давомида соҳир санъат сифатида инсоннинг руҳий ибтидосини кашф этишга интилиб келганидек, нафис адабиётнинг бадиийлиги инсон табиатининг ижодкорлиги билан боғланади. Санъат асари марказида ҳамиша бадиият туради. Мазмун, шакл моҳияти санъат ва адабиётда бадиият эҳтиёжидан келиб чиқади. Бадиийлик ижодкорнинг ўз фикрини ўқувчига худди ўзи ҳис қилган, идрок этган даражада тушинтира олишдир. Бадиийликнинг юксак ифодаси ижодкорнинг иқтидори ва маҳорати орқали у яратган бадиий образларда акс этса, бадиийлик мезонлари – истеъдод, анъана ва янгилик, маҳорат ҳам таъсирдорлик мезонлари асосида асарларни баҳолаш усули.

Шарқ мумтоз адабиётида поэтик фикрни бадиий санъатлар воситасида ифодалай олиш шоир маҳоратини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Шеърӣ санъатлар “Шеърӣ асарнинг тасвирий тили эса шеърӣ санъатларнинг ишлатилишида намоён бўлади. Бу воситалар лирик характерни шакллантириш, унинг хусусиятларини очиб беришда катта роль ўйнайди”<sup>1</sup>. Ижодкор шеърӣ санъатлардан қанчалик усталик билан фойдаланганлиги унинг камолот даражасини белгилайди. Ижодкор, энг аввало, шеърӣ санъатлардан фойдаланган ҳолда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, ўй-хаёллари, кўринишлари каби турли хил тасвирларни бўрттириш, асарининг бадий бўёғини оширишга эътибор берса, иккинчидан, шу орқали фикрнинг таъсирчанлигини таъминлайди, ўқувчининг эстетик дидини тарбиялайди. Хуллас, ўқувчи бадий асарни ўқир экан, ундаги жўн ва ҳеч қандай ҳиссиётни уйғота олмайдиган жонсиз тасвирларни хуш кўрмайди. Шу боис, барча замонда қалам аҳли ва назариётчилар асарнинг ана шу жиҳатига диққат қаратганлар.

Бадий санъатлар, восита ва усуллар лириканинг табиатига хос бўлган ихчамликни таъминлашда, фикрни образли баён этишда, энг муҳими, шеърхонга эстетик завқ бағишлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам атоқли сўз санъаткорларининг ҳар бир асари адабий ҳаётда воқе бўлар экан, бунинг сабабини шоирнинг ўзигача бўлган адабий ютуқларни ўз асарларига ижодий татбиқ этишидан, мазмуннинг теранлиги ва шаклнинг жозибасидан, шеърӣ санъатлардан маҳорат билан ўринли фойдаланишидан ҳам ахтармоқ керак.

Нодира ғазалларида ишлатилган поэтик тасвир усуллари асос эътибори билан лирик қаҳрамоннинг ички туйғулари, руҳий ҳолати, кечираётган дарду ҳасратлари, ишқ азобларига муносабати, висол онларини орзу қилиб кечираётган дамларининг нечоғли азобли, гўёки тугамайдигандек қилиб тасвирлашга, умуман олганда, инсон субъектив ҳаётининг характерли манзараларини очишга хизмат эттирилган. Шоира ўз асарларида теран фалсафий фикрлар ифодаланишига ҳаракат қилар экан, бадийятдаги назмий кўп маъноликни юзага чиқарувчи санъатларни ҳам унутмайди. Моҳларойим

---

<sup>1</sup> Комилов Н. Бу қадимий санъат. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1988. –Б. 95-96.

ижодида маънавий ва лафзий санъатларнинг кўпгина турлари учрайди. Бу санъатлар асарнинг турли ўринларида бир-биридан фарқли, ўзига хос вазифаларни адо этади. Масалан, поэтик тасвирнинг юқори даражасига эришиш мақсадида ғазал матлаъсида бадий санъатлар келганда кейинги байтлар ундаги мазмунни очиб беришга, изоҳлашга, тўлдиришга хизмат қилган. Агар ғазал ўртасида келса, лирик қаҳрамон ҳолатини олдингидан кўра яна бир пардага кўтариб тасвирлашга қаратилган. Мақтаъда келганида эса, умумлашма хулоса чиқаришга йўналтирилган. Ижодкор кўзлаган тасвирни баён қилишда баъзи ҳолларда бутун ғазал давомида битта шеърий санъатдан фойдаланган бўлса, баъзида ғазални бутунича шеърий санъат асосига куради. Шунинг билан бирга, шоира фикрни поэтик ифодалашда айрим ҳолларда битта шеърий санъатдан фойдаланса, бошқа ҳолларда бир нечта шеърий санъат воситасида тасвирни изчил равишда кучайтириб боради. Унинг бундай бадий маҳоратини ўзбек ва форс-тожик тилидаги асарлари мисолида кўриш мумкин<sup>1</sup>.

Лирикада оҳанг унинг ажралмас қисми ҳисобланар экан, аксар ҳолларда шоир кечинмаси, лирик ҳаяжон маром табиатига юкланади. Мазкур ҳолатда кечинманинг мазмунига қараб шеър оҳанги танланади. Шеърий оҳанг нутқ ходисаси бўлса-да, усиз асар мазмунини тўлиқ тушуниш, шоир туйғусини ҳис қилиш қийин. Демак, “Шеърий ритм шеър яратувчининг ҳис ва туйғуларини ўзига хос бир тарзда ифодалашга ёрдам берувчи нутқ ходисаси”<sup>1</sup>, – экан Нодиранинг қаламига мансуб ғазалларни ҳеч иккиланмай шундай асарлар сирасига киритиш мумкин.

Шоиранинг “*Тасаддуқ*” радифли ғазалида ҳам ёр ҳажрида изтироб чекаётган ошиқ дарди қаламга олинган. Ғазал мазмунидан шоира ички дунёсини инкишоф этишга кучли уринишлар кўзга ташланади. Ўз ёрига етишиш, унинг биргина васлига умидвор бўлиш истагида юрган ошиқ

---

<sup>1</sup> Эшонқулова С. Нодира ижодини ўрганишда янгича ёндашув. –Т.: Vneshinvestprom, –Б.66-67.

<sup>1</sup> Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. таҳрири. –Т.: Ўқитувчи, 1983. –Б.275.

суяклиси учун бутун бор-йўғидан воз кечишга, тамоман, садқа бўлишга тайёр. Ғазал байтларида у буни босқичма-босқич исботлаб боради. Байт:

*Эй нахли чаман қадди ниҳолинга тасаддуқ,  
Боғу олмаси, рухсорани олинга тасаддуқ.*

Биринчи байтда лирик қаҳрамон ошиқ тарзида гавдаланиб, ёрининг ниҳоятда гўзал эканлигига ишора қилади ва уни чаманнинг ёш дарахти, – дея атайди. Ёрнинг тик қадди-ю, келишган, чиройли бўйига, худди боғнинг эндигина етилган олмаси каби қизил юзига мафтун бўлади. Байт:

*Қад бирла хироминга фидо сарву санубар,  
Райҳону бинафша хату холинга тасаддуқ.*

Иккинчи байтда нафақат ошиқнинг ўзи, балки боғнинг энг кўркам, кишин-ёзин кўм-кўк турадиган, ҳиди ёқимли, доим тик ўсадиган, хушқомат дарахтлари ҳам (сарв ва санувбар) маҳбубининг тик қомати ва хиром айлаб юришига фидо бўлишини, ҳатто боғнинг энг хушбўй чечаклари бўлган райҳон-у бинафшалар эса юзидаги холи ва хатига ўзини садқа этишга тайёр эканлиги таъкидланади. Бу тасвирлар орқали биз маҳбубанинг гўзаллигини моддий шаклда тасаввур қиламиз. Шоира шеърда ўз кечинмаларини ифодалашда табиат тасвиридан маҳорат билан фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Байт:

*Чарх узра ҳилол ўлди юзунг ойига қурбон,  
Хуришиди жаҳонгард жамолинга тасаддуқ.*

Мумтоз адабиётимизда қуёш ҳидоят нурлари манбаи сифатида бадиий талқин этилади. Шунингдек, мумтоз адабиётимизда етакчи ғояларни ўзида жам этган тасаввуф таълимотида қуёш образи илоҳий қудрат хусусиятларини ифодалаб келганлиги билан эътиборли. Шоира бу байтда ошиқ номидан маҳбубасининг таърифини шунга қиёслайди. Шу ўринда истиора санъатига ҳам изоҳ бериб қўйиш мақсаддан ҳоли бўлмайди: “Истиора арабча сўз бўлиб “бирон нарсани омонатга (вақтинча) олмоқ деган маънони ифодалаб, адабий асарда сўзни ўз маъносидан бошқа бир маънода, аниқроғи уни ҳақиқий маъносида эмас, балки мажозий бир маънода қўллаш

санъати саналади”<sup>1</sup>. Зеро, бу фоний оламда гўзал қилиб яратилган яратиклардан бири Ой ва Қуёшдир. Гўзалликда тенгсиз бу икки жисм гўё осмон тоқига безак қилиб илиб қўйилган. Ўн саккиз минг оламнинг энг гўзал хилқатлари ёр юзининг чиройига қурбон бўлиш истагида турса не ажаб. Байт:

*Ёдингда жаҳон айши менга бўлди фаромуш,  
Қилдим ҳама оламни хаёлинга тасаддуқ.*

Юқоридаги байтда ёрнинг қадди-қомати, юриш-туриши, хушбўйлиги каби гўзалликлари таърифланган бўлса, ушбу байтда лирик қаҳрамоннинг ишқи даражаси намоён бўлади. Яъни ёр бу ерда Аллоҳ тимсолидир. Аллоҳга бўлган ишқи туфайли ошиқ ўзидан ҳам, ўзлигидан ҳам воз кечади. Аллоҳни ёд этиши, унинг номини зикр этишининг ўзидаёқ ошиқ ҳаётидаги жамики борликлар унут бўлади. Ёрнинг ишқи кўнглига тушгач, унга етишмоқ истагида ҳатто бутун оламни унинг биргина хаёлига алмашмоққача боради. Байт:

*Даврон чамани бирла жаҳон боғини айши,  
Рухсораи Фирдавс мисолинга тасаддуқ.*

Бешинчи байтда лирик қаҳрамон яна ёр юзини эътироф этади. Бу оламда қанчадан-қанча гўзал гулзорлар, боғлар, чаманлар бор. Киши кўнглини яйратадиган, кўзини кувнатадиган масканлар бор. Аммо бу ажойиботлар Жаннат боғини биргина хаёлга келтиришчалик ҳисга тенг кела олмайди. Тасаввуф таълимотига кўра, Жаннат – фоний дунёдаги ҳаёти давомида имонли ҳолда эзгу ишлар билан шуғулланган кишиларга Аллоҳ томонидан инъом этилган ҳамда барча роҳат ва фароғатда яшайдиган энг гўзал жой. Ошиқ ёр юзининг чиройига ҳеч бир қиёс топа олмай, ниҳоят Жаннат боғига менгзайди. Жаннат каби юзига маҳлиё бўлади. Байт:

*Саргашта сочинг сунбулидин нофаи тотар,  
Оҳуи Хўтан икки гизолинга тасаддуқ.*

---

<sup>1</sup> Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? –Т.: 2001. –Б. 12.

Ушбу байтда энди маҳбубнинг сочи ва кўзлари таққослантирилади. Ёр сочининг узунлиги, қоралиги, хушбўйлиги ошиқни маст қилган. Икки шахло кўзлари эса ошиқ қалбини яралаган. Шунда ҳам ошиқ кўнгли ёр – Аллоҳ томон талпинмоқда. Шоира чуқур мазмунли фикрларини истиора санъати воситасида маҳорат билан ифодалашга эришади. Байт:

*Эй Комила, ишиқ ичра ажаб салтанатинг бор,*

*Юз жону жаҳон жоҳу жалолинга тасаддуқ* (Н1;218).

Ғазалда ижодкор кечинмаси ва мушоҳадасининг тадрижий-мантикий ривожини, ҳаракат миқёслари акс этади. Охириги байтда эса, албатта, фалсафий ҳукм – хулоса ўз мантикий ечимини топиши шарт эканлигини ҳисобга олган шоира, мақтаъда лирик қаҳрамонни ишқда султон бўлса, ошиқ ўзини гадо деб билишини, суюқлисининг улуғворлик салтанатидаги мавқеийга юз жонини садқа қилишини айтади. Бинобарин, Аллоҳни кўнгил салтанатининг султони деб билган инсон унинг учун мислсиз риёзат чекмоққа ҳозир бўлади. Бу эса ошиқ қалбига ҳамиша таскин беради, ҳузур бахш этади.

Ғазал қофиянинг мутлақ қофия турига мансуб. Ғазалда жами 9 та қофиядош сўзлар қўлланган. Улар арабий ва форсий калималардан ташкил топган (“ниҳолинга”, “сафолинга” - форсий; “олинга”, “холинга”, “жамолинга”, “хаёлинга”, “мисолинга”, “ғизолинга”, “жалолинга” – арабий). Радиф эса арабча “тасаддуқ” сўзи орқали ифодаланган. Асар курилишида радиф ва қофияларнинг алоҳида ўрни бор. Қофияга олинган сўзлардаги “л” товуши равий, “о” товуши ридф, “и” товуши васл ҳарф ҳисобланади. Ғазалда ўзига хос гўзал шеърини санъатлардан фойдаланилган. Истиора санъатига “наҳли чаман”, “қадди ниҳол”, “рухсорай ол”, “хуришиди жаҳонгард”, “рухсорай Фирдавс”, “майкадаи ишиқ гадоий”, “чини сийнаи фағфур”, “нофаи тотор”, “оҳуи Хўтан” кабилар. Таносуб санъатига “наҳл”, “чаман”, “ниҳол”, “боғ”, “олма”, “қад”, “хиром”, “сарв”, “санубар”, “райҳон”, “бинафша”, “чарх”, “ҳилол”, “ой”, “юз”, “хуришид”, “жамол”, “майкада”, “ишиқ”, “гадо” каби. Муболаға санъатига “қад бирла хироминга фидо”, “сареву санубар”, “райҳону бинафша хату холинга



*тасаддуқ”, “чарх узра ҳилол ўлди юзунг ойига қурбон”, “хуршиди жаҳонгард жамолинга тасаддуқ”, “саргашта сочинг сунбулидин нофаи тотар”, “оҳуи Хўтан икки гизолинга тасаддуқ”* кабилар. Ташбеҳ санъатига *“фирдавс мисол”*, талмеҳ санъатига *“Фирдавс”, “Хўтан”, “Фазғур”* кабилар. Сажъ санъатига *“саргашта сочинг сунбулидан”, “жону жаҳон жоҳу жалол”* кабилар. Илтифот санъатига *“Эй Комила”, “эй нахли чаман”, “эй майкадаи ишқ”* кабиларни келтириш мумкин.

Шоиранинг *“Эй сарви равон надур хаёлинг”* ғазали тўққиз байтдан иборат бўлиб, унда форсий ва арабий сўзлардан унумли фойдаланилган. Қофиядош сўзларга *“хаёлинг, висолинг, камолинг, заволинг, зулолинг, фолинг, сафолинг, малолинг, мажолинг ва ҳолинг”* сўзлари танлаб олинган.

Маълумки, араб халқларидан кириб келган аруз вазнининг туркий халқлар адабиётида энг кенг тарқалган баҳри рамал баҳри ҳисобланади. Шоиранинг бир неча ғазаллари ҳам айнан шу баҳрда ёзилган. Байт:

*Эй сарви равон, надур хаёлинг,  
Жон ўртади ваъдаи висолинг.*

Ғазалнинг матлаъсиданок, ошиқ ёрига сарви равон, – деб мурожаат қилади. Шоира нидо санъатидан моҳирона фойдаланиб, маҳбубга жамолининг ишқи жонни ўртамоқда, сенинг висолинг орзусида изтироб чекмоқдаман, жонимни висолинг ваъдаси ўртамоқда – дейди. Ушбу наът ғазал пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)га бағишланган бўлиб, яъни расулуллоҳга муҳаббат мавзусидаги ғазал ҳисобланади. Кейинги байтда ишқ янада кучайиб, оловланади. Байт:

*Пайваста дуои хайр этармен,  
Мақсудим эрур сенинг камолинг.*

Шоира таносуб санъати орқали маҳбуби ҳаққиға ошиқ кўпдан кўп дуолар ва хайр-эҳсонлар қилганлигини, лирик қаҳрамоннинг ягона мақсади ёрини кўриш эканлигини ошкор этади. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ (с.а.в.) уни чин дилдан севувчиларга жаннатда кўшни бўлишни ваъда қилган. Байт:

*Ул ойни юзига баҳс этарсен,*

*Етмиш магар эй қуёш заволинг.*

Учинчи байтда ошиқ маҳбубига сифат беради, яъни унинг қуёшдан ҳам гўзал эканлигини, агар хуршид унга тенглашишни орзу қилса, завол кўриши аниқлигини ифодалаб, бадий шаклда оригиналликка эришади. Мумтоз адабиётда маҳбуба гўзаллигини ойга, қуёшга ўхшатиш анъана. Аммо Нодира айни шу қиёсларни инкор этиш йўлидан бориб, гўзалликни тасвирлайди. Чиройда ой унга тенглаша олмайди, қуёш ҳам маҳбуби жамоли олдида завол топади. Кўриниб турибдики, шоира муболаға ва ташбеҳ санъати, яъни “чиройда оининг хусни билан баҳс этгайсан, қуёш ҳам жамолинг қошида завол топади”, –дея лутф қилади.

Кимга нима керак бўлса, ўшанга эришсин. Кейинги байтда ошиқ маҳбубига Ҳақ йўлида юрган кишиларга жаннат керак, лекин менга жаннат эмас, сен кераксан, –дейди. Шоира байтда зидлантириш, қаршилантририш, тазод санъатидан унумли фойдаланган. Байт:

*Зухд аҳлига салсабил-у кавсар,*

*Бастур манга раиҳайи зулолинг.*

Расулуллоҳ (с.а.в.) сийратлари байтда мадҳ қилинар экан, бутун оламлар яратилишидан аввал Расулуллоҳ (с.а.в) руҳлари яратилгани ва ул зоти мукаррам учун бутун дунё ва ундаги мавжудоту набототлар яратилганига шоира ўринли ишора қилади. Байт:

*Чиқмасда ҳануз хатти саводи,*

*Мусҳафда муборак эрди фолинг.*

Юқоридаги байтда худди ана шунга ишора қилиниб, талмеҳ санъати орқали “саводинг чиқмасидан аввал муқаддас Қуръонда номинг зикр қилингандир, сенинг улуғлигинг шу даражага етади”, – дейди ошиқ. Шу ўринда айтиш мумкинки, ошиқлик улуғ неъматдир. У ҳаммага ҳам берилавермайди. Ҳақиқий ошиқлар ўзгача ҳурматга сазовордир. Байт:

*Жамшидни жомидин зиёда,*

*Эй ринди гадо синиқ сафолинг.*

Ушбу байтда, худди шунга ишора қилиниб, Жамшиднинг жомидан ҳам улуғланади, риндларнинг идишлари. Тасаввуфда май – ишқ, жом – кўнгил, ринд – илоҳий ишққа мубтало киши эканлигини ҳисобга олсак, бу байтни таҳлил қилиш ўқувчига муаммо туғдирмайди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, ушбу байтда нидо, талмеҳ, ташбеҳ уйғунликда ишлатилган. Байт:

*Ушиоқларинг гамингда ўлди,  
Йўқдур сени заррайи малолинг.*

Еттинчи байтда дўстлар пайғамбаримиз ишқларида адо бўлганликларини, аммо заррача малолланмаётганлари ҳақида сўз юритилади. Байт:

*Эй хаста кўнгул фироқ ичида,  
Дам ургали қолмади мажолинг.*

Ошиқ байтда ўзининг аҳволдан нидо санъати ила ўқувчини ҳабардор қилиб ўтади. Байтда муболаға, истиора санъати ҳам қўлланиб, ёри кўйида шунчалик афғор бўлганки, бир бор юраги уриб кўйишга ҳам мадори йўқ. Байт:

*Эй Комила, лофи ишқ урарсен,  
Маишхури ҳалойиқ ўлди ҳолинг (Н1;233).*

Мақтаъда илтифот санъати орқали ошиқ ўзига мурожаат этиб, севги ҳақида ошириб-тошириб гапираверма, сенинг аҳволинг ҳаммага аён бўлиб турибди, – дейди. Аслида қанчалик муҳаббат эгаси эканлигинини халқ яхши билади, – дея бирмунча ўзини камтарликка тортади ва шу билан бирга танқид ҳам қилади.

“Санъаткор ўз қалбининг қасрига кира олгандагина бу саволларга юксак ва янгича жавоблар кайтара олади. Негаки у юрак қасридан ҳеч пайт қуруқ кўл билан қайтмайди. Бизга кутилмаган катта фикр, ғаройиб оҳанг, сира учратмаганимиз ташбеҳ ва поэтик образлар ҳадя олиб келади”<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, Нодира шеърятда сўзни ўзгача шаклларда истифода этиш, юксак ақл-идрокни фикрий тиниқлик ҳамда ҳиссий аниқлик сари

---

<sup>1</sup> Ҳаққулов И. Шеърят руҳий муносабат. –Т.: 1989.

йўналтириш, инсон борлиғини поэтик тадқиқот объекти даражасига кўтариш, хусусан, инсон руҳиятини ўзгача тасвирлаш устуворлик қилади.

Шундай ғазалларидан бири “*Эҳтиёж*” радифли ғазали бўлиб, ғазал арузнинг рамали мусаддаси маҳзуф вазнида бўлиб, 9 байтдан иборат. Мазмунига кўра ирфоний. “Р” – равий. Мукайяд қофия. Қофиялари форс-тожикча сўзлар бўлиб, улар қуйидагича: “*изҳор, хор, бор, бисёр, дийдор, ёр, изҳор, азёр, зор*”. Байт:

*Қилмагил зинҳор изҳор эҳтиёж,*

*Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж.*

Дастлабки икки байт каломи жомеъ санъатининг намунаси бўлиб, шоира тирик жоннинг нимаики эҳтиёжи бўлса, уни яратикдан эмас, аксинча ўн саккиз минг оламнинг буюк Яратувчисидан сўраш кераклигини англатмоқчи бўлади. Каломи жомеъ санъатида муаллиф китобхонга ўғит беради. Шу боисдан биринчи ва иккинчи байтларда Нодира ҳеч бандадан эҳтиёжини сўрама. Агарда бандадан сўрасанг “*азиз элни хор қилади*”, яъни Аллоҳнинг қаҳри келиб хор бўласан, – демоқчи. Ахир Юсуф алайҳиссалом Мисрда зиндонда ётган вақтда, бир инсондан озод бўлишини сўради ва Яратганнинг қаҳрига учраб яна 15 йил зиндонда қолиб кетди. Зеро, ожиз бандадан эмас, Аллоҳдан сўраш керак эди. Байтда эҳтиёжнинг меъёрдан ошиши бутун дунёни, хусусан, инсоннинг ўзини ҳам хорликка маҳкум этиши борасида фикр юритилмоқда. Бу ўринда сўз билан ифодаланмасида, шоира айтмоқчи бўлган асосий ғоя қаноатдир. Чунки қаноат инсонни юксакка кўтарувчи ноёб фазилатдир. Аллоҳгина инсонни хору зорликдан қутқариши мумкин. Бу ғазалда шоира истеъдод даражасининг нақадар юксаклигини кўришимиз мумкин. У ташқи ифода замирида яна бир қатламли, уни инкор этувчи маънони ҳам мужассам ҳолда ифодалаб беришга эришмоқда. Бунга эришиш юксак маҳоратни тақозо этади.

Иккинчи байтда эса бу фикрга қўшимча қилиб дунёда ҳеч кимса хотиржам, ташвишсиз эмаслигини қайд этиб, банда борки нимагадир

муҳтож, қай миқдорда бўлса ҳам ташвиши, эҳтиёжи бор, – дея уқтиради. Бу билан шоира юқоридаги фикрларини мустаҳкамлайди. Байт:

*Ҳеч ким оламда фориғбол эрмас,*

*Ҳар ким ўз миқдорича бор эҳтиёж.*

Учинчи байтдан ғазал ошиқона руҳ олади ва шоира ўз маҳбубининг хусн мулкидан зақот сўрайди. Уни ғаний, яъни хуснда тенгсиз, бой дея ўзини йўқсил санайди. Бу байтдан хусн шоҳини ўн саккиз минг олам яратувчиси Аллоҳ деб тушунишимиз лозим. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Аллоҳнинг тўқсон тўққиз исмидан бири Ал-Ғанийдир. “Ал-Ғаний – ҳақиқий бойлик эгаси, ҳеч нарсага муҳтож эмас, барча унга муҳтож”<sup>1</sup>, – деган маънолар яширинган. Зеро, у дунёдаги энг гўзал сифатлар эгаси бўлган зотдир. Байт:

*Ғанжи хуснининг зақотин бер менга,*

*Сен ғанийсан, менда бисёр эҳтиёж.*

Тўртинчи байтдан шоира дийдорга қанчалар муштоқ эканлигини айтиб, бу ҳолатни худди кўзгуга боққиси келган киши янглиғ ифодалайди. Лекин аслида ҳар бир ошиқ ўз маҳбубасидан ўзини топади. Тасаввуфий ёндашилган бу жиҳатга “Лисон ут-тайр”<sup>2</sup>даги қушларнинг охири ўзлари семурғ эканлигини англаши ёхуд “Алкимёгар”<sup>3</sup>даги нарғис ва булоқ мисолини кўриш мумкин. Яратганни англаш аслида инсоннинг ўз-ўзини англашидир. Шу боисдан лирик қаҳрамон ёр юзини орзу қилар экан, ўзини кўзгуга боққиси келган кимсага менгзайди. Байт:

*Кўзларим айлар юзингни орзу,*

*Ким эрур кўзгуя дийдор эҳтиёж.*

Бешинчи байтда лирик қаҳрамон яна “эй ёр” дея мурожаат этар экан, ўз холини ғариб дея ифодалайди. Яъни васлингга бўлган эҳтиёж мени ғоятда ғамгин қилди, –дея ўзини ҳожатманд деб қайғу чекади. Байт:

*Мустаманд этти мени муҳтожлик,*

<sup>1</sup> Mohammed Rateb al-Nabulsi. Encyclopedia of the names of Allah. – Damascus: رشننلاو ةعابطلل يبتاكلما راد , 789 – 7002 .  
توزيد ع , 7002 .

<sup>2</sup> Навоий А. Лисон ут-тайр. –Т.: Янги аср авлоди, 2019. –544 с.

<sup>3</sup> Паэло Коэло. Алкимёгар. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. –184 с.

*Қилди ҳожатмандинг, эй ёр, эҳтиёж.*

Ушбу байтлар яна пандона руҳда бўлиб, лирик қаҳрамон ўқувчига агар дўстлар орасида обрўйингни сақламоқчи бўлсанг, ҳеч кимсага эҳтиёжингни изҳор қилма, –дея эҳтиёж сўзига дунёвий ёндашади. Байт:

*Қил раво, албатта, ошиқ ҳожатин,  
Боқмагил арз этса азёр эҳтиёж.*

Байтда шоира ошиқнинг эҳтиёжига табиий жараёндек ёндашади. Шу билан бирга душманлар эҳтиёжига парво қилмасликка буюради. Байт:

*Бир тараҳҳум зоҳир этсанг нетгуси,  
Қилди хуснингга мени зор эҳтиёж.*

Саккизинчи байтдан шоира яна ёрга мурожаат қилиб, лирик қаҳрамон ўз ёридан унга раҳм қилишини ўтиниб сўрайди. Дийдорга бўлган эҳтиёж уни зор қилганини таъкидлайди. Байт:

*Ёр васлини тиларман Нодира,  
Айлади кўнглимни афгор эҳтиёж (Н1;94).*

Шоира ёрга бўлган эҳтиёж уни жуда афгор этгани, яъни қаттиқ қайғуга солганини айтади. Лирик қаҳрамоннинг асл мақсади ёр васли. Мақтаёга келганда мақсад авж нуқтага кўтарилади. Шу пайтгача тилга олинган ҳолатларнинг барчаси ана шу якунловчи фикр учун восита эканлигини кўради. Шу билан бир қаторда матн остида шоира барча эҳтиёжлар васл эҳтиёжи олдида арзимас қимматга эга эканлигини ишоралар воситасида тасвирлаб бера олади. Бу эса инсониятни тарбиялашда ғазалнинг муҳим аҳамиятини белгилаб беради.

Ғазалнинг бир неча байтларида ижодкор, жумладан, 1-2-6-7-байтда каломи жомеъ санъатидан фойдаланган. Яъни шоира панд, насиҳат, ўғит ва ҳикмат йўсинида муҳокама юритади. Шунингдек, шоира “ғани”, “заком”, “мулк”, “эҳтиёж” сўзлари ёрдамида таносуб санъатидан моҳирона фойдаланган. Нодира ижоди ҳақида шуни айтиш мумкинки, шоира ўз дардини ошкор этмай, балки ўзгалар дардига малҳам бўлади. У янги образлар ва бадиий воситалар билан инсонлар қалбига эзгулик уруғларини сочади.

“Кечинма лирик поэзиянинг ҳаракатлантирувчи кучи ва асоси, унинг моҳияти”<sup>1</sup>. Нодиранинг “Қилди ёр” радифли ғазали шу назария асосида яратилган. Ушбу ғазал энг етук ғазаллардан бири бўлиб, етти байтдан иборат. Вазни ўзбек мумтоз адабиёти шеърятини учун анъанавий бўлган рамали мусаммани мақсур, яъни “фоилотун”, “фоилотун”, “фоилотун”, “фоилон” вазнида ёзилган ғазал ҳисобланади. Тактеъси қуйидагича: - V - - / - V - - / - V - - / - V ~.

Ғазалда “қилди ёр” сўзи биргаликда радифга олинган. Бу сўзлар ҳар бир байтнинг мазмунини бошқариб туради. Ғазалнинг қофияланиши ҳам анъанавий а-а, б-а, в-а, г-а тарзида қофияланган. “Муҳаббат ва мурувват”, “фурқат, истиқомат, зорат, одат, ишорат ва кудурат” сўзлари қофиядош сўзлар ҳисобланади. Ушбу ғазалдаги барча қофиядош сўзлар арабча сўзлардан иборат. Ғазал ишқий мавзуда битилган. Унда ҳижрон изтироблари тасвири асосий ўринни эгаллайди. Лирик қаҳрамоннинг дарду ғамлари турли бадий тасвирлар орқали баён этилган.

Ғазал бадий-эстетик жиҳатдан ҳам жуда маҳорат билан яратилган. Ижодкор деярли ҳар бир байтда бадий санъатлардан моҳирона фойдалана олган. Ғазал бизга шоиранинг эстетик олами ҳақида маълумот беради. Байт:

*Войким, ўз ёридан қатъи муҳаббат қилди ёр,*

*Бир йўли тарки вафо бирла мурувват қилди ёр.*

Шоира мурожаат (“Войким”), тазод (“қатъи муҳаббат, тарки вафо”), таносуб (“муҳаббат, вафо, мурувват”) санъатлари ёрдамида лирик қаҳрамон руҳий ҳолатига тавсиф беради. Яъни, э воҳ, ёр ўз ёрининг муҳаббатидан воз кечди, яъни алоқани узди, биратўла тарк айлаб мурувват ҳам қилиб кетди, – дейди. Байт:

*Бенаволарни висоли базмидин маҳрум этиб,*

*Дўстларни мубталои доғи фурқат қилди ёр.*

Шоира бу байтда ҳам тазод ва таносуб санъатидан фойдаланиб, лирик қаҳрамон озорларини ҳаддан ошганлигини, бунинг натижасида бечора ошиқ

<sup>1</sup> Гринберг Р. Об искусстве. –М., 1971. –С 137.

висол базмидан маҳрум этилиб, камига яна дўстларни айрилиққа дучор бўлгани маҳзунлик билан ифодаланади. Байт:

*Чун пари янглиз назардин бўлди тинҳон билмадим,  
Қайси манзилда ҳавойи истиқомат қилди ёр.*

Шоира ушбу байтда ташбех, хусни таълил ва тазод санъатларидан ўринли фойдаланган ҳолда ёрни парига ўхшатган. Бунинг сабаби парилар кўзга кўринмайди. Шу сабабли ёрнинг гўзаллиги ва кўринмаслиги ҳам уни парига менгзашига асос бўлмоқда. Байт:

*Айласам девоналиг манзур тутким, эй рафиқ,  
Ақл-у хуш-у сабр-у оромимни зорат қилди ёр.*

Шоира ташбех (“девоналиг”, “телбалик”), нидо (“эй рафиқ”), таносуб санъат (“ақл-у хушим”, “сабр-у қарорим”)лари ила лирик қаҳрамон руҳиятидаги эврилиш, қийналиш, азобланиш натижасида юзага келган ҳолат тасвирини берар экан, дўстидан ўзидаги жараён учун афв, узр сўрайди, бундай ҳолатга тушишига ёрга бўлган муҳаббати сабаб эканлигини баён этади. Байт:

*Бир йўли меҳр-у вафо расмин фаромуш айлади,  
Ишқ элига жабр-у зулм этмакни одат қилди ёр.*

Шоира лирик қаҳрамон руҳий изтиробларини таносуб, тазод, ташбех санъати орқали рангин мисраларда берар экан, ёрнинг бевафолигидан озорланиб, ҳазин шикоят қилади. Ул париваш бирваракайига меҳр ва вафони унутганлигини, ишқ аҳлига эса **жабр-у зулм** қилишни одат қилиб олганлигини айтади. Байт:

*Тушда ёримни кўруб айдим: бери кел, айланай,  
Қоши бирла, сен бери кел, деб ишорат қилди ёр.*

Шоира ҳатто тушларида ҳам суюкли ёри безовта қилаётганлигини нидо, тазод санъатларини кўллаш орқали очиб беради. Яъни, тушда ёримни кўрдим ва мен томон келишини ўтиниб сўрадим, у эса қоши билан менга ўзинг бери кел деб айтди, –дейди. Байт:



*Олам аҳлидин мукаддар ёрди ёрим Комила,*

*Барчадин фориғ бўлиб рафъи кудурат қилди ёр* (Н1;162).

Мақтаъда, Комила, ёринг олам аҳлидан ранжиди, сен эса барча ғам-ташвишлардан фориғ бўлдинг,— дейди. Шоира Комила тахаллусини қўллаш орқали, биринчидан, тахаллус қўллашни мақсад қилган бўлса, иккинчидан асар хулосаси сифатида, “*барчадин фориғ бўлиб рафъи кудурат қилди ёр*” тарзида янграйди.

“*Мазмун – зоявийлик, шакл – бадийлик ҳодисаси*”<sup>1</sup> экан, Нодиранинг “*Ўлди бог*” радифли ғазали шакл мазмунга, мазмун шаклга тўла монанд эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ғазал ўзбек мумтоз шеърини учун анъанавий бўлган рамали мусаддаси маҳзуф (ёки мақсур), (фоилотун фоилотун фоилун (ёки фоилон)) вазнида битилган. Тактеъси қуйидагича: - V - - /- V - - /- V - (ёки - V ~). Қофиядаги сўзларнинг еттитаси (“*Хандон, гулистон, гирён, паришон, вайрон, яксон, биёбон*”) форсча-тожикча сўзлардан ташкил топган, фақат учинчи байтдаги ўзбекча “*қон*” сўзи бундан мустасно. “Н” товуши равий ҳисобланиб, муқайяд қофияга мисол бўлади. Радиф иккита сўздан (“*ўлди бог*”) ташкил топгани учун ёйиқ радиф саналади. Ғазал ишқий мавзуда битилган. Унда ҳижрон изтироблари тасвири асосий ўрин тутаяди. Лирик қаҳрамон айрилиқ дарду ғамларини турли бадий тасвирлар орқали баён этади. Ғазал таносуб ва тазод бадий санъатлари асосига қурилган десак, муболаға бўлмайди. Шунингдек, ташхис, истиора ҳам асосий бадий санъатлар сифатида намоён бўлган.

Ғазалнинг эътиборли жиҳати ошиқ, яъни лирик қаҳрамон “*бог*” тимсолида гавдаланади. Шоира қўллаган ҳар бир шеърини санъатлар ғазал мазмун-моҳиятини ёритиб беришда шакл ва маъно мутаносиблигида тўлиқ уйғунлашган. Байт:

*Гул юзунгни кўрди хандон ўлди бог,*

*Ғунча очилди, гулистон ўлди бог.*

---

<sup>1</sup> Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи. 1979. –Б. 96.

Матлаъда зимдан ёрга мурожаат этилган. Ёрнинг жамоли жилва қилиши натижасида бутун борлиқ боғга айланади. Бу ҳолатни шоира шеърий санъатлар воситасида гўзал тарзда ифодалайди. Жумладан, шоира ёрининг гул юзини кўриб боғ кулгани-ю, ғунча очилиб, боғ гулистонга айланганини изҳор эта туриб, ҳусни таълил, ташхис санъати, “гул, ғунча, гулистон” сўзларини қўллаш билан эса таносуб санъатидан унумли фойдаланган. Байт:

*Қатрайи шабнам эмас гул баргида,  
Топмайин васлингни гирён ўлди боғ.*

Иккинчи байтда ошиқнинг ёрни тополмай кўз ёш тўккани айтилади ва хижрон изтироблари тасвири бошланади. Хусусан, боғни йиғлатиш орқали ташхис санъати қўлланган. “Шабнам”, “гул барги”, “боғ” сўзлари таносуб санъатини ҳосил қилган. Шунингдек, биринчи байтдаги боғнинг хандон бўлиши, яъни кулиши билан иккинчи байтдаги боғнинг гирён бўлиши, йиғлаши ўзаро тазод санъатига асос бўлган. Байт:

*Гул бўлуб барбоду сунбул шефта,  
Сенсиз, эй раъно, паришон ўлди боғ.*

Учинчи байтда ёр йўқлигининг боғга ва ундаги гул, сунбул кабиларга таъсир этишини шоира учта ташхис санъатини қўллаш орқали ифодалайди. Шу билан бирга “гул”, “сунбул”, “боғ” сўзлари бир байтда қўлланиб, таносуб санъатини юзага келтирган. “Эй раъно” мурожаати нидо санъати, воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кет саналиши таъдид санъати намунаси эканлигини кўришимиз мумкин. Байт:

*Сендин айру бу чаман рухсорида,  
Ранг эмастур қип-қизил қон ўлди боғ.*

Ушбу байтда, шоира шеърий воситаларни қўллашда ўзига хос йўлдан борган. Маҳбубасидан айрилган ошиқнинг изтиробларини ташбеҳ санъати орқали ифодалашга ҳаракат қилар экан, юзининг қизил эмас, қон бўлганини айтади. Байтда, “чаман”, “боғ” сўзлари таносуб, боғнинг рангли эканлиги инкор этилиб, қип-қизил қон бўлганлиги ружуъ санъатига асос бўлган. Байт:

*Гулишани айшим мудом обод эди,*

*Энди ҳижронингда вайрон ўлди боғ.*

Байтда гулшандаги, яъни ёр билан бирга кечган ҳаёт эсланади. Унинг доим обод бўлгани, айрилиқда эса обод боғ вайрон бўлганлиги айтилади. Байтдаги “обод” ва “вайрон” сўзлари аслий тазодни, “гулшани айш (гулшандаги ҳаёт) ва “ҳижрон” (айрилиқ) сўзлари маъновий тазодни; “гулшан” ҳамда “боғ” сўзлари таносуб; “гулшан” сўзининг дунё маъносида келиши эса истиорани юзага келтирган. Байт:

*Кетти бу гулшандин ул сарви равон,  
Ҳажридин ер бирла яксон ўлди боғ.*

Мазкур байтда, лирик қаҳрамон сарвдек юрувчи ёрининг кетганлиги сабабли ҳажр изтиробидан боғ ер билан яксон бўлганлигини айтади. “Гулшан” – дунё, “сарви равон” (сарвдек юрувчи) – ёр маъносида қўлланиб истиора, “боғ” ва “гулшан” сўзлар эса таносуб, боғнинг яксон бўлиши ташхис санъатидир. Байт:

*Қон сочар ашким саҳоби Комила,  
Йиғладим дашту биёбон ўлди боғ (Н1;210).*

Мақтаъда эса ашк булутининг қон ёш тўкиши натижасида боғ дашту биёбонга айлангани изҳор этилади. Бу тасвир ғазал замиридаги руҳий ҳолат ифодасини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади. Ғазалнинг ҳар байтида боғ тасвирини келтириш орқали лирик қаҳрамон руҳиятининг очиб берилиши ғазалга ўзига хослик бағишлайди. Байтда қўлланган “йиғламоқ”, “ашк”; “дашт” ва “биёбон” сўзлари таносуб; “дашту биёбон” ва “боғ” сўзларининг қаршиланрилиши тазод; “ашк”нинг қон сочиши ташхис санъатини; “ашк” (кўз ёши)нинг боғни дашт-биёбон қилиши муболаға санъатини ҳосил қилган.

Нодира лирикасида инсон тақдирининг бадий инкишофи ва ифодаларининг мушоҳадаси ўзининг нафислиги, ҳис-туйғуларга бойлиги, образлилиги, бадий бўёқдорлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Ҳассос шоира ғазаллари мазмун-моҳияти инсон қалбининг туб-тубидан отилиб чиқаётган тугёни, воқеликка бўлган эҳтиросли, баъзида эса муросасиз

муносабатининг рангин ифодаси янглиғ ёрқин таассурот қолдиради. Зеро, мураккаб, зиддиятли, турфа хил тўлғонишларга, ҳис-туйғуларга, эҳтиросларга бой бўлмаган қалбсиз шеърят чинакам бадиият намунасига айланиши мумкин эмас. “Ҳар бир янги шеър – янги бир ҳодиса. Демак, унинг ўз табиати, ўз кечинмаси, ўз образлар жилваси мавжуд. Шундай экан, умуман шеърятнинг барча сеҳрли нозик қирраларини тўла қамраб олиш мумкин эмас”<sup>1</sup>.

Нодиранинг ўн олти байтдан иборат “*Бандалиғ*” радифли ғазали хонга мадҳия шаклида битилган. Қофиядаги сўзларнинг барчаси ўзбекча жўналиш келишиги қўшимчасининг эски ўзбек тилидаги шакли (-ға) билан келган “давронға, султонға, эҳсонға, гулистонға, дурахшонға, райҳонға, жонға, Сулаймонға, хонға, маҳи тобонға, гулистонға, дарбонға, хоқонға, алвонға, давронға, уммонға, Туронға” каби форсча-тожикча ва арабча сўзлардан ташкил топган.

Келтирилган қофиядош сўзларда “н” товуши равий ҳисобланиб, мутлак қофия турига мансуб. Радиф битта сўздан (“бандалиғ”) ташкил топгани учун содда радиф саналади. Қофияда давронға сўзи икки марта (1- ва 14-байтда) қўлланиб радд ул-қофия санъатини юзага келтирган. Байт:

*Ул жаноби довари давронга бандалиғ,*

*Бекларга қуллуқ арзи-ю султонга бандалиғ.*

Матлаъда хон “*даврон подшоси*”, “*бек*”, “*султон*” дея улуғланиб, унга тобеликни изҳор қилиш ҳақида гап боради. Байтда “*даврон подшоси*”, “*беклар*” ва “*султон*” сўзлари таносуб санъатини юзага келтирган. Бу сўзлар, ўз навбатида, “*қуллик*” тобелик ва хизматкорлик маъноларида қўлланган “бандалиғ” сўзи билан тазод санъатини ҳосил қилади. Ғазал бошдан оёқ хонга мадҳия шаклида битилган. Мавзуга мутаносиб шаклда хонга қуллуқ ва қуллик қилиш, уни улуғлаш байтма-байт юксалиб боради. Байт:

*Ул мазҳари камолга ихлос ила дуо,*

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Лирикада бадий тафсил // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. № 5-6. –Б.10.

*Ул маъдани каромату эҳсонга бандалиг.*

Ушбу байтда лирик қаҳрамон зоҳир бўладиган камолга ихлос билан дуо қилишини ва хоннинг каромат ва эҳсон эгаси собит эканлигига ишора қилади. Шоира байтда “ихлос”, “дуо”, “каромат”, “эҳсон” сўзларини қўллаш орқали таносуб санъатига мурожаат қилади. Байт:

*Бу андалиби бепару болу шикастадин,  
Еткурғил, эй насим, гулистонга бандалиг.*

Учинчи байтда шоира лирик қаҳрамоннинг насимга мурожаат этиши орқали нидо санъатидан унумли фойдаланиб, ўзининг аҳволини ва хонга тобелигини етказишни насимдан сўрайди ва ўзини патсиз, синиқ булбулга подшоҳни эса гулистонга қиёслайди. Шунингдек, “андалиб” ва “гулистон” сўзларининг бир байтда келиши таносуб санъатига асос бўлган. Байт:

*Бу заррае муҳаққари бедаст-у пойидин,  
Еткурғил офтоби дурахшонга бандалиг.*

Бу байтда лирик қаҳрамон ўзини ҳақоратланган, қўлсиз, оёқсиз бир зарра сифатида, хонни эса дур сочувчи офтоб, – дея тасвирлайди. Яъни шикасталанган, ёрнинг парвосизлиги учун ўзининг мажруҳ, бир зарра ҳолатга келиб қолганини, шу авҳolidан хабардор этишни дур сочувчи офтобга айтар экан, ўзини унинг ишқига тобелигини билдиради. Байтда бир “зарра” билан дур сочувчи “қуёш” қарама-қарши маънода ишлатилиб тазод санъати қўлланган. Байт:

*Даргоҳи қуллариға ниёзимни арз қил,  
Сарви санубару гулу райҳонга бандалиг.*

Шоиранинг бу байтда ҳам насимга мурожаати давом этиб, ўзининг ниёзини, яъни эҳтиёжини ёрга етказишини сўрайди. Хонни эса “сарви санобар”, “гул” ва “райҳон”га қиёслайди. Байтда “сарви санубар-у гул-у райҳон” сўзлари билан таносуб санъатини ҳосил қилган. Байт:

*Исонафас мураббийи давронга арзи ҳол,  
Афсурда жисм қолабидин жонга бандалиг*

Олтинчи байтда шоира “*Исонафас*” сўзи билан хонни, даврон деб ўз холини изҳор қилади. Ўзини эзилган, жисм қолиби, ёрни эса жон деб тасвирлайди. Исо алайҳиссалом барчамизга маълумки, пайғамбарлар силсиласидан ўрин олган. У зотга хос хислатлардан бири ўликни тирилтира олиш қудратидир. Исонафас мураббий дейиш – Исо алайҳиссалом нафасига эга бўлишлик демакдир. Шоира Исо алайҳиссаломга ишора қилиш орқали талмеҳ санъатини қўллайди. Байтда ишлатилган “*жисм*”, “*қалб*” ва “*жон*” сўзлари таносуб санъатини ҳосил қилган. Байт:

*Бул мўри хастадин дегил, эй Худҳуди Сабо,  
Тахти адолат узра Сулаймонга бандалиг.*

Ушбу байтда шоира лирик қаҳрамони “*эй Сабонинг Худҳуди*” бу хаста чумолидан адолат тахти устида ўтирган Сулаймонга бандалигимни айт, – дейди. Демак, бу байтда лирик қаҳрамон ўзини чумолига хонни эса Сулаймон алайҳиссаломга ўхшатади. Улар билан боғлиқ ривоятлар “Қуръони Карим”<sup>1</sup> да ҳам қайд этилади. Маълумки, Сулаймон алайҳиссалом – Довуд алайҳиссаломнинг ўғли эди. У ака-укалари орасида энг донишманди бўлган. Шу туфайли у барча ер юзидаги одамларгагина эмас, қурт-у кумурскага, қушларга, ҳатто “инс-у жинслар”га ҳам ҳукмронлик қилган адолатли подшоҳ бўлган. “*Тахти адолат узра Сулаймонга бандалиг*” мисралари ана шу афсонавий шахс қудратини мўъжаз шаклда эслаш орқали бадий тасвир қаҳрамонини тавсифлашга хизмат қилмоқда. Байтда “*Худҳуди Сабо*” бирикмаси, Сулаймон (а.с.)га ишора бўлиб, талмеҳ санъатини юзага келтирган. Маълумки, “Талмеҳ... ғазалиётда энг кўп қўлланган ва нисбатан содда бадий усуллардандир. Бу санъат таомилига кўра, шоир тарихий, бадий ёхуд афсонавий образларни тилга олади ва уларнинг сифатларини эслаш орқали ғазал қаҳрамонлари фазилатларини ойдинлаштиради”<sup>2</sup>. Байт:

*Хон ҳазратимни икки азиз-у мукаррами,*

<sup>1</sup> Қуръони Карим. Таржима ва тафсир муаллифи шайх Абдулазиз Мансур. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. –618-б.

<sup>2</sup> Жумаҳўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Т.: Ўқитувчи, 1996.–Б. 93.

*Валнамъи бирла Муҳаммад Амин хонга бандалиг.*

Байт мазмунидан кўриниб турибдики, ғазал Амир Умархон вафотидан кейин ёзилган. Жумладан, байт “Хон ҳазратларининг икки азизи ва мукаррами бўлган подшоҳ Муҳаммад Алихон ва Муҳаммад Аминхонга бандалик” дея табдил қилинади. Энди эътибор беринг, шу ўринда “Хон ҳазратларининг икки азизи ва мукаррами” дея икки фарзанди назарда тутилган, аммо фақат кичик ўғил, Муҳаммад Аминхон номи келтирилиб, тахт вориси бўлган Муҳаммад Алихон исми ўрнига неъмат эгаси, подшоҳ маъноларида қўлланувчи “Валнамъи” сўзи ишлатилган. Демак, бу ғазал Нодиранинг бошқа ғазалларидан фарқли ўлароқ, Муҳаммад Алихонга бағишланган. Шоира “азиз-у мукаррами”, “валнамъи”, “хон” сўзларини байтда қўллаш орқали таносуб санъатини ҳосил қилган. Байт:

*Маъюс-у мустаманд-у муҳаққар гуломдин,*

*Давлат сипехрида маҳи тобонга бандалиг.*

Байтда лирик қаҳрамон ўзини маъюс, хаста, таҳқирланган қул сифатида, хонни эса давлат осмонидаги порлаб турган ой, деб тасвирлайди. Байтда “маъюс-у мустаманд-у муҳаққар” сўзлари орқали таносуб санъатини ҳосил қилган бўлса, “сипехри”, “маҳи тобон” сўзлари ўзаро таносуб, алоҳида-алоҳида эса истиора бўлиб келган. Байт:

*Гулзордур амирни даргоҳи бок эмас,*

*Булбул агар деса бу гулистонга бандалиг.*

Шоира байтда Амирнинг даргоҳи гулзор эканлигини, ўзини эса бу гулистонга бандалик қилувчи булбул, деб айтади. Байтда “гулзор”, “булбул”, “гулистон” сўзлари таносуб санъатини юзага келтирган бўлса, “гулзор”, “гулистон” сўзлари эса иштиқоқ санъатини ҳосил қилган. Байт:

*Етсун десанг такаллуми дил шаҳриёрга,*

*Қилмоқ керак сулуки дарбонга бандалиг.*

Байтда шоира, агар дил сўзларингни шаҳриёрга етсин десанг, йўл соқчисига бандалик қилиш керак, – дея тасаввуфга оид бўлган сулук – йўл сўзидан фойдаланади. Яъни дил сўзларингни ҳақиқий шоҳга, яъни Аллоҳга

етсин десанг, тариқат соқчисига қуллик қилиш керак, – деган ғояни олға суради. Агар дил сўзларингни шахриёрга етсин десанг, йўл соқчисига бандалик қилиш керак бўлади, – дейди. Байтда “шахриёр”, “сулуки дарбон”, “бандалиг” сўзлари таносуб санъатини ҳосил қилган бўлса, “Қайсар-у Хоқон” сўзлари талмеҳ санъатини юзага келтирган. Байт:

*Сендек жаҳонпаноҳ маҳи комрон туруб,  
Қилса бўлурму Қайсар-у Хоқонга бандалиг.*

Шоира байтда, сендек жаҳонни паноҳига олган бахтли ой турганда Қайсар ва Хоқонга бандалик қилса бўладими?! – дея хонни Рум Қайсари ва Чин хоқонларидан устун қўяди. Иккинчи бир ўринда, олдинги байтнинг мантиқий давоми сифатида, жаҳонни паноҳига олган бахтли ойни Муҳаммад (с.а.в.)га қиёслаб, “у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам турганларида бир даврда яшаган Қайсар ва Хоқонга бандалик қилса бўладими?” деб таҳлил қилса ҳам бўлади. Байт:

*Ҳар кимки ул эшикда эрур истиқомати,  
Яъни улуг-у кичик ҳама алвонга бандалиг.*

Ушбу байтни ҳам икки хил таҳлил қилса бўлади. Биринчидан, ҳар кимки у эшикда (хоннинг даргоҳида) истиқомат қилса, катта-ю кичикнинг барчасига бандалик лозимлиги таъкидланади. Иккинчидан, ҳар кимки у эшикда (яъни Аллоҳнинг даргоҳида) истиқомат қилган барча катта-ю кичикка Аллоҳнинг йўлида хизмат қилиш лозим дейилмоқда. Байтда “улуг-у кичик” сўзлари тазод санъатининг гўзал намунасидир. Байт:

*Ажз-у ниёз бирла бу мискин мудом этар,  
Ул кони жуд-у нодири давронга бандалиг.*

Байтда лирик қаҳрамон тилидан у сахийлик кони бўлган даврнинг ноёби бўлганга бу мискин ожизлик ва ниёз билан доим бандалик қилади, – дейилади. Байтдаги “ажз-у ниёз”, “мискин” сўзлари таносуб санъатини ҳосил қилган. Байт:

*Йўл топсанг ул жанобга, эй ёр, арз қил,  
Бу ташналаб гиёҳдин уммонга бандалиг.*



Байтда, эй дўст, йўл топсанг бу лаби ташна бўлган гиёҳдан у уммон бўлган жанобга бандаликни арз қил, – дея яна йўл тушунчасига эътибор қаратилган. Шу сабабдан ҳам, мазкур байтнинг мазмуни мавъиза байт сифатида теран маъно касб этади. Ташналаб гиёҳ ва уммон бир-бирига зид кўйилиб, шоира томонидан жузв ва кулл масаласи ўртага ташланади. Байтда ёрга мурожаат орқали нидо санъати қўлланган. Байт:

*Йўқтур ҳадим дуода десам Комила сариъ,*

*Фарғона Хисрави шаҳи Туронга бандалиғ* (Н1;207-208).

Мақтада “Фарғона ҳукмдорини Турон шоҳи деб тахт вориси Муҳаммад Алихон юксак мавқега кўтарилган. Шоира унга фақат банда эмас, балки доим дуода бўлишини изҳор этмоқда.

Кўриниб турибдики, ушбу ғазални бир неча маънода ҳам Аллоҳни, ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни, ҳам Умархонни, ҳам Муҳаммад Алихонни мадҳ қилишга бағишланган, – деб айтиш мумкин. Бу ҳолат Нодиранинг бошқа ғазалларида ҳам кўп учрайди. Сабаби, шоира ижоди ҳақида гап кетар экан, яна бир нозик жиҳатни, ёр тимсолида зимдан Аллоҳ кўзда тутилишини эсдан чиқармаслик керак. Бу ўзбек мумтоз ғазалиётида анъанавий ҳодиса эканлигини яхши биламиз. Байтда “*Фарғона Хисрави*” ва “*шаҳи Турон*” сўзлари таносуб санъатини ҳосил қилган.

Юқоридаги байтлар таҳлилидан кўриниб турибдики, “Ҳар бир лирик жанр бадий ижод оламида ўзининг ғоявий-бадий вазифаси билан туғилади. Акс ҳолда жанр хилма-хиллиги тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Одатда, шеър ҳаётий зарурият, маънавий-руҳий эҳтиёждан дунёга келади. Жанр категорияси ана шу эҳтиёж ва заруратнинг турли тарзда шаклланиши, шаклга муносиб мазмун, мазмунга муносиб шакл ҳолида кўринишидир”<sup>1</sup>.

Нодиранинг “*Бог аро*” радифли ғазали худди шу қонуният орқали яратилган ғазалдир. Ғазалга радиф сифатида “*бог аро*” бирикмаси танлаб олинган ва бу орқали мураккаб радиф ҳосил қилинган. Қофия сифатида “*дилоро, тамошо, во, расво, мийно, саҳро, саропо, муҳайё, таманно*”

<sup>1</sup> Ҳаққулов И. Ижод иқлими. –Т.: Фан, 2009. –Б.287.

сўзларидан усталик билан фойдаланилган. Қофиядаги равий товуш чўзик “о” ҳисобланади ва бу қофиянинг муқайяд турига мансуб. “О” унлисидан олдин келган ундош товушлар қайд ҳисобланади. Байт:

Маълумки, поэтик асар ўз-ўзидан яратилмайди. Шеър қандай воқеа-ходиса таъсири остида ёзилмасин, маълум туйғу ва кечинма таъсирида дунёга келади. Уларни бадий ифодалайди. Туйғу кечинмага айланиши учун бир неча “босқич”лардан ўтиши зарур бўлади. Поэтик пейзаж ёхуд поэтик вазият тасвири орқали ижодкор ана шу ҳис-тўйғуларни ўқувчи қалбига кўчиради.

*Жилва кўрсатди чу ул сарви дилоро боғ аро,*

*Чаими қумри бўлди бир чаими тамошо боғ аро.*

Шоира ўз ғазалида ёрининг гўзаллигини тасвирлаш учун уни боққа киргизади ва шу билан поэтик вазият яратади. Ёрининг гўзаллигидан боғ янада жонланиб кетади. Қумри – мумтоз адабиётда сайроқи куш сифатида тасвирланади. Бироқ шоира ушбу тимсолга янги маъно юклаб, уни боғ-бўстонни севувчи, ундан бир дақиқа ҳам айрилмайдиган куш – ўз уйига меҳр кўйган ва ундан нарини кўра олмайдиган инсон тимсолида талқин қилади. Ғазалда образ сифатида *қумри* ғоятда гўзал нарсаларнигина торта олади. Шоира ёрини кўнгил беага, – деб эъзозлайди. Ёр қаддининг сарв дарахтидек тик эканлигини таъкидлайди. У боғ аро ўз гўзаллигини ноз ва ғамза билан кўрсатди. Шу ўринда, шоира маҳбубнинг гўзал портретини чиза олган. Байт:

*Сурмагун чаими назар солди гулистон аҳлина,*

*Ҳасратидин қолди нарғислар кўзи во боғ аро.*

Шоира байтда асосий эътиборни кўзга қаратади. Кўзи сурмали ёр гулистон аҳлига, яъни боғдаги гуллар ва кушларга назар солди, бу қарашнинг ҳасратидан нарғисларда аламли, ғамнок кўзлар қолди. Табиатда нарғис гулнинг кўзи катта бўлади. Мана шу шаклдан шоира усталик билан фойдаланиб, нарғис гулининг кўзи катта бўлишига ёрнинг боқишини сабаб сифатида кўрсатиб, поэтик пейзаж орқали намоён бўлганлигини кўриш

мумкин. Бу тасвирларни хусни таълил санъати воситасида янада гўзаллаштиради. Байт:

*Орази гулгун ила қилди чаман сори хиром,  
Гул яқосин чок айлаб бўлди расво боғ аро.*

Шоира учинчи мисрада объект сифатида юзни олади. Ёрнинг юзи гулгун, яъни гул рангли дея таърифланади. Уни кўрган гул рашкдан уялиб, ўз ёқасини йиртади, яъни ўз тўнига сиғмай очилиб кетади. Муаллиф ёр гўзаллигини табиатдаги табиий жараёнлар билан қиёслаган ҳолда тасвирлар экан, ифоданинг бадиий қиммати яна ҳам ошиб боради.

Қадди сарв, юзи гул маҳбуба баҳорни базм қилиш фурсати деб билиб, боғдаги сарв ва гулдан жому май бунёд айлади. Ёрнинг жоми ҳам ғоят нозик ва чиройли, чунки у гўзалликда ягона бўлмиш сарвдан ва нозик гуллардан яралди. Байт:

*Сарви гулрухсорим бу базми ишрат деб баҳор,  
Сарв бирла гулдин этти жоми мийно боғ аро.*

Шоира ғазалнинг бошидан охиригача мажозий ва илоҳий ишқни биргаликда куйлаган. Дастлабки уч байтда мажозий ишқ ортида илоҳий ишқ ҳам назарда тутилган ҳолда тасвирланса, ушбу байтда илоҳий ишқ биринчи ўринга чиқади. Бу ерда сирли шишадаги май – ишқ рамзи, ясалган жом эса инсон кўнглининг рамзидир. Байт:

*Лола янглиг доғ бўлди гул жамоли рашиқдин,  
Доғлиг гуллардин ўлди сайри саҳро боғ аро.*

Шоира ушбу мисрада ҳам чиройли далиллашдан унумли фойдалана олган. Гулнинг бағридаги доғлар рашкдан эканлигини, улар билан гулистон саҳрога айланиб бораётганини тасвирлаган. Мантиқий жиҳатдан гул бағридаги доғлар ҳижрондан қолган асоратлар. Бу ошиқнинг энг гўзал дамларини борган сари саҳрога айланаётганидан даракдир. Байт:

*Нахл қилди хижлатидин бўлди сув сарви равон,  
Айлади фавворалар жорий саропо боғ аро.*

Олтинчи байтда ҳам юқоридаги ифодани кўриш мумкин. Сарви равон – маҳбуб рамзи бўлса, нахл бу ошиқ рамзидир. Ҳижрондан юрак бағри тамом бўлган ошиқ, йиғлайвериб сув бўлиб кетди. Боғдаги отилиб турган фавворалар аслида ошиқнинг кўз ёшларидандур. Бу фавворалар боғни безаб, чиройига кўрк қўшмоқда. Байт:

*Сайр учун қўйгай қадам деб сабзаи хобидадин,*

*Ҳар тараф бир фарши маҳмалдур муҳайё боғ аро.*

“Фикрни, асар ғоясини ўқувчига содда, тушунарли қилиб етказиш орқали ҳаёт воқеаларини, инсон кечинмаларини ёрқин тасвирай олиш санъати ҳар қандай ижодкор маҳоратининг даражасини кўрсатувчи асосий омиллардан бири”<sup>1</sup> эканлигини ушбу байтлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Ошиқ ўз ҳолати учун ёрдан ғоятда хижолатда, уятда. Унинг хижолатдаги ҳолати ҳам боғда ажиб манзара касб этмоқда. Байт:

*Кўрди ул сарви дилоро қомати мавзунини*

*Сарв қаддин қилди қумрилар таманно боғ аро.*

Ёр портретини чизиш саккизинчи байтда ҳам давом этади, ошиқ энди тасаввур қилиб, орзу қилади, ўз орзуларидан ўзи қувониб, юрагига малҳам топади. Қумрилар ҳам гўзалликда ягона ёрни томоша қила туриб, чексиз қувончда ва қанийди сарв дарахтлари ҳам шундай бўлганда, –деб орзу қилади. Аммо бу тасаввурда, ошиқ – ёр йўлига интиқ. Байт:

*Сен букун хандонсен, эй гул, Комила дилдорсиз,*

*Йиғламоқдиндур булутлардек муҳайё боғ аро (Н1;36).*

Мақтаъда ошиқ маҳбубга “эй гул” дея мурожаат қилади. Маҳбубда ҳеч қандай дард йўқ. У доим хурсанд, қувончда. Ошиқ эса ғамда, булутлардек йиғламоққа тайёр. Ҳижроннинг яқунланишини интизорлик билан кутмоқда. Ғазал том маънода ошиқона ғазаллар сирасига киради. Ижодкор ўз аҳволини баён этишда боғ тасвиридан фойдаланиб, гўзал ифода яратган. Ғазалда ҳам мажозий, ҳам илоҳий ишқ тараннум этилади. Ҳар иккаласини ғазал қатларига сингдириб юбора олганлик шоиранинг юксак маҳоратидан даракдир.

<sup>1</sup> Норматов У. Ижоднинг қўш қаноти. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. –Б.5.

Ғазалда бадий санъатлардан мукаммал фойдаланилган. Ижодкор биринчи байтда “сарви дилоро” сўзи орқали истиора, иккинчи мисрада “чаши” сўзларининг такроридан мукаррар, хусни таълил санъатларини қўллаган. Иккинчи байтда “гулистон аҳли” истиора, “сурмагун чаши” ташбех, “гулистон”, “боғ”, “наргис” сўзлари орқали таносуб, мисраларнинг умумлашма маъносидан хусни таълил бадий санъати юзага чиқмоқда. Учинчи байтда “оразу гулгун” деганда шоира ёрини назарда тутиб, истиора бадий санъатини юзага келтирмоқда. Мазкур мисралардаги гул яқосини чок этиши чиройли далиллаш санъати, яъни хусни таълилдир. “Гул” ва “гулгун” сўзлари орқали иштиқоқ санъати, “чаман”, “гул”, “боғ” сўзлари воситасида таносуб ҳосил бўлмоқда. Тўртинчи байтда “сарви гулрухсорим” ифодаси билан истиора, ҳар бир мисрада “сарв” сўзининг қайтарилиши мукаррар бадий санъатидан фойдаланилмоқда. “Базм”, “шират”, “жом” сўзлари бир ўринда, “сарв”, “гул”, “баҳор” сўзлари иккинчи ўринда таносубни ҳосил қилган. Бешинчи байтда “лола янглиғ” бирикмаси орқали мутлақ ташбех, гулнинг “боғ аро” сайр қилиши ташхис, “доғ” ва “доғлиғ” сўзлари орқали иштиқоқ, “сахро” ва “боғ” сўзлари орқали тазод санъати юзага чиққан. Олтинчи байтда хусни таълил, таносуб санъатлари қўлланилган. Еттинчи байтда “сайр”, “боғ”, “сабза” сўзлари орқали таносуб ҳосил бўлмоқда. Байт мазмунида ташхис санъатининг гўзал намунасини ҳам кўрамиз. Саккизинчи байтда “сарви дилоро” истиора, “қомат”, “қад” сўзлари орқали таносуб, “қумри”, “сарв”, “боғ” орқали иккинчи ўринда таносуб юзага чиққан. Умуман, мазкур байтда хусни таълилдан ҳам фойдаланилган. Мақтада “хандон” ва “ийгламоқ” сўзлари орқали тазод, “эй гул” ифодаси орқали илтифот, “булутлардек” дейиш орқали ташбех санъатидан фойдаланилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир байтида қўлланган бадий санъатлар ғазал кўркига кўрк қўшиши билан бирга, мазмундаги оҳангдорликка яна ҳам жимжимадорлик, замзама бағишлай олган. Шу боис, ғазал ҳамма жиҳатдан мукаммал бўлиб, ўқувчига маънавий-эстетик завқ улаша олади.

Нодиранинг “Боқ” радифли ғазали мазмунан риндона ғазаллар турига мансуб. Ғазал қофияси мутлақ қофия турига мансуб бўлиб, жами 12 та қофиядош сўзлар қўлланган. Улар арабий ва форсий калималардан ташкил топган (“зилолига-ниҳолига” – форсий; “холига-жамолига-хаёлига-ғизолига-жалолига-маолига-долига-маолига-камолига” – арабий). Радиф эса арабча “боқ” сўзи орқали ифодаланган. Асар қурилишида радиф ва қофияларнинг алоҳида ўрни бор. Қофияга олинган сўзлардаги “л” товуши равий, равийдан олдин келган унли “о” товуши ридф, “и” товуши эса васл ҳарф ҳисобланади. Ғазалда ўзига хос гўзал шеърӣ санъатлардан фойдаланилган. Ғазалда бир неча шеърӣ санъатлар қўлланилган. Бу ғазалнинг ўқишли чиқишини таъминлаган. Хусусан, истиора санъатига “жавҳари жон”, “файзи фараҳбахш”, “сарви ниҳол”, “машқи жунун”, “сунбули зулф”, “чаими ғизол”, “мамлакати ҳусн”, “пири муғон”, “дурри мақол”, нидо санъатига “эй кўзум ойинаси”, таносуб санъатига “майкада”, “жом”, “бода”, “мамлакат”, “обод”, “эл”, “шоҳ”, “зуҳд”, “пири муғон”, ташхис санъатига “шабнам”, “кўнгил ваҳшиси”, китобат санъатига “лом ила пайвастадур зулфини долига боқ”, “лом ила долига боқ” кабиларни келтиришимиз мумкин.

Ғазалда “май”, “майхона”, “жом”, “соқий” каби тасаввуфӣ маънода қўлланган бадий тимсолларга мурожаат этилган, ғазалнинг моҳиятида эса илоҳӣ ишқ кўзда тутилган. Байт:

*Эй кўзум ойинаси, ёр жамолига боқ,*

*Жавҳари жон орзу қил, ул хату холига боқ.*

Ғазал бошдан охиригача лирик қаҳрамоннинг кўзга мурожаати асосига қурилган. Кўз кўриш орқали атрофдаги барча ахборотни қабул қилади. Шунинг учун матлаъда ошиқ кўзидан ёрнинг гўзал жамолига боқиб, унинг нозик холига бир бор назар ташлашини сўрайди. Шу орқали маҳбубанинг жон жавҳарини орзу қилган ошиқ майли бироз бўлса-да босилади. Байт:

*Савмадин майкада файзи фараҳбахш эрур,*

*Жом сафосини кўр, бода зилолига боқ.*

Ошиқ учун эса майхона барча шодликларни бағишловчи файзли маскан. Майхонада жомнинг жарангидан ва тиниқ сувли шаробнинг маишатидан ошиқ маст бўлади. Тасаввуфда майхона – оқил, доно, камолотга етган кишиларнинг илоҳиёт, ишқ ҳақида мажлис қурадиган, Аллоҳ номи муттасил зикр этиладиган жой, яъни маърифатхона; жом – камолга етган кишининг қалби; бода эса иймон рамзидир. Камолга етишишни истаган ошиқ қалби Аллоҳ номини муттасил зикр этиш орқали иймон нури билан ёришиб бормоқда. Байт:

*Кўйи эса орзу, сайри чаман айлағил,  
Қаддига муштоқ эсанг, сарви ниҳолига боқ.*

Байтда шоира ошиқнинг кўнглида кечадиган ёқимли, қийноқ азобларни қаламга олар экан, ёр дардида бўлсанг, чаманда сайр қил. Қаддига муштоқ бўлсанг эса, боғдаги сарв ниҳолига боқки, кўнгилда нотинчлик йўқолиб, таскин топади, – дейди. Байт:

*Телба кўнгул хатидин машқи жунун айлади,  
Ёр юзи шавқида тоза хаёлига боқ.*

Лирик қаҳрамоннинг телба кўнгли юзу хатидан ўзини йўқотган, жиннилик ҳолатига тушган. Ошиқ мажнунлик қилаётган экан, ёр юзини кўриш истагини унинг тоза хаёли билангина қондириш мумкин. Бошқа ҳеч нарса бунга қодир эмас. Байтда шундай мазмун баён этилмоқда. Байт:

*Бўлди кўнгул ваҳшиси сунбули зулфига банд,  
Шерни сайд айлади чашми гизолига боқ.*

Шоира маҳбубга ошуфталикни ноёб тасвирларда ифодалайди. Жумладан, у биринчи мисрада кўнгулни бўйсунмас ваҳшийга қиёслар экан, уни фақатгина сунбулсифат зулфи билангина ром этиш мумкинлигини гўзал тасвирлайди. Иккинчи мисрада маҳбубининг кўзи тасвир объектига айланади. Унинг оху каби кўзи, ҳатто, шерни ҳам ўзига банд эта олганидан ошиқ ҳайрат изҳор этади. Байт:

*Зулфини андешаси дилда десам тонг эмас,  
Лом ила пайвастадур зулфини долига боқ.*

Ёр зулфининг хаёли ошиқ дилидаги туғёнларни кўзғатиб юборди. Биргина зулфи эмас, ёрнинг қоши, кўзи, юриши, қомаги – бошидан оёғигача ошиқ дилига оташ солди. Ишқнинг моҳияти ошиқ қалбадаги, руҳиятидаги бу ўзгаришлар ва кўнгилнинг ёрга бўлган муҳаббати, интилиши натижасида намоён бўлади. Шоира мазкур байтда китобат санъатидан усталик билан фойдаланиб, маҳбуба зулфини “лом” ҳарфига ташбеҳлантирмоқда. Байт:

*Бошдин аёғи анинг дилга далолат қилур,  
Бовар агар бўлмаса, лом ила долига боқ.*

Мазкур байтда ҳам олдинги фикр давомини кўрамиз. Унда ҳам шоира китобат санъатидан фойдаланиб, “Дил” сўзининг араб ёзувидаги ҳарфларига эътиборни тортади. Ундаги “лом” ва “дол” ҳарфларини тилга олар экан, улар орқали маҳбубанинг зулфи ва қаддини назарда тутди. Ёр бошдан то оёғигача дилга оташ солди. Агар ишонмасанг, лом билан долига боқ, дея уларнинг мумтоз адабиётдаги анъанавий мазмунига ишора қилади. Байт:

*Ҳарнаки шайдо кўнгул шавқида иншо қилур,  
Ишқни мазмунидур, сўзни маолига боқ.*

Шайдо кўнгил ниманики ёзар экан, унда албатта ишқ мазмуни мужассамлашади. Шундай экан, ҳар бир сўзни чуқур тушунишга ҳаракат қил. Маъносига боқ. Ундан улкан маърифат топасан, – дейди шоира. Бу билан ижодкор биргина “Кун” сўзи билан оламнинг яралганига ишора қилмоқда. Биргина байтда сўзнинг қудратини, унинг буюклигини намоён этиб бермоқда. Байт:

*Мамлақати ҳусн анинг даврида обод ўла,  
Ҳусн элининг шоҳидур жоҳу жалолига боқ.*

Ҳусн мамлақатининг ободлиги унинг биландир. Маҳбуба ҳусн элининг шоҳи. Унинг улуғлик мартабасининг боиси ҳам худди ана шунда, – дея ғурурланади шоира. Байт:

*Зухду риёйи била ноқис эрурсан ҳануз,  
Пири муғон хизматин айла, камолига боқ.*



Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон ошиқнинг камчиликлари кўплигини, майхоначи, яъни тўғри йўл кўрсатувчи устознинг хизматини қилиб, камолотга эришувини маслаҳат беради. Дунёдан воз кечиб, тоат-ибодатда яшасанг ҳам, ҳали камчиликларинг кўп. Шунинг учун пири муғоннинг хизматини қилиб, камолига боқ. Шунда биласанки, пири комилни ўзига устоз деб билган шогирд ниҳоят машаққатли меҳнати эвазига комилликка етишади, – дейди. Байт:

*Тер юзунг атрофида гулдаги шабнам каби*

*Комиланинг васфида дурри мақолига боқ* (Н1;220-221).

Мақтада шоира ёр юзининг атрофида пайдо бўлган терни, худди гулга тушган шабнам кабилигини эътироф этади. Ва Комилани таърифласанг, унинг сўз инжусига боқ, – дея фикрини хулосалайди.

Шоиранинг “*Этиб*” радифли ғазали ҳам анъанавий 7 байтдан иборат. ошиқона йўналишда бўлиб, арузнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Тақтеъси куйидагича: - V - - / - V - - / - V - - / -V -. Ғазал муқайяд тарзда қофияланган. Қофияланган сўзлар “*жавлон, қон, ҳайрон, қурбон, султон, эҳсон, саргардон, афгон*”. “*Этиб*” сўзи радифга олинган. Равий “н” товуши бўлиб, “о” унлиси ридф ҳисобланади. Ғазал ёрнинг бепарволигидан куйган, ҳижрон азобига мубтало бўлган маҳбуба изтиробларидан сўзлайди. Байт:

*Чиқди ул гулгун қабо майдон аро жавлон этиб,*

*Ғамза тиғи бирла ошиқни юрокин қон этиб.*

Ғазалнинг биринчи байтида маҳбуба алвон тўн кийиб пайдо бўлиши билан, ошиқнинг юраги ғамза тиғи билан жароҳатланганлиги ҳақида сўзланади. Байт:

*Маҳвашим майдон аро бепарда жавлон айлади,*

*Эл кўзин ойнадек дийдорига ҳайрон этиб.*

Иккинчи байтда лирик қаҳрамон ёрини “*маҳвашим*” дея эркалаб, унинг ниҳоятда келишган ва гўзал эканлигини эътироф этган ҳолда, шу

гўзаллигини кўз-кўз этиб, ҳаммани хайратга солиб, эл орасида бемалол юрганидан хавотирланади. Байт:

*Новаки мижгонлари қатлимга таркиш боғламиш,*

*Чоклик кўнглумни қоши ёсига қурбон этиб.*

Кейинги байтда маҳбуба яраланиб ётган кўнглининг ёрнинг камон кошлари учун қурбон бўлишини, “новаки мижгонлар” яъни узун қайрилма киприклари эса тирқиш боғлаб, уни қатл қилишга чоғланишини айтади. Мумтоз адабиётда кўзни жаллод, жон олувчи сифатида таърифлаш анъана ҳисобланган. Масалан, Огаҳийнинг “Устина” радифли ғазалида ҳам “жаллод кўзлар” кош туклари билан сулҳ тузиб, ошиқни қатл этишга уринади. Нодиранинг ғазалида эса ёрнинг киприклари қатлга ошиқиб, маҳбубани кошга осмоқчи бўлади. Шу билан бирга гўзал шахслантириш орқали шоира ёрнинг қоши ва киприкларини мақтаб ҳам ўтади. Байт:

*Ул худовандеки, қилди еру кўкни ошкор,*

*Шукрим, бизни гадо қилди, сани султон этиб.*

Юқоридаги байтларда ғазалдаги ишқ айнан кимга қаратилгани аниқ эмасдек, гўё. Лекин тўртинчи байтга келиб Нодира шеърни турмуш ўртоғига бағишлаб ёзганлиги аниқ бўлади. Демак, ёр – Амир Умархон. Байтда лирик қаҳрамон ёрни улуғлаб, Аллоҳ **ер-у кўкни** зоҳир айлаганда сени султон қилиб яратди, –дейди. Малика бўлишига қарамай, ўта камтарлик билан ўзини гадо деб атайди ва шундай яралгани учун Худога шукр айтади. Байт:

*Бўйлаким мумтоз эрурсан барча султонлар аро,*

*Шод қилгил бандаларнинг кўнглини эҳсон этиб.*

Навбатдаги байтда лирик қаҳрамон ёрига мурожаат қилиб, султонлар ичида энг сараси ўзингсан, шу боис биз қулларга бир назар ташлаб **хайр-у саховат** қил ва кўнгилларимизни шод эт, –дея хитоб қилади. Қолаверса, шоира бу байтда султонга қарата, оддий халққа ҳам эътиборли бўлиб, эҳсонлар қилиши кераклигини эслатаётгандек, гўё. Байт:

*Мубталомен то асири зулфи пуртобинг ўлам,*

*Қил мени озод бошинг узра саргардон этиб.*

Юқоридаги байтларда ошиқ маҳбубага қул эканлигидан хурсанд эди. Ҳатто бу тақдир учун Яратганга шукр айтиб турган эди. Навбатдаги байтда эса энди у озодлик истаб ёрига мурожаат этар экан, мубталолигини ваз қилиб, унинг нузли сочларига, яъни зулфига асир эканлигини айтади. Ёрнинг зулфи билан чирмаб боғланган ошиқ, ёр атрофида айлана-айлана боғламни очиб, озод бўлишини тилайди. Бу озодлик ҳурлик маъносидаги озодлик эмас, албатта. Шу ўринда *бош узра саргардон бўлиш* жумласини ёритадиган бўлсак, халқ орасидаги бало-қазоларнинг олдини олиш учун садақа қилинадиган нарсанинг бош узра уч марта айлантириб олиниши ҳақида биламиз. “*Гиргиттонинг бўлай*”, “*бош-у кўзингга садқа бўлайин*” деган иборалар ҳам бежизга айтилмайди. Лирик қаҳрамонимизнинг мақсади ҳам айнан шу. Юқоридаги бир байтда ёрининг кўзикишидан, назарланишидан хавотирда бўлган ошиқ, ҳамонки ёр унга эътиборсиз экан, энди уни балолардан қутқариб қолиш учун боши узра садқа бўлиб, сўнг озод бўлишни иштайди. Байт:

*Боқмадинг бир лутф ила, эй бемурувват сангдил,*

*Комила ҳажрингда йиғлар нолау афгон этиб* (Н1;220-221).

Мақтаъда ошиқ ёрининг жафокашлигидан азият чекиб, уни бемурувватликда айблаб, “*сангдил*”, яъни “*тошюрак*” деб атайди. Комила - “*ком*” – тилак, истак ва “*ила*” сўзларининг йиғиндиси, яъни хоҳиш-истак ила маъносини ҳам касб этади. Байтдан англашилишича, ёрнинг тошюраклигидан жабрланган лирик қаҳрамон умид ила нола-ю афгон чекишини ошкор этади.

Хулоса қилиб айтганда, ғазалда шоиранинг ўз ёрига бўлган кўнгил кечинмалари, соғинчи, ишқий мурожаатлари ва ёрга эътирофлари акс этган.

Байтнинг биринчи мисрасидаги “а” ва “о” товушлари тавзеъ санъатини ҳосил қилган. Ғазалда қўлланган шеърий санъатлар “*гулгун қабо*”, “*гамза тиги*”, “*новаки миғсон*”, “*чоклик кўнгул*”, “*зулфи пуртоб*”, “*бемурувват*”, “*сангдил*” – истиора, сифатлаш, “*юракин қон этиб*” – муболаға, “*ойнадек*” – ташбеҳ, “*қурбон этиб*”, “*таркиш боғламиш*” – ташхис, “*қатл*”, “*қурбон*” –

таносуб, “қилди” – тақрир, “ер-у кўк”, “гадо”, “султон”, “Султонлар”, “бандалар”, “лутф”, “бемурувват” – тазод, “шод қилгил бандаларнинг кўнглини эҳсон этиб” – ҳусни талаб. “асир”, “озод” – тазод; “зулф”, “бош”, “ҳажр”, “нолау афгон” – таносуб, “Эй бемурувват” – нидодан шоира ўринли фойдаланган.

“Манга ишқ ичра савдойи жунун бас...” ғазали Нодиранинг орифона мазмундаги ғазалларидан бири ҳисобланади, шу билан бирга ғазалда ошиқона ғазалга хос белгиларни ҳам кузатамиз. Ғазалда, асосан, форсча сўзлардан қофия сифатида фойдаланилган. “Жунун, нигун, аргунун, лолагун, раҳнамун, дарди дарун, қуюн, хун” сўзлари қофияланиб келади. Такрорланувчи сўз, яъни радиф “бас” сўзи. Равий “н” товуши. Ридф “о” товуши. Байт:

*Манга ишқ ичра савдойи жунун бас,  
Жаҳон иқболидин бахти нигун бас.*

Ғазал матнидан аён бўлиб турибдики, дастлабки байтни шоира илоҳий ишқ ичида унга телбалик хос эканлиги, жаҳон давлатидан бир эгик иқбол-бахт унга етарли эканлиги билан бошлаган. Байтда “бахт” ва “иқбол” сўзлари таносуб шеърӣ санъатини, “иқбол” ва “савдойи” сўзлари тазод шеърӣ санъатини келтириб чиқарган. Байт:

*Бу базм ичра фигону нолишимдин,  
Навои чангу савту аргунун бас.*

Иккинчи байтда дабдабалар ичида ҳар қандай куй, чангу аргунунлар садосиданда дод-фарёдининг садоси ортиқроқ эканлигини айтади. Чунки ошиқ учун ҳар қандай куй, соз овозидан кўра мана шу илоҳий ишқ дардида, қийинчиликлари кўйида қилган дод-фарёди устунроқдир. Байтда ҳам “чанг”, “савт”, “аргунун” сўзлари ўзаро бир уяга мансуб сўзлар бўлгани учун таносуб, “базм” ва “фигон” сўзлари эса ўзаро зидланиб тазодни юзага келтирган. Байт:

*Манга дайр ичра асбоби тажаммул,  
Суроҳи бирла жоми лолагун бас.*

Бизга маълумки, “жом” сўзи мумтоз адабиётимизда илоҳий ишқ, яъни Аллоҳ ишқи қуйиладиган идиш, кўнгил рамзидир. Шоира учинчи байтда ушбу рамздан фойдаланади ва мана шу Аллоҳ ишқининг ошиқ кўнглига қуйилиши унинг учун кифоя эканлигини айтади. Бу майхона ичида қадахлар ва қизил май идишлар унинг хурсандчилигининг сабаби эканлиги учинчи байтда таъкидлаб ўтилган. Байтда “лолагун” сўзи истиора, “жом” ва “суроҳи” сўзлари таносуб санъатини келтириб чиқарган. Байт:

*Анинг кўйига ҳар тун азм этарга,*

*Чароғи барки оҳим раҳнамун бас.*

Тўртинчи байтда илоҳий ишқнинг кўчасидан ҳар тун ўтишида унга қалбидаги дардли оҳи, яъни Аллоҳга бўлган ишқи йўл кўрсатувчилик қилгани айтилади. Байтда “тун” ва “чароғ” сўзлари зидланиб, тазод санъатини ифодалайди. Байт:

*Ҳалок этмак учун душманларига,*

*Ғаму ҳасрат била дарди дарун бас.*

Ҳақиқий ошиқ учун ҳақиқий бахт илоҳий ишқ учун ғам-ҳасрат чекиш, зоҳирий дунё ўйин-кулгуларидан воз кеча олишдир. Бешинчи байтда шоира мана шу маънода душманларни, яъни зоҳирий дунё ўйин-кулгуларини енгиш учун ботиний ишқ йўлидаги ғаму ҳасратнинг ўзи кифоя эканлигини айтади. Байтда “ғам” ва “ҳасрат” таносуб, “дард” ва “дарун” сўзлари иштиқоқ санъатини юзага келтиради. Байт:

*Жунун даштини саргардонидурмен,*

*Рафиқим ушбу водийда қуюн бас.*

Олтинчи байтда эса телбалик дашти, яъни жунун водийсининг бир саргардони эканлиги ва бу водийда унга қуюнлар йўлдошлик қилаётганлиги айтилади. Байтда “дашт”, “водий” сўзлари таносуб санъатини юзага келтирган. Байт:

*Муҳаббат доғини изҳор этарга*

*Юракда, Комила, бир қатра хун бас (Н1;220-221).*

Сўнги байтда шоира Комила юрагидаги бир қатра қон ушбу муҳаббатнинг изҳори учун, намоён бўлиши учун кифоя эканлигини айтиб ўтган. Байтда шоира “*Комила*” дея ўзига мурожаат қилиб нидо шеърий санъатидан, “*бир қатра хун*” сўзлари орқали эса муболаға шеърий санъатларидан фойдаланган.

Нодира лирикасида инсон ҳаёти ва тақдирининг бадий талқин-мушоҳадаси ўзининг теран ва нафислиги, ҳис-туйғуларга бойлиги, образлилиги, бадий бўёқдорлиги ва таъсирчанлиги, шоира шахсиятидан яралган туйғулар реализми, инсон қалбига йўл топаётган содда ва самимий сатрларда ифодасини топган. Шоира шеъриятида лирик қаҳрамоннинг мураккаб, зиддиятли, турфа хил тўлғонишларга, ҳис-туйғуларга, эҳтиросларга бой бўлган қалбининг ўзига хос талқинларининг бадий ифодаси тўлақонли тасвирланган. Нодира бадий санъатлардан унумли фойдаланган ҳолда инсон тақдири ва кечинмаларининг бадий мушоҳада-талқинларини ёрқин бўёқларда санъаткорона кўрсата олган. Шу боисдан ҳам шоира шеъриятини ҳақиқий маънодаги юксак лирика намунаси деб баҳолашимиз мумкин.

Рухий изтироблар поэтик ижоднинг мағзи ва ажралмас таркибий қисми бўлиб, лирик кечинма, асосан, кўнгилнинг бир лаҳзалик тасвирини берса ҳам, бу ҳол поэтик таассуротнинг онийлигини билдирмайди. Балки Нодира ғазалларининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Нодира ғазаллари мазмуни рухий изтироблар тасвири, поэтик воқелик, моддий ёки рухий-психологик асосларга эгалиги билан бадий-эстетик залвор касб этади. Мазкур жиҳатни шоира шахсияти белгилаб беради. Нодира ғазалларидаги лирик кечинмалар ифодасида ақл ва туйғу тенг иштирок этса-да, бу ҳол шоира шеъриятида турфа даражада акс этади. Яъни, лирик кечинманинг мазмуни шеърий асардаги бадий образлар, лирик вазиятлар, лирик сюжет ва ҳоказоларнинг ҳиссий-эмоционал бўёқларида ўзининг ифодасини топади.

### **Боб бўйича хулосалар:**

1. Анъанавий мавзулар, мумтоз шеъриятимиз вакиллари ижодида бўлганидек, Нодира лирикасида ҳам кўламдор мавқега эга. Унинг асосини анъанавий ишқ ва бадийлик ташкил этади. Адабий издошлик, анъанавийлик асосида яратилган Нодира асарлари мазмунан янада чуқурлаштирилган ва бойитилган.

2. Шеър бадииятини унинг жанри, ғояси, мазмуни, етакчи туйғу-кечинмаси оҳанги ва пафосигина эмас, балки юқорида саналган шеърий унсурларнинг ифодадаги уйғунлиги белгилайди ва бу шоира истеъдодининг даражаси юқори эканлигини кўрсатади.

3. Шоира ўз асарлари орқали замондошлари қалбига эзгулик, меҳр-муҳаббат, инсоннинг ғанимат эканлиги, ғанимат дунёда ўзидан яхши ном, эзгу иш қолдиришга шошилиш кераклигини билдиришга ҳаракат қилган.

## ХУЛОСА

Нодира томонидан яратилган бебаҳо яратикларни бадиият мезонлари асосида ўрганиш, шоира поэтик оламининг шаклланиш, такомиллашув омиллари ва ўзига хос хусусиятларини изчил тадқиқ қилиш, айти вақтда, муайян мумтоз ўзбек адабиёти тараққиёт тамойилларини ёритиш имконини беради. **Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:**

1. Нодира бадиият оламини шакллантирган омиллар сифатида: 1) Қўқон адабий муҳити таъсири: а) *турмуш ўртоғи Умархоннинг саъй-ҳаракатлари*; б) *Жаҳон отин Увайсий сабоқлари*; в) *Нодира раҳнамолигида ижод қилган шоиру-шоираларнинг ўзаро адабий алоқадорлиги*; 2) диний-маърифий, фалсафий-тасаввуфий ва ахлоқий-маънавий қадриятлар; 3) туркий ва форс-тожик адабиёти таъсирини кўрсатиш мумкин.

2. Форс тожик адабиёти вакиллари: Абдураҳмон Жомий, Қосим Анвор, Мирзо Бедил ҳамда туркий адабиёт вакиллари: Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Фузулий анъаналарининг давомчиси, издоши сифатида Нодира бетакрор бадиий асарлар яратиб, бу икки адабиёт ўртасида ўзига хос кўприк бўлган, моҳир зуллисонайн шоира сифатида юксак мавқега эришган.

3. Шоира шеърятининг асосий ғоясини ифодалар экан, лирик қаҳрамон кечинмаларини тасвирлашда поэтик пейзаж, поэтик вазият, поэтик оҳанг, шеърый ритм, поэтик кўчимлардан моҳирона фойдалана олганлигини таъкидлаш лозим. Нодира лирикасида инсон кўнгли ва тақдирининг бадиий инкишофи-мушоҳадаси ўзининг нафислиги, ҳис-туйғуларга бойлиги, образлиги, бадиий бўёқдорлиги ва таъсирчанлиги самимий сатрларда ифодасини топган.

4. Шоира ғазалларида ирфоний ғоялар талқини *кўнгул* тимсоли воситасида амалга оширилган. Кўнгил лирик қаҳрамоннинг ишқ ошёни сифатида шоира томонидан нозик анланган. Лирик қаҳрамон руҳияти ботиний-зоҳирий тасвир асосида кўнгил сирлари ва унга дахлдор кечинмалар



таъсирчан мисраларда очиб берилган. Шоира яратикларида лирик қаҳрамон тимсолида ижодкор кўнгли ҳам ўз бадий ифодасини топган.

5. *Кўнгул* шоира ғазалларининг етакчи мазмун йўналишини таъминлаган асосий образ даражасига кўтарилган. У шоира “*мен*”и, *ошиқ*, *ориф*, *дўст* тимсоллари билан муштараклашган. Бундай уйғунлашув Нодира лирикасида ғоянинг юксаклиги, дарднинг чуқурлиги, шаклнинг бетакрорлиги бадий асарнинг гўзаллигини таъминлаган.

6. Нодира 10 дан ортиқ лирик жанрларда асарлар яратган. Ғазаллари, асосан, 7-9 байтли. Девонларида бандли шеърларнинг турли намуналари учрайди. Жумладан, 11 та мухаммас, 2 та мусаддас, 2 та мусамман, 1 та фироқнома-муашшар, 1 та таржеъбанд, 1 та таркиббанд ва 10 та қасида мавжуд. Нодира шеърятининг жанрий таркиби анъанавий. Аммо, шунга карамай, Нодира уларни ўзига хос ноёб топилма ва янгиликлар билан ҳам бойитган. Жумладан, мумтоз адабиётимиз тарихида, фақат, Моҳларойим Нодира ижодидагина фироқнома-муашшар жанри учрайди.

7. Нодира мухаммасларини шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1.Мухаммаси тахмис; 2. Мухаммаси тазмин; 3. Мухаммаси таъби худ. Нодиранинг 2 та мухаммаси тахмис мухаммас бўлиб, бири Алишер Навоийнинг ва иккинчиси Мирзо Бедилнинг ғазалига боғланган тахмисдир. Нодира ушбу мухаммасда Алишер Навоий ва Мирзо Бедил ғазалларидаги чуқур ҳаётий фикрларни давом эттирган. Шоиранинг яна бир мухаммаси Машрабнинг мухаммасидан илҳомланиб, нотўлиқ тазмин мухаммас сифатида битилган. Нодиранинг қолган саккизта мухаммаси таъби худ мухаммасдир.

8. Нодиранинг таъби худ мухаммасларини қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1) Хонни васф этувчи, ҳасби ҳол типидagi таъби худ мухаммас; 2) бағишлов типидagi таъби худ мухаммас; 3) фироқнома йўлидаги ҳолия таъби худ мухаммас. Шоиранинг хонни васф этувчи ҳасби ҳол типидagi таъби худ мухаммаслари унинг умр йўлдоши Амирий ҳаётлик чоғида ёзилган бўлиб, уни 2 та кичик гуруҳга: а) ҳижрон, айрилиқ ва бепарволикда

айблов таъби худ мухаммасга; б) хонни мадҳ этувчи ҳолия таъби худ мухаммасга ажратиш мумкин.

9. Нодиранинг мусаддаслари ва мусамманлари мустақил яратилган бўлиб, қофияланиш тартиби бироз ўзгача. Ушбу жанрдаги бандли шеърларнинг сўнгги икки мисраси рефрен тарзда қофиядош қилиб битилганлиги билан ажралиб туради. Нодиранинг икки мусаддаси гарчанд икки тилда яратилган бўлса ҳам, ғоявий жиҳатдан бир-бирини тўлдириб келган. Воқеалар тизими кетма-кет, боғлиқ тарзда тасаввур уйғотади. Нодиранинг рефрен мусамман – тазмини Бобораҳим Машрабнинг рефрен мусаддасидан илҳомланиб ёзилган бўлиб, нотўлиқ мусаммани тазмин ҳисобланади.

10. Таржеъбанд намуналари мумтоз адабиётда кам яратилган бўлиб, ҳамма шоирлар девонида ҳам мазкур жанрдаги асар учрайвермайди. Нодира етуклиги ана шу жанрдаги асарининг мавжудлиги ва юксак маҳорат билан яратилганида ҳам намоён бўлган. Нодиранинг таркиббанди фироқнома руҳида битилган бўлиб, ҳар қайси банд охиридаги икки мисра мустақил оҳангдошликка эгадир. Нодира қасида жанрида ҳам салмоқли қалам тебратган шоира. Унинг 1 та ўзбек тилида, 9 та форс-тожик тилида битилган қасидаси мавжуд. Нодира девонига киритилган барча қасидалар унинг умр йўлдоши Умархон вафотидан сўнг ёзилганлиги сабабли фироқнома руҳида, қасидаи ҳолия типиде битилган.

11. Нодира лирикасида салафлар шеърлятига татаббуънавислик уч йўналишда ривожланган: Биринчидан, ўзбек мумтоз шоирлари, хусусан, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Амирий ва Ҳувайдо шеърлярига татаббуъ боғлаш; Иккинчидан, форс-тожик шоирлари, хусусан, Ҳофиз, Жомий ва Мирзо Бедил шеърлярига татаббуънавислик; Учинчидан, озарбайжон шоири Фузулий шеърлятига татаббуъ боғлаш шаклида ривожу равнақ топган. Шоиранинг адабий издошлик, анъанавийлик асосида яратилган татаббуъ – назира ғазаллари татаббуъланмиш асарнинг мазмунан

чуқурлаштирилган, бойитилган, янгиланилган кўриниши сифатида юзага келган.

12. Шоира ижодида шеърий санъатлардан фойдаланар экан, қуйидаги тамойилларга амал қилган: Биринчидан, шоира маъно ва бадиият уйғунлигини биринчи ўринга қўяди. Нодира шеъриятида ҳар қандай бадиий санъат – бу восита; Иккинчидан, шоира ҳар доим асарларида ғоявий-бадиий яхлитлик ва композицион мукамалликка алоҳида эътибор қаратади. Нодира ижодида энг кўп қўлланилган шеърий санъат – талмех санъати.

13. Лирик асарларида қўлланилган қофия, вазн шоира услубига хос поэтик изланишлар натижасидир. У ўз салафлари каби аруз вазнининг барча баҳрларида, яъни мухтараъ баҳрларда ҳам, мустаъмал баҳрларда ҳам ижод қила олган. Нодира мухаммасларида рамали мусаммани маҳзуф (мақсур), ғазалларида эса рамали мусаддаси маҳзуф, ҳазажи мусаммани солим, ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мақсур) вазнлари етакчилик қилган.

14. Шоира лирик асарлари орқали эзгулик, меҳр-муҳаббат, ғанимат дунёда ўзидан яхши ном, эзгу иш қолдиришга шошилиш кераклиги каби ғояларни тараннум этган. Инсонлар қалбига некбинлик туйғуларини улашган.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги // Халқ сўзи. 2018 йил 8 август.
2. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. –Тошкент, 2017 йил 4 август.
3. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –104 б.
4. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –56 б.
5. ЎзР Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари, Фанлар академияси аъзолари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, тижорат банклари раҳбарлари, етакчи олий ўқув юртлари ректорлари билан 2016 йил 30 декабрь куни бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқидан // Халқ сўзи, 2016 йил 31 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил, 13–сентябрдаги ПҚ–3271–сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори// Халқ сўзи. 2017 йил 14 сентябрь.  
<http://www.lex.uz/ru/docs/3338600?twolang=true>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши // Халқ сўзи, 2017 йил 13 январь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. – № 258 (6952).

## **II. Матн ва манбалар:**

9. Абдулвоҳиб бин Муҳаммад ал-Муфтий. Ажойиб ул-қисас. ЎзР ФА ШИ, 5379 рақамли кўлёзма асар. 288-варақ.
10. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. Олтин силсила: 1-жуз. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – 560 б.
11. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. ЎзР ФА ШИ, 7412/І рақамли кўлёзма асар. 31-варақ.
12. Ал-Малик бин Тождиддин Ҳасан Султон Муҳаммад. Туҳфат ул-мажолис. ЎзР ФА ШИ, 11036 рақамли кўлёзма асар. 191-варақ.
13. Амирий. Дебоча. ЎзР ФА адабиёт музейи, 403–рақамли кўлёзма. 25а–б–варақлар.
14. Амирий. Девон. I. Ўзбекча шеърлар (Нашрга тайёрловчилар А.Мадаминов, Э.Очилов, З.Қобилова, О.Давлатов). –Тошкент: Tamaddun, 2017. – 452 б.
15. Андалиб. Юсуф ва Зулайхо. ЎзР ФА адабиёт музейи, 413/V рақамли кўлёзма асар. 80-варақ (77 б-156 б).
16. Ансоб ус-салотин, 18–б-варақ.
17. Бедил. Девон. ЎзР Ислом академияси манбалар ҳазинаси бўлими кўлёмалар фонди, инв. 305. 26-варақ.
18. Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. ЎзР ФА ШИ, 10252 рақамли кўлёзма асар. 265-варақ.

19. Жалолоддин Румий. Ичиндаги ичиндадур. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 272 б.
20. Имом Муҳаммад Ҳанафия жангномаси. ЎзР ФА адабиёт музейи, 100/І. 39-варақ (16-39 б).
21. Комилов Н. Тимсоллар тимсоли // Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. – Тошкент: Камалак, 1991. –152 б.
22. Машраб. Девон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. –352 б.
23. Мирза Карим. Моҳларойим. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. –98 б.
24. Mohammed Rateb al-Nabulsi. Encyclopedia of the names of Allah. – Damascus: عی زوتل او رشنل او عابطلل یبتکملل راد , 2007. –1216 p.
25. Муаллифи номаълум “Мақтулнома” (Имом Ҳусайннинг ўлдирилиши тўғрисида). ЎзР ФА ШИ, 9074/IV рақамли қўлёзма асар. 19-варақ.
26. Муаллифи номаълум. Қисас ул-анбиё вал мурсалин. ЎзР ФА ШИ, 7281 рақамли қўлёзма асар. 288-варақ.
27. Муаллифи номаълум. Муҳаммад Мустафонинг туғилиши. ЎзР ФА адабиёт музейи, 431/І рақамли қўлёзма асар. 2-варақ.
28. Мунтахаб ут-таворих. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, № 594 в.161а.
29. Муҳаммад ибн Али қиссаси. ЎзР ФА адабиёт музейи, 352/ІІ қўлёзма асар. 77-варақ.
30. Муъиниддин ибн Ҳожи ал-Фароҳий. Даҳ мажлис. ЎзР ФА ШИ, 506/І рақамли қўлёзма асар. 160-варақ (16-160а).
31. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик.18-жилд. – Тошкент: Фан, 2002. –304 б.
32. Навоий А. Ҳайрат ул-аброр. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. –392 б.
33. Навоий А. Лисон ут-тайр. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. –544 с.
34. Навоий А. Садди Искандарий. –Тошкент: Нашриёт–матбаа бирлашмаси, 1999. –365 б.

35. Навоий Алишер. Хайзойин ул-маъоний. Ғаройиб ус-сиғар. Биринчи том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 804 б.
36. Навоий А. Хазойин ул-маъоний. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. –256 б.
37. Навоий А. Хамса. –Тошкент: Янги аср авлоди, –496 б.
38. Нодир. Ҳафт гулшан. ЎзФА ШИ, инн № 1861. 8-саҳ.
39. Нодира. (ғазал) / Нашрга тайёрловчи А. Қаюмов. –Тошкент: Ўздавнашр. Миллий адабиёт, 1958. –94 б.
40. Нодира. Асарлар. Икки жилдлик. I китоб. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968. – 484 б.
41. Нодира. Асарлар. Икки жилдлик. II китоб. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1971. – 487 б.
42. Нодира. Асарлар / Нашрга тайёрловчи Қаюмов А. 7-жилд, 1-китоб. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – 326 б.
43. Нодира. Девон (ўзбекча ва форс-тожик тилидаги ғазаллари) / Нашрга тайёрловчи М. Қодирова. –Тошкент: ЎзР ФА, 1963. –619 б.
44. Нодира. Девон. –Тошкент: Фан, 1963. – Б.621.
45. Нодира. Эй сарви равон: Ғазаллар. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи М.Қодирова. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. –144 б.
46. Нодира–Комила. II китоб. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2004. –372 б.
47. Нодира–Комила. Девон. Халқ мероси, –Тошкент: 2001. – 349 б.
48. Номурод ал-Мискин. Жомеъ ул-ахбор ул-қисас. ЎзР ФА ШИ, 4550 рақамли қўлёзма асар. 773-варақ.
49. Огаҳий М. Зубдат ут-таворих. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. –167 б.
50. Паэло Коэло. Алкимёгар. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. –184 б.
51. Собир Сайқалий. Абу Шихма бин Умарнинг дарра урилгани ҳақида ҳикоя. ЎзР ФА адабиёт музейи, 350/XIV рақамли қўлёзма.

52. Собир Сайқалий. Қиссаи Ҳасан ва Ҳусайн. ЎзР ФА адабиёт музейи, 431 / XXII рақамли қўлёзма асар. 8-варақ (264б-253б).
53. Собир Сайқалий. Ҳазрат Амир Ҳамза Соҳибқирон мусулмон бўлгонларин баёни. ЎзР ФА адабиёт музейи, 350/IV рақамли қўлёзма асар. 6-варақ (84б-89а).
54. Тухфатут таворихи хоний. ЛБ, 440, 84 а –варақ.
55. Увайсий. Девон. –Тошкент: Фан, 1959. –288 б.
56. Ўзбек халқ мақоллари. Икки томлик. 1 том. –Тошкент: 1987. –216 б.
57. Холис Тошкандий. Ашуро ойининг фазл ва фазоилларини баёни дурур. ЎзР ФА адабиёт музейи, 350/X рақамли қўлёзма асар. 13-варақ (134а-146а).
58. Холис Тошкандий. Биби Фотима ва Шаҳрибону ва Имом Ҳусайн қиссаси. ЎзР ФА адабиёт музейи, 350/I рақамли қўлёзма асар. 71-варақ.
59. Холис Тошкандий. Муҳаммад пайғамбарнинг ўғиллари Иброҳим тўғрисидаги шеърый ҳикоя. ЎзР ФА адабиёт музейи, 350/II рақамли қўлёзма асар. 13-варақ (72а-83б).
60. Ҳусайн Воиз Кошифий. Равзат уш-шуҳадо. ЎзР ФА ШИ, 9165/II рақамли қўлёзма асар. 62-варақ (74б-135а).

### **III. Илмий-назарий адабиётлар:**

61. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. –Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 216 б.
62. Абу Ҳамид ал Ғазали. Воскрешение наук о вере. –Москва: Наука, 1980. – С.238.
63. Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2–том. –Тошкент: Фан, 1979. –448 б.
64. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати / Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. таҳрири –Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –361 б.



65. Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI-XIX аср I ярми). Ўқув кўлланма. –Тошкент: Фан, 2006. –240 б.
66. Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. (XVI– XIX аср I ярми). – Тошкент: Фан, 2009. –250 б.
67. Айний С. Нодира, Увайсий, Махзуна. (Ватанимизнинг ажойиб кишилари хақида суҳбатлар). 1949. –157 б.
68. Айний С. Нодира. Намунаи адабиёти тоҷик, 1926. –137 сах.
69. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Форсчадан А.Рустамов таржимаси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. –174 б.
70. Аристотель. Поэтика. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. –234 б.
71. Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. –Москва: Художественная литература, 1975. –502 с.
72. Белинский В.Г. Поэзиянинг жинс ва турларга бўлиниши. Ойбек таржимаси. –Тошкент: Ўздавнашр, 1955. –138 б.
73. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. –Москва: Наука, 1965. – 527 с.
74. Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент: Ўқитувчи. 1979. –288 б.
75. Брагинский И. Из история таджикской народной поэзии. –Москва: Наука, 1956. –524 с.
76. Брюсов В. Сочинение в двух томах. Том II, –Москва: Художественная литература, 1987. –576 с.
77. Бушмин А. Наука о литературе. Проблемы. Суждения. Споры. –Москва, 1980. – 334 с.
78. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. I-II жилд. –Тошкент: Халқ мероси, 2002. –175; 304 б.
79. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. –Бухоро: Бухоро, 1994. –187 б.
80. Ҳаққулов И. Шеърят руҳий муносабат. –Тошкент: 1989. –240 б.
81. Гегель Ф.В. Эстетика. Том-3. –Москва: Искусство, 1971. –С.504.
82. Горький М. О литературе. –Москва: Гослитиздат, 1955. –902 с.

83. Гринберг Р.Ф. Об искусстве. –Москва, 1971. –337 б.
84. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш- шуаро”дан). –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. –210 б.
85. Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз сеҳри. –Тошкент, 2011. – 475 б.
86. Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. –Тошкент: Ўзадабийнашр, 1959. –266 б.
87. Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 224 б.
88. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. –Тошкент: Ўзадабийнашр, 1961. – 266 б.
89. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –392 б.
90. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Тошкент: Фан, 1983. –187 б.
91. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. –Тошкент: Зарқалам, 2006. –162 б.
92. Кадырова М. Надыра (очерк жизни и творчества). –Тошкент: Фан, 1967. –188 с.
93. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Тошкент: Фан, 1993. – 96 б.
94. Каримов О. Мумтоз шеърят жанрлари. Услубий қўлланма. – Наманган: Наманган, 2015. –76 б.
95. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Тошкент: Ёзувчи, 1996. –448 б.
96. Комилов Н. Бу қадимий санъат. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 192 б.
97. Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. –462 б.
98. Мўминов И. Мирза Бедилнинг фалсафий қарашлари. –Тошкент: Ўзбекистон ФА, 1958. –104 б.
99. Мусулмонқулов Р. Татаббуъ // Ўзбек совет энциклопедияси. 10-Том. – Тошкент: 1987. – 855 б.
100. Мусулмонқулов Р. Персидско таджикская классическая поэтика X-XV вв. –М.: Наука, 1989. – 240 с.
101. Норматов У. Ижоднинг қўш қаноти. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. –188 б.

102. Носиров О ва бошқалар. Ўзбек классик шеърини жанрлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 184 б.
103. Орзибеков Р., Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. –Тошкент, 1977. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tazmin-uz/>
104. Пардаева З. Бадиий-эстетика тафаккур ривожини ва ўзбек романчилигини. – Тошкент: 2002.
105. Потебня А. Психология поэтического мышления. (Из лекций А.Потебни. Ст.сост. по студенческим записям лекций... Б.Лезиным). – Харьков: 1914. <https://relstud-hist.spbu.ru/articles/potebna-aleksandr-afanasevic>
106. Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. –Тошкент: Фан, 1995. – 155 б.
107. Раҳимов И, Ўтамурадов А. Фанларнинг фалсафий масалалари (Фан фалсафаси). –Тошкент, 2002. –180 б.
108. Ржевская Р.Ф. О семиотических исследованиях литературоведении // Семиотика и художественная творчество. –Москва: Наука, 1977. –369 с.
109. Роднянская И.В. Художественность КЛЭ., т.8. – Москва: Искусство, 1975. –802 с.
110. Рустамов А. Қофия нима? –Тошкент: Фан, 1976. –40 б.
111. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. –216 б.
112. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – 156 б.
113. Рустамов А. Юксак маҳорат соҳибини. Адиблар одобидан адаблар. – Тошкент: 2003. – 101б.
114. Сабридинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати. 2020. GlobeEdit, – 310 б.
115. Салоҳий Д. Навоийнинг шеърини услуби масалалари. –Тошкент: Фан, 2005. –206 б.
116. Салоҳий Д. Тасаввуф ва бадиий ижод. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Наврўз, 2018. – 190 б.
117. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Тошкент: Фан, 2004. –129 б.

118. Солижонов Й. Лирика латофати, насрнинг назоқати. –Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018. –237 б.
119. Серябрянов С.Б. Ибн Сино (Авиценна) о любви. –Тбилиси, 1976. –206 с.
120. Соатова Н. Анъанавийлик ва ворислик. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2019. – 140 б.
121. Султонов И. Адабиёт назарияси. –Тошкент, Ўқитувчи, 1986. – 405 б.  
Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва маромлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. –508 б.
122. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. IV-том. –Тошкент: ЎзР ФА, 1978. – 444 б.
123. Унатов У. Донолардан сабоқлар. –Тошкент: Халқ, 1994. – 187 б.
124. Уч шоира (Увайсий, Нодира, Маҳзуна). Тузувчи Ўткир Рашид. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1958. –140 б.
125. Фитрат. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Маънавият, 2000. –208 б.
126. Халлиева Г. Огаҳий мусамматлари. Монография. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2019. –160 б.
127. Хусайний Атоулло Маҳмуд. Бадоеъ ус-саноеъ. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. –398 б.
128. Худайбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Дарслик. –Тошкент: Шарқ, 2008. –368 б.
129. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –272 б.
130. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. –98 б.
131. Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. –325 б.
132. Шамси Қайси Розий. Ал-мўъжам. –Душанбе: Адиб, 1991. – 463 саҳ.
133. Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. –Тошкент: Ёш гвардия, 1983. – 216 б.

134. Шарафиддинов.О. Замон. Қалб. Поэзия. –Тошкент: Ўздабийнашр, 1962. –Б.20-21.
135. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. –Тошкент: Шарқ. 2004. –40 б.
136. Шомухамедов А. Традиция татаббуъ в творчестве Алишера Навои. – Тошкент: Фан, 1984. – 322 б.
137. Шомухамедов А. Ҳамкорлик самаралари. –Тошкент: Фан, 1982. – 56 б.
138. Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм тараққиёти. –Ташкент: Фан, 1984. –322 с.
139. Шукуров Н., Ҳотамов Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 230 б.
140. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 2-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. –672 б.
141. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Тошкент: 8-жилд. – 945 б.
142. Гафуров И. Лириканинг юраги. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. – 224 б.
143. Гаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. –Тошкент: Маънавият, 2001. – 64 б.
144. Гиёсиддин М. Гиёс ул-луғот, дар 3 жилд. – №. 1. – Душанбе: Адиб, 1987. –165 б.
145. Гиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. – 222 б.
146. Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. –Тошкент: Ниҳол, 2008. –167 б.
147. Қаюмов А. “Ҳайрат ул-аброр” талқини: Ижтимоий-фалсафий мотивлар. –Тошкент: Фан, 1977. –155 б.
148. Қаюмов А. Асарлар. 5-жилд. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. –367 б.
149. Қаюмов А. Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд. –Тошкент, 1993. –96 б.
150. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. –Тошкент: ЎзРФА, 1961. –361 б.
151. Қодирова М. Нодира ҳаёти ва ижоди. –Тошкент: Фан, 1965. –101 б.
152. Қодирова М. XIX аср ўзбек шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдири. –Тошкент: Фан, 1977. –184 б.

153. Қодирова М. Амирий. Адабий мерос. 2-китоб. –Тошкент: Фан, 1971. –56 б.
154. Қодирова М. Давр Нодираси. –Тошкент: Фан, 1991. – 112 б.
155. Қодирова М. Шеърят ва муҳаббат маликаси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1998. – 92 б.
156. Қосимов У. Ўзбек адабиёти ва танқидчилиги тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2006.
157. Қурони Карим. Юсуф сураси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Тошкент: Чўлпон, 1992. – 672 б.
158. Қуръони Карим. Таржима ва тафсир муаллифи шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 618-б.
159. Қуроноф Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Тошкент: Шарқ, 2004. –288 б.
160. Қўшжоноф М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. –232 б.
161. Ҳазрат Али ҳақида қиссалар. –Тошкент: Ёзувчи, 1992. –112 б.
162. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Тошкент: ЎЗР ФА, 1961. – 295 б.
163. Ҳайитметов А. Мерос ва ихлос. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. –203 б.
164. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. –Тошкент: Маънавият, 1998. – 160 б.
165. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. –Тошкент: 1991. –173 б.
166. Ҳаққулов И. Ижод иқлими. –Тошкент: Фан, 2009. – 388 б.
167. Ҳодизода Р., Каримов У., Саъдиев С. Адабиёти тожик. –Душанбе: Маориф, 1988. –416 б.
168. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? –Тошкент: 2001. –47 б.
169. Ҳомидов Ҳ. Авесто файзлари. –Т.: Ўқитувчи, 1988. –82 б.
170. Эшонқулова С. Миф ва шеърят. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – 48 б.
171. Эшонқулова С. Тарихий шахс сиймоси ва бадиият (Нодира шеърят мисолида). –Тошкент: Мумтоз сўз, 2013. –136 б.
172. Эшонқулова С. Нодира ижодини ўрганишда янгича ёндашув. –Тошкент: Vneshinvestprom, 2019. – 96 б.

173. Эшонқулова С. Нодиранинг лингвопоэтик маҳорати. –Тошкент: Vneshinvestprom, 2022. –224 б.
174. Elhac – Mehmed Kemal Pilavoğlu. Tasavvuf va ahlak. –Ankara, 1985. – 496 s.
175. Gulpinarli A. I. Tasavvuf'tan dilimize decin degimler ve ataso'zleri. – Istanbul, 1977. –136 s.

#### **IV. Диссертация ва авторефератлар:**

176. Адизова И. Увайсий шеърятда поэтик тафаккурнинг янгиланиши. Филол. фанлари доктори (DSc)... дисс. – Тошкент, 2020. –266 б.
177. Бозорова Н. А.Навоий ғазалларида кўнгул образи (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида). Фил.фан.ном.дисс. –Тошкент, 2004. –135 б.
178. Бозорова Н. А.Навоий ғазалларида кўнгул образи (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида). Фил.фан.ном.дис. автореф. –Тошкент, 2004. –25 б.
179. Назаров Б. Ислом агиографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг бадий услубий хусусиятлари (Баҳоуддин Нақшбанд мақомотлари асосида): Филол. фан. докт. ... дисс. –Тошкент, 2000. –267 б.
180. Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII–XIX асрлар ўзбек шеърятини асосида). Филол. фан. докт. ...дисс. –Тошкент, 1999. –292 б.
181. Ражабова М. Алишер Навоий ижодида фольклор жанр, мотив ва образлари стилизацияси. Филол. фанлари доктори (DSc)... дисс. ... автореф. – Бухоро, 2021. –71 с.
182. Рафиддинов С. Атойнинг поэтик маҳорати. Филология фанлари номзоди ... дисс. –Тошкент, 1993. –156 б.
183. Салохитдинова Д. “Бадоеъ ул-бидоя” девони ва бадий санъаткорлик масалалари. Фил.фан.ном.дис. автореф. –Самарқанд, 1993. –26 б.
184. Турдимов Ж.Б. Лирик кечинма табиати. Фил.фан.ном....дисс. –Тошкент, 1999. –130 б.

185. Турдимов Ж.Б. Лирик кечинма табиати. Фил.фан.ном....дисс. ...автореф. –Тошкент, 1999. –21 б.
186. Файзуллаев Б. Ўзбек шеърятда таттабуъ тарихи ва маҳорат масалалари. (XVII–XIX асрлар ва XX аср бошлари ғазалчилиги асосида) Фил.фан.доктори дисс.... –Тошкент, 2002. –162 б.
187. Ҳасанов С. Поэма “Сабаи сайёр” (Семь скитальцев) Алишер Навои в сравнительно-типологическом освещении: автореф. Дисс. ... доктора филологических наук. –Тошкент: 1990. –43 с.
188. Ҳошимхонов М. Бобораҳим Машрабнинг ижодий меросининг илмий-бадий адабиётдаги талқини (XVII-XVIII асрлар). Филол. фанлари доктори (DSc)... дисс. ... автореф. – Жиззах, 2022. –68 б.
189. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити (XVIII–XIX асрлар): Филол. фан. докт. ... дисс. –Тошкент, 1961. –563 б.
190. Қобилова З. Бадиий ижодда таъсир ва издошлик масалалари (Амирий шеърят мисолида). Филол. фан. докт. ... дисс. –Фарғона, 2020. –260 б.
191. Қобилова З. Амирий ва унинг адабий фаолияти. Фил.фан.номз.дис. автореф. –Тошкент, 2007. –126 б.
192. Қобилов У. Масих тимсолининг ўзбек мумтоз адабиётдаги бадиий талқини (XII-XV асрлар). Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 2001. – 144 б.
193. Қодирова М. Нодира ҳаёти ва ижоди: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1961. –182 б.
194. Қодирова М. XIX аср шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдири: Филол. фанлари докт. ... дис. – Тошкент, 1975. –307 б.
195. Эшонқулов Ҳ. Алишер Навоий ғазалиётда ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили (“Ҳазойин ул-маоний” мисолида). Филол. фан. докт. (DSc) ... дисс. –Бухоро: 2020. –270 б.
196. Эшонқулова С. Нодира шеърятда тарихий образлар талқини. Филол. фан. ном. ...дисс. –Тошкент, 2011. –157 б.



## V. Илмий тўплам, журнал ва газета мақолалари:

197. Абдушукурова С. Шоиранинг тақдири // Ўзбекистон–Contact, 1993. – № 9 (12). – Б. 26.
198. Абдуғафуров А. Алишер Навоий мусамматлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. №1. –Б. 33.
199. Абдуғафуров А. Кошки уйқуда бир кўрсам эди ёримни / ЎзАС, 1994. 6 май.
200. Адизова И. Муҳаббат ихтиёр эт... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993. 7 май.
201. Алавия М. Нодира // Ўзбекистон хотин-қизлари, 1957. № 4. – Б. 26–27.
202. Атаниязова М. Олим Шарафиддинов ва Навоийшунослик илми муаммолари// Алишер Навоий. Халқаро журнал. 1-қисм. –Тошкент: СамДУ, 2021. –Б.137-145.
203. Баубекова Г. Мутафаккир аёллар ва тарбия // Гулистон, 2000. № 2. – Б. 43.
204. Бобораҳимов М. Нодира шеърятига таъзим //Ўзбекистон матбуоти, 1995. – № 1. – Б. 49.
205. Бобораҳимов М. Моҳларойим ҳақида дардли қўшиқ /Халқ сўзи, 1994. 3-ноябрь.
206. Давлатов О. Алишер Навоий ғазалининг умумий мазмун-маъноси // Жаҳон адабиёти. 2022. №4. –Б.5.
207. Жалолов Т. Мактублар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992. 31 январь.
208. Жумахўжа Н. Рамзи ҳақиқат эрур ишқи мажоз // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. –Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 297.
209. Зуннун Х. Шоира Нодирахоним / Ўқитувчи газетаси, 1946. 17 май.
210. Зоҳидов В. Уч машҳур шоира //Шарқ юлдузи, 1957. № 4. – Б. 83–87.

211. Имомназаров М. Минтақа адабиёти ривожда тасаввуфнинг ўрни / Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. – Тошкент: ТДШИ, 2010. – Б.12–13.
212. Кўнчи Шарофиддин (Туроб Ш.) Нодирабегим / Миллий тикланиш, 2004. 16 июль.
213. Лутфулла Олим. Нодира // Билим ўчоғи, 1923. № 2 (3). –Б. 7–8.
214. Мадаминов А. Маърифатпарвар сиймо /ЎзАС, 1994. 6 май.
215. Муҳитдинова Н. Нодира шеърлятида тасаввуфий қарашлар талқини / Тасаввуф адабиётининг ўрганилиши ва таржимашунослик муаммолари. Республика илмий назарий анжумани материаллари, 2018. –Б.111.
216. Назруллаева Д. Нодираи даврон ғойи // Жаннат макон, 2006. № 5. – Б. 44–49.
217. Нодира (XIX аср биринчи ярмидаги сўз усталаридан бири шоира Нодира ҳақида) //Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1958. № 1. – Б. 35–45.
218. Очилов. Э. “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. –Тошкент: Машҳур пресс, 2018. – Б.334.
219. Рафиддинов С. Шариат, тариқат ва ҳақиқат // Нақшбандия, 2010. №1. – Б. 14.
220. Саломат Вафо. Баландлик / ЎзАС, 1994. 6 май.
221. Саримсоқов Б. Лирикада бадиий тафсил // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. № 5-6. –Б.10.
222. Сувон М. Лирик фожелик // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991. №3. –Б.7.
223. Тўхлиев Б. Таҳлил ва талқин уйғунлиги / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009. 23-сон.
224. Умарова З. Муқимий ижодида салафлар анъаналарининг намоён бўлиши // “Жомий ва Навоий: форс-тожик ва ўзбек илмий-адабий алоқалар” мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. –Тошкент: Навоий университети нашриёт матбаа уйи, 2020. –Б.226-229.

225. Хўжақулов С. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида мусаддас жанри ва унинг эврилиш тамойиллари // Сўз санъати халқаро журнали. 5-махсус сон. –Т.: 2020. 64-69. –Б.65. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-SI-5-11>
226. Шукуров Н. Индивидуал услуб ва бадиий тил // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. 3-сон, –Б.4.
227. Юнусова З. Нодираи Даврон / Ватанпарвар, 2007. 25 май.
228. Юсупова Д. Алишер Навоий тахмислари // Шарқ юлдузи. 2013. №2. –Б. 143.
229. Ўткир Рашид. Нодира // Ёркин ҳаёт, 1940. № 4. – Б. 12–15.
230. Ҳайитметов А., Ҳомидий Ҳ. Адабиётимизнинг бир шоҳ кўчаси / Адабий меросимиз уфқлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1997. –Б. 22.
231. Ҳаққул И. Ўзбек мумтоз адабиёти ва тасаввуфни ўрганиш муаммолари. Адабиётшунос Э. Очилов билан суҳбат // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. № 2. –Б.59.
232. Эргаш Қ. Анда бир оқил кўкалдош / ЎзАС, 1993. 15 январь.

#### **VI. Интернет сайтлари:**

233. <http://surxontongi.uz/sheriyatga-oshno-kungillar/>
234. <http://quronov.narod.ru/dkitk3.html>
235. [navoi.natlib.uz:8101/uz/devoni\\_foniy\\_davomi\\_un\\_tuqqizinchi\\_tom/izohlar/](http://navoi.natlib.uz:8101/uz/devoni_foniy_davomi_un_tuqqizinchi_tom/izohlar/)
236. <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/nodira/>
237. <https://kh-davron.uz/kutubxona/multimedia/nodira-firoqnoma.html>
238. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tazmin-uz/>
239. <http://www.samdu.uz>